

Жеймс Хедли Чейз

ДАНГИЛЛАМА
ХОВЛИДАГИ
ҮЛИМ

ДЕТЕКТИВ-САРГУЗАШТИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН

Жеймс Хедли Чейз

ДАНГИЛЛАМА ХОВЛИДАГИ ЎЛИМ



Детектив роман



«YANGI KITOB»
TOSHKENT
2020

УЎК: 821.111-312.4

КБК: 84(4Ббр)

Ч 34

Ч 34

Чейз, Жеймс Хедли.

Данғиллама ҳовлидаги ўлим [Матн]: детектив роман /
Жеймс Хедли Чейз. – Тошкент: Yangi kitob, 2020. – 304 б.

ISBN 978-9943-6327-4-5

УЎК: 821.111-312.4

КБК: 84(4Ббр)

Сирли қотиллик, бир-бираидан тушуниксиз гувоҳликлар, ноҳақ айбловлар ва түхмат адолатсизликка олиб келади. Ҳаммаси оддий муштлашувдан бошланган эди, бу машмаша катта изқуварликка сабаб бўлади. Издиҳомга аёлларнинг аралашуви воқеаларни янада чигаллаштириб юборади. Шов-шуви жиноят омма эътиборини тортади. Уни очиш учун каттагина пул тикилади. Бироқ жиноятчиларни топиш осон эмас. Бу ишини фақат биргина одам уddyалаши мумкин...

Ўткир сюжетларга бой ушибу китоб детектив Ҷиқибозларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

**Фатхулла Намозов
таржимаси**

ISBN 978-9943-6327-4-5

© Жеймс Хедли Чейз

«Данғиллама ҳовлидаги ўлим».

© «Yangi kitob», 2020.

БИРИНЧИ БҮЛИМ

1

Июль ойининг иссиқ кунларидан бири эди. Мен кабинетимда ўтирас эканман, ёруғ кунлар бу оламга ўзим билан бирга кириб келади, деб умид қиласдим. Эшикдан чиройли қора сочли бошини суққан Паула ширин хаёлларимни тўзгитиб юборди.

– Сиз Уингров иши билан шуғуланишингиз керак,
– деди у.

Шундай дақиқалар бўладики, мана шу «Универсал хизматлар бюроси»ни очиш фикри калламга келгани учун пушаймонлар еб қоламан. Гап ишнинг қийинлигида эмас (биз озми-кўпми эплаяпмиз), идорамиз даромади етарли даражада. Гоянинг ўзи ҳам ажойиб, бошқа бирорга бериб кўринг-чи! Аммо Уингровникига ўхшаган ишга дуч келганимда, бўйнимга шундай сиртмоқни илишдан олдин ўзимни психиатрга текширитириб кўрганим яхши эмасмиди, деб сўрай бошлийман.

Бу Уингров дегани бизга бир ишни ҳавола қилдик, агар мен билан маслаҳатлашганларида борми, ундан юз одим нарига қочтан бўлардим. Аммо Уингров бизнинг идорага суқилиб кириб келганида (беш юз долларлик закалат пули билан), бошим ичкиликтан қақшаб оғриганича, тўшакда ялпайиб ётганман. Паула пулни олиб, квитанцияни унга тутқазган.

Мартин Уингров Орхид-ситидаги энг обрўли инсонлардан ҳисобланади. У мени бир йигит билан қочиб кетган қизини уйига қайтариб олиб келишга

күндириди. Аммо қызга нимани тавсия қилишим мумкин? Отаси қартайган, семиз ва жирканч одам бўлиб, Фельман-стритда томи осмонга бўй чўзган ғоят ҳашаматли кошонада Ральф Баннистринг рақс залидаги раққоса, баланд бўйли, сарик сочли сурбет аёл билан яшайди. Уларнинг биргаликдаги турмуш тарзидан ҳатто горилла ҳам даҳшатга тушган бўларди. Оила бошлиги ўта золим, ўзига бино қўйган ва очкўз муттаҳам. Хотини қочиб кетган. Қочганда ҳам эрининг ҳайдовчиси, ўзидан икки баравар кичик, пулга ўлгудай ўч, қурумсоқ йигит билан қочиб кетган. Ўғли эса гиёхвандликдан азият чекади, хусусий клиникада даволанмоқда. Бир сўз билан айтганда, қизни уйга қайтариш учун оиласвий вазият унчалик яхши эмас. Бунинг устига мен уни кўрмаганман. Фаҳмимча, бу олмача ўз олма дараҳтидан узоққа тушмадан. Агар ростдан ҳам шундай бўлса, менинг ишим анча енгил кечарди, албатта.

Пауладан олган маълумотимга кўра, қиз Жеф Баррет деган ўтакетган ярамас, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан бузилиб кетган йигит билан яшар экан.

Менинг тўла-тўқис эркин ҳаракат қилишим учун имкониятлар бор. Қиз вояга етмаган, шундай экан, Уингров уни уйга куч ишлатиб бўлса-да, қайтариш учун тўла ҳуқуққа эга. Аммо Баррет уни осонгина кўйиб юборармиди? Қизнинг ўзи ҳам ўлгудай қаршилик кўрсатса керак. Ҳар жиҳатдан қараганда, бу иш бирмунча нохуш. У билан полиция ҳам ўгулланиши мумкин, аммо Уингров шов-шув бўлиб кетишидан кўрқарди. Агар қизини полиция қайтаргудай бўлса, бу воқеа газеталар орқали ёйилиб кетишини яхши англар эди. Шунинг учун қўлига ўта ифлос иш тушганида ўзига қадар кўпгина одамлар қандай йўл тутган бўй-

лишса, уларнинг йўриғидан борди: уни менинг зиммамга юклади.

Кейинги уч кунда ишим шунчалик кўпайиб кетган эдики, Паула Уингровнинг илтимосини унутган бўлса керак, деган умидда эдим. Бироқ мен котибамни яхши билмас эканман.

– Нима? – дедим бир кўзимни очиб ва Паулага таънали қараб.

– Уингров ишини айтяпман, – деди у хонага кирап экан, такрорлаб.

Мен ўрнимдан турдим.

– Бу иш билан шуғулланишни истамайман, деб неча марта айтишим керак? Пулини қайтариб беринг ва менинг ҳаддан зиёд банд эканлигимни маълум қилинг.

– Сиз беш юз доллардан воз кечмоқчимисиз? Буни қаранг-а!

– Мен бу иш билан шуғулланишни истамайман.

– Нега, шунчалик ёмон ишми? – деб сўради Паула тоқат билан. – Бу иш бир соат вақтни олади, холос. Ахир шундай осонгина иш билан шуғулланмаслик тақдирни алдаш билан баробар-ку!

– Агар тақдир шунчалик тантик бўлса, унга тупуриш керак. Қисқаси, мени тинч қўйинг. Уингров билан боғланинг-у, биз жуда банд эканлигимиз, бу иш билан шуғулланишга мутлақо вақтимиз йўқлигини айтинг.

– Баъзида бизнинг умуман нима билан машгул эканлигимизни билгим келади, – деди Паула киноя аралаш. – Үмид қиласанки, сиз ой охирида ҳисоб-китоб бўйича пул тўлашингиз кераклигини унутмагансиз. Бундан ташқари ўзингиз оёқтираб олдирган ёзув столининг ҳақини тўламаганимиз ҳам эсингиздадир?

Агар Паулани тұхтатиб қолмасам, шу маромда кеч-
гача вайсайверишини яхши биламан.

– Хүп, майли, Керманни юборинг. У ҳам баъзида
турли-туман ишларда ўзини синааб кўрсин. Нима учун
хамма ифлос ишлар фақат менга қолар экан? Сиз ме-
нинг бу муассасага бошлиқ эканлигини, менга бун-
дай мурожаат қилиш ножоизлигини эсингиздан чи-
қардингизми? Бу ишни Керманга топширинг.

– У Риттер хонимга машина ҳайдашни ўргатяпти.

– Янами? У фақат ҳайдашни ўргатиш билан маш-
гул, денг? Наҳотки, икки ой бадалига ҳар куни олти
соатдан шуғулланса-ю, ҳеч нимани ўргата олмаса!
Бундай түнка одамлар кам учрайди.

– Риттер Керманга қойил қолган, – деди Паула кул-
гисини зўрға яшириб, – аслида бу ҳам дидга боғлиқ,
шекилли. Аммо у менга тан олиб айтдики, Керман
билан машинада ёнма-ён ўтириш шунчалик маъқул
тушганки, ҳар қандай аёл буни ҳаётида бир марта бо-
шидан кечириши мумкин экан. Бу гапи билан нимани
назарда тутганини билмайман, албатта. Риттер хоним
жаҳлдор эмас, аммо жазаваси тутиб туради. Дарвоқе,
бунинг нима фарқи бор? У яхшигина ҳақ тўлайди.

– Сизнинг эс-хүшингиз фақат пул! Демак, Керман
яхши, Риттер эса жазаваси тутиб қолгани учун бу но-
хуш иш билан мен шуғулланишим керак, шундайми?

– Сиз истаган пайтда яна битта ёрдамчи олишин-
гиз мумкин, – деб луқма ташлади Паула.

– Ундей бўлса, бизнинг пулимизни ким сарфлар
экан? Майли, мен шуғулланаман. Аммо эсингизда
бўлсин: Керман эртанинг ўзидаёқ ўзининг иши билан
шуғуллансан, Риттер хонимга мен ўргатаман. Агар
унга Керман топилма бўлса, мен уни ёқимли равишда
ҳайратга соламан.

– Манзили: Жефферсон-авеню, 247... – деб гап бошлади яна Паула.

– Биламан! Такрорламасангиз ҳам бўлади. Мен ўлиб қолгудай бўлсам, жасадимни ёриб кўрсангиз, ана шу манзил жигаримни заҳарлаганини билиб оласиз. Кейинги беш кундан бўён фақат шуни эшитяпман.

Мен шляпамни олдим-у, эшикка томон равона бўлдим.

2

Жефферсон-авенюдаги 247-уй кўчанинг охирида жойлашган бўлиб, тураржой биноси экан. У катта кўкимтири тусли тўртбурчак шаклдаги яшил деразали ва оғир, хунукдан-хунук колоннали пешайвонли бинодан иборат эди.

Уй вестибиюлида зулмат ва сокинлик ҳукмронлик қиласарди. Бу ерда ярим кечада қайтадиган ароқхўрларни кўркитиши мумкин бўлган, кўзга яққол ташланувчи бўёқларда бўялган деворий ёзувлар ва ҳайкаллар кўринмасди. Йўлакдаги резина бўйра устига ёзилган юмшоқ гиламчалар туфайли лифт томон ташлаган қадамларим товуши эштилмади.

Мис бочкалар билан ўралган тропик пальмалар яшил майсаларга бурканган томонда эса телефон коммутаторининг кичкина идораси кўзга ташланарди. Ёзув столи ортида кўкрагида микрофонли кулоқчин тутган қиз газета ўқиб ўтиради. Ҳаммаси жонига теккани учунми ёки кирганимни эшитмай қолгани боисми, у менга мутлақо эътибор бермади. Ваҳоланки, мазкур ҳолат бу тахлит уйлар учун одатий ҳол эмас. Коидага мувофиқ, сизни лифтга киритишдан олдин

кимнинг ҳузурига келган бўлсангиз, ўшанга қўнғироқ қилишар, таклиф этилган меҳмон эканингизга изоҳ бериб ўтиришмасди.

Шунга қарамасдан, мен сездирмай лифт эшигигача борганимда, устун ортидан эски костюм кийган, бош кийимини кўзининг устига бостирган бир киши оғир қадамлар босиб, мен томонга одимлади.

– Иш билан келдингизми ёки бирор кишини майна қилмоқчимисиз? – деб бўкирди у.

Унинг юзи юмалок, ёқимсиз бўлиб, майда томирчалар билан тўлиб-тошган, чуқур ботган кўзлари со-вук боқарди. Юпқа мўйлови хунук оғзини беркитиб турибди. Умуман олганда, у қандай бўлса, айнан шунга мос: пенсиягача қанчадан-қанча чақирилмаган шахсларни дўппослаб урган полициячининг нақ ўзи.

– Меҳмон бўлиб келдим, – дедим ва дўстона кулимсираб қарадим, аммо ширин муомалам унга заррача ҳам таъсир қилмади.

– Бизда барча меҳмонлар журналга қайд этилади. Сиз кимниги келдингиз?

У Орхид-ситидаги ҳар қандай полициячидан қолишмай қатъият билан савол берар, аммо саволлари оғир, вазмин, сира ҳовлиқмасдан бериладиган жиддий тарзда эди.

Мен ташрифимдан Баррет олдиндан хабардор бўлишини истамас эдим. Шусиз ҳам иш пачава, унинг эртароқ эҳтиёт чораларини кўриб қўйишининг нима кераги бор?

Ҳамёнимдан беш долларлик қоғоз чиқариб, посбонга кўрсатдим. Мушти йўғон бақалоқнинг кўзлари пулга ҳарислик билан тикилди, мўйлови тагидан пойабзал тилига ўхшаш тили оғзининг у бурчагидан бу бурчагига қараб ҳаракатга келди. Мен пулни узатдим.

Никотин дудидан сарғайиб кетган тұмтоқ бармоқтар үша захоти пулни муштига қисиб олди. Йиллар давомида ишланған шартли рефлекс эди бу.

– Шунчаки қалака қымызған әдім, – дедім мен.

– Узоқ үтириб қолманг, – вайсади посбон, – бу билан мени сотиб олдим, деб үйламанг, тағин. Шунчаки... сизни пайқамай қолдым.

Мушти йүғон колонна орқасига қараб одимлади, сүнг түхтади-да, газета үқишидан чалғиб, кулимсирағанча уни кузатиб турған қызынан дарғазаб нигоҳ ташлади. Лифт әшиги очилғанча, мен бақалоқнинг қыз олдига борганини күришга улгурдым. Шубҳасиз, уundiрилған фойдани баҳам күрмөзчи бўлди, шекилли.

Тўртингичи қаватга кўтарилиб, узун йўлак бўйлаб юрдим ва эшиклардаги пешлавҳалардан 4B15 уй рақамини қидира бошладим. Маълум бўлишича, Баррет ним қоронғи бурчакдаги хонада турар экан. Уй әшигидан радионинг баланд овози тараалар, қўнғироқ тугмачасини босиш учун қўлимни кўтартганимда, у ердан синган шиша товуши баралла эшитилди.

Бош бармоғим билан қўнғироқ тугмасини босдим ва кута бошладим. Эшик тирқишидан менга жазнинг ўйноқи оҳанглари етиб келса-да, ҳеч ким жавоб бермади. Мен яна куч билан тугмачани босдим. Шунда қўнғироқ кларнет ноталарини босиб кетганини эшиитдим. Радионинг овози ўчди, эшик шахд билан очилди.

Қаршимда қизил кўйлак кийган, новча, сарғиши сочли йигит кулимсираб турарди. Унинг узунчоқ оп-пок юзини чиройли санаш мумкин эди. Юқори лабининг устини қора мўйлов безаб турибди, қаҳрабо – сариқ тусдаги кўз қорачиқлари иккита ўн центлик тангага ўхшаш катта-катта.

– Салом, – деди у паст ва чўзиқ товушда. – Қўнгироқ чалган сизмидингиз?

– Агар мен бўлмасам, демак, арвоҳ чалибди-да, – дедим уни диққат билан кузатар эканман. Кўзларидағи ифодага қараб, йигитнинг карахт қилар даражада марихуана чекканини билиш мумкин. Шу боис қулоқни динг қилиб, ҳушёр туриш керак.

– Шунақа денг, мен ҳам ҳазилни яхши кўраман, – деди йигитча юмшоққина қилиб. Унинг қўли бирдан юқори кўтарилиди. Орқасига яшириб турган шиша синиғи ҳавони кесиб, мен томон учди. Ўзимни четга олишга улгурдим. Йигит нишонга теккиза олмади, аммо бошлаган хатти-ҳаракати олдинга ташланишга ундади. Шу тариқа у ўнг муштим учун яхшигина нишон бўлди ва мен тумшуғига зарб билан туширдим.

Йигит пол устига ағдарилиб тушди ва мен ичкарига кириб олдим.

Ичкилик ва дорининг аччиқ ҳиди димогимга урилди. Бундай қўланса ис Барретта ўхшаган одам эгаллаган кулбадан анқиши турган гап. Камин атрофи синган шиша идишларга тўлиб кетган. Металлдан ясалган мебелнинг оёти осмондан бўлиб тўнтарилиб ётар, гўё хонада портнинг иккита бақувват юк ташувчиси муштлашганга ўхшар эди. Улкан ялтироқ темир стол ёнбоши билан ойнаси синган дераза ёнида ётарди.

Агар оғир қўлланса ҳид ва ағдарилган мебелни ҳисобга олмаса, битта хона деярли бўм-бўш. Мен индамай қонга бўялган қизил гилам устидан юриб, яrim очиқ эшиқдан ётоқхонага мўралаб қарадим. У ерда чироқ ёниб турар, дераза пардалари туширилган эди.

Каравотда оқ-малла сочли қиз ётарди. Бўйнида фил суягидан ясалган мунчоқ, чап оёғининг тўпигида ингичка тилла занжир. Қиз ёш ва етарли даражада

семиз бўлиб, ифлос, гижимланиб кетган чойшаблар устида ётгани учун кўриниши мутлақо ёқимсиз эди. Шишган лаблари уни кимдир яқиндагина дўппослаганидан далолат берарди. Елкалари ва бўйнида кўкарган, тилинган бир неча жойлар бор.

Биз индамай бир-биримизга қараб қолдик. У мени кўриб ҳайратта тушмади, ҳатто қимирлаб ҳам қўймади. Юзида маъносиз, эринчоқ бир табассум пайдо бўлди. Одатда бундай табассумни гиёхвандлар айрим пайтлардагина ўзларидаги хайриҳоҳликни намоён этиш мақсадида истар-истамас юзага чиқарадилар, аммо ана шу салгина бўлса-да ҳаракат ҳам улар учун анча қийинчилик туғдиради.

Мен қизнинг бирорта ақлли таклифни эшитадиган ҳолатда эмаслигини кўрдим. Энди уни бу ерда қолдириш керакми ёки уйга олиб кетган маъқулми – ана шуни ҳал этишим шарт.

Гарчи Уингров унинг отаси бўлса-да, бирорта одобли бойскаут¹ ўзининг байроби сопига сифинадиган анжомни илиб қўйишга қарор қилувчи наслдан эдики, уни гашиш билан булғашни истамасди. Мен қизни олиб кетишга қарор қилдим.

– Салом, Уингрова хоним! Уйга, отангизнинг хузурiga қайтиб борсак, нима дейсиз?

Киз ҳеч нима демади. Очик қизил лабларида ўша эринчоқ кулги ўйнарди. Умуман, у менинг сўзларими ни эшитдими, йўқми, бўлиб ўтган воқеаларни англадими, шубҳаланиб қолдим.

Кизга қўл тегизишни ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади, аммо унинг бу хонадан ўзини эплаб чи-

¹ XX аср бошларида Англияда, сўнгра бошқа давлатларда тузилган гарбий-сиёсий тавсифдаги болалар ташкилоти аъзоси.

қиб кета олмаслиги очиқ-ойдин күриниб турибди. Күлимда күтариб чиқишимга түғри келади. Агар мушти йүғон уни күтариб вестибюлдан олиб ўтаётганимни күрса, нима деркан?

Дераза тагида иккинчи каравот турарди. Мен ундан түшамани сидириб олдиму, қизни ўрадим.

– Юра оласизми? – деб сўрадим қиздан. – Агар юра олмасангиж, күтариб оламан.

У менга ҳамон маъносиз бақрайиб ётар, миқ этмас, энди юзидан табассум учган эди. Ўзини бир жойда тутиб туриши учун анчагина куч сарфлашига түғри келди.

Мен қизнинг устига энгашиб, қўлимни елкаси ва тиззаси остидан ўтказиб, тўشاқдан кўтара бошладим. Шу лаҳзада қиз бирдан ҳушёр тортди-ю, менинг бўйнимдан ушлаб, ўзини каравотга отди. Мувозанатими йўқотиб, мен ҳам каравот устига ағанаб тушдим. У мени қўл-оёқлари билан чирмаб олди, шунинг учун қимирлай олмай қолдим.

Қизнинг жонини оғритишни истамасдим, аммо у анчагина кучли чиқди. Кутулиб чиқишим учун бирор нарсага таянай десам, ҳеч вақо йўқ. Биз полга ағанаб тушдик. У бир неча бор мени калласи билан урди, бурнимни жароҳатламоқчи бўлди.

Биз мебель ағдарилгунча олишувни давом эттирдик. Юзимга икки зарба еганимда ғазабим қайнаб кетди. Унга шундай мушт туширдимки, энтикиб қолди. Оғзини каппа-каппа очиб, зўрга нафас олганича мени қўйиб юборди. Мен оёққа турдим. Кўйлагимнинг ёқаси қаергадир ғойиб бўлган, пиджагимнинг ўнг томондаги қайтарма ёқаси йиртилган, юзимдаги тирналган жойлардан қон оқарди.

Аммо қанча қаҳр-ғазаб ва ёвузлик қолган экан қизда! У оғзидан кўпик оққанча полда ўрмалар, нафас

олмоқчи бўлар, мени қайтадан ушлаб олишга интиларди. Айни шу пайтда хонага бирдан Баррет кириб келди. У қандайдир хунук тиржайганча, юзи бужмайиб, мен томонга аста-секин ва эҳтиёткорлик билан яқинлаша бошлади. Ўнг қўлида узун ўткир пичоқ, афтидан, уни ошхонадан олган.

Муз тикиб қўйилгандай кўзлар, қотиб қолган табассум, ўткир пичоқ – буларнинг барчасини кўриб, баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

– Баррет, ҳозироқ пичоқни ташла! – деб қичқирдим мен ва бирор қурол топиш илинжида орқага тисарилдим.

У худди ойпараст каби оҳиста яқинлашишда давом этди. Мени бурчакка қувиб кирмагунча Барретни тезлик билан тўхтатишнинг иложини топишим керак. Мен тезгина энгалиб, каравот устидаги ёстиқни чанглаб юлиб олдим-у, рақибимга қараб отдим. У зарбадан гандираклаб кетди. Мен эса сакраб бориб, Баррет менга ташлангунича, стулни бошим узра кўтардим. Стул билан Барретни туширганимда, у бирдан стулнинг оёғига ёпишди. Бу ҳаракатдан иккимиз ҳам сал бўлмаса йиқилиб тушаёздик. Тезлик билан ўзимни ўнглаб олдим ва йигитнинг бошига уриш учун стулга тармашдим. Аммо кутилмаганда қиз ортимдан сакради-ю, бўйнимга ёпишиб, томоғимдан бўға бошлади.

Мен хириллаб қолдим, гандираклаб қизни деворга томон итариб юбордим. Шунда Баррет қўлидаги пичоқ билан менга ташланди. Ялтироқ тигни кўриб, ўзимни четга олдим-у, бор овозда қичқириб юбордим.

Унгровнинг қизи билан биргаликда пол устига ағдарилиб тушдик. Менга ёпишиб олган қиз бўйним-

ни шунчалик қаттиқ қисдики, қон бошимга бамисоли болғадек тепди. Баррет устимга энгашган пайтда мен эндигина бўйнимни қизнинг кўлидан холос этишга мұваффақ бўлган эдим. Миямдан яшин тезлигига, ҳаммаси тамом, деган фикр чакнаб ўтди. Мен қаҳргазабга тўлиб, худди қутурган мисоли йигитни тепиб юбормоқчи бўлдим, аммо нишонга теккиза олмадим ва пўлат тиг тўғридан-тўғри қорнимга тўғирланаётганига кўзим тушди. Шиддат билан ўзимни бир четга олмоқчи бўлдим, аммо улгурмадим: қиз мени ортимдан маҳкам тутиб турарди. На бурила оламан, на қўлимни бўшатишга қодирман.

Бирдан хонада оёқ товуши эшитилди ва Баррет эшикка қайрилиб қаради. Пичоқ шу ондаёқ визиллаб учиб, бир дюйм нарига бориб тушди. Қандайдир чорпахил, елкалари кенг одам пайдо бўлиб, Барретнинг бошига резина калтак билан қаттиқ туширганди. Баррет оғриқдан буқчайиб қолди, мендан лип этиб бошқа томонга ўтди ва ерга қулади. Ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо калтабақай киши унинг олдига сакраб борди-да, яна бир марта туширди.

Буларнинг бари беш сония ҳам вақтни олгани йўқ. Томогимдан ҳамон бўтмоқчи бўлган қиз қичқириб юборди. Мен фурсатдан фойдаланиб, шундай бурилиб олдимки, натижада у баландда бўлиб қолди. Қизнинг қўллари қандай қилиб бўйнимни қўйиб юборганини хис этдим. Иргиб оёқса турдим, у эса чинқирганча чорпахил йигитга ташланиб, юзини тирноқлари билан тирнамоқчи бўлди. Йигит жойидан жилмай, унинг қўлини бир чеккага силтаб юборди ва қаншарига резина калтак билан қаттиқ туширди. Қиз худди кесилган кундадай унинг оёқлари остига шалпайиб тушди.

Йигит унинг устига энгашди, қовоқларини йириб очиб тикилди. Сўнгра қаддини ростлади ва менга қараб кулимсиради:

– Хэллоу! Бу ерда яхшигина вақтичоғлик қилиб сизлар, шекилли. Мен сизнинг қичқириғингизни эшилдим. У ҳақиқатан сизни чавақлаб ташламоқчи бўлдими ёки бу шунчаки ҳазилмиди?

Юзим ва бўйнимни дастрўмолим билан артар эканман:

– Назаримда, у анча ичиб олган кўринади, хуши ўзида эмас. Нима қилаётганини билмаса керак, – дедим.

Мен бироз қизиқиш билан полга чўзилиб ётган қизга қарадим:

– Сиз уни куч билан урдингиз. Майиб қилмагансиз, деб умид қиласман. У менинг мижозим ҳисобланади.

Йигит қўлини бепарволик билан силкитиб қўйди.

– Ташвиш чекманг. Бу ҳам кам. Мен уларга уч кунга зўрға чидадим. Тўхтовсиз уришиб сўкишиб, менга асло уйқу беришмасди.

Мен ҳамон дастрўмол билан юзимни артишда давом этар, чунки тердан бутунлай шалаббо бўлиб қолган эдим. Узун ошхона пичоги ҳам эсимни чиқариб юборганди.

– Сиз шу ерда яшайсизми?

– Ҳа, гуноҳларим эвазига. Йўлакдан ўтсангиз, қаршингизда. Агар сизни қизиқтираётган бўлса, исмим Ник Пирелли.

Мен ҳам номимни айтдим.

– Сиздан жудаям миннатдорман. Агар вақтида келмаганингизда, бу босқинчи мени чавқалаб ташлаган бўларди.

Пирелли кулимсиради. Унинг юмалоқ нозик юзида кинояли ифода сақланиб турарди. Бу ёқимтой киши нимаси биландир киноактёр Жорж Рафтни эслатар, кийган шинам костюми эса, айрим жиҳатлардан қарaganда жуда башанг эди.

– Демак, сиз «Универсал хизматлар бюроси»даги ишларни бошқарувчи йигитсиз, шундайми? Жуда ажойиб. Шундай ишни эгаллашни истар эдим.

– Бу ишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор – мана, кўриб турибсиз биттасини. Мени буни эслаб қоламан. Агар сизга бирор ёрдам керак бўлиб қолса, хабар қилинг. Биз сизга биринчи тоифа даражасида хизмат кўрсатамиз, қолаверса бепул.

– Ҳисобга оламан, – жавоб берди Пирелли ва кулимсиради: – ҳозирча ҳамма ишларим жойида, аммо ким билади дейсиз... – У пойабзалининг учи билан қизни туртиб қўйди. – Бу ҳам сизнинг хизматларингиздан бирими?

– Ҳа. Энг ёқимсизи. Мен бу ерга уни отасига қайта-риш учун келган эдим.

– Сиз бу мўъжизадан уни хурсанд бўлади, деб ўй-лайсизми? Мен яхта беришганида ҳам қизни ортга қайтариб олиб бормаган бўлардим.

Мен ёпинчиқ келтириб, қизнинг устига ташладим.

– Отаси бундан сал дурустроқ. Аммо мен бу мўъжизани кўтариб вестибюль орқали ўтсам, пастда турган мушти йўғон нима деркан?

– Максими? – кулиб юборди Пирелли. – Роса хурсанд бўлади-да! Қиздан қутулишга жон-жон дерди-ю, аммо фақат Барретдан қўрқарди. Мен ҳозир учравшувга боряпман, демак, биз бирга пастга тушишимиз мумкин. Унинг сизга халақит бермаслигига ҳаракат қиласман.

– Жуда соз, – дедим мен. – Бу ерда рўй берган воқеадан сўнг мени одам ўғирлаганликда айблашларини истамасдим.

– Агар сиз у ёқ-бу ёғингизни тартибга келтирмоқчи бўлсангиз, ванна хув нариги томонда, – деди Пирелли бармоғини чап томонга нуқиб. – Кўринишингиз худди ёнгиндан чиққандай. Қизга эса мен қараб турман.

Мен ваннага кириб, ўзимни сал-пал эпақага келтирдим. Кўринишим худди ёввойи мушук билан олишган одамга ўхшарди. Узилган ёқамни тўғнағич билан уладим-да, наридан-бери ювиндим.

Хонага қайтиб, ҳамон беҳуш ётган қизни адёлга ўраб олдим.

– Борди-ю, у машина ичидаги ҳушига келиб қолсанчи?

– Келмайди, – деди Пирелли манманлик билан. – Мен кимга зарба берсам, буни тузуккина бажараман.

Биз қизни лифтга олиб келдик, ҳеч ким сезмай қолди.

– Айтинг-чи, сиз учрашувга доимо ўзингиз билан резина калтак олиб чиқасизми?

Пирелли кулиб юборди.

– Мен аслида кўчага бусиз чиқмайман. Карта ўйнайман, куним шу билан ўтади. Резина калтак эса ўйиндан кейинги муносабатларни ойдинлаштиришнинг энг ажойиб йўли.

– Айтганингиздек, калтакни ишлатишни яхши биларсиз?

– Бунинг қийин томони йўқ. Ҳамма сир шундаки, зарба кучли бўлиши керак. Заиф зарба ракибни газаблантириб юборади.

Лифт тўхтади ва биз вестибиолга чиқдик.

Кулоқчин тутган қиз ўрнидан турди ва бизга тикилиб қолди. Унинг ўнг қўли бармоқлари клавишлар устида югурап, кўрсаткич бармоғи эса қўнғироқ тугмасини пайпастлар эди. Колонна ортидан мушти йўғон сакраб чиқди. У нимадир деб бақирди-да, тўппа-тўғри мен томонга бостириб кела бошлади.

– Ҳаммаси жойида, Макси... Жим! – деди Пирелли.
– Биз фақат уйдан ахлатни олиб чиқдик. Безовта бўлма.

Макси ярим йўлда тўхтади. У юкка диққат билан қаради ва қизни кўрган заҳоти ўз-ўзидан босилди.

– Ҳа-а, буми?! – деди у. – Қаерга олиб кетяпсизлар?
– Қаёққа олиб боришимизнинг сенга нима фарқи бор?

– Ҳа, тўғри. Баррет-чи, у эътиroz билдиrmадими?
– У ухлаяпти, уйғотгимиз келмади, – дедим мен.

Мушти йўғон ўзимдаги тирналган жойларни кўрган бўлса керак, хуштак чалиб юборди:

– Ҳм, тушунарлику-я... Ҳўш, сизларни кўрганим йўқ, деб ҳисобланг. – У қиз ўтирган идорага қаради: – Грация, эшитяпсанми? Биз ҳеч кимни кўрмадик, тушундингми?

У бош ирғаб қўйди ва яна газета ўқишига тутинди. Макси бизга чиқиб кетиш йўлини кўрсатди.

– Эҳтиёт бўлинг. Қаранг-чи, у ёқда полициячилар йўқмикан?

Биз кўчага чиқдик. Ҳамма ёқ жимжит, полициячилар кўринимасди. Мен Уингровнинг қизини машинанинг орқа ўриндиғига жойладим (у ҳамон беҳуш эди) ва эшикни ёпдим.

– Ҳўп, яна бир марта раҳмат. Ошириб айтиётганим йўқ: сиз ҳаётимни сақлаб қолдингиз, – мен Пиреллига ўзимнинг ташриф қоғозимни узатдим. Сизнинг ол-

дингизда қарздорман. Эсингизда бўлсин, мен ҳамиша ва ҳамма жойда хизматингизда тайёрман.

Ваъда қилиш осон, аммо орадан уч ҳафта ўтгач, мен думига консерва банкаси боғлаб қўйилган маймун каби тентирар, берган сўзимнинг устидан чикиш учун вижданан ҳаракат қиласр эдим.

3

Узун, шиша идиш рангидаги башанг пальтоли, озғин, оқ-сариқ шойи қўйлакли ҳамда буқа терисидан тикилган малла туфли кийган Жек Керман бутун гавдасини керганича диванимда ястаниб ётарди. У ширакайф ҳолда бир қўли билан қўкраги устига содали виски бордоқни тутган, бошқа қўлини эса радиодан таралаётган жаз мусиқаси оҳангига мос ҳаракатлантирарди.

Мен унинг қаршисидаги чуқур оромкурсидан жой олган, очик деразадан ой нурига ғарқ бўлган океанга қараб ўтирас ва бир қарорга келолмасдим: бориб чўмилсаммикан ёки яна бир бордоқ обизамзамдан куй-саммикан?

Үингров қизига дахлдор воқеа аллақачон хотирамдан ўчиб кетган, у билан бирга Пирелли ҳам эсдан чиқкан эди. Қочоқ гиёхванд қизни оиласининг бағрига қайтарганимга ҳам роппа-роса ўн кун бўлди, ўзимга тааллукли бу иш ёпилган.

– Агар таътилга чиқсан, зап иш бўларди-да, – деди Керман. – Бу бетўхтов ишдан фақат ошқозонни алдаш мумкин. Кел, дўконимизни бир-икки ойга ёпамиз-у, Бермуд ёки Гонолулуга жуфтакни ростлаймиз. Бу мешчанлар шаҳарчасида маҳаллий гўзаллар билан

зерикиб ўлар даражага етдим. Қандайдир ўткирроқ, хуштаъм, узун пижамали ўрнига бошқачасини кўнгил тусаб қоляпти. Нима дейсан, Вик? Биз ҳам сал-пал дам олишимиз керакми, йўқми?

– Сенга мумкин, менга эса йўқ. Қолаверса, Паулани қаёққа қолдирамиз?

Керман бордоқдан хўплади, хўрсинди ва сигара чекишига тутинди.

– Бу энди сенинг ишинг. Паула қиз эмас, нақ қазоий жазонинг ўзгинаси. Унинг ўйлайдигани фақат пул ва иш. Сендан илтимос, айтиб қўй, менга иш тўғрисида ҳадеб гапиравермасин. Унга кулоқ солсанг борми, мен ош-нонимга яраша ишламаётган эмишман, сен шундай деб ўйлайсанми?

– Сен етарли ишлайсанми ўзи? – деб сўрадим мен қўзимни юмид. – Умуман, қай биримиз тер тўқяпмиз? Нима десанг дегин-у, Жек, аммо таътил бекор қилинади. Ҳозир иш бошимиздан ошиб ётибди. Бундан кейин ҳам шунга бардош беришимиз керак. Агар идорани шундоққина ёпсак борми, бир ҳафтадан кейин бизни унутиб юборишади.

– Эҳтимол, сен ҳақдирсан. Тушунасанми, ўша сарғиш сочли қиз, дўндингим, мени бир олам пулга туширади. Билмайман, уни нима қилишим керак. Бу қиз афтидан мени пул босиб чиқаради, деб хисобласа керак. Йўқ, бошқача ўйлама тағин, ёмон қиз эмас, эҳтиросли ва оловнинг нақ ўзи, мен аёлларда айнан шу нарсаларни яхши кўраман. Ёмон томони...

Телефон қўнгириғи унинг гапини бўлиб қўйди.

Керман бошини кўтариб, телефон аппаратига аччиқланиб қараб қолди.

– Гўшакни кўтармай қўя қол, – деб маслаҳат берди у. – Бирорта мижоз бўлиши мумкин.

– Ахир ҳали соат кечки ўн ҳам бўлгани йўқ-ку, – эътиroz билдиридим мен, истар-истамас оромкурсидан турар эканман. – Мени ўзимнинг ўтмишим тутиб олмоқчи, шекилли.

– Ундаи бўлса, мен гаплашай. Телефонда аёллар билан валақлашишни қотираман.

Мен Керманга ёстиқни улоқтиридим ва гўшакни кўтардим.

– Алло?

– Жаноб Меллоймисиз?

Бу – овозидан аёлларнинг елкасида чумолилар ўрмалайдиган эркакнинг товуши бўлиб, кўз олдингизда эса баланд бўйли, елкалари кенг, офтобда қорайган эркак намоён бўларди. Бундайларни хонимлар эри ишда бўлганида эрталаб бир пиёла чойга таклиф қиласи, кечқурун эри ишдан қайтганидан сўнг эмас.

Эҳтимол, адашаётгандирман, аммо айнан шу манзара кўз олдимга келди. Бу унинг йўғон овозини эшитганимдан кейин рўй берди.

– Эшитаман. Ким билан гаплашишга муяссар бўлдим?

– Мени Ли Дедрик дейишади. Идорангизга қўнғироқ қилсан, у ердан ҳеч ким жавоб бермади.

– Кечирасиз, аммо идорамиз кеч соат олтида ёпилади.

– Худди тартиб билан ишлайдиган бошқа корхоналар каби, – деб ғудранди Керман боши остига мен улоқтирган ёстиқни кўяр экан. – Кулоқ сол, унга қизамиқ билан оғриб, тўшакда ётибман, дегин.

Гўшакнинг нариги томонидан кескин овоз эшилтилди:

– Нима, сизларда тунги навбатчилик бўлмайдими?

– Жаноб Дедрик, сиз айнан тунги навбатчи билан гаплашяпсиз.

Жеймс Хедли Чейз

– А-а, тушунарли.

Жимлик чўқди, сўнг яна ўша овоз давом этди:

– Мен сизнинг ҳозир зудлик билан ҳузуримга етиб келишингизни истардим. Жуда шошилинч.

Овоз оҳангиги ниҳоятда ўқтам бўлишига қарамай, менга унинг эгаси нимадандир қўрқандек туюлди. Товушида қандайдир ғалати саросималик бор.

– Жаноб Дедрик, сизга қандай ёрдам беришимиз кераклигини айта олмайсизми? – деб сўрадим мен Керманнинг гўшакни қўйишимга имо-ишора қилиб, ғазабга тўлганига эътибор бермай.

Кишини эзиб юборувчи оғир жимлик чўқди. Мен гўшакнинг нариги томонидаги кишининг қисман узуқ-юлуқ нафас олишига қулоқ солиб, жавоб беришини кутардим.

– Ҳозиргина қўнғироқ қилиб огоҳлантиришди: бугун кечқурун мени ўғирлашмоқчи экан. Эҳтимол, бу ҳазилдир, аммо айрим эҳтиёт чораларини кўришга қарор қилдим. Ҳайдовчини ҳисобга олмаганда, уйда ёлғизман. Аммо у филиппинлик, шундай экан, хавфхатар рўй бергудай бўлса, кам фойдаси тегади.

Бу гаплар менга жуда ғалати туюлди. Яна жимлик чўқди ва мен тағин унинг тез-тез нафас олгани, ўша қўрқинчли овоз – менда ваҳима уйғотган товушни эшийтдим. Ҳудди гапираётган кишининг саросимали юзини аниқ-тиник кўргандай бўлдим.

– Мен Серена Маршлендинг эriman, – деди ниҳоят гўшакнинг нариги томонидаги овоз. – Яхиси, вақтни бекорга ўтказманг, қизиқишингизни қондирисх учун учрашганимизда вақtingиз етарли бўлади.

Бу одамнинг товуш оҳангиги мутлақо ёқмаса-да, аммо у нимадандир қаттиқ қўрқанини аниқ-тиник англаб олган эдим. Очиги, ҳозир ҳеч қаёққа боргим келмаяпти, кун бўйи ишлаб, қолган вақтда Керман

билан бир шиша шароб ичмоқчи эдим. Аммо бу тарзда ҳеч қайси ишни дўндира олмайман. Устига-устак, Серена Маршленд дунёдаги бой аёллар рўйхатининг тўртинчи поғонасида туради.

- Сиз ҳозир қаердасиз, жаноб Дедрик?
- «Оушен-энд» номли ҳашаматли ҳовлида. Балки у ҳақда эшигандирсиз? Шаҳардан бироз четда, хилватда жойлашган. Агар ҳозир етиб келсангиз, ниҳоятда хурсанд бўлардим.
- Яхши. Бизни кечи билан ўн дақиқа кутинг.
- У ердан «Оушен-энд»га қадар хусусий йўл боради. Дарвоза очиқ. Аслини олганда ўзим ҳам эндиғина келиб турибман ва...

Товуш тўсатдан узилиб қолди.

Мен бироз кутиб турдим, аммо сухбат давом этмади, мен гўшакка «Хэллоу!» деб қичқирдим.

Қулогим тагида ҳамон ўша қўрқиб қолган кишининг узук-юлуқ нафас олиши эшитилар, аммо овози чиқмасди.

- Хэллоу, жаноб Дедрик?!
- Ниҳоят нафас олиш ҳам эшитилмай қолди. Кишини толиктириб юборадиган жимлик чўқди, сўнг гўшакда шиқирилаш эшитилди-ю, алоқа узилди.

4

«Оушен-энд» – ҳашаматли уй-жой уйимдан уч миля нарида қумли саҳро ўртасида жойлашган. Уни асримизнинг 20-йилларида қайсиидир миллионер ўзи учун курдирган, аммо мутлақо яшамаган. Ҳашаматли ҳовлига жойлашишидан олдин касодга учраб, кейин ўзини отган.

Ховли бир неча йил бўш турди. Шундан сўнг уни қандайдир синдикат сотиб олди ва маҳаллий меҳмонхона – «Орхид»да туришни ўзларининг обрў-эътиборларига тўғри келмайди, деб ҳисобловчи машхур кишилар ҳамда ажнабий аъёнларга ижарага бериладиган бўлди. Бу зеб-зийнатга бурканган иморат-ҳовли миллионернинг орзуси сифатида реклама қилина бошланди. Унда ниҳоятда катта – қирқ акрли боғ бўлиб, бир чеккаси океангага тулашиб кетган эди. Сузиш бассейни эса ярми очиқ осмон остида, ярми том билан ёпилган. Саройнинг ўзи бетон ва рангдор тошлиардан итальянча барокко усулида қурилган бўлиб, ички жиҳозлари ҳам ажойиб ўйма нақшлари ва санъат ашёлари билан машхур.

Мен «Бьюик» машинамни ҳашаматли кошонага элтувчи икки милдан иборат хусусий йўлга бурганимда, аъло даражадаги кенг йўл теварагидаги гоят гўзал қирол пальмаларига кўзи тушган Керман:

– Мен ҳамиша шу саройга келишни орзу қиласдим,
– деди.

У энгашганча машинанинг олдинги чироқлари ёғду бераётган нур ҳалқасига тикилиб ўтиради.

– Мен уни курорт мавсуми олдидан қизғин ҳафталик ҳазил ўрнида қабул қилишни жон-жон деб истар эдим. Бу менга қанчага тушар экан, нима деб ўйлайсан?

– Сенинг маошинг ўн йил олдин тўланади.
– Балки ҳақдирсан. Майли, орзу қилиб қўя қолган яхшироқ. Афсус. Агар менда шундай сарой бўлганида борми, сарик сочли муғамбиргинам бутунлай қўлга ўрганиб қоларди.

– Ҳа, сен эса бундан хурсанд бўлардинг... Аммо менга манови Дедрик билан бўлган воқеа мутлақо

ёқмаяпти... Унинг гали узилиб қолишига нима сабаб бўлди экан?

– Биласанми, бу бой хўқизларнинг ҳаммаси бир хил. Улар шу даражада ялқовлашганки, битта ортиқча сўз айтишни ҳам исташмайди, жин урсин.

– Назаримда, кимдир унинг олдига кириб қолган, шунинг учун сухбатимизни эшитишни истамаган.

– Кўй-ей, сен бир умр пашшадан фил ясамоқчи бўласан. Гаров ўйнаб айтаман, унинг сен билан гаплашиб ўтиргани жонига теккан ва гўшакни қўйган. Бу бадавлат разиллар бизга ўхшаган кишилар учун хушмуомалалик қоидаларига риоя қилиб ўтиришни ўзларига эп кўришмайди.

Олдинда дарвоза кўринди. Унинг тавақалари кенг очилган эди. Мен тезликни камайтирмадим, ўқдай отилиб, шиддат билан атрофи баланд альп атиргули буталари билан қопланган кенг хиёбон бўйлаб юриб кетдик.

– Ўт кетдими, бунча шошасан? – деди Керман аччиқланиб.

– Менга бу одам нимадандир жудаям қўрққандек туюлди, – жавоб бердим мен. – Унинг бир кулфатга дучор бўлганини кўнглим сезиб турибди.

Тик бурилишда мен машинани кескин бурдим. Чироқ ёруғида уй худди устимизга сақрагандек бўлиб кўринди. Керман заиф қичқирди, мен эса кескин равишда тормозни босдим. Шиналар оғриқдан ингррагандек бўлди. Зудлик билан кетаётган машинани ички ҳовлини ўраб турган пешайвонга икки дюйм қолганида зўрға тўхтатиб қолдим.

– Нега тўхтадинг? – деди Керман терлаб кетган ўзини артар экан. – Биратўла уй олдида тўхтасанг бўларди, пиёда юришни ёмон кўришимни биласан-ку.

– Сенинг асабларинг заиф, – дедим мен. – Жуда күп ичасан, ҳамма кулфатинг шунда.

Биз машинадан тушдик.

Чап томонда, уйга кираверишда узун никеллари ярқираб турған катта автомобиль худди йұналиш кемаси каби орқа стоп-чироқлари ёнганича турарди.

Пешайвон охирдаги икки тавақали очиқ эшиқдан тушиб турған ёруғликни ҳисобға олмаганда, уй бутунлай қоронғылық қаърига ғарқ бўлган эди.

– Кўнғироқ қиласизми ёки шундай кираверамизми? – деб сўради Керман кўрсаткич бармоғи билан ёруғлик тушиб турған эшикни кўрсатар экан.

– Олдин бир қараб кўрамиз. Агар у ерда ҳеч ким бўлмаса, шундан кейин кўнғироқ қиласиз. Тўппонча кўлингдами?

– Ҳа, сенга берайми? – деди олижаноблик қилиб Керман ва қирқ бешинчи калибрли тўппончани қўлимга тутқазди. – Бу фақат чўнтағимни йиртади, холос.

– Тўппонча сенда экан, олдинга тушиб биринчи бўлиб борасан, демоқчисан-да?

– Эҳ, баъзан каллангга шундай ажойиб ва яхши фикрлар келадики... Мен, ростини айтсан, нима учун қўл остингда ишлаётганимни ҳам билмай қоламан.

– Пул туфайли дейиш мумкин. Сендан бошқа ким ҳам буни иш деб ҳисобларди?

Биз пешайвон бўйлаб юрар эканмиз, товуш чиқармай шивирлаб гаплашар эдик. Ёритилган дарвозага етгач, имо-ишора билан Керманга жим бўлишини буюрдим. У орқага тисланди ва мени қўли билан итарди.

Олдинга қараб юрдим, Керман ортимдан эргашди. Икки тавақали очиқ эшикка етгач, мексиканча услуб-

да жиҳозланган катта түғри бурчакли залга мўралаб қарадим: пол узра қимматбаҳо гиламлар тўшалган, деворлар эгар ва юганлар билан безатилган, дераза яқинида ва баҳайбат совуқ камин олдида кенг диванлар кўйилган эди.

Стол устида телефон турар, унинг ёнидаги ичимлик солинган узун бордоқقا қўл теккизилмаган эди. Столнинг ялтироқ сатҳида шиша кулдон бўлиб, ичидаги кул тўкилганди.

Хонада ҳеч ким кўринмасди.

Мен ишора билан Керманни чақирдим.

– Оҳ, гўзаллигини! – деб хитоб қилди у елкам оша хонага кўз ташлар экан. – Бу ерда яшашни кўз олдимга келтирияпман... Энди нима қиласми?

Мен хонани айланар эканман, папирос кули хущёр тортириди. Шу билан бирга қўл тегизилмаган бордоқ ҳам. Ҳидлаб кўрдим – виски.

Ортимдан эриниб қадам ташлаётган Керман камин олдидаги диванин айланиб ўтди-да, деворга осилган мексиканча эгарга яхшироқ қарамоқчи бўлди. Икки қадам ташлаган заҳоти кескин тўхтади ва бирдан бошини шундай бурдики, соchlари кўзи устига тушиб қолди.

– Қарагин!

Мен тезда унинг олдига ўтдим. Диван ортида хайдовчиларнинг қора, зар уқали кийимида кимдир чалқанча тушиб ётарди. Унинг ўлганини билиш учун яқин боришининг ҳожати йўқ эди. Пешанасининг ўртасидан қора тешик ўрин олган, полга тўшалган мексиканча гилам қонга беланган. Сариқ – малларанг қўллари ёйилган, бармоқлари худди илмоқ каби акашак бўлиб қолган, кичик тунд юзида даҳшат қотиб қолган эди унинг.

Жеймс Хедли Чейз

– Эсизгина, – деди Керман анча хотиржам тортиб,
– аммо, роса құрқитиб юборди үзиям!

Мен энгашиб, акашак бўлиб қолган қўлни кўтардим. У ҳали илиқ эди. Кўйиб юборган эдим, қўл жонсиз ҳолда гиламга тушди. Демак, бу одам яқинда ўлдирилган.

– Бемаъни иш, – дедим. – Улар Дедрик мен билан гаплашиб турган пайтда кириб келган бўлишлари мумкин.

– Уни ўғирлаб кетишган, деб ўйлайсанми?

– Шунақага ўхшайди. Қани, Жек, полицияни чақир. Бу ерда қиласиган ишимиз қолмади. Брэндонни билласан-ку, бизга қандай муносабатда бўлади. Агар билиб қолса борми, шундай шов-шув кўтарадики, асти қўяверасан. Биз бу ерда вақтни бекор ўтказиб, лақиллаб қолдик.

Телефонга яқин келган Керман тўхтади, бошини бир ёнига эгиб қулоқ солиб турди.

– Машина келаётганга ўхшайди...

Мен айвонга чиқдим. Ҳақиқатан уйга машина яқинлашмоқда эди. Тезлиги жуда катта. Автомашина бурилишдан ўтганида моторининг овози ва ғилдирак резинасининг ғижирлаши менгача етиб келди.

– Кўнгироқ қилишга шошмай тур, – дедим Керманга.

Буталар орасидан чироқлар ёруғи кўринди. Бир неча дақиқадан сўнг машина хиёбон ортидан сапчиб чиқди ва менинг «Бьюик»имдан бир неча ярд нарида тўхтади.

Мен олдинга интилиб, боқقا туташиб кетган зина-поядан пастга тушаётганимда, машинадан қандайдир бир қиз тушди. Ойнинг хира ёруғи ҳамда машина-нинг орқа стоп-чироғи ёғдусида унинг баланд бўйли, келишган ва шляпасиз эканлигини кўрдим.

– Ли? – деб овоз чиқарди қиз. – Ли, бу сенмисан?

– Бу ерда жаноб Дедрик йўқ, – дедим унга пешвоз чиқиб.

Қизнинг нафаси ичига тушиб кетди. У худди қочиб кетмоқчи бўлгандек бурилди, аммо ўзини тутди ва жойида тўхтаб қолди.

– Сиз... сиз кимсиз?

– Мен Вик Мэллойман. Бундан ўн беш дақиқа олдин жаноб Дедрик менга қўнгироқ қилиб, бу ерга келишимни илтимос қилган эди.

– А-а... – у бир пайтнинг ўзида ҳам ҳайрон бўлди, ҳам саросимага тушди. – Сиз уни бу ерда йўқ демоқчимисиз?

– Ҳа, шунақага ўхшайди. Ҳов анави хонада, кўриб турганингиздек, чироқ ёниб турибди, аммо у ерда йўқ. Бошқа хоналар эса қоронги.

Мен қизнинг ташки кўринишини яхшироқ кўриб олиш учун унга яқин жойда туриб қолдим. Рўпарамда тунги либосдаги, анча ёш ва қораҷадан келган чиройли қиз туради.

– У шу ерда бўлиши керак эди, – деди қиз кескин овозда.

– Сизнинг кимлигингизни билсан бўладими?

Қандайдир оний лаҳза ичиди у бир қарорга кела олмади, сўнг шундай деди:

– Мени Мэри Жером дейишади, жаноб Дедрикнинг котибаси.

– Сизни қўрқитиб юбораман, деб ўйлайман, аммо анави ерда, – мен қўлим билан ёруғ хонани кўрсатдим, – жаноб Дедрикнинг ҳайдовчиси ётибди. У ўлган.

– Ўлган?!

Қиз серрайиб қолди.

– Ҳа. У бошидан ўқ еган.

Киз олдинга қалқиб кетди. Мен уни ҳозир ҳушидан кетиб қолади, деб ўйладим, қўлидан ушлаб, енгилги-на тутиб қолдим.

– Сиз, яххиси, машинада бироз ўтиринг.

У қўлларимдан ўзини четга олди.

– Кераги йўқ. Ҳаммаси жойида. Сиз уни ўлдирилган деяпсизми?

– Шунақага ўхшайди. Ҳар ҳолда бу ўз жонига қасд қилиш эмас.

– Ли билан-чи?.. Жаноб Дедрикка нима бўлган?

– Билмадим. У менга қўнғироқ қилиб, қандайдир киши ўғирлаб кетмоқчи эканлигини айтиб, огоҳлантирганини етказганди. Бу ерга келиб, ҳайдовчининг жасадини топиб олдим.

– Ўғирлаб кетмоқчи дейсизми?! О-о-о! – қиз инграб юборди. – У айнан шундай дедими? Сиз адаш-маяпсизми?

– Мутлақо. Биз уйни кўздан кечиришга ҳозирла-наётган эдик, аммо улгурмадик. Сиз машинада кутиб тура оласизми?

– Йўқ! Сизлар билан бирга бўламан. Уни ўғирлаб кетиш нима учун керак бўлиб қолди экан?

– Мен ҳам шу ҳақда сўрадим. У Серена Маршленднинг эри эканлигини айтди.

Киз мени айланиб ўтиб, зинапоялардан югуриб чиқиб кетди. Сўнг айвон бўйлаб тез одимлай бошлиди. Мен унинг изидан юрдим. Шу дақиқа ичида Керман айвонга кириб, чиқиш жойини тўсди.

– Бу ёққа киришингизни маъқул эмас, деб ҳисоблайман, – деди у қизга юмшоқ оҳангда.

– Сиз жаноб Дедрикни топдингизми? – сўради Мэри Керманга дикқат билан тикилганча.

Әнди деразадаң түшган ёруғлик түғридан-түғри қизга тушиб турарди. Унинг маънодор кўзлари, қимтилган лаблари ва энгагига кўзим тушди. Қиз шу туришида ғоят гўзал, лекин шу билан бирга қандайдир шафқатсиз ва совуқ, менинг тасаввуримдаги бой хотин қиёфасига асло тўғри келмасди. У қимматбаҳо тунги кўйлак устидан қорамтири-қизил юмшоқ шойидан тикилган тунги ёпингич кийиб олган эди.

Қизнинг саволига Керман «йўқ» дея бош чайқаб қўйди.

– Худо хайрингизни берсин, уни ахтариб кўринг. Иккингиз ҳам. Бутун уйни кўздан кечириб чиқинглар.

Мен Керманга бош иргадим:

– Жек, аввал полицияни чақиргин!

Керман телефон рақамини териш билан овора экан, қиз ўлган ҳайдовчини кўргани кирди. Шунда даставвал унинг юзи аста-секин оқараётганига кўзим тушди, яқинига борганимда эса қиз аллақачон ўзини кўйла олган эди.

– Келинг, айвонга қайтайлик, – таклиф қилдим мен. – Керманнинг ўзи Дедрик қаерда эканини кўриб чиқади.

Мен қизнинг елкасига кўлимни кўйдим, аммо у саросимага тушиб, кўлимни олиб ташлади-ю, айвонга чиқди.

– Нақадар даҳшат! – деди у. – Атрофимда кўп вайсамай, сиз ҳам жаноб Дедрикни ахтарсангиз бўларди... У нега айнан сизга қўнғироқ қилган? Сизни илгаридан билармиди?

– Мен «Универсал хизматлар бюроси»ни бошқараман. У, афтидан, бизнинг эълонлардан бирини ўқиган бўлиши керак.

Қиз кўллари билан юзини беркитди ва панжарага суюнди.

– Бу ном ҳеч нимани англатмайди. Мен шаҳрингизда бир неча соатдан бери турибман. Бу қанақа бюро ўзи?

– Биз ажралишдан тортиб, йўқолган мушук, итларни топишгача бўлган барча топширикларни бажариш билан шуғулланамиз. Жаноб Дедрикка тансоқчи керак бўлиб қолган экан, аммо ўйлашимча, биз жуда кеч келганга ўхшаймиз.

Қиз сесканиб кетди.

– Мен бунга ишона олмайман. Марҳамат қилиб, унинг бу ерда эмаслигига ишонтиринг. Жаноб Дедрик шу ерда бўлиши керак.

– Керман барча ишни бажаради. Жаноб Дедрик билан гаплашганимда, унинг бу ерга эндиғина келгани ва ҳайдовчиси билан ёлғиз эканлигини фахмлаган эдим, шундайми?

– Жаноб Дедрик бу уйни ёзда ижарага олган эди. У хотини билан Нью-Йоркда бир ҳафта қолганди, – деб тез-тез тушунтира бошлади қиз. – Улар эндиғина чет элдан қайтиб келишганди. Жаноб Дедрик бу ерга уй масаласида келишиб олиш учун икки кун аввал ташриф буюрган. Дедрик хоним эртага келиши керак эди. Мен унинг эри билан бирга қайтиб, ҳаммаси жойида эканлигига ишонч ҳосил қилишим зарур эди. Биз ҳозирча «Орхид» меҳмонхонасида жойлашганимиз. Жаноб Дедрик бугун кечқурун уйни кўздан кечириб чиқмоқчи, мен эса кечроқ келиб унга ёрдамлашмоқчи эдим.

– Тушунарли...

Айвонда Керман кўринди:

– У ерда ҳеч ким йўқ.

– Боғни кўздан кечириб чиққин, – дедим унга.

Шундан сўнг Мэри Жеромга тезгина синчков назар ташладим-да, айвондан пастга туша бошладим.

– У сизга ўғирланиши мүмкінлиги түғрисида би-
рор марта гапирғанмиди? – деб сүрадим қиздан.

– Йүқ!

– У меҳмонхонадан қачон чиқиб кетган эди?

– Саккыз яримда.

– Хүш. Менга ўн бирдан ўн дақиқа ўтганда қўнги-
роқ қилди. Қизик, у ана шу икки соату кирқ дақиқа-
да нима қилган бўлиши мумкин? Сизга бирор нарса
маълумми?

– Уйни кўздан кечириб чиқкан, деб айтиш мумкин.
Сиздан илтимос, пастга тушинг-у, дўстингизга ёрдам
беринг. Балки жаноб Дедрик бирор жойда дабдаласи
чиқиб ётгандир.

Назаримда Мэри тезроқ мендан халос бўлмоқчи-
дай туюлди. Унга шундай дедим:

– Мен полиция келгунча шу ерда қоламан. Сизни
ҳам тўсатдан ўғирлаб кетишларини истамайман.

– Бундай бўлмаса керак. Мен, яххиси, меҳмонхо-
нага қайтаман.

– Ўлашимча, полиция келгунича сиз ҳам шу ерда
қолишингизга тўғри келади, – дедим мен хотиржам
оҳангда.

– Йўқ, кетаман. У меҳмонхонада бўлиши мумкин,
шундай экан, мен кетишим керак.

Мэри кетмоқчи бўлиб бурилган эди, мен қўлидан
тутиб қолдим.

– Кечирасиз, полиция келгунича сизнинг шу ерда
бўлишингизга тўғри келади, – дедим қатъий равища.

У менга ғазабли нигоҳ ташлади.

– Агар сиз шундай деб ҳисобласангиз...

– Худди шундай!

Мэри ўзининг сумкасини очди.

– Ундей бўлса чекишамиз.

У ҳаммасини чаққонлик билан амалга оширди. Мен қорнимга тирадан қирқ беш калибрли түппончани кўриб, кўзларимга ишонмай қолдим. Ҳатто бурилиб қаравшга ҳам улгурмадим.

– Уйга киринг!

– Кулок солинг...

– Уйга киринг деялман! – унинг товуши таҳдидли янгради. – Тезроқ, акс ҳолда отаман.

– Бу яхши ҳазил эмас, бироқ, майли, сиз айтгандек бўла қолсин, – деб эшитилар-эшитилмас тўнғиллаб қўйдим мен ва уйга кирдим.

Бир неча лаҳзадан сўнг унинг зинапоядан пастга югуриб тушиб, ўзини панжарарадан пастга отганини кўрдим.

– Жек, ушла уни! – деб қичқирдим мен қоронғиликка қараб. – Эҳтиёт бўл, тўппончаси бор. – Сўнг унинг ортидан айвон бўйлаб югурдим.

Кескин қарсилаган товуш эшитилди ва менинг бошим устидан ўқ хуштак чалиб учиб ўтди. Ўзимни пальма дарахти панасиға олдим. Яна ўқ узилди ва Керманнинг қаттиқ додлагани эшитилди. Кейин моторнинг гуриллагани, учинчи ўқ товуши эшитилди-ю, пастдан, эшикка киравериш жойидан автомашина зарб билан қўзғалди.

Мен айвондан югуриб тушиб, қизни ўзимнинг «Бьюик»им билан қувмоқчи бўлдим, аммо бунинг уддасидан чиқа олмадим: у ҳаммасини ҳисобга олган, учинчи ўқни машинамнинг орқа ғилдирагига отган эди.

Қоронғилик қаъридан Керман чиқиб келар экан, ғазабланиб деди:

– Нима бўляпти бу ерда? Мени ўлдиришига сал қолди.

5

Биз Керман билан кутубхонадаги совуқ камин олдидә үтирадик. Эшик ёнида эса бети тошдай қотган полициячи тик турганча биздан күз узмасди. Изқувар Макгроуга барча воқеаларни айтиб беришга улгурдик, энди эса капитан Брендонни кутардик. Дедрикнинг ким эканлигини билганидан сўнг, Макгроу дарҳол окруж полиция бошлиғи биз билан шахсан ўзи гаплашмоқчи эканлигини айтди.

Кўшни хонада қотилликни тергов қилиш бўлими-нинг бир гурӯҳ йигитлари ишларди: бармоқ изларини топиш учун буюмларга кукун сепишар, жасадни суратта тушириб, хонани турли томондан расмга олиб, жиноят изларини топиш мақсадида уйни қўздан кечиришар эди.

Телефон тўхтовсиз равишда жиринглар, автомашиналар келар, кетарди. Ниҳоят кучли гуриллаган овоз эшитилди ва мен Керманни туртдим:

- Брендон келди!
- Бизни бу ерда кўрса, роса ҳангома бўлади-да, – деб кулди Керман.

Эшиқда турган полициячи Керманга жаҳл билан қаради-да, безовта бўлиб ҳаракатланди. Сўнг беихтиёр равишда мундирини ечиб, тугмаларини қўздан кечирди. Капитан Брендон инжиқ ва майдакаш одам бўлиб, қўли остида ишлаганлар ундан мисоли оловдан қўрқандек қўрқишаради. Жимлик бизни худди намат каби елкамиздан босган. Кишини эзив юборадиган яна ярим соат ўтиб кетди. Вақт ярим кечадан ҳам ошган. Ниҳоят эшик очилиб, Брендон қотилларни тергов қилиш бўлимидағи лейтенант Мифлин ҳамкорлигида кириб келди. Мен Керманни туртдим,

унинг кўзлари чақчайиб кетди. Полиция бошлиги тўхтаб, бизга шундай нафрат билан қарадики, австралиялик шаҳзода ўзининг оппоқ тўшагида қандайдир ифлос оёқ изини кўрса, айнан шундай жирканиб боқсан бўларди.

Капитан Брендон ўрта бўйли, семиз, юмалоқ, худди чўчқанинг қорнидай оппоқ юзли киши бўлиб, сочининг ўртаси кенг тақирибош, атрофида оқца мойил калта соchlари чўтканинг қилидай осилиб турар, соувуқ кўзлари синчковлик билан тикиларди. Ўзига бино қўйган бу кимса Мифлиннинг миясидан фойдаланиб, ютуқларининг барчасини ўзиники қилиб ўзлаштиради. Полиция бошлиги мансабида ишлаётганига ўн йил бўлар-бўлмас, у «Кадиллак» машинаси, катта уй, хотинига қоракузан пўстин олиш, ўғли ва қизини университетга жойлаштиришга эришди. Фақат маош билан бундай ҳашаматга эга бўлолмайсан. Уни пора олади, деб гапиришади. Аммо бирор киши текшириш ва фош қилишга уринмаган. У кўпинча ўзига керакли далилларни ўйлаб чиқарар ва тобеларга нисбатан қўппол, шафқатсиз усуулларни қўллар эди. Умуман олганда, Брендон хавфли, катта мавқега эга бўлган одам.

– Сиз, икки бадбўй чиябўри, бу ишга қандай қилиб қўл урдингиз? – деб сўради у хириллоқ овозида.

Биз индамадик. Брендонга дуч келдингми, ўзингни панжара ортида кўрасан. У эшик ёнбошида турган полициячига назар ташлади.

– Қани, чиқиб тур-чи!

Полициячи оёқ учида чиқиб кетди ва ортидан эшикни шундай эҳтиёткорлик билан ёпдики, гўё эшик тухум пўчоғидан ясалгандек эди.

Мифлин полиция бошлиги тепасидан менга маъноли тарзда кўз қисиб қўйди.

Брендон оромкурсига чўкиб, калта оёқларини олдинга чўзди ва аъло навли наматсимон матодан тикилган шляпасини елкаси томон суриб қўйди. Сўнг қўлларида доимий турадиган сигарасини олиб эзғилай бошлади.

– Қани, бошидан бошла, такрорла-чи, – деб буюрди у. – Мен айрим ўринларни аниқлаб олмоқчиман. Шундай экан, қани Мэллой, сен биринчи бўлиб бошлагин. Макроуга нима деган бўлсанг, шуларнинг ҳаммасини гапириб бергин. Қачон керак бўлса, ана ўшанда сени тўхтатаман.

– Мен кечакерман билан бирга уйда ўтирган эдим, – деб гап бошладим шошилиб. – Соат ўн бирдан ўн дақиқа ўтганда телефон жиринглади ва ўзини қандайдир Ли Дедрик деб атаган киши менинг зудлик билан етиб боришимни илтимос қилди. Чунки унга қўнғироқ қилиб, бугун кечқурун ўғирлаб кетишга тайёрланшиштани ҳақида огоҳлантиришган экан.

– У сенга айнан шундай дедими? – сўради Брендон катта бармоғининг тирноғи билан сигаранинг цеплофан ўровини кесар экан.

– Албатта.

– Бўлмаса бундок, бизнинг аниқлашимизча, бу ёққа ҳеч ким қўнғироқ қилмаган. Энди нима дейсан?

– Балки меҳмонхонага қўнғироқ қилишгандир?

– Текширилди. У ерда ҳам шундай.

– Менга шу ердан Дедрикдан бошқа киши қўнғироқ қилгани йўқ.

Брендон сигарани ўзининг семиз бармоқлари билан айлантириб, шундай деди:

– Бир марта бўлган, телефон-автомат будкасидан. Хўш, нима бўпти?

– Балки унга кундуз куни ўша будкага қўнғироқ қилишини сўрашган ва шу тариқа уни огохлантириш гандир, – деди Мифлин тушкун товушда.

Брендон лейтенантга елкаси оша қаради ва гўё унинг хонада эканлигини энди пайқагандай бўлди. Гарчи Мифлиннинг миясидан фойдаланса-да, аммо уни доимо полицияда мутлақо фойдасиз одамдай кўрсатишга уринар эди.

– Эҳтимол, шундайдир, – деди Брендон, – балки, Мэллой алдаётгандир.

У менга кичкина ўткир тишларини ғижирлатиб, назар ташлади.

– Хўш, Мэллой, алдадингми?

– Йўқ!

– Энди менга айт-чи, Дедрик нега полицияга эмас, сенга мурожаат қилди?

Бундай саволга жавобни мен аввалроқ тайёрлаб қўйган эдим, аммо унга ёқармикан:

– Афтидан Дедрик лақиллатишаётганига унчалик ишонмаган, кулгига қолишини истамаган.

– Хўп, майли, қани, яна алдайвер, – хириллади Брендон сигарага гугуртни яқин келтириб, сўнг менга вазмин тикилди.

– Дедрик мен билан гаплашаётганида, тармоқда жимлик чўқди. Мен уни чақирдим, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Нафас олгани эшитилиб турди. Кейин кимдир гўшакни қўйди.

– Худди шу вактда сизлар полицияга қўнғироқ қилишларинг лозим эди, – бақириб юборди Брендон. – Худди шу пайтда нимадир бўлганини тушунишингиз керак эди.

– Мен хонага Дедрикнинг ҳайдовчиси кирган-у, сухбатимизни эшитишини Дедрик истамаган, деб ўй-

лагандим. Дедрикнинг рухсатисиз бундай ишга полицияни аралаштириш учун ҳали эсимни еб қўйганим йўқ.

Брендон менга қаҳр билан қаради, сигарасининг кулини қоқиб, хўмрайиб деди:

– Ҳали менинг ҳузуримга борсанг сайратаман. Хўш, давом эт-чи. Сизлар келиб, бу ерда Суюкининг жасадини топдингиз. Шундайми?

– Суюки дейсизми? Ҳайдовчини айтяпсизми?

– Ҳа, унинг чўнтагидан топилган хатга қараб, шундай дейиш мумкин. Сизлар йўлда келишда бирор кишини учратмадингизми?

– Ҳеч бир тирик жон кўринмади. Ҳайдовчининг ўлганини билганимиз заҳоти мен Керманга полиция бошқармасига қўнғироқ қилишни буюрдим. Аммо у улгурмади, чунки қиз келиб қолди...

Брендон семиз тумшуғини олдинга чўзди.

– Дарвоқе, бу қиз тўғрисида. Унинг исми нима эди?

– Мэри Жером.

– Ҳм, демак, Мэри Жером... – У юзини қоплаб олган сигара тутуни тарқалгунча сабр қилиб турди, сўнг гапини давом эттириди. – У ўзини жаноб Дедрикнинг котибаси дедими?

– Ҳа, шундай.

– Бундай жувон «Орхид» меҳмонхонасида йўқ.

Мен индамадим.

– У котибага ўхшармиди?

– Йўқ.

– Нима деб ўйлайсан, Дедрикнинг ўғирланишига унинг озми-кўпми алоқаси борми?

– Эҳтимол. Аммо мен унга бу хабарни етказганимда, ниҳоятда ажабланиб қолди. Қолаверса, Дедрикни

Жеймс Хедли Чейз

үғирлашганидан кейин унинг бу ерга келишига нима ҳожат бор эди?

– Сен ҳақсан, Мэллой, – деди Брендон ва менга қувлик билан кулиб қўйди. – Сен тўғри йўлдан кетяпсан. Унинг, афтидан, дили сиёҳ бўлгандир... кхе-кхе?

– Ха, шунақа.

Капитан оромкурсига яхшироқ жойлашиб ўтирди ва ўзининг калласидан фикр-ўйларни сикиб чиқара бошлади. Нихоят у мағрур туриб, сўзлай бошлади:

– Гап бундай, эшитгин, Мэллой! Мен сенга гапнинг пўсткаласини айтай. Газеталар ўғрилик тўғрисидаги хабарни тарқатишгач, кўрқинчли вахима бошланиб кетади. Дедрикнинг хотини катта обрўга эга. Боз устига у олий табақага мансуб хоним ҳисобланади. Яна бир муҳим ҳолат: унинг юкоридагилар билан алоқаси зўр. Агар эҳтиёт бўлмасак, бирдан пачавамиз чиқиши мумкин. Мен аҳмоқона иш қилмоқчи эмасман, сенга ҳам маслаҳат бермайман. Тушундингми?

Биз бир-биrimizга қараб қолдик.

– Гаров ўйнаб айтаманки, ана шу Мэри Жером – Дедрикнинг жазмани, – деб гапини давом эттириди полиция бошлиғи. – Бу шундоққина кўриниб турибди. У уйни ижарага олиш учун келган. Дедрик хоним эса Нью-Йорқда қолган. Биз Дедрик тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Жиноят рўй берганига кўп бўлмади, аммо анча маълумотларни билиб улгурдик. Уларнинг никоҳи маҳфий равишда расмийлаштирилган. Дедрик Серена Маршленд билан Парижда бир яrim ой учрашиб юрган ва ўша ерда турмуш қуришган. Кекса Маршлендни яқиндагина турмуш қурган йигит-қиз сифатида Нью-Йоркка келишганидан сўнг хабардор қилишган. Мен уларнинг нега яширинча ни-

коҳдан ўтишганини билмайман: балки Дедрик кўпчиликнинг бундан хабардор бўлишини истамагандир. Серена эса уни кекса Маршлендга куёв эмас, унаширилган йигити сифатида таништирмоқчи бўлгандир. Умуман, мен бу ўринда ҳеч нимани билмайман, билишни ҳам истамайман. Аммо барча ҳолатлардан шуниси аён бўлиб турадики, Дедрикнинг бунгача қандайдир аёли бўлган, эҳтимол, у Мэри Жером бўлиши ҳам мумкин. Улар бу ерда бир кечани ўтказмоқчи бўлганлари ҳам мутлақо аниқ, аммо Дедрик ўғирланган, шунинг учун уни огоҳлантира олмаган. Агар огоҳлантирилганида, Мэри Жером келмаган бўларди. Умуман олганда, дъявлар бир-бирига тўғри келмоқда. Унинг нима учун полицияга учрашишдан бўйин товлагани энди аён бўлса керак. Шу боис биз келишимиздан олдинроқ Мэри ўқ узиб ғойиб бўлган. Мен шу боис унинг кетиб қолганидан хурсандман, буни сизларга айтиб ўтирасам ҳам бўлади.

Брендон эътиrozим бор-йўқлигини билиш учун бироз кутиб турди, аммо мен чурқ этмадим. Эҳтимол, у ҳақдир, деб ўйладим. Даиллар, худди ўзи айтганидек, бир-бирига тўғри келмоқда.

– Сени шунинг учун сухбатга тортдим, Мэллой, – деб гапини давом эттириди полиция бошлиги менга пўлатдек совуқ кўзларини тикиб. – Дедрик ўғирланган. Жуда яхши. Бунга қандайдир бирор чора кўрамиз, аммо қолгани бизнинг ишимиз эмас. Сен билан Керман ҳеч қаерда Мэри Жеромнинг номини тилга олмаслигингиз керак. Акс ҳолда ўзингиздан кўринг. Ҳар иккингизни асосий айбдор сифатида қамоққа тикиб қўяман ва токи панжара ортида ўтирас экансиз, йигитларим ҳар куни, кечаси-ю кундузи, тушлик ва

Жеймс Хедли Чейз

кечки овқатга танаффусиз сўроқ қиласеради. Агар бу аёл тўғрисида зигирча хабар матбуот юзини кўрса борми, сизларга ана шундай қувноқ ҳётни кафолатлайман. Мен қандайдир фош этувчи шов-шувли чиқишлар қилмоқчи эмасман. Дедрик хонимга биз томонимиздан етарлича ҳурмат-иззат кўрсатилади. Унга эрини йўқотишнинг оғирлиги ҳам етиб ортади. Шу боис турмуш ўртоғининг хиёнат қилганини билдиришнинг ҳожати йўқ. Тушунарлими?

Мен Дедрик хонимнинг нуфузли танишлари тўғрисида ўйладим. Губернатор, афтидан, унинг кўрсатмаси билан бу газандани яксон қилиб ташлаши мумкин. Брендон эса хонимнинг манфаати ёки ҳис-туйғусини ҳурмат қилишдан олдин ўзининг шахсий хавфсизлигини кўпроқ ўйламокда.

– Тушунарли! – жавоб бердим мен.

– О’кей! – хитоб қилди полиция бошлиғи ўрнидан турар экан. – Тилингни тий, акс ҳолда пушаймон бўласан. Қани, энди жўнаб қол. Бундан кейин ифлос бурнингни бу ишга суқма, акс ҳолда туғилганингга афсус қиласан.

– Бундан мен учун ҳеч қандай янгилик бўлмайди, – деди Керман эринчоқлик билан эшик томон йўл оларкан. – Ҳар куни эрталаб турганимда айнан шундан хурсанд бўлмайман.

– Йўқол, – қичқирди Брендон.

Биз жуфтакни ростладик.

ИККИНЧИ БҮЛИМ

1

Мен эртаси куни кеч соат ўнларда бир масалани ҳал этиш учун беҳуда уринардим: ухласаммикан ёки дастурхон устида вақтни қисқартириш учун шотланд вискисининг бошқа шишиасини очсаммикан?

Кутылмаганда телефон жириングлади. Күнғироқ кескин ва қаттиқ чириллади. Бу мени шунинг учун саросимага солдики, айни соатга қадар кулбам тинч ва хотиржам, худди бой-бадавлатнинг тўйида иштирок этган шўрлик қариндошга ўхшаб қолган эди.

– Хэллоу!

Симларнинг бир текис гувиллаши ортидан менгача жаз оркестрининг вальс куйи етиб келди. Трубинанинг мослама орқали пасайтирилган баланд ноталари буни Глен Буснинг «Серенадерс» жаз оркестри ижро этмоқда, деган фикрга олиб келди. Демак, менга Кантри-клубдан күнғироқ қилишган.

– Жаноб Мэллойми?

Овоз аёл кишига тегишли бўлиб, сўзларни чўзиб гапиради. Шу билан бирга бу овоз эркакларда қизиқиш уйғотишга мўлжалланган эди.

– Эшитаман.

– Сиз билан Серена Дедрик гаплашяпти. Кантри-клубдан күнғироқ қилипман. Бу ерга кела олмайсизми? Агар қарши бўлмасангиз, сизга бир иш таклиф қилмоқчиман.

Мени ҳайрон қолдиргани – нега у эртагача сабр қила олмади? Афтидан, барча Дедриклар хизматдан ташқари вақтларда қўнғироқ қилишга мутахассис бў-

Жеймс Хедли Чейз

либ кетишган, шекилли. Шу билан бирга бу мени айрича ташвишга согани йўқ, ундан буюртма олишни истар эдим.

– Ҳечқиси йўқ, Дедрик хоним. Ҳозир етиб бораман. Мен сизни қандай топаман? Дарбондан сўрасам бўладими?

– Мен сизни автомобиллар тўхташ жойида турган машинамда кутаман. Қора тусдаги «Кадиллак». Сиз қачон келасиз?

– Ўн беш дақиқада...

– Мен сизни чорак соатгача кутаман, кўп эмас, – деди у кескин оҳангда ва гапини тугатди.

– Ҳозир бора... – деб жавоб бера бошлаганим заҳоти гўшакни кўйди.

Мен югуриб, ювиниш хонасига кирдим, ўзимни ойнага солиб кўрдим: кўринишим анча яхши. Бўйинбогимни тўғрилаб, ўзимга-ўзим савол бердим: унга мендан нима керак? Балки эрининг ўғирланиши тўғрисида дастлабки маълумотлар зарур бўлгандир? Журналда босилган фотосуратлар ҳамда гапириш оҳангига қараганда, уни анча-мунча оддий нарса қаноатлантирмаслиги кўриниб турарди.

Гараждан машинамни олиб чиқдим-у, Росмор-авеню жойлашган майдон бўйлаб шитоб билан ҳайдадим. Майдончада бир-икки бемаъни одам ой нурида ялтираётган коптокча билан гольф ўйнарди. Сўнг Глендор-авенюдан чап томонга бурилиб, ўн бир ярим дақиқада Кантри-клубнинг ҳашаматли кириш эшигига бориб тўхтадим.

Автомашиналар тўхташ жойи клуб орқасида жойлашган. Машинамни ўша ёққа ҳайдадим ва бўш қолган биттагина жойга бир амаллаб кўйдим. Кабинадан тушиб, қаторлашган автомашиналарга қарап экан-

ман, бундан кўра, сомон ичидан игна топиш осонроқ эканлигини англадим. Ҳашаматли лимузинлар орасидан керакли қора «Кадиллак»ни топиш мاشаққатдан бошқа нарса эмас. Бу ерда беш юздан зиёд машина бўлиб, шулардан учдан бири, менинг назаримда, қора «Кадиллак»дан иборат эди.

Мендан чап томонда, узокда стоп-чироқ ёниб-ўча бошлади. Умид билан ўша томонга қараб интилдим. Машинага яқин боргунимча стоп-сигнал ёниб-ўча-верди. Мен бу қора автомобилни «Оушен-энд»нинг қанотида икки кун олдин кўрган эдим.

Машина олдига бориб, ойнасидан ичкарига қарадим.

Рулда аёл киши чекиб ўтирад эди. Ойнинг совуқ ёғдуси тўғридан-тўғри унинг юзига тушиб турарди. Биринчи пайқаганим – аёлнинг соchlарига тақилган кичик чироқчалардек ёғду таратувчи марваридлар шодаси бўлди. Бу аёл ой ёруғида гипсдан ясалган ҳайкалга ўхшаб кўринарди. Этнида катта ўйма нақшли, олтинранг берилган парчадан тикилган кийим. Сочларидаги марварид шодасидан тортиб, токи совуқ, кишини сескантирадиган ифода ва кўзни қамаштирувчи чиройли чехрасигача шундай қиёфа акс этгандики, дунёдаги энг бой хотинлар эгаллаши керак бўлган кўриниш эди бу.

Унинг кўзлари шу пайтгача мен кўрган энг катта кўзлар эди. Узун силлиқ товланиб турган киприклари эса ясама бўлмай, унга табиат томонидан инъом этилган. Биз бир неча дақиқа индамасдан ошкора қизиқиши билан бир-бирилизга қараб, гўё ўрганар эдик.

– Дедрик хоним, менинг ихтиёrimда яна икки дақиқа қолди, аммо, назаримда, барибир сизни кутишга мажбур қилдим, – дедим мен. – Кечирасиз. Сиз мен

Жеймс Хедли Чейз

билан шу ерда гаплашишни хоҳлайсизми ёки бошқа бирор жойни танлайсизми?

– Яна қаерда гаплашса бўлади?

– Дарё бўйида голъф даласи бор, унчалик ёмон эмас. Бу ерга қараганда анча тинч.

– Яхши, ўша ёққа борамиз. Ўйлайманки, машинани сиз бошқарасиз, – деди у ён ўриндиқقا ўтиб.

Мен «Кадиллак» рулига ўтириб, машинани ўт олдирдим. Кираверишдаги тўхташ жойига етгунча Дедрик хонимга зимдан қараб олдим. У ўйчан ҳолда олдинга қараб ўтирас, юзидан ҳеч қандай ифодани англаб бўлмас, худди фил суюгидан ясалган ниқобдай силлиқ ва муздек қотиб қолган эди.

Клуб дарвозасини айланиб ўтиб, машинани равшан ёритилган кўпприк томондаги йўлга бурдим. Сўнг дарё бўйида жойлашган қишлоқ йўлига тушиб олдим. Бир неча лаҳзадан сўнг керакли жойга етдик. Тезликни ошириб, ой ёруғида ярқираб турган дарё бўйига бурилдим ва тўхтадим. Фақат ҳар замонда қамишлар орасидан бақаларнинг вақиллаши эшитилар, атрофдаги жимликни тўлқинларнинг овози бузиб турарди, холос.

– Тушишини истамайсизми? – деб сўрадим клубни тарқ этгандан буён бизни қуршаб олган жимликни бузиб.

Хоним сесканиб кетди, бу дамда хаёли узоқларда кезарди, чоги. Сўнг сигара кулини ташқарига улоқтириб, рад этгандек бошини чайқаб қўйди.

– Йўқ, биз шу ерда, машинада гаплашаверамиз. Ўлдирилган Суюкини биринчи бўлиб топган киши сизмисиз?

– Ҳа, эрингиз билан боғлиқ бирор маълумот борми сизда?

– Улар менга бугун кечқурун құнғироқ қилиши. Унинг озодлиги учун беш юз минг сўрашяпти. Эримнинг соғ-саломат, ҳадемай мен билан учрашишидан умид қилаётганини айтишди.

Серена Маршленд бу гапларни совук, равон оҳангда айтди, уларнинг ортидаги ташвиш эса сезилиб турарди.

– Пулларни эртага кечқурун тўлаш керак, эримни пулни олганлари заҳоти озод қилишмоқчи.

Мен индамадим. Узоқ жимлиқдан сўнг Дедрик хоним менга бурилиб, синовчан назар ташлади.

– Кимdir бу пулларни уларга бериши керак. Бу ишни сиз қилишингизни истардим. Яхшигина тўлашади.

Мен айнан шундан қўрқардим. Талончилар билан юзма-юз бўлиш – ниҳоятда қалтис иш. Гаров пулини олиб борган кишини кўпинча ўлдириб юборадилар.

– Пулни қандай етказиш ҳақида улар билан келишиб олдингизми?

У «йўқ» дегандек бош чайқади.

– Ҳозирча фақат бир гап: ҳаммаси илгари ишлатилган йигирма долларлик пуллар бўлиши керак. Уларни учта пакетга солиб, ҳар бирини клеёнкага ўраш зарур. Пулни қаерга олиб боришни энг охирги дақиқаларда телефон орқали айтишади.

У менга тикилиб қаради.

– Хўш, қўрқмайсизми?

– Уларнинг шартларини билиб олсан, кейин жавоб бераман.

– Демак, сизнингча, бу иш анча хавфли-я?

– Ҳамма нарса бўлиши мумкин.

У сумкачасини очиб, бир қути сигарета олди. Биттасини менга таклиф қилди ва сўради:

– Нима деб ўйлайсиз, уни қўйиб юборишармикан? –
хонимнинг овозида ҳаяжонланиш намоён бўлган эди.

Мен сигаретани олиб, бироз мулоҳаза қилгач, жавоб бердим:

– Эҳтимол, қўйиб юборишар.

Чекишиб бироз муддат жим бўлиб қолдик.

– Мен ростини айтишингизни истайман, – деб қолди Дедрик хоним тўсатдан. – Уни менга қайтариб беришармикан? Ҳами ёки йўқ?

– Билмадим. Бу эрингиз уларни кўрган ёки кўрмаганига боғлиқ. Агар кўрмаган бўлса, ҳеч нимадан кўрқмаслик керак ва уни қайтариб беришади.

– Борди-ю кўрган бўлса-чи?

– Аниқ айтиш қийин. Ўгрилар учун ўлим жазоси берилади, шунинг учун бу қалтис ишни ҳамма ҳам ёқтирумайди.

– Мен уни қайтариш учун ҳеч нимани аямоқчи эмасман. Буларнинг ҳаммаси мен туфайли рўй берди. Агар бунчалик бой бўлмаганимда, ҳеч ким уни ўтирумасди. Йўқ, эrim орқага қайтиши шарт.

Мен жавоб тариқасида ҳеч нима дея олмасдим. Ҳар ҳолда Дедрик хоним эрини энди тирик кўра олмайдигандек туюлди. Товон тўлашга шунча пул қўйилган экан, ўгрилар уни ўлдиришлари мумкин. Кўпгина ўғрилар гаровдагиларни қўйиб юборгандан кўра ўлдириб юборишни афзал кўришади. Шундай қилишса, ўзлари учун хавф-хатар бир мунча камаяди. Аксар ўғирланган кишилар полициячига жиноятчиларни топишда яхшигина илмоқ топиб беришган.

– Сиз полиция билан шу тўғрисида гаплашдингизми? – деб сўрадим мен.

– Йўқ, бундай қилмоқчи эмасман. Бугун оқшом менга қўнфироқ қилган киши ҳар бир қадамимни ку-

затиши ва полиция билан боғланадиган бўлсам, Ли ўлдирилишини айтиб огохлантирди. Полиция ёрдам бера олмайди. Бундай ишларнинг полицияга ҳожати йўқ.

– Қопқон қўйиш учун ҳали бизнинг вақтимиз бор. Пулга шундай белги қўйиш керакки, унга ҳеч кимнинг фаҳми етмасин. Бу ҳол эрингиз озод этилганидан сўнг ўғриларни ушлаш учун полицияга дастак бўлади, охирги чора сифатида.

– Йўқ, – деди у қатъий тарзда, – мен бу ишга ҳеч қандай найрангни аралаштирмасликка сўз берганман. Акс ҳолда улар билиб қолиб, Лини ўлдиришади. Бунинг учун ўзимни асло кечира олмайман, ҳеч қачон! Пулга тупурганман. Менга Ли керак.

– Сизга ким қўнғироқ қилди? Гапириш услубига кўра унинг қандай одам эканлиги тўғрисида бирор тасаввур пайдо бўлдими? Мен маълумоти, гапириш оҳангини назарда тутяпман. У билан учрашиб қолганда, овозидан таниб қолиш имконияти пайдо бўладими?

– Менимча, у оғзига дастрўмол тутиб гапирди. Қолаверса, овози ниҳоятда бўғиқ эди. Ҳеч қандай лаҳжа унсури йўқ. Сизга айтмоқчи бўлганим ана шулар, холос.

– У қай тарзда гапирди, қўпол эмасмиди?

– О, йўқ! У жудаям хушмуомала.

Мен дарёга ўйчан қараб қолдим. Афтидан, улар Дедрикни олиб кетишгач, дарров ўлдиришган. Ўйлаб ўтирмасдан ҳайдовчини ҳам ўлдиришган, бирор дақиқа мулоҳаза қилмай, пулни олган заҳоти мени ҳам асфаласофилинга жўнатишади. Йўқ, бундай иш билан боғланиб қолишини истамайман.

Дедрик хоним мен нима тўғрисида ўйлаганларимни англайдиган даражада ақлли эди.

Жеймс Хедли Чейз

– Агар сиз бу топширигимни бажаришдан бош тортсангиз, яна кимдан ёрдам сўрашни тасаввур ҳам қила олмайман. Рози бўлсангиз, мен ўзим бирга борар эдим.

– О, йўқ! Бу ишни фақат бир киши қилиши керак.

– Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Мен пул ўз жойига етиб боришига ишонч ҳосил қилиш учун қатъий қарорга келганман. Агар сиз кўнмасангиз, мен ёлғиз ўзим бораман.

Дедрик хонимнинг қизикқонлигига ҳайрон бўлиб, унга қараб қолдим. Анча вақт бир-биримиздан кўз узмадик. Бу аёлнинг юз ифодасига тикилиб, уни ҳеч қачон ўз аҳдидан қайтара олмаслигимни аниқ англадим.

– Хўп, яхши! Агар сиз зарур деб ҳисобласангиз, мен сиз билан бораман, – дедим.

Биз яна бир муддат чурқ этмай ўтиридик.

– Мен сиздан бир нарса тўғрисида сўрамоқчи эдим, – деди тўсатдан у. – Шахсий котибам деб ўзини таниширган қиз ким эди?

– Унинг кўринишини билишни истайсизми?

– Ҳа.

– Ёши ўттиз ёшларга етар-етмас, қораҷадан келган. Кўриниши чиройли, яхши кийинган. Мен ўшандаёқ унинг котибага ўхшамаслиги ҳақида ўйлаган эдим.

– Жудаям чиройлими?

– Менимча, шундай. Иродали. Юзи одатдаги гўзалларники каби маънисиз эмас.

– У эримни шунчаки исми билан тилга олдими? Шунақами?

– Ҳа.

Мен унинг қўллари муштга айланганини кўрдим.

– Бу хомсемиз аҳмоқ полиция бошлиғи Ли ўша қиз билан севги ришталарини боғлаган, деб ўйлади, –

тишларини ғижирлатиб деди у. – Сиз ҳам шундай деб ҳисоблайсизми?

Дедрик хоним ҳаяжонланганидан овози кескин ра-вишда қўполлашди.

– Билмадим. Мен эрингиз ҳақида ҳеч нимани бил-майман. Шунақага ўхшайди, аммо у шунчаки ўртоғи ҳам бўлиши мумкин-ку.

– Ли бу қиз билан ҳеч қандай муносабат боғлама-ган, – деди Дедрик хоним, аммо шундай паст овозда гапирдики, зўрга эшитдим. – Мен биламан. У бундай қила олмасди, уйимга бошқа аёлни олиб келмасди. Бу унга хос иш эмас.

Хоним атрофга нигоҳ ташлаб, жим бўлиб қолди ва қўллари билан юзини яширди.

– Уни топишдими? – сўрадим мен.

– Йўқ. Ахтаришмади ҳам. Полиция бу қиз Лининг жазмани, деб ишонади ҳамда унга тегмасликни маъ-кул кўради. Аммо мен бунга ишонмайман. Бу қизга нимадир маълум бўлиши керак.

Мен ҳеч нима демадим.

Узок давом этган жимлиқдан сўнг Дедрик хоним бирдан сўз қотди:

– Сиз, афтидан, мени яна клубга қайтариб элти-шингизга тўғри келади. Индингача муҳокама қила-диган ҳеч нима йўқ. Ўша куни кечқурун менинг ҳу-зуримга келасиз. Эҳтимол, кутишимизга тўғри келар, аммо биринчи талаб бўйича боришга тайёр бўлиб ту-ришимиз керак.

– Яхши, мен келаман.

Биз индамай клубга қайтдик. Машинани тўхташ жойига қўйганимда, у менга маъносиз беихтиёр та-бассум ҳадя этди-да, шундай деди:

– Эртадан кейин, оқшом соат олтида.

Мен унинг клубга қай тарзда кириб боришигача индамай кузатиб турдим: нозик қадди-қомати, ентил, ҳашамдор, заррин либос, соchlарида бриллиантлар ялтирасар, аммо айни дамда кўнглида, эҳтимол, кўркув ва рашк ҳисси қайнарди.

2

Мен полиция бошқармасининг тўртиничи қаватида жойлашган Мифлиннинг кичкина кабинетига зина-поянинг тош пиллапоялари бўйлаб зўрга кўтарилдим. Лейтенант деразага қараб турарди: шляпаси кўзигача бостирилган, пастки лабида сигарета кули ёпишиб қолган. Юзи маъюс кўринар, фақат кўзлари зўр бериб фикрга берилганини англатар эди.

– Мана ниҳоят келдинг, – деди Мифлин тушкун ҳолда мен эшикни зарб билан очиб, унинг тангу тор идорасига кирганимда. – Қизиқ, ҳозиргина сени ўйлаб турган эдим. Қани кел, ўтири. Сигаретам тугаган, шундай экан, сўраб ўтирма.

Мен суюнчиғи текис оғир стулни олдим-да, уни тескари қўйиб, суюнчикларига қўлимни тираб ўтирдим.

– Хўш, Дедрикни ўғирлаш билан боғлик иш қандай кетяпти?

– Жойидан силжигани йўқ, – деди Мифлин оғир хўрсиниб. – Каердан ушлашни ҳам билмайсан, Брэндон эса худди илондай алжиб, лақиллаб қолган. У жиноятчиларни ахтариб топса, шунинг шарафига штат полицияси бошлиғи бўламан, деб қарор қилган негадир.

Мен костюмимнинг чўнтагини кавлаб, бир қути сигарета чиқардим-у, лейтенантни чекишига таклиф қилдим.

Биз бир-биримизга қараб индамай чекишидик.

– Анови жувон – Мэри Жером масаласи нима бўлди?

Мифлин яна чўкур уҳ тортди:

– Нима, сен бу ерга бурдалаш учун келдингми?

– Мутлақо ундан эмас. Қандайдир ахборотни баҳам кўриш учун келдим.

Мифлиннинг кўзи тўсатдан чақнаб кетди ва менга синовчан назар билан тикилди.

– Сен бирор нарсани билиб олдингми?

– Ниманидир, аммо гап ўртамиизда қолсин. Ўтган оқшом менга Дедрик хоним қўнгироқ қилди. Нима учунлигини тушунган бўлсанг керак?

– Ундан гаров пули талаб қилишган. Сен эса пулни белгиланган жойга етказишинг керак, шундайми?

Мен бош иргадим:

– У бу ишга полиция аралashiшини истамади.

– Истамадими? – алам билан деди Мифлин. – Аммо биздан эрини қайтаришни талаб қилиб ўтирибди тағин. Хўш, бу иш қачон амалга ошиши керак?

– Эртага кечкурун. Улар қўнгироқ қилишади ва унга охирги топшириқни беришади.

– Бу ҳақда албатта Брэндонга хабар қилиш керак.

Мен елкаларимни қисиб кўйдим.

– Ўзинг биласан. Бу борада Брэндон ҳеч нима қиолмайди, у фақат гаров пулини олишга келган кишини ушлаши мумкин. Агар шундай қилса, Дедрикни айнан ўлдирган бўлади.

– Гаров ўйнаб айтаманки, Дедрик аллақачон ўлган.

– Эҳтимол, аммо биз бу ҳақда ҳали билмаймиз.

– Барibir Брэндонга айтишга тўғри келади.

– Эҳтиёт бўл, бу ерда бўлганимни у Дедрик хонимга айтиб қўймасин, тағин. Сизлар нима қилмоқчисизлар – телефондаги сўзлашувни эшитмоқчимисизлар?

– Балки, – қовогини уйиб жавоб берди Мифлин ва күзларини юмиб олди. – Агар Дедрик хоним бу ишга аралашишимизни истамаса, у ҳолда Брэндон ҳеч нарсага қўл урмайди. У нотўгри қадам кўйишдан кўрқади. Гаров пули тўланса бас, шунда бизнинг ташвишларимиз ҳам арийди.

– Мэри Жером масаласига қайтсак. Сизларда бирор янгилик борми?

– Брэндон уни бир четта суриб қўйди, аммо мен унинг «Оушен-энд»га миниб борган машинасини топдим. Жером ҳовлидан машинада чиққанида, навбатчиликда турган полициячи уни қўриб қолган экан. Бу ҳақда машина ракамларидан коллекция йигадиган аҳмоқлардан бири Дедрикнинг ўғирланганини эшишиб, рапорт берди. Қиз машинани «Акме» гаражидан олган экан. Бу идорани билсанг керак? Уни Феррис деган кимса бошқаради. Биз анчадан буён унинг гиёхванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланишидан шубҳаланиб кузатамиз, аммо ҳозирча ҳеч нима топганимиз йўқ. Мен ўша идорага кирдим, хўжайин Лос-Анжелесда экан, хотини билан гаплашдим. У Мэри Жеромни эслади. Қиз ўғирлик рўй берган куни кечкурун соат саккизлар чамасида келиб, Льют Феррисдан автомашина сўраган. Закаладга эллик доллар бериб, машина икки кунга керак бўлишини айтган. Ўзининг манзилини эса «Орхид» меҳмонхонаси деб кўрсатган.

– Феррис қизга машинани ҳеч қандай текширувларсиз бераверганми?

– У нимадан кўрқади? Машина сугурталанган бўлса.

– Сизлар аэропорт, вокзалларда кузатув ўрнатдингизми? У шаҳардан ташқарида беркинмадимикан?

– Бўлмасам-чи! Аммо ҳозирча натижа йўқ.

– Бундан бошқа ҳеч нима аниқланмадими?

– Яна нимани аниқлаш мүмкін? – деб жавоб берди Мифлин сигаретаны ўчириб. – Тергов қилинадиганлар ичида ўғирлик энг оғир иш эканлигини биласан. Агар улар ўғирланған одамни ўлдирған, пулни белгилаб қўйишмаган бўлса, ҳаммаси ҳавога учиб кетди деявер. У ҳолда фақат битта умид қолади – ўғрилардан бирортаси гаровга олинган пулнинг ўзига тегишли ҳиссасидан норози бўлиб, бошқаларини сотиб қўяди. Ҳозир эса Брендон ҳар бир қадамда қалтираб турганида, бу ишлар ўн баравар оғир. Мэри Жером бизнинг бирдан-бир ушлайдиган илмоғимиз, аммо у билан мен шугуллана олмайман.

– Афтидан, тергов учун янги қотиллик юзага келади, ўша сизни шунга ундейди, – дедим алам билан. – Агар эртага кечқурун мени ҳам туртиб кетишиша, бундан ажабланмайман.

Мифлин менга ўйчан қараб қолди.

– Шу ҳафтада эришадиган энг ягона янглигим шу бўлса керак, – деди у. – Ҳа, ўйлаб кўрилса, ҳамма шу ҳақда гапиради ва айнан шу ишни қилишади.

Мен қўлларини ишқалаётган Мифлинни қолдирдим-да, «Саул» операсидаги мотам маршини ҳуштак чалганча чикиб кетдим.

3

– Шундай қилиб васият ёздингми? – деб сўради Керман мен ўттиз саккизинчи калибрли тўппончани ўқлаётганимда. – Умид қиласанки, пулларингнинг ҳаммасини менга қолдирасан. Уларни қандай сарфлашни биламан. Бўлмаса сариқ сочли шайтончам иркит нарсадан кўр бўлиб қолибди, деб ўйлайди.

– Жим бўл, Жек! – унинг ганини кесди Паула. У мен учун ташвиш чекаётганини билдиргиси келмас, аммо кўзларидаги ифода буни ошкор этиб турарди. – Сенда ҳеч қандай одамгарчилик туйғуси йўқ-а?

– Икковингиз ҳам оғзингни юминг! – деб ўшқирдим уларга. – Гап-сўзларингиз билан менда вахима кўзгаяпсизлар, холос. Жек, ҳаммаси келишганимиздай бўлсин. Уй ортидан кузатишлари мумкин, шундай экан, ўзингни худди қамалдагидек тутгин. Қаёққа бораётганимизни сенга билдираман. Щундай қилгинки, ҳеч ким пайқамасин, акс ҳолда ҳаммаси чиппакка чиқади. Қандай бўлмасин, ота-от бошланмагунча кўринма. Шундан кейин отишни бошла.

Керман қулт этиб ютинди:

– Нима, нима дединг?
– Отишни бошла, дедим.
– Менга ҳам шундай эшитилди. Агар ўйлаб кўрсам, ўзимга васият ёзишимга тўғри келади, шекилли.

– Худо хайрингни берсинг, мўлжалга аниқ отишга ҳаракат қил, – деб гапимни тугатдим мен, сўнг қўл соатимга кўз ташлаб, ўрнимдан турдим. Костюмим остидаги филофга тўппончани солдим. – Кетиши вақтим бўлди. Паула, агар сиз соат ўн иккигача биз ҳақимизда ҳеч нима эшитмасангиз, Мифлиннинг олдига бориб, унга ҳаммасини айтиб беринг.

– Мен тўғримда у ҳаммасини эшитади. – тўнғиллади Керман, унинг юзи қўрқувдан қийшайиб кетган эди. – Албатта эшитади, жин урсин.

– Эҳтиёт бўлинг, Вик, – деди ҳаяжонланиб кетган Паула.

Мен қизнинг елкасига қоқиб қўйдим.

– Сизга ҳайронман, Паула. Ўғрилик каби арзимас ишга ҳам жон куйдирдингиз-у, аммо ўйлаб ўтирмас-

дан, мени гиёхвандлар билан түлиб-тошган уйга йүл-ладингиз. Ақлли бўлинг, сиз энди анча улғайдингиз. Яхшилаб ўйлаб олинг, биз бу ишдан қанча пул оламиз?

– Бўпти, бўпти. Фақат беъманиликка йўл қўйманглар, – деди у жилмайишга ҳаракат қилас экан. – Худо ҳаки, бу бой хотин олдида мақтамантлар тағин.

– Паула, жаҳлимни чиқарманг, – жавоб бердим мен, – Жек, кетдик. Қани, олга бос!

Биз йўлак бўйлаб лифтга яқинлашдик.

– Балки бир бордоқдан отармиз? – деди Керман умидвор бўлиб, биринчи қаватга тушганимиздан сўнг.

– Ҳозир эмас. Машинада бир шиша виски бор. Илтимос, бироз жиддий бўлгин. Акс ҳолда ишимиз ёмон тугайди.

Керман намойишкорона елкаларини қисди.

– Менга энди барибир, ҳаммаси жонимга тегди.

У «Бьюик»ка чиқиб, орқа ўриндиққа чўккараб ўтириди, мен устига гиламча ташладим.

– Бу алфозда ўтирганимни зўр қониқиши билан эслайман, – деди Керман гилам остидан бошини чиқарип қарап экан. – Мен бунинг остида қачонгача ўтиришим керак экан?

– Уч-тўрт соат, ундан кўп эмас.

– Майли, начора, ўттиз беш даража иссиқда Калькуттадаги турманинг бир хонаси тўғрисида тўла-тўкис тасаввурга эга бўламан.

– Ҳечқиси йўқ, кечқурун иссиқ пасаяди, – дедим мен уни гап билан аямай ва машинани ўт олдирдим.

– Сен учун бир шиша виски бор, у вақтни қисқартиришинг учун керак. Фақат чекма.

– Чекма дейсанми? – гиламча остидан умидсиз оҳвоҳ эшитилди.

Жеймс Хедли Чейз

– Кулок сол, йиғиштирилген. Агар бу йигиттар сенинг машинада эканлигингни билиб қолишиша, судраб чиқиб, чавақлаш ташлашади.

Керман бирданига ювош тортиб қолди.

Мен энди хусусий йўлдан анча секин борардим. Муюлишдан хотиржам бурйлдим ва ички ҳовлиси панжара билан ўралган жойдан бир ярд нарида тўхтадим.

Ботаётган қуёш нурларида уй шунчалик мафтункор кўринардики, қурилишига миллион доллар сарфланган ҳашаматли саройгина шундай чирой касб этиши мумкин эди. Кираверишда катта лимузин туради. Ундан унча узоқ бўлмаган жойда иккита хитойлик боғбон сўлигидан гулларни кесиш билан овора. Улар шошмасдан ишлашар, гўё яқин тўққиз ойда гул буталари асосий даромад манбаларига айланиши керак эди (аслида ҳам эҳтимол шундайдир). Катта сузиш бассейни қуёш нурида ялтирас, аммо унда ҳеч ким чўмилмасди. Богнинг пастки зинасида кенг баҳмал каби майсазор устида олтита қизил ғоз менга тикилиб туради: узун оёқли бу ажиб жониворлар худди италияликлар табрик хатидаги кўк лимондек нотабиий кўринарди.

Бир сўз билан айтганда, «Оушен-энд»да ўша кунги ҳамма гўзаллик муҳайё, дил яйрас, аммо баҳт-саодат йўқ эди.

Мен ҳашаматли қасрга назар ташладим. Деразаларни яшил эшикчалар зич ёпиб турибди. Кираверишдаги эшик устини қизил ва яшил рангли чодир қоплаган.

– Хўп бўлмаса! Мен кетдим, – дедим Керманга шивирлаб.

– Вақтни күнгилли ўтказ, – гилам остидан Керманнинг аламзада овози эшитилди. – Уялиб ўтирма. Со-дали вискига кўпроқ муз солгин.

Мен пешайвондан ўтиб, қўнғироқ тугмасини босдим. Ойнаванд эшик тирқишидан катта зал ва ним коронги орқа хоналарга туташ йўлак кўринди.

Баланд озғин кекса киши йўлакдан ўтиб, эшикни очди ва менга шубҳали нигоҳ ташлади. Назаримда, у эгнимдаги костюмимни фикран баҳолаб, бу ҳашаматли ҳовлига мос уст-бош сотиб олса бўлмасмикан, деб ўйлади. Балки адашгандирман, у ҳеч нимани ўйламагандир ҳам.

– Мени Дедрик хоним кутмоқда.

– Фамилиянгиз, сэр?

– Вик Меллой.

Чол ўрнидан қимиirlамади ҳам.

– Сизда ташриф қофози борми?

– Бор, албатта. Қавм-қариндошлик холим ҳам бор. Эҳтимол, уни ҳам сизга бирваракай кўрсатиш им ке-ракдир?

Эшик оғаси илтифот билан жилмайди, бу нигоҳ кекса амакининг ҳаддан зиёд ўйноқи жиянига қара-шини эслатар эди.

– Бу ерга Дедрик хоним билан гаплашиш учун ҳар қандай репортёрлар суқилиб келаверади. Шунинг учун эҳтиёт чораларини кўришга мажбурмиз.

Агар чолга ўзимнинг ташриф қофозимни кўрсатадиган бўлсан, бу ерда келгуси ёзгача қолиб кетсан керак, деб ўйладим-у, ҳамёнимдан «Ишонч ёрлиги»мни чи-қардим. Эшик оғаси четланди ва мени қўйиб юборди:

– Мана шу ерда кутсангиз бўлади...

Мен айнан Суюки ўлдирилган хонага ўтдим. Мексиканча гилам аллақачон тозаланганди. Полда ҳеч қандай

Жеймс Хедли Чейз

жасад чўзилиб ётмас, стол устида қўл теккизилмаган виски бордоғи ва сигарета кули кўринмас, стол юзасидаги доғ ҳам ғойиб бўлган, усти ялтираб турарди.

– Агар менга муз солинган икки ҳисса виски таклиф қилганингизда, рад этмаган бўлардим, – дедим эшик оғасига.

– О, марҳамат қилинг, сэр.

Чол буфет томон йўл олди. Стол устида «Хайг энд хайг» шиша идиши, бордоқлар, муз солинган кичкина пақирча ва «Уайтрок» турарди. Мен унинг қадам босишини диққат билан кузатар эканман бўғинлари қисирлашини эшитмадим. Бу ҳайрон қолдирди: эшик оғаси бўғин суюклари қисирлайдиган даражада кекса киши эди. Тўғри, у қанчалик кекса бўлмасин ичимликларни асло буқчаймасдан аралаштириди. Бир бордоқ шу қадар ўткир виски узатдики, бу шаробнинг қандайдир ночор изқуварни эмас, балки отни аєда-ришга ҳам қурби етарди.

– Журнал варақлаб кутишни истамайсизми, сэр? Ҳозир уларни келтириб бераман.

Мен чукур оромкурсига чўқдим, у мени гўё қучоқларига олгандай бўлди. Оёғимни узатиб, бордоқни эҳтиёткорлик билан дераза токчасига қўйдим.

– Сизнингча, кўп кутишга тўғри келадими? – деб сўрадим мен.

– Сэр, менда бундай ишларда етарли тажриба йўқ, аммо ўйлашимча, улар қоронғи тушмагунча қўнгироқ қилишмаса керак.

Мен бир кути сигарета чиқардим. Сигаретани оғзимга олиб бормасданоқ у гугуртни ёқди.

– Исмингиз нима? – деб сўрадим.

Қариянинг оқарган қошлари савол назари билан кўтарилиб кетди:

– Уәдлок, сәр.

– Сиз жаноб Дедрикда ишлайсизми ёки жаноб Маршленддами?

– Жаноб Маршлендда, сәр. Мени вақтингча жаноб Дедрикка ўтказиши, унга хизмат қилишдан баҳтиёрман.

– Сиз уларда күпдан бери хизмат қиласизми?

У камтарлик билан кулимсиради:

– Эллик йил бўлди, сәр. Йигирма йил катта Маршлендга хизмат қилдим ва, мана, ўттиз йилдан бери кичигининг хизматидаман.

Бу сухбат дўстона руҳ олди, шунинг учун ундан сўрадим:

– Сиз жаноб Дедрикни Нью-Йоркда бўлганида кўрганимидингиз?

Эшик оғасининг юзидағи дўстона ифода шу заҳоти ғойиб бўлди, бармоқларни ёзганда, мушт ана шутарзда йўқолади.

– Шундай, сәр. У бир неча кун жаноб Маршлендинг уйида турган эди.

– Мен эса у билан учрашишга мұяссар бўла олмадим. Фақат телефонда гаплашдим. Жаноб Дедрик тўғрисида кўп эшитгандим. Қизик, бу ерда унинг бирорта ҳам фотосурати йўқ-а? Умуман, кўриниши қанақа ўзи?

Гарчи мен бунга амин бўлмасам-да, чолнинг зангори кўзларида хушламаслик ифодалари кўрингандай туюлди.

– Баланд бўйли ва кучли, жуссали жаноб, юз бичими ниҳоятда ёқимли буғдойранг киши. Бундан яхшироқ таърифлай олмасам керак.

– У сизга ёқармиди?

Чол гўё қотиб қолгандек бўлди. Жавоб бериш ўрнига деди:

– Сиз журналларни күрмөкчү эдингиз, сэр. Кутиш кишини толиқтириб қўяди.

Менга тушунарли бўлди. Чол бошқалар каби Дедрикка тоқат қила олмаган. Кўпчилик, жумладан, мен ҳам жағга туширилган зарбага чидай олмаган бўлардим.

– Йўқ, ташвиш тортманг. Ҳаётда хилма-хиллик бўлиши учун баъзан зерикиш ҳам зарар қилмайди.

– Яхши, сэр, – чол яна қуруқ ва хушмуомала бўлиб қолди. – Янгиликлар пайдо бўлиши билан дарҳол сизга хабар қиласман.

Сўнг у заиф буқчайган ҳолда кексаларга хос қадам босиб, мени ўз қавми томонидан ёлғизлатиб қўйилган руҳоний каби хонада танҳо қолдириб кетди. Ноҳуш хотиротларга берилдим. Мана, мендан бир неча ярд нарида қонга беланган Суюки ётган эди. Камин олдидағи телефон ўша-ўша. Ундан Дедрик зўрга нафас олиб, бўғиқ ҳолда гапирган эди. Мен ўғрилар биқиниб кириб келган бўлиши эҳтимол тутилган ойнаванд эшикка назар ташладим, у ерда ўрта бўйли панама шляпа ва оқ тропик костюм кийган бақувват эркак менга қараб турарди. Қачон, қай тарэда кирган, пайқамай қолдим. Босқинчилар ва қотилликлар тўғрисида шунчалик ўй-фикрга берилган эдимки, уни кўрганим заҳоти кўрққанимдан сал бўлмаса шифтгача сакраб кетаёздим.

– Кечирасиз, мен сизни қўрқитиб юбордим, – деди у хушмуомалалик ва бирмунча бепарволик билан. – Бу ерда эканлигингизни билмаган эдим.

Шу сўзларни айтар экан, панамасини стол устига қўйди. Мен рўпарамда Франклин Маршленднинг айнан ўзи турганини фаҳмладим, ортидан Серенани кўз олдимга келтирдим, аммо у кўринмади. Кичик қай-

рилма бурни, оғир, соқоли қыртишлаб олинган ияги, күнғир күзларининг орзуманд, хотиржам боқиши офтобда куйган ажинли юзидағи ҳиссиётта тұла лаблари, оқарған соchlари, қуёшда тобланған оциқ елкалари бу одамни оқкүнгил қорбобога ўхшатиб турарди.

Мен оромкурсидан турмоқчи бўлганимда, у кўл ишораси билан тўхтатди:

– Ўтиринг, ўтираверинг. Мен сиз билан улфатчилик қиласман, – шундай деб билагининг орқа томонида тақилган юпқа олтин соатига қараб қўйди. – Еттидан ўн беш дақиқа ўтибди. Камина соат олтидан олдин ичишни соғлиққа зарар деб хисоблайман, сиз-чи?

Мен бу жуда яхши қоида эканлиги, аммо баъзан қоидани бузишга тўғри келиши, чунки инсон ўзининг эркинлик туйғусини тоҳ-тоҳида ҳис этиб туриши кераклигини айтдим.

У сўзларимга эътибор ҳам бермади. Юзида шундай ифода бор эдики, нима десангиз ҳам мутлақо қизиқмасди. Бу эса айтилган сўзларга кам қулоқ солиши, балки умуман эшлиши истамаслигини англатарди.

– Демак, сиз гаров пулини олиб борадиган ўша одамсиз, – деди Маршленд сўрагандан кўра, кўпроқ ўзи тасдиқлаб.

– Ҳа, ўша менман, – деб жавоб бердим.

У виски тўла бордоқни олиб, қаршимдаги оромкурсига келиб ўтирди. Ва бордоқ тепасидан ҳайвонот боғидаги йиртқич ҳайвонга қарагандек мени кўздан кечира бошлади.

– Серена менга сиз билан бирга боришини айтди.

– Ҳа, шундай.

– Мен бунга бутунлай қаршиман, аммо сўзларим унга мутлақо таъсир қилмайди, – Маршленд вискини ҳўплади ва ўзининг мўъжазгина, шу пайтгача бирор-

та эркакда учратмаганим – кичкина оёқларидаги оқ буғу терисидан тикилған туфлисига қаради. – У менга ҳеч қачон қулоқ солмайди. Афсус. Нима ҳам қилардим. Кексалар ҳамиша мижғов бўлишади. Аммо баъзан, агар ёшлар истаса, улар ёрдам бериши мумкин.

Назаримда, Маршленд бу гапларни менга эмас, кўпроқ ўзига гапираётгандек эди. Шу боис индамадим.

Чол жим бўлиб қолди ва бироз вақт ўйга ботганча ўтириди. Мен бошқа сигарета тутатдим ва Маршленд суҳбатни давом эттирадиган бўлса, қоматимни ростлаб олиш учун юзимга қуюқ ифодани бир нуқтага йигиб ўтирганча руҳсиз равишда қаршилик қўрсатиш ҳақида ўйладим.

Уйдан унча узоқ бўлмаган жойда икки хитойлик боғбон ишларини тугатиб, бироз вақт гул буталарини кўздан кечиргандарини кўрдим. Улар буталарга қўл теккизмай, дам олиш учун нари кетдилар.

– Сизда тўппонча борми? – деб сўради Маршленд.

– Ҳа. Аммо у керак бўлмайди.

– Лекин сиз менинг қизимга яхшилаб қаранг, унга хавф-хатар соя солмасин.

– Албатта.

Чол ярим бордоқ ичди, аммо шунга қарамай, виски унинг кайфиятини кўтартмади.

– Бу ошналар чакана ўйлашмаган. Беш юз минг – катта пул.

У, афтидан, менинг жавобимни кутди, шу боис жавоб бердим:

– Шунинг учун одам ўғирлашган. Хавф-хатар ҳам катта.

– Ҳм-м... Сиз нима деб ўйлайсиз, улар шартни баҷаришармикан?

– Ким билади уларни. Мен Дедрик хонимга айтганман, агар у ўғриларни кўрмаган бўлса...

– Ҳа, у менга айтган эди. Балки, сиз ҳақдирсиз. Мен илгари одам ўғирлаш билан боғлиқ воқеалар тўғрисида ўқигандим. Гаров пули қанча катта бўлса, жабрдийданинг тирик қайтиш имконияти шунчалик кам бўларкан.

Унинг кўзлари менга қандайдир синовчан ва ғалати тарзда тикилди. Шунда қариянинг унчалик хушмуомала ва бепарво эмаслигига ишонч ҳосил қилдим.

– Барчаси ўғриларнинг ўзига боғлиқ, – дедим унинг нигоҳини «ушлаб».

– Менда шундай бир хиссиёт борки, гўё уни энди тирик кўрмаймиз, – деди чол ва оромкурсидан охиста кўтарилиб, қовоғини уйганча нимадир излаган каби хонани кўздан кечирди. – Серенага ҳеч нима демадим, албатта, аммо улар ўлдиришганини билсан ҳам ҳайрон бўлмасдим. Сиз нима деб ўйлайсиз? – чолнинг оқарган қошлари савол назари билан юқори кўтарилди.

– Ҳамма нарса бўлиши мумкин.

– Нима бўлиши мумкин?

– Ҳақсиз, деб кўрқаман.

У рози бўлгандек бош иргади. Мени чолнинг кўзларида йилт-йилт этган қувончли қониқиши ифодаси титратиб юборди. У димогида ниманидир куйлаб, дадил ва тетик ҳолда хонадан чиқиб кетди.

Соатим миллари кечаси ўн бирни кўрсатган пайтда телефон жиринглади. Беш соатлик кутиш шунчалик азоб эдики, азбаройи асабийлашганимдан телефонга

ўзим жавоб беришимга сал қолди, аммо қўнглимнинг туб-тубида кимдир мендан ўзиб кетгандек бўлди.

Мана шу беш соат давомида мен хона бўйлаб мақсадсиз кездим, деразага қарадим. Уэдлок кечки овқатни олиб келганида, бу ёлғизлик фақат бир неча дақиқа мобайнида барҳам топди, холос. Аммо унга айтадиган гапим йўқ, шу боис мени яна ёлғиз қолди. Фақат соат саккизда мен бир неча дақиқага кўчага югуриб чиқиб, Керманга бир-икки оғиз гапириш ва ойнадан товуқ гўштини узатиш билан чегараландим. Ўша заҳотиёқ ортга қайтдим, уйни кузатиб турганлардан бироргаси шўрликнинг болохонадор қилиб сўкинганини эшиитмасин дедим.

Энди эса нимадир рўй бериши керак эди. Гарчи Дедрик мен учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмасада, кутиш асносида ўлгудай азобландим. Тасаввуримга кўра, Серена ҳам шуни бошидан кечирган бўлса керак. У, афтидан жинни бўлаётгандир.

Ниҳоят бир неча дақиқа ўтгач, мен катта залда шовқинни эшитиб, ўша ёқقا ўтдим. Кенг қора шим ва калта мўйна куртка кийган Серена Уэдлок ҳамроҳлигида шошилиб пастга тушди. Унинг қўлида елим пакетта ўралган учта ўрам бор эди.

Дедрик хонимнинг ранги оқариб кетган, худди касалга ўхшарди. Униқкан кўриниши узоқ вақтни азоб билан ўтказганидан далолат бериб турарди.

– Монте-верде кони... Унинг қаерда жойлашганини биласизми? – деб сўради Серена мендан заиф титраган овозда.

– Ҳа. Сан-Диего йўлида жойлашган. Агар транспорт ҳаракати қаршимиздан халақит бермаса, йигирма дақиқа юрсак, ўша ерда бўламиз.

Франклин Марсленд товуш чиқармай пайдо бўлди.

– Қаерда? – деб сўради у.

– Монте-верде конида. Сан-Диегога борадиган катта йўл устидаги унча узоқ бўлмаган ташландик мис кони, – изоҳ бердим мен. – Ўғрилар учун бундан яхшироқ жойни ўйлаб топмайсан, – мен Серенанинг худди бўр каби оқариб кетган юзига назар ташладим. Хонимнинг лаблари титрар эди. – Улар эрингиз тўғрисида сизга ҳеч нима дейишмадими, Дедрик хоним?

– У... Улар пулни қўлларига олишгач, уч соатдан сўнг озод қилишар экан. Қаердан топишни телефон орқали айтишармиш.

Маршленд билан мен кўз уриштириб олдик.

Серена қўлларимни маҳкам ушлаб олди.

– Айтинг, улар мени алдамайдими? Ахир пулларни бергач, ҳеч қандай таъсир кўрсата олмаймиз-ку!..

– Уларни шусиз ҳам қўлга ололмаймиз, Дедрик хоним. Айнан шу омил жиноятчиларни ифлос иш билан шугуулланишга ундейди. Сиз бутунлай уларнинг қўлидасиз, фақат сўзларига ишонишингиз қолади, холос.

– Азизим, пулни фақат жаноб Мэллойнинг ўзи олиб борса бўлмайдими? – деди Франклин Маршленд Серенага. – Сен эса бу ерда иккинчи кўнғироқни кутиб турардинг.

– Йўқ! – У, ҳатто отасига ўгирилиб ҳам қарамади.

– Серена, ақлингни йиғиб ол. Нега энди қалтис ишга бориш керак? Ахир улар сени ҳам ўғирлаши мумкин-ку. Жаноб Мэллойнинг ёлғиз ўзи бу ишни бемалол эплайди.

Серена умидсизликка берилмаган ҳолда, отасига кескин ўгирилиб қаради.

– Мен бирга бораман. Нима дейишингиздан қатъи назар, мени асло тўхтатиб қола олмайсиз, – деди у телбалардек. – Сиз нима учун бунча оёқ тираб ту-

рибсиз? Биламан, Лининг бу ишдан соғ-омон, зарарланмай чиқишини истамайсиз. Уни күрарга кўзингиз йўқ. Агар Лини ўлдиришса, сиз ҳаддан зиёд хурсанд бўласиз. Аммо мен уни қайтараман! Эшитяпсизми? Мен уни қайтариб олиб келаман!

– Сен ақлингни еб қўйибсан, – деди Маршленд қизариб кетиб. Унинг кўзлари гарчи ачингандек қараб турган бўлса-да, аммо ишонч билан боқарди.

Серена менга ўтирилиб қаради.

– Хўш, сиз мен билан бирга борасизми?

– Агар тайёр бўлсангиз, Дедрик хоним...

– Ундай бўлса, пулларни олинг ва кетдик!

Серена шахт билан бориб эшикни очди ва пешайвонга югуриб чиқди. Уэдлок менга учта ўрам берди, уларга пуллар солинган эди.

– Сэр, марҳамат қилиб, қизимни эҳтиёт қилинг, – деди у.

Мен зўрма-зўраки кулимсирадим:

– Асло безовта бўлманг.

Маршленд менга қарамай нари кетди.

– Хоним жудаям аччиқланган, сэр, – деди Уэдлок, ўзининг ҳам дили хуфтон эди.

Мен пешайвонга чиқдим ва «Кадиллак»ка яқинлашдим.

– Машинани ўзим бошқараман, – деб ўрамлардаги пулларни орқа ўриндиқقا ташладим. – Бир дақиқа, тўппончани олиб келишим керак, югуриб бориб-келаман.

У машинага чиқиб ўтиргунича, «Бьюик» томон шитоб билан юурдим.

– Монте-верде кони, – деб шивирладим мумкин қадар паст овозда гапиришга тиришиб. – Жек, демак,

Данғиллама ҳовлидаги қотиллик

сен беш дақиқа кутасан, сүнг изимиздан борасан. Иккимизга ҳам қарагин.

Гилам остидан заиф ох-вох, инграш овози эшитилди. Аммо мен бунга chalғib ўтирмадим-у, дарҳол «Кадиллак»ка қайтиб келиб, рулга ўтирдим. Серена бурчакка тиқилиб олган, у йигларди.

– Хафа бўлманг, – дедим, ўзим эса «эҳтимол, йиғлагани яхшидир», деб ўйладим. Унга кўпам эътибор бермасдан, машинани катта тезлик билан ҳайдаб кетдим.

Орхид-бульварга етганимиздан сүнг дедим:

– Сиздан илтимос, тинчланинг ва менга нима қилишим кераклигини айтинг. Агар биттагина нотўри қадам боссак ҳам эрингизни озод бўлиш имкониятидан бутунлай маҳрум этамиз. Бу разиллар бизга нисбатан кўпроқ ўзлари қўрқишиади. Шундай экан, ўзингизни қўлга олинг ва улар сизга нима дейишган бўлса, менга айтиб беринг.

У тинчланиб олгунича бир неча дақиқа ўтди.

– Пулларни, – деди Серена ниҳоят, – сарой томида қолдиришимиз керак, у эски шахтага киравериш олдида жойлашган. Билмадим, сиз бу саройни кўрганмисиз ёки йўқми?

– Кўрганман. Яна нима?

– Ўрамлар бир-биридан бир фут масофада қўйилиши лозим. Пулларни қолдириб, шу заҳотиёқ жўнаб кетишимиз керак.

– Хўш, кейин-чи?

У ҳиқ-ҳиқ йигларди.

– Кейин... ҳар қандай тузоқ қўйишларга нисбатан таҳдидлар бўлди.

– Улар эрингизни телефон ёнига олиб келишмадими?

Жеймс Хедли Чейз

– Йўқ. Нима, бу ишни қилишлари керак эдими?

– Баъзан шундай қилишади.

Ўғрилар унга эрининг овозини эшилтиришмаган, бу эса Дедрик учун нохуш аломат, аммо мен индамадим.

– Илгари гапирган эркақнинг овози эдими?

– Ўшанга ўхшади.

– Ўша бўғиқ овозми?

– Ҳа.

– Ҳўп, яхши. Энди бундай қиласиз. Мен конга киравериш жойида машинани тўхтатаман. Сиз машинада қоласиз. Мен пулни олиб, уларни том устига қўяман. Қайтишда рулни сиз бошқарасиз. Вентури-авеньюда машинани тўхтатасиз, мен сездирмай тушшиб қоламан, сиз ўзингиз ҳайдаб уйга якка қайтасиз. Тушунарлими?

– Сиз машинадан нега тушасиз?

– Мен уларнинг изига тушишим керак.

– Мутлақо керак эмас, асло – у қўлимдан маҳкам ушлади. – Сиз Дедрикни ўлдиришларини истайсизми? Биз пулларни қўямиз ва уларнинг топшириғини аник-тиник бажарамиз. Сиз менга сўз бергансиз.

– Майли, сиз айтгандек бўлсин. Ҳар ҳолда пуллар менини эмас, сизники. Борди-ю, ўғрилар сизни алдашса борми, улар билан бирорта иш қила олмайсиз. Ишонтириб айтаманки, мени кўришмайди.

– Йўқ, – деди у. – Мен улар билан тузган қелишувимизни бузадиган ҳаракатлар қилмайман.

«Кадиллак»нинг узун тумшуғини Сан-Диего катта йўли томон бурдим.

– Майли, шундай бўла қолсин, аммо бу нотўғри.

У индамади.

Катта йўлдан машиналар қатнарди. Мен ифлос қишлоқ йўлидан конга элтувчи йўлга чиққунимча анча вақт ўтди.

Машина нотекис йўлда ҳар дақиқада чайқалар, атроф қоронғи ва кимсасиз бўлиб, олдинги чироқлар ёруғида гоҳ буталар, гоҳ ахлат уюмлари кўзга ташланарди. Гарчи катта йўлни биздан бир неча ярд масофа ажратиб турса-да, бу ер худди қабристондагидек зимзие ва жимжит эди.

Олдинда кон дарвозаси кўринди. Баланд ёғоч дарвозанинг бир тавақаси ошиқ-мошиқдан қўпариб олинган, ҳамон осилиб ётарди. Мен «Кадиллак»ни ҳовлига олиб кириб тўхтатдим. Чироқлар абжағи чиқиб кетган узун бетон йўлни ёритиб турарди. Бу йўл шахта устуни томон олиб борган эди.

Рўпарамизда шундоққина сарой – етти фут баландликдаги чириган, ташландиқ иншоот бўлиб, илгари у ерда, афтидан, шахтёrlарнинг ишга келишини ҳисобга оладиган ҳисобчи ўтирган.

– Мана келдик, ниҳоят. Сиз мени шу ерда кутинг. Борди-ю, бирор кор-ҳол юз берса, машинани ташланг ва қочинг.

Хоним индамай саройга қараб турди, гўё у ердан Дедрик чиқиб келаётгандек умидвор бўлди. Юзи бамисоли муздан кесиб ясалгандек кўринарди.

Мен машинадан тушиб, орқа эшикни очдим ва пул солинган ўрамларни олдим. Уларни қўлтиғим остига қисиб, тўппончамнинг ғилофини очиб қўйдим-у, тўппа-тўғри беспоён йўлакдан саройга қараб йўналдим.

Катта йўлдаги транспорт шовқинидан бошқа товшни айтмаса, атрофда жимжитлик хукмрон. Кўлида тўппонча тутган ҳеч ким йўлимда сакраб чиқмади. Саройгача йўл менга узоқ туюлди: очиқ ёниб турган авто-

мобиЛЬ чироқлари ёруғида қўли тўппонча тепкисида бўлган ҳар қандай киши учун яхшигина нишон бўлиш имумкин. Саройга етиб боргач, енгил нафас олдим. Ўнг қўлим беихтиёр костюм остига ўрмалади ва саройнинг ички томонидаги очик турган эшикдан ичкарига мўралаётib тўппонча дастасини маҳкам чанглладим.

Мени синган стул, бир олам чанг-чунг, йиртилган қоғоз вараклари қарши олди. Эшик орасидан тушиб турган машина чироқлари ёғдуси ўргимчак тўри ёпишиб қолган деворда иккита катта очик доғ ҳосил қилди.

Бунча кўп пулни сарой деворига бекордан-бекорга қолдиришни истамасдим, албатта. Чунки Серена эрини ортга қайтаришига кўзим ётмаганидек, пулларни энди мутлақо кўрмаслигини ҳис этардим. Аммо мени ақчани бериш учун ёллашган экан, вазифамни бажардим. Ўрамларни занглаган, майишган том устига бир-биридан бир фут оралиқда худди товламачилар буюрганидек қилиб қўйиб чиқдим. Бундан ортиқ иш қилмаслик керак. Яқин атрофда беркиниб, нима рўй бераётганини билишни истадим. Аммо мени воқеа жойида топиб олишса, ўша заҳоти Дедрикни ўлдиришлари эҳтимолдан холи эмас. Ана шунда унинг ўлими учун виждоним олдида жавоб беришимга тўғри келади. Серена ҳак. Унинг яккаю ягона умиди – ўғриларга тўла-тўқис ишониш ҳамда уларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришларини кутишдан иборат эди.

Машина томон қайтганимда, бирдан баданим жимирлаб кетди: мен қон тўкишни истаган ҳар қандай киши учун ажойиб нишон бўлишда давом этардим. Қизиқ, улар мени кузатиб туришганмикан? Бу ташландиқ конда яшириниш ҳамда қутиб туриш учун яхши жойлар бор. Машина олдига бориб, зарб билан эшикни очдим-да, рулга ўтирдим.

Серена яна йиғлади.

– Агар сиз чиндан ҳам мен билан нима бўлишини кўздан кечиришимни истамасангиз, ортга қайтамиз, – дедим унга қарамай.

– Яхши, кетдик, – деди Серена бўғиқ овозда ва юзини ўгирди.

Дарвозадан чиқаётганимизда, қандайдир кишининг эски ёғочларга бағрини бериб ётган шарпасини сезиб қолдим. Керман бўлса керак, деган хуласага келдим, аммо бунга унчалик ишончим комил эмас. Агар Керман бўлса, у бирор кишини кузатиш имкониятига эга бўларди. Мен зимдан Серенага қарадим, аммо у дастрўмоли билан банд бўлгани учун ҳеч нимани пайқамади.

Мен олдингига нисбатан анча яхши кайфиятда яна «Оушен-энд»га қайтиб келдим.

5

Камин устидаги соат миллари чорак кам учни кўрсатарди. Мен катта залда бир ўзим ўтириб, деворга осиб қўйилган кумуш ва олтиндан ишланган мексиканча эгарга нигоҳимни тиккан, аммо ҳеч нимани идрок эта олмасдим.

Серена қаердадир юқорида.

Биз икки ярим соатдан бери кутяпмиз. Елкам оша кутилмагандан эшитилган ҳуштак овози мени кескин бурилиб қарашга мажбур этди.

– Асабларинг қақшаб қолибди, – деди хонага кириб келган Керман. – Нима учун қимматбаҳо ароқ қўйдинг?

– Ҳөчкиси йўқ, у ерда яна бор, агар хоҳласанг, – жавоб бердим мен. – Ҳозир бу сенга зарар қилмайдиганга ўхшайди.

– Жоним билан.

У столга яқин келди ва ўзига бир бордоқ ичимлик тўлдириб олди.

– Ана шунаقا! Нима дейсан, бугун ҳеч бўлмаса бир соат мизғиб олиш насиб этармикан?

– Ҳозир уйқу тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳўш, сен у ерда нимани кўрдинг?

Ёрдамчим қаршимдаги оромкурсига ўзини таппа ташлади.

– Ҳеч кимни. Ҳар ҳолда ўғрилардан ҳеч кимни кўрмадим-у, аммо пулни қандай қилиб олиб кетганларини кўрдим.

– Наҳотки сен ким олаётганига қарамаган бўлсанг?

Керман бош чайқади ва шундай деди:

– Бу йигит аҳмоқ эмас. У афтидан, шахта устунларидан бирининг устида турган, у ер эса зим-зиё. Умуман, йигитча саройдан баланд жойда турган бўлиши керак. Унда, билишимча, қармоқ бўлган. Ўрамларнинг ҳаммасига ярайдиган жуда узун ва бақувват қармоқ. Буларнинг ҳаммаси тирик жонга на товуш, на имоишора берган. Қандайдир ғалати ҳолат: гўё ғира-шира ой ёғдусида ўрамларнинг ўзи кўтарилиб, номаълум ёққа ғойиб бўлади. Бу қандай ташкил этилганига ҳозиргача фаҳмим етмаяпти.

– Ҳа, жуда усталик билан қилинган, ҳеч нима дея олмайсан. У сени пайқамадими?

– Мутлақо!

– Бунчалик ўзингга ишонма! Масалан, мен сени кўрдим.

– Гаров бойлаб айтаманки, күрмагансан. Сизлар у ердан кетгунча мен шахтага умуман кирганим йўқ. Машинангиз орқа чироғи ёруғини кўрдим. Шундан сўнг мен худди хиндулар каби ўрмалаб шахтага кирдим.

– Шахтадан чиқаётганда, кимни кўрган эканман?

– Ҳар ҳолда мени эмас.

Керманинг бу жавобидан сўнг ғира-шира шарпанинг кўринишини эслашга ҳаракат қилдим. У маълум дараражада Керманни эслатар, худди шундай баланд бўйли, озғин ва кенг елкадор эди. Бу гаров ўйнаш учун етарли эмас, аммо ҳар ҳолда...

– Демак, тўданинг бирор-бир аъзоси бўлган. Эҳ, унга синчиклаб қарашни нақадар истардим, – мен соатга назар солдим. – Умуман айтганда, агар улар кўнғироқ қилишни исташса, ўн беш дақиқадан сўнг боғланишади.

Керман мушти билан ҳорғин кўзларини артди ва деди:

– Мен бутунлай ҳолдан тойғанман. Машинада беш соат кутиш адойи тамом қилди. Нима деб ўйлайсан, улар Дедрикни қўйиб юборишармикан?

– Билмадим. Агар қўйиб юборишса, бу катта ютуқ бўларди.

– Мана Брэндон, агар Дедрик қайтмаса, у терисига сигмай кетади, – деди Керман ҳомузасини зўрға тутиб.

– Ҳаммаси учун аёл жавоб беради.

– Ҳа, аммо биз унга ёрдамлашдик. Отаси қизи билан уришишдан қўрқади, аммо бизнинг адабимизни беради.

– Майли, – мен ўрнимдан туриб, столга яқин бордим ва ўзимга яна бир бордоқ содали виски қайдим.

Хонага Франклин Маршленд кириб келди.

– Шундай қилиб соғомон ва шикаст топмай келдингларми? – деди у. – Ростини айтсам, сизлардан ниҳоятда хавотирланган эдим.

У Керманга савол назари билан қаради.

Мен уларни бир-бирига таништирудим.

– Кутиш ниҳоятда узоқ бўлди ва роса чарчатди, – гапини давом эттируди Маршленд. – Улар энди кўнгироқ қилишар балки?

– Келишиб олинган уч соат вақтга беш дақиқа қолди, – деб жавоб бердим мен ва бордоққа виски қўйиб Керманга узатдим-да, унинг ёнига, диванга ўтирудим.

– Агар улар жаноб Дедрикни қўйиб юборишса, ўзлари олдинроқ шаҳарга етиб олиш чораларини кўришади.

Маршленд менга кўз қирини ташлаб деди:

– Дедрикни бекордан-бекорга қўйиб юборишмаса керак. Агар улар ярим соат ичида биз билан боғлашишмаса, полицияга мурожаат қилишга тўғри келади, деб ўйлайман.

– Бу сизнинг ишингиз, – дедим мен, – аммо, ўйлашимча, шунчалик узоқ кутган эканмиз, энди тонг отгунча сабр қилиш керак. Ҳатто ҳозир ҳам ҳар қандай нотўғри қадам жаноб Дедрикни ҳалок этиши мумкин.

– Менимча, у аллақачон ўлган.

Мен бу беҳуда сухбатни давом эттириш учун ўзими ни ҳаддан ташқари чарчаган ҳис этдим.

– Жаноб Маршленд, сиз нега Ли Дедрикни шунчалик ёқтирумайсиз?

У менинг саволимга эътибор ҳам бермади ва айвонга чиқиб кетди. У ерда икки-уч дақиқа туриб, ортига қайтди ҳамда ички хоналардан бирига қараб йўл олди.

– Бориб кўрай-чи, қизим қай ахволда экан? – деди биздан кўра ўзига гапириб. – Бу кутиш унинг учун жуда оғир.

Жаноб Маршленд эшик олдида түхтаб, менга қаради ва:

– Пулни күзлаб уйланган одам ҳамиша нафратта лойик, жаноб Мэллой, – деб қўшиб кўйди.

У хонадан чиқди ва бизга зинадан тушиб кетаётган қадам товушлари эшитилиб турди.

Керман афтини буриштириди.

– Дедрик пул учун уйланганми? – сўради у шивирлаб.

– Билмайман.

У бош бармоги билан соатни кўрсатди.

– Қара, айтилган вақтдан беш дақиқа ўтиб ҳам кетиби.

– Ҳм, бу яхшиликдан дарак бермайди. Аммо кутишдан бошқа чорамиз йўқ. Биласан, менга Серена ёқади. Балки у хаддан зиёд бойдир, эҳтимол, талтайиб кетгандир, аммо кўнгли ниҳоятда латиф.

Керман кинояли жилмайди.

– Менга кўпроқ кўрс ва қурумсок кишилар ёқади, – деди у ва кўзларини юмди.

Дақиқалар кетидан дақиқалар ўтарди. Биз яна бир бордоқдан ичдик ва ниҳоят ухлаб қолдик.

Мени қуёшнинг ilk нурлари уйготиб юборди. Сесканиб кетдим ва соатга қарадим: олтидан йигирма дақиқа ўтибди. Керман қаттиқ ухларди. Денгизнинг нозик мавжли товуши ва боғ адогидан табиий кўрфаз қирғоғига келиб урилган сувнинг сасини айтмаса ҳеч қандай овоз эшитилмасди.

Мен айвонга чиқдим.

Икки хитойлик боғбон аллақачон ишини бошлаб юборган, улар гул буталарини кўздан кечиришарди. Кўл атрофида қизил ғозлар кезиб юрар, эрталабдан қурбақа овлашарди. Айвон охирида денгизга туташиб

Жеймс Хедли Чейз

кетган болохонада Серена Дедрик ўтирар, эгнида ҳануз қора шим ва мўйна куртка бор эди.

Унинг юзидаги жонсиз, паришон ифода сўёзиз ра-вишда ҳеч ким қўнғироқ қилмагани ва Дедрик ҳам қайтмаганини аниқ ва равиҷан намоён этарди.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

Кейинги тўрт кун ичида сокин, тинч ва одатда хотиржам, пинагини сира бузмайдиган Орхид-сити шаҳарчаси ғирт машмашали тўс-тўполон масканга айланди.

Газеталарда талончилар тўдаси беш юз минг долларни олгандан сўнг ўғирлаб кетилган одамни қайтармаганлиги тўғрисидаги хабар босилиб чиқди. Бутун қирғоқ бўйи – Сан-Францискодан тортиб шимолгача ва Лос-Анжелесдан жанубгача ҳаракатга келди.

Дастлаб бир неча соат давомида барча ишларни Брэндоннинг ўзи бошқариб турди. У шиддатли фаолиятга киришди. Кейинги юз йилдаги энг катта ўғирликни излаш пайида ташкилий ишларни уюштиргди. Аммо эндиғина буйруқларни тарқата бошлаганида Сан-Франциско Федерал тергов бюроси агентлигидан бир тўда синчков одамлар келиб, барча ишларни ўз кўлларига олишди.

Миллий гвардия, доимий ҳаракатдаги қўшинлар, авиаация, радио ва телевидение – бариси оёққа қалқиган эди.

Керман ва мен соатлаб полиция бошқармасида қаққайиб турадик. Бизни сўроқ қилишар, қайтакайта сўрайверишарди. Даставвал қутуриб кетган алвон-қизил рангли Брэндон муштларини дўлайтириди,

кейин Федерал разведка бюросининг сокин кўринган икки нафар агенти иккимизни алоҳида-алоҳида ажратиб, стол устига «териб» қўйиб, ҳар бир эҳтиёт қисмни ўзларининг узун бармоқлари билан пайпаслаб кўришиди. Шундан сўнг бизни яна қайтадан йиғишига уринганларида, бунга фақат ҳайрон қолиш мумкин эди, холос.

Бизга таҳдид қилишди, бизни ҳақоратлашди, тумшугимиз остида муштларини силташди. Бўйинлари газабдан қизариб, кўзларидан олов чақнади, оғизларидан сўлаклар эҳтирос тўлқинида атрофга сочилди. Улар биздан жиноятчиларга олиб борадиган ипни топишга уринишиди. Аммо қани? Ҳаммаси натижасиз эди!

«Оушен-энд»нинг оғир вазмин чўян дарвозалари берк, телефон узиб қўйилган. Сарой устида ўлик сукунат ҳукмрон. Овозаларга қараганда, Серена Маршленд юрак хуружига учраб, касал бўлиб ётган экан.

Кўчада юриб бўлмай қолди. Ҳар ўн қадамда қандайдир ўткинчи мухбир ўзининг фотоаппаратини чиқиллатади. Керманни (газеталар уни «гаров пулини қандай қилиб олиб кетишганини кўрган киши» деб таърифлашарди) эртадан-кечгача, қуёш чиққанидан ботгунига қадар куршаб олишар, дастхат ва тирноқ бўлаклари, соч қисмлари ҳамда кўйлак парчаларидан коллекция йигувчи ҳаваскорлар ҳол-жонига кўйишишас, шу боис унинг идорадан ташқарига чиқишига юраги безиллаб қолган эди.

Кун бўйи шаҳар тепаси ва унинг атрофларида вертолёт айланиб, қум тепалар, баландлик ва чакалакзорларни кўздан кечиради. Барча йўллар беркитилган, патруллар томонидан текширилади. Шаҳарда уйлар бирма-бир кўздан кечирилиб, шубҳали кишиларнинг

Жеймс Хедли Чейз

ҳаммасини тутиб сўроқ қилиш канда қилинмайди. Полициянинг катта отряди шаҳарнинг жанубий чеккаси – Корал Гейблсни ўраб, жиноятчиларни топиш илинжида унинг барча яшовчиларини қуршовга олган.

Умуман айтганда, хар томонда шиддатли фаолият қайнаган, аммо ФҚБ агентларининг бор саъй-ҳаракатига қарамай, полиция, миллий гвардия ва юзлаб ҳаваскор изқуварлар на Дедрикни, на уни ўғирлаган кишиларни топишга муваффақ бўлди.

Нихоят бешинчи куни Серена Маршленд тўсатдан ўзининг мотамини бузди-ю, эрини шахсан ўзи излашга киришди. Газеталар, радио ва телевидение орқали жар солиб, жиноятчиларни қўлга туширишга ёрдам берадиган маълумотларни тақдим этган кишига йигирма беш минг, одам ўғирлаш билан боғлиқ ҳар қандай ахборотни етказган фуқарога эса минг доллар беришини эълон қилди. Натижада шаҳарликларнинг деярли барчаси (бир неча бадавлат кишиларни ҳисобга олмаганда) изқуварларга айланди, шаҳар бамисоли дўзахнинг ўзи бўлиб қолди.

Ва ўша оқшом, гаров пулинин тўлаган кундан олти кун ўтгач, мен баҳтга эришган одам сифатида бу ёввойи тўс-тўполонни тарк этдим. Эртароқ қулфланиб олиш ва ухлаш учун ўзимнинг сокин гўшамга қайтиб келдим.

Коттеж уйим океандан унча узоқ бўлмаган дўнг қумтепалар ортида жойлашган. Кўшнилар билан орамиз чорак милдан иборат. Уйда кичикроқ боғ бўлиб, бегона ўтлар ўсиб ётади. Боқقا жажжи хизматкорим Тони қараши керак, аммо у ўлгудай дангаса ва ишёқ мас. Уй қўёшдан сақланадиган пешайвон, катта меҳ-

монхона, иккита ётоқхона, ванна ва ошхонадан ибограт. Ошхона шу даражада «кенг»ки, унда фақат мушук ётиши мумкин, шунда ҳам думи бўлмаса.

Уйнинг асосий афзаллиги – хилват гўшада жойлашганида. Бу ерда қўшнининг радиоси овозини эшитмайсиз. Шу билан бирга ваннада бемалол хиргойи қилишингиз мумкин, деразага ғишт бўлаги келиб тегади, деб асло қўрқмайсиз.

Бу – хилватда эканлиги билан томоғингиздан бўғизлашга тайёр ҳар қандай киши учун идеал жой: ёрдам сўраб қичқиришлар шунчалик бехудаки, гўё пашша ғингиллашидек туюлади, холос.

Мен калитни қулф тешигига тиққанимда, бирдан ортимда қандайдир ўгринча қадам товушини эшитдим. Аслида асабларим темирдек мустаҳкам, аммо кейинги беш кунлик ҳаяжонланиш ва зўриқиши оқибатида улар кучли равишда ишдан чиққан эди. Мен бурилиб, қандайдир қора шарпанинг юзига юзим урилиб кетди-ю, бақириб юбордим. Беихтиёр равишда уриш учун кўтарилиган қўлим тўхтаб қолди: рўпарамда аёл киши турарди. Мен панжаларимни ёйиб нафасимни ростладим, иложи борича хотиржам оҳангда дедим:

– Одамни шу даражада билдиrmай писиб келиб қўрқитиш яхшими? Мен сал бўлмаса сизни уриб юбордим.

– Сиз Мэллоймисиз?

Мен рўпарамда турган сиймога тикилиб қарадим. Айвон ҳаддан ташқари қоронғи бўлиб, яхшилаб тикилган билан ҳеч нимани аниқлаб бўлмасди.

– Ҳа, Мэллойман, ўзингиз ким бўласиз?

– Сиз билан гаплашиб олишим керак. Бирор ўтирадиган жойга ўтсак дегандим.

Жеймс Хедли Чейз

Хонани кесиб ўтар эканман, бу аёлнинг овози тошни тешадиган даражасида ўткирлигини ҳис этдим. Мен у билан деярли ёнма-ён турардим. Нихоят қўлимни чўзиб чироқни ёққанимда, бир жуфт жигарранг кўзни кўрдим. Уларда бу дунёдаги барча саволлар ва унга жавоблар зоҳир эди.

Рўпарамда йигирма тўрт-йигирма беш ёшлардаги қорачадан келган жувон турарди. Ўртасидан фарқи очилган қалин қора соchlари анчагина мафтункор чехрани қучган. Маҳкам қимтилган алвон лаблар ва кўзлар атрофидаги «соя» аёлга эҳтиросли кўриниш бериб турибди, бу ҳар қандай эркакни қайрилиб қараш, қизиқишга мажбур этади. Истаганига эриша оладими ёки йўқми, бу номаълум, албатта. Шим ва яшил курткага жипс турган вужуд дунёдаги энг яхши корсетларни етарли даражада реклама қилишга кифоя қиласди.

– Хэллоу, қизалоқ, – дедим унга қараб, – сенга айнан мен кераклигимга ишончинг комилми?

– Агар сизнинг жаноб Мэллой эканлигингиз аниқ бўлса, унда, албатта, ишончим комил, – жавоб берди у хонага кирап экан, қўлинин шимининг чўнтағига чуқур тиқиб, менга синовчан тикиларкан. – Мени Ник Пирелли юборди.

– Нега? – деб сўрадим дикқат билан термилиб, мендан нима кераклигини билмоқчи бўлгандай. – У яна бирор кишини калтаклаб ағанатдими?

– Йўқ, Ник билан баҳтсизлик рўй берди, – деди қиз.
– Уни Дедрик иши бўйича қамашди.

Жимлик чўқди, фақат камин устида турган соат чиқиллаб ишлар, ошхонада эса совуткич гулдиради, холос.

Қиз бошини бироз эгганча менга тикилишда давом этар, сигарета тутуни күзига кирмаслигига ҳаракат қиласарди.

– Пиреллиними? – хитоб қилдим ҳаяжонланиб.

Қиз бош иргади.

– У сизни зеҳни ўткир йигит деди. Шундай экан, зеҳнингиз ўткирлигини намоён этиб, ҳаракат қилинг. Бундай айловнни олиб ташлаш учун зўр ақл-идрокли одам керак бўлади.

– Қачон қамашди?

– Бир соат олдин, – у елкаси оша соатга назар солди.

– Янаям аникроғи, соат бирдан беш дақиқа ўтганда.

– Федерал разведка бошқармаси агентларими?

Қиз бош чайқади.

– Йўқ, қандайдир силлик, яхши кийинган бақалоқ одам иккита изқувар билан бирга. Полициячи кийимидаги икки киши кўчада машина ёнида навбатчилик қилиб туришди.

– Брэндонми? Паст бўйли, семиз, соchlари оқарган киши?

– Ҳа, шунга ўхшаш. Ким ўзи у?

– Округ полицияси бошлиғи.

Қиз яна битта сигаретани суғуриб олиб, ўзининг тирноқларига қаради ва қовоғини уйди.

– Полиция бошлиғининг ўзи қамоқقا олишини биринчи марта эшитяпман.

– Агар иш кенг тус олиб, қартага кўп пул тикилган, шу билан ном қозониш мумкин бўлса, шундай ҳолат юз беради. Бундан ташқари Брэндон ФҚБ агентларидан ўзиб кетишни хоҳлайди.

– Мана, ўзиб кетди, – қиз каминдан узоқлашиб диванга ўтирди. – Ник айтдики, уни сиз турмадан чиқара оларкансиз. Эплайсизми?

Жеймс Хедли Чейз

– Билмадим. Аммо унинг олдида қарздорман, қўлимдан келганини адо этаман. Нима қилишим кераклигини Пирелли айтдими?

– Ҳеч нима демади. Ҳаддан зиёд ўзини йўқотиб қўйган. Бу қадар эсанкираб қолганини кўрмаганман. Ундан тўппончани топиб олишганида, менга тезда хузурингизга етиб боришимни тайинлади.

Мен буфет олдига бориб, бир шиша шотланд вискиси ҳамда иккита бордоқ олдим ва стол устига қўйдим. Советгичдан совуқ сув қўйилган графинни чиқардим.

– Гап бундай, қани, бир бошдан гапириб берингчи. Ана шунда унга тезроқ ёрдам кўрсатган бўламиз. Сизга аралаштирилган вискими ёки аччиқроғими?

– Сиздаги зеҳни ўткирликда тасаввур етарли эмасга ўхшайди. У ерда Пиреллининг миясини чақиб ётишибди. Сиз эса шундай пайтда менга ичкилик таклиф қиляпсиз. Ҳозир кўнгилга сифармиди?

Ўзимга ўткирроқ ичимлик тайёрлаб, ўтириб олдим.

– Балки билмассиз, кўрқувларингиз унга мутлақо ёрдам бермайди.

У ўрнидан сакраб турди, кескин икки қадам ташлаб, оstonада тўхтади ва яна диванга қайтиб ўтиреди. Муштини кафтига ура бошлади.

– Сизнинг ўзингиз унга ким бўласиз?

– Мен Майра Торес бўламан. Унинг маъшуқаси.

– Хўп, яхши. Энди келинг, ишингиз билан машгул бўламиз. Менга ҳаммасини бир бошдан гапириб беринг, дадилроқ.

– Мен унинг олдига полиция билан деярли бир вақтда келдим, – деди қиз гап бошлаб, сўнг тутилмай давом этди. – Ник иккимиз кинога боришга келишган эдик. У кечикди. Мен кўнғироқ қилдим. Шунда фикридан қайтганини айтди ва ҳузурига чакирди. Мен

үйига йўл олдим. Лифтда ана шу учта нусха билан бирга кўтарилдик. Мен дарров уларнинг полициядан эканлигини фаҳмладим. Тўртинчи қаватда лифтдан чиқдик. Мен уларни олдинга ўтказдим. Улар Никнинг эшиги олдида тўхташди. Иккитаси эса тўппончасини чиқарди. Нима қилишларини кузатиб турдим. Мени пайқашмади. Семизи эшикни тақиллатди, эшик дарров очилди. Ник, афтидан, уни мен деб ўйлади. Полициячилар унга ташланиб, кўлларига кишан солишиб, сўнг уйни тинтишга тушиб кетдилар. Ник нима бўлаётганини билолмай гангид қолган эди. Эшик очиқлигича қолди, мен у ёққа қарадим. Ник девор олдида тураркан, менга кўзи тушиб, эҳтиёт бўлиш тўғрисида ишора қилди. Мен йўлакка чекиниб, кузатишни давом эттирдим. Шунда улар диван тагидан тўппонча топиб олишди. Брендон даҳшат ичида ғазабланиб кетди. У бу куролни Дедрикнинг ҳайдовчиси Суюки отилган тўппончанинг айнан ўзи, деди. Ана шунда Ник ҳақиқатан бу ҳазил эмаслигини билиб, эсанкираб қолди. Биз қарта ўйнаб, шундан тирикчилик қиласиз ва лабларнинг қимирилашига қараб, уни ўқий оламиз. Қарта ўйини иш бермай қолган пайтда ана шу ёрдам беради. У менга дарров олдингизга боришим кераклигини «айтди». Полициячилар бақириб, Никка ташланиб, калтаклашни бошлишганда, мен кетдим.

– Брендон Суюки отилган ўша тўппончани қайтарзда топиб олди ёки қандай билди?

Майра бош чайқаб деди:

– Билмадим.

– Хўш, кейин-чи?

– Мен кўчанинг нариги томонида кутиб турдим. Яrim соатдан сўнг уни уйдан судраб олиб чиқишиди – оёқлари зўрга судралар, юзи ва кўйлаклари қон-

га беланган эди. Уни полиция машинасига ўтқазиб олиб кетишди. Мен эса дархол сизга қараб югурдим.

Майра кулдондан сигарета қолдиғини олиб, анча қаңтгача тикилиб қолди.

– Сизга Дедрикнинг ўғирланиши билан боғлиқ би-рор маълумот аёними?

Майранинг жигарранг кўзлари менинг кўзларимга термилди.

– Бу ҳақда фақат газеталардан огоҳ бўлдим.

– Шундан бошқасини билмайсизми?

– Йўқ.

– Ник-чи?

– У ҳам билмайди. Ник бундай ишларга ўзини ти-қиширмайди, йўқ. Биз, албатта, ўйинда товламачи-лик қиласиз, аммо бу ҳам кейинчалик асло иш бер-майди.

– Уни илгари ҳам ҳибсга олишганми ёки шунга ўх-шаш...

Кизнинг қараашлари нихоятда қатъий тусга кирди.

– Бўлган.

– Ўтириб чиққанми?

– Ҳа. Сан-Францискода икки йил беришганди.

Аммо бор-йўғи тўрт ой қамоқда ўтириди, холос.

– Бунга қадар-чи?

– Сиз ҳаддан зиёд кўп билишни истамаяпсизми?

– Мен унинг таржимаи ҳолига доир ҳамма маълу-мотни билишим керак. Бу жуда муҳим!

– Саккиз йил давомида Ник уч марта қамоққа туш-ган. Биринчи марта олти ой, сўнг бир йил, шундан ке-йин яна икки йил.

– Қаллоблик қилгани учунми?

У бош ирғади.

– Бирор кишини қалтаклашига тўғри келмаганми?

– Йўқ, бу ҳақда ҳеч ким шикоят қылган эмас.

– Энди Дедрикнинг ўғирланиши хусусида. Унинг бу ишда иштирок этмаганига ишонасизми? Балки, сиздан яширинча қатнашгандир?

– Ник иштирок этмаган. Бундай ишлар унга тұғыры келмайды. Сиз тушундигизми ёки йўқми?

Мен Майрани текширишга аҳд қылдым.

– Хўп, яхши. Энди келинг, нима қилишимиз кераклигини ўйлаб кўрайлик.

Мен телефондан рақам тердим. Кимдир хушмуомала овозда жавоб берди:

– Франкон туар жойи эшитади.

– Жаноб Франкон уйдами? Вик Мэллой гапиряпти.

– Ҳа, сэр. Ҳозир сизни улайман.

Бир дақиқадан сўнг Франкон гўшакни олди:

– Ҳэллоу, Вик, сизда кечаси нималар рўй берди?

– Бир соат муқаддам Брендон ўзининг йигитлари билан дўстларимдан бири Ник Пиреллининг Жефферсон-авенюдаги уйига бостириб кирибди. Тинтув пайтида тўппонча топиб олган ва Ли Дедрикнинг ҳайдовчиси шу қуролдан отиб ўлдирилган, деган. Шунга кўра Дедрикни ўғирлашда иштироки бор, деб Пиреллини ҳибсга олган. Мен бу ишга аралашишингизни истайман, Юстин, ҳақ тўлашни кафолатлаймиз. Сиз зудлик билан полиция бошқармасига бориб, уни ўз химоянгизга олишингиз керак. Улар ҳозир Пиреллининг ичак-чавоғини ағдариб, тинкасини қуритишаётгандир. Бу ишни албатта тўхтатиш керак. Хўш, бажарасизми?

– Унинг ҳақиқатан ўғирликка қандайдир алоқаси борми?

– Билмадим. Аммо Пиреллининг маъшуқаси билиши керак. Лекин у ҳам алоқаси йўқ, демоқда. Бу иш

кимдир томонидан ўйлаб қилинган, акс ҳолда Брендон түппончага бир қараб, ундан хайдовчи ўлдирилганини қаердан билади? Брендоннинг ўзи ёки ўша одам тинтув пайтида куролни кўйиб қўйган ёки Пиреллининг уйидан топиб олишини аниқ билган.

– Шундай дейиш мумкинми, Мэллой? – деди анча карахт бўлиб қолган Франкон.

– Мен буни расмий равища айтаётганим йўқ. Агар Брендон бу ишни очиб, ФҚБ агентларидан ўзиб кетса борми, бошликлар олдида шунчалик юқорига кўтарилади. Шу боис ундан ҳамма балони кутиш мумкин.

– Пирелли деганингиз ким ўзи?

– Қарта қиморбози, ўтмишда қаллоблиги учун қамалган шахс.

– Бу ёмон. У сизга қайси томондан яқин?

– Пирелли менга бир вақтлар катта ёрдам берган эди. Ва менинг сизга шахсан топшириғим шундаки, Юстин, у ерга тезроқ етиб бориб, қонун бузилишини тўхтатинг.

Тоқатни тоқ қиласиган жимлик чўқди. Франкон эшигнларини қайта мушоҳада қиласди. Мен уни шоширмадим.

Ниҳоят Франкон шундай деди:

– Мен-ку, умуман бу ишга аралашмоқчи эмасман, Брендонда, афтидан, бундан бошқа янада ишончлироқ далиллар бўлса керак. Фақат битта шу түппонча бўлмагандир?

– Балки бордир, аммо гап фақат бунда эмас. Пирелли илгари судлангани боис бу ишни унинг бўйнига кўйишига мойил эмасмисиз, мабодо?

– Албатта, йўқ. Майли, Вик, мен бориб кўриб чиқаман. Аммо олдиндан огоҳлантириб қўяй, борди-юйигит айбдор бўлса, у ҳолда ўйиндан чиқаман. Бу иш

ҳаддан зиёд овоза бўлиб кетган, Пиреллини ҳимоя қилиш ютқазиш билан баробар.

– Барибир, менинг назаримда, бу иш тўқиб чиқарилганга ўхшайди. Нимаики бўлмасин, полиция идорасига бориб, ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиизни истардим. Уни қанчалик бураган бўлишмасин, сиз қўрқиб ўтирунганг. Юстин, бу иш билан мен, ўзим ҳам шуғулланиб кўрмоқчиман.

– Майли, бораман. У ерда нималар борлигини кўрайлик-чи! Сиз эса эрталаб, ишхонамга бир кириб ўтинг.

– Мен сизга бугун кечқурун қўнғироқ қиласман.

У эътиroz билдиришга улгурмасданоқ гўшакни осиб қўйдим. Майра менга савол назари билан қаради.

– Ким бу?

– Юстин Франкон. Қирғоқ бўйи худудида энг яхши адвокатлардан бири. Агар Пиреллининг иши оқ ришта билан боғланган бўлса, уни турмадан чиқармагунча асло тўхтамайди.

– У ҳозир ўша қаёққа борадими?

– Ҳа, бориб Брэндонга халақит беради.

Майра янги сигарета чекди. Қўллари сезиларли даражада титрар эди.

– Ник менга сизнинг манзилингизни бежиз бермagan экан.

Бу гаплар унинг лабларидан худди мақтовдай эшистилди.

Мен бордоқдаги ичимликни охиригача сипкориб ўрнимдан турдим.

– Сизни қаердан топишим мумкин?

– Монте-верди-авеню, 245. Кўчанинг ўртасида турганда, чап томонидаги кичкина яшил уй. У ерда ёлғиз ўзим яшайман.

Жеймс Хедли Чейз

Мен манзилини ёзиб олгунимча Майра қўшиб қўйди:

- Эҳтимол бир олам пул керак бўлар?
- Бир пайтлар Пиреллига ёрдам беришга ваъда берганман, бунинг устига бепул. Бу ваъда ҳозиргача ўз кучида турибди.
- Раҳмат.
- Арзимайди. Мен унга ҳаётимни бағишиласам ҳам арзийди. Энди гапларимга диққат билан қулоқ солинг. Мен ҳозир полиция бошқармасига бормоқчиман. Полицияда Пиреллига қарши қандай далиллар борлигини билмай туриб, кўп ишни амалга ошира олмаслигим ўз-ўзидан маълум. Эҳтимол, Ник билан бир-икки оғиз гаплашишимга тўғри келар.
- Полиция у билан гаплашиб олишингиизга рухсат беради, демоқчимисиз?
- Билмадим. Қотиллик бўйича ишларни тергов қилишга масъул лейтенант дўстим бор. Балки ўша менга кўмаклашар.
- Қандайдир сониялар ичидаги Майранинг кўзлари чараклаб кетди, ёрқин бўялган лаблари титради.
- Никка айтинг, мен уни севаман, – деди сокин овозда.

Мен Принцесс-стрит – Сентрал-авеню чорраҳасидан ўтган вақтимда, Пиреллининг қамоққа олингани тўғрисидаги хабар бутун шаҳарга тарқалиб бўлган эди. Полиция бошқармасига боришим учун машинада беш юз ярд масофани босиб ўтишим керак. Принцесс-стрит муюлишига қараб ҳаракат қилдим, аммо

қандайдир полициячи калтаги билан менга таҳдид қилиб, Сентрал-авенюга, ортга қайтишни буюрди. Бошқа учта полициячи эса қолган машиналар йўлини тўсарди. Орхид-бульварга қайтишдан олдин мен Принцесс-стрит йўлакларигача чиқиб кетган улкан оломонни кўрдим, одамлар кўприк устида чайқалиб туришарди.

Машинани тўхтатиб, пиёда одимладим.

Полиция бошқармаси рўпарасида оломон тўдаси дақиқа сайин кўпайиб борарди. Полициячилар томонидан ҳақорат, ҳар қандай таҳдид уларга заррача таъсири кўрсатмасди: одамлар жиноятчини ўз кўзлари билан кўриш учун келишган, ҳатто фиръавилярнинг ҳар қандай лаънати ҳам уларни тўхтата олмасди.

Бино эшиги олдида қўлларида оғир тунги калтакларни ушлаганча Брэндоннинг шахсий гвардияси турарди. Уларнинг сафини ёриб ўтиб, бинога кириш чақирилмаган яхудий динига эътиқод қилувчи кишининг Оқ уйга кириши имкониятидан ҳам камроқ.

Мен кўчанинг нариги томонида жойлашган дориҳонага минг машққат билан ўтдим. Эшик ёнида ўйланниб турган оқ халатли тунги навбатчини ҳисобга олмаганда, ичкарида одам йўқ эди.

– Мен фақат қўнғироқ қиласман, холос, – дедим унга.

Навбатчи нигоҳини истар-истамас оломондан узиб, пештахта олдига келди.

– Ана шунаقا ишлар! – деб хитоб қилди у. – Айтишларича, Брэндон ўғрилардан бирини тутиб олган эмиш. Хўш, энди йигирма беш минг доллар мукофотни олармикан, сизнингча? Ух, бу пуллар менда бўлса эди! Агар топғанимда, бир дунё пулни нималарга сарфлашни яхши билардим.

Мен тушуниб бўлмас тарзда сўкиниб, телефон-автомат будкасига кирдим-да, телефончи қиздан полиция бошқармасини улаб беришини илтимос қилдим.

– Иложи йўқ, – деди у. – Тармоқларнинг ҳаммаси банд. Йигирма дақиқадан бери ўша ёққа қўнғироқ қиляпман, аммо натижа чиқмаяпти. У ерда нималар бўляпти ўзи?

– Қандайдир полициячи тугмаларини тозалади, бу вақтда эса бутун полиция иш ташлашни эълон қилди, – дедим мен ачитиб ва гўшакни жойига қўйдим.

Яна дорихонанинг совуқ залига қайтиб келдим. Навбатчи дераза олдидағи стулга чиқиб олиб, яхшироқ разм солиб қарап эди. Бу вақтга келиб, оломон дорихона деразаларини бутунлай тўсиб қўйганди. Менинг бу ердан чиқиб кетишм қийинга ўхшаб қолди.

– Ана, ФҚБ агентлари ҳам келишди, – деди дорихоначи ҳаяжонланиб нафас олар экан. – Гаров ўйнаб айтаман, улар доғда қолишли. Бу Брэндон дегани шунчаки аҳмоқ эмас. Энг яхши полиция бошлиғи, бундайини биз кўрмаганмиз.

– Бу ердан кўчага қандай қилиб чиқиб кетсан бўлади? – тоқатсизланиб сўрадим мен дорихона олдида девордай қалин турган одамлар орасини ёриб ўта олмагач.

– Кетиб нима қиласиз? Яххиси стулни олинг-у, ёнимда туринг. Кўриш учун бундан яхшироқ жой топа олмайсиз.

– Хўш, нимани кўриш керак ўзи?

Дорихоначи менга ҳайрон бўлиб, қовоғини уйиб қаради:

– Нимани кўриш керак дейсизми? Балки ҳозир жиноятчини олиб ўтишар ёки Дедрик хоним уни ўз кўзи

билан кўриш учун келар. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Қани менинг Люсим шу ерда бўлса эди: бундай томошалар унинг жону дили.

– Сизда бошқа чиқиб кетадиган эшик борми?
– Ҳув анови чап томондаги эшик. Тўппа-тўғри Орхид-бульварга чиқасиз.

– Раҳмат.

Чап тарафдаги эшикни очар эканман, оломон ўзини орқага ташлаганини кўрдим: синган ойналарнинг овози эшитилди – дориҳона ойнаванд деразаларидан бири оломоннинг босимини кўтара олмади ва чидаш бермай синиб кетди. Мен келтирилган заرارга гувоҳ бўлиш учун қараб турмадим ва орқа эшик ортидаги узун йўлақдан ўтиб, Орхид-бульварнинг охирги қоронги хиёбонига тушиб қолдим.

3

Мифлин хотини, икки фарзанди, немис бульдог ити, бир жуфт ангор мушуги ва саъваси билан Вест-вуд-авенюдаги мўъжазгина уйда истиқомат қиласади. Хизмат муддати тугагач, у хонанишин бўлиб қолади. Лейтенант кичкина, қилтириқ хотинидан бошлиғи Брендонга нисбатан кўпроқ кўрқади, деган овозалар юради. Мен қандай бўлмасин, ёмғир, момақалдироқ ёки қорга қарамай, у билан кўришишни хоҳлардим.

Уй яқинига келиб, дарвоза олдида машинани тўхтатдим. Соат миллари ўн биру йигирма дақиқани кўрсатиб турарди. Мен Мифлин ишини қачон тугатишни тасаввур ҳам қила олмайман, аммо бугун бошқармада ҳукм сурган тўполондан сўнг унинг уйга кеч қайтиши очиқ-ойдин аён.

Кулай жойлашиб ўтиридим-у, узоқ кутишга тайёрланыб чекдим. Пастки қаватлардан бирида чироқ ёнди ва вақт-вақти билан парда ортида аёл кишининг сояси кўриниб турди. Тахминан ўн бирдан қирқта ўтганида пастки чироқ ўчди ва иккинчи қаватда ёнди. Бироз вақтдан сўнг у ҳам ўчди ва уй бутунлай корон-ғилик ичидаги қолди.

Мен кўзларимни юмиб, Пирелли тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қилдим. Барча далилларга эга бўлмасдан туриб, тахмин ва чамаларга берилишни асло истамасдим. Франкон Брэндон баҳтсизлик келтирган бу тўппончадан ташқари бошқа анча ишонарли далилларга эга бўлиш керак, деганида ҳақ эди, албаттга. Кимдир йигирма беш минг долларга кўз олайтирган-у, полицияга махфий равишда хабар қилиб, тагин ўзи (шу мўмай пул учун) жўрттага айловга мос далилларни ўйлаб топган – шундай деб айтиш мумкин эди.

Қандайдир машина ўкирганча тоққа кўтарилид. Бир дақиқа ўтгач, чироқлар ёғдуси автомобилимнинг олд ойнасига урилиб, сал бўлмаса мени кўр қилаёздид. Машина ёнимга келиб тўхтади. Мен умид билан бошимни ойнадан чиқардим. Бу ўша полиция лейтенанти Мифлин эди. У машинамга ирганиб қарап эди.

– Эй, бу занглаған темир-терсакни йўлдан олинг ва денгизга улоқтириңг! – деди у аччиқланиб. – Сиз ҳовлимга кирадиган йўлимни тўсиб кўйгансиз!

– Хэллоу, Тим! – дедим мен «Бьюик»дан тушиб.

У ҳайрон бўлиб менга тикилиб қаради.

– Сенмисан? Жин ургур, бу ерда нималар қилиб юрибсан?

Мен Мифлиннинг машинаси эшигини очиб, у билан ёнма-ён ўтиридим.

– Ҳа, биласан, ёлғизликдан даҳшатга түшдим ва сен билан бироз чақчақлашай дедим.

– Туёғингни шиқиллат, бугун бўларимча бўлдим. Мен ухламоқчиман.

– Улгурасан, Тим. Брендон нега Пиреллини қамоқка олди?

– Сен буни қаердан биласан? – норози бўлиб тўнғиллади Мифлин. – Эртага бу ҳақда газеталардан ўқиб биласан, ҳозир эса мени тинч қўй. Бугун етарлича бўлди. Бизда ҳамма эсдан оғиб қолай деди – қандайдир оломон дабдурустдан йигилиб қолди.

– Биламан. Мен ҳам тўдани кўрдим. Тим, менга кулоқ сол! Пирелли – менинг дўстим. У Дедрикни ўғирламаган. Бундай ишлар қўлидан келмайди.

Мифлин оғир хўрсинди.

– Қани, чекишга бер-чи. Менини аллақачон тамом бўлган.

Мен унга сигарета ва гугурт узатдим.

– Тим, сен уни Дедрикни ўғирлаган, деб ҳисоблайсанми?

– Билмайман. Балки, шундайдир, аммо кўпроқ ўғирламаганга ўхшайди. Франконни сен юборганмидинг?

– Ҳа. Демак, Пиреллининг олдига кириб боришга улгурибди-да?

– Франкони тўхтатиб бўлармиди! У Пирелли билан кўришган, ана шу ҳаётини сақлаб қолди. Бизнинг каллаварам зўравонлар сал бўлмаса сўроқ пайтида ўлдираёзган эдилар.

– Пирелли тўғрисида кимдир телефон орқали полицияга қўнғироқ қилган, шундайми?

Мифлин бош иргади.

– Ҳа, айнан ана шу иш мени ўйлашга мажбур қиласди. Бу ёлғон хабар бўлиши керак. Қандайдир нусха

Жеймс Хедли Чейз

телефонда Брендонни сўради. Кўряпсанми, уни бошқа киши қизиқтирмаган. Брендон у билан гаплашиб қолди. Бу нусха кимлиги, қанақалигини айтмади, демак, йигирма беш минг долларлик мукофотдан воз кечди. Ана шу менга жуда шубҳали туюлди. Соғлом фикрга эга одам бунча мўмай пулдан юз ўгирмаган бўларди. Бу ишга ўзи аралашмаган бўлса, албатта. Шундай қилиб, ўша одам Брендонга Пиреллининг манзилини маълум қилди ва диван тагидан тўппонча ва бошқа далилларни полиция топиб олади, ана шуларнинг ўзи уй эгасининг Дедрикни ўғирлаши учун етарли асос бўла олади, деди. Брендон мен ким билан гаплашяпман, деганида, у кўркиб, гўшакни дарҳол кўйди. Биз унинг Корал-Гейблсдаги телефон-автоматдан қўнғироқ қилганини аниқладик. Аниқлаганимиз ана шулардан иборат.

– У Пиреллини ўлгудай ёмон кўрадиган одам бўлиши керак.

– Эҳтимол, аммо қуён юракли ўғрилардан бири бўлиши ҳам мумкин. Билмадим. Ҳар ҳолда, нима бўлса ҳам Брендоннинг ўзи шахсан қамоқقا олди. Биласанми, у нимани топди?

– Тўппончани.

– Фақат шуни эмас. У юз минг долларлик учта лойга ботган илгари ишлатилган клеёнкани ва афтидан сарой томидан пулни олишга ёрдам берган қармоқни ҳам топди.

Мен ҳайрон бўлганимдан астагина хуштак чалиб юбордим.

– Уларни қаердан топди?

– Пуллар жавондаги жомадончада, ўрамлар эса буфет орқасида, қармоқ эса каравот остида ётган экан.

– Қани, айт-чи, қайси эсли-хушли одам шундай хавфли жиноят белгиларини ўз уйида сақлайди? На-

ҳотки уларнинг ҳаммаси кимдир томонидан ўша ерга ташлангани аниқ-равшан бўлмаса?

– Кулоқ сол, Вик! Брендон қандай бўлмасин ФҚБ агентларини тезроқ шаҳардан ҳайдаб чиқаришни истайди. Пиреллининг ўтмиши эса жиноят билан боғлиқ, у қамоқда ўтириб чиқкан. Брендон учун у жуда яхши топилма. Шундай экан, капитан қайси томондан қараса ҳам, барибир бу ишнинг ўйлаб топилганини кўрмайди.

– Пиреллида ўзини оқладиган асослар борми?

– Бор, лекин унчалик ишончли эмас. У Дедрик ўтиранган пайтда Дельмоника барида Жо Бетильо билан алоҳида хонада қарта ўйнаб ўтирганини айтган. Биз Жони сўроқ қилдик. Унинг айтишича, Пирелли у билан фақат кечаси соат ўн яримгача ўтирган. Жо вақтни яхши эслаб қолган, чунки Пирелли уни ўйинда ютган, сўнг бирдан учрашувим бор, деган-у, кетиб қолган. Жо қаттиқ ранжиган, чунки ютиб олишдан умидвор бўлган. Пирелли эса қасам ичиб, соат ўн бир яримгача ўйнаганини айтади. Ўғирлик эса, сен эслсанг керак, ўн бирдан ўн дақиқа ўтганда содир бўлган.

– Пирелли бардан чиқиб кетганини ҳеч ким кўрмаганми?

Мифлин рад этиб, бош чайқади.

– У яширин эшиқдан чиқиб кетган.

– Аммо Бетильога ўхшаш каламушга ким ҳам ишонарди?

– Брендон! У ФҚБ агентларини шаҳардан чиқариб юборгунча ҳар қандай кишига ишонаверади. Мени ҳаммадан кўпроқ пуллар саросимага солади, Вик. Қандайдир Пиреллини қамоқقا тиқиши учун бунча катта пулни ташлаб юбориш даҳшатдан иборат. Бунинг учун икки мингнинг ўзи етарли эди.

– Ҳаммаси уни нега ташлаб юборишганига боғлиқ. Ўгриларда яна тўрт юз минг қоляпти. Бу пулга қўшиқ айтиб яшашлари мумкин. Бунча катта миқдордаги маблағ барчани худди сен каби ўйлашга мажбур этади.

– Аммо бунча пулнинг қадрига етмасликни ҳам мутлақо тушунмай турибман.

– Сабаби шундаки, сенга кам тўлашади. Бизнинг шаҳарда ўйлаб-нетиб ўтирмасдан юз минг пулни соvuриб юборадиган бир ҳовуч одамлар топилади.

– Судъяларга ҳам кам тўлашади, шунинг учун улар ҳам ишонишади.

Мен сигарета кулини деразадан улоқтириб, елкаларимни қисдим. Турган гапки, Мифлин ҳақ эди.

– У ўзини қандай ҳис қиляпти, Тим?

– Ким, Пиреллими? Нисбатан ёмон эмас. Терговчилар қанчалик ҳаракат қилишмасин, аммо у ўзини айбдор хисобламади. Агар Франкон бу ишга аралашмаганида, албатта бўйин эгарди. Кўряпсанми, анови икки разил: Макгроу ва Хартсел – улар мени аллақачон безорижон қилишган – одамларни уришдан бошқа ишга ярамайдилар.

– Бу ҳам шунга ўхшайди, бир куни менинг ичимни тўкишларига ҳам озгина қолган. Улар билан гаплашиб бўлмайдими?

– Мутлақо мумкин эмас. Улар Брендоннинг шахсан ихтиёридаги маҳбуслар. Ҳатто Федерал разведка бюроси агентлари ҳам уларнинг олдига Брендоннинг рухсати билан киради.

Мен яна битта сигарета чекиб, Тимга қутини узатдим.

– Мен барибир бу ишни Пирелли қилмаганига ишонаман.

– Начора, у суд олдида жавоб берәётганида, шундай деб ўйлаган киши факат сен бўласан. Сабр қилиб тургин: эртага газеталар Пиреллини айбдор деб ёзади. Шўрликни кулфатдан чиқаришнинг битта имконияти – ҳақиқий жиноятчини излаб топишидир.

– Мен айнан шу иш билан шуғулланмоқчиман. Энди Брендон нима қиласди?

– Ҳеч нарса. Унинг учун иш тугаган. Пиреллини қамоққа олди ва барча зарур далилларни қўлга тушириди. Шундай қилиб, ҳамма иши жойида.

Мен машинадан тушиб, эшикни ёпдим.

– Демак, бу холда менинг қўлларим боғланган. Терговни ўзим бошлишни мўлжалладим.

– Омад тилайман, – деди Мифлин. – Олдингда ёқимли иш турибди. Нимадан бошламоқчисан? Қайси ишларни бажаришга улгурдинг?

– Деярли ҳеч нимани. Ишни Мэри Жеромдан бошлиш ниятим бор. Назаримда, у сизлар ўйлагандан кўра кўпроқ маълумотни билади.

– Балки, аммо мен бундан шубҳадаман. Агар у Дедрикни ўғирлашга алоқадор бўлганида, жиноят рўй берганидан кейин ортга, уйга қайтмасди.

– Мэри ниманидир унутиб, шунинг учун қайтган бўлиши мумкин. Менинг у ерда эканлигимни билмасди-да. Мэри ҳеч нарсадан бехабар бўлиши хам мумкин, аммо уни излаб топиш ва бунга ишонч ҳосил қилиш керак.

– О’кей. Агар мен керак бўлиб қолсам, айтгин. Пирелли айбдор эмас деб ўйлайман, аммо бу гап ўртамизда қолсин.

– Раҳмат, Тим. Мен, эҳтимол, сен учун ниманидир излаб топарман. Ҳозирча эса хайр!

Мен «Бьюик» машинамга ўтирдим. Мифлинга қўлимни силкитиб, Сентрал-авеню томон йўл олдим. Йўл устида телефон будкасини кўриб, бурилиб чеккарока тўхтадим. Рақам териб, Франконнинг овозини эшигач, сўрадим:

– Хўш, Пирелли тўғрисидаги фикрингиз қандай, Юстин?

– Менимча, у ўғирликда иштирок этмаган, – дадил хитоб қилди Франкон. – Аммо бу уни бутунлай қутқара оламан, деган маънони билдирамайди, албатта. Мен, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, уриниб кўраман, аммо иш умидни узадиган даражада. Ҳаммаси фавқулодда усталик билан сохталаштирилган, моҳирона ўйлаб топилган. Буни ким қилган бўлмасин, ўз ишини яхши билган. Энг асосий хавф, бу – пул. Эртага идорамда учрашсак, яхши бўлармиди дейман? Бу ишни ҳар томонлама синчилкаб кўриб чиқамиз, нима қилиш кераклигини келишамиз. Эрталаб соат ўнда, бўладими?

– Бўлади, – жавоб бердим мен.

– Вик, сиз кўп нарсага умид боғламанг. Бундай дејишилмнинг асосий сабаби Пиреллининг иши анча мужмал.

– Ҳали унчалик мужмал эмас, – дедим қисқа қилиб ва гўшакни қўйдим.

Юстин Франкон тишлари орасида ўчиб қолган сигара билан стол ортида, оёгини оромкурсининг тирсакқўйгичига осилтириб ўтиради. Қўллари нимча ўмизига суқилган.

У кичик жуссали, мўйлови икки томонга, ёноклари олдинга тутиб чиқсан бўлиб, йирик, суяқдор бурни устидаги кичик, ўйноки кўзлари сассиқкўзан тусини берарди. Юстинга қараб туриб, Тинч океани қирғоқларида машхур ва оқил адвокатлардан бири деб бўлмасди. Аслида у айнан шундай сифатларга эга.

Бу биринчи тоифали адвокатнинг мамлакатдаги бошқа ҳар қандай ҳукуқшуносдан кўра миллионер мижозлари тўлиб-тошиб ётибди.

Биз, яъни мен, Керман ва Паула унинг вазмин стопли атрофида тизилиб ўтирадик. Франкон бизга ўзининг ёввойи тарздаги ўнг томонлама кўринишини тақдим этиб, ўзи эса йигирманчи қаватдаги идора-сидан пастда ястаниб ётган олтинранг пляжга назар ташлади. Кенг, мўл офисда юракни сиқадиган жимлик чўккан эди. Ниҳоят у елкаларини қисиб, оёқларини тирсакқўйгичдан олди ва бизга қараб ўгирилди.

– Менга гапириб берганларингиз билан маслаҳатчиларни Пиреллининг Суюкини ўлдирмагани ва Дедрикни ўғирламаганига ишонтириб бўлмайди, – деди адвокат. – Сизлар кўпроқ қурол-яроғ жамғармоғингиз лозим. Ҳозирча эса улар йўқ ҳисоби. Пиреллига қарши далиллар етарли, маслаҳатчилар суд залини тарк этмай туриб, соф виждон билан уни айбдор деб топадилар. Сизлар буни ҳисобга олишингиз керак. Эҳтирослар тўлқини ҳаддан зиёд юқори. Уни қонун бўйича суд қилишмайди. Агар сизлар менга округ прокурорини судда тор-мор қилиш учун янада кўпроқ, етарли далиллар тақдим этмасангиз, ҳавони қуруқдан-қуруқ силкитиш билан Пиреллига ёрдам бера олмайман. Ўнга хайдовчини ўлдириш айби қўйилмоқда, агар суд давом этаётган вақтгача Дедрикнинг жасади топилса,

Кеймс Хедли Чейз

Пиреллига иккита қотилликни тақаб күйишади. Шундан сўнг иш электр стули билан ниҳоясига етади.

Юстин ўчиб қолган сигарага қаради, қовоғини уйди-да, сўнг уни саватга ташлади.

– Энди келинг, Пиреллида қандай жиноят белгилари борлигини кўриб чиқамиз. Уйидан топилган тўппонча, бу – бир. Маслаҳатчиларни тўппонча четдан ташланган деб ишонтириш мумкин. Қармоқ – икки, у билан ҳам бир амалласа бўлади, ҳар қандай киши қармоққа эга бўлиши мумкин, ҳеч кимга тақиқланмайди. Аммо пул-чи? Ҳеч ким пуллар ташланганига ишонмайди. Мана шу уни ташлаган киши каллали эканлигини кўрсатган. Юз минг жуда катта маблағ. Шундай эмасми?

Биз дўстона тарзда бош иргадик.

– Жуда яхши. Шундай қилиб, асло рад қилиб бўлмайдиган далил, бу – пуллар. Маслаҳатчилар пуллар ташланмаган, деган қарорга келгач, тўппонча ҳам, қармоқ ҳам, клеёнка ҳам ташланмаганига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Демак, прокурор ҳам ўз айловини хатосиз, деб билади. Сизларга тушунарли бўлдими?

– Ҳа, тушунарли. Аммо биз пуллар ташланганини аниқ биламиз. Наҳотки, маслаҳатчиларни ўғри ўзининг иркит жонини қутқариш учун ўмарган пулининг бешдан бир қисмидан воз кечганига ишонтириб бўлмаса?

Франкон бош чайқади:

– Йўқ, бундан бирор натижча чиқмаса керак. Ҳаддан зиёд қалтис иш. Агар Пирелли яхши далилларга, ўзини оқлайдиган даъволарга эга бўлса, ана шу билан судга бориши мумкин, аммо унда бундай даъволар йўқ. Яна бир гап – тўппончада унинг бармоқ излари топилган.

– Мен бу ҳақда эшитдим, аммо ишонмайман.

Франкон алам билан бош чайқади.

– Аммо бу аниқ. Уларни ўзим кўрдим.

– Ахир Пирелли тўппончани ушлаган эмас-ку?

– Пирелли айтишича, Брэндон унинг қўлига тўппончани берган ва бу қурол хақида биласанми, деб сўраган. Шундай қилиб, тўппонча топилгандан сўнг ҳам унинг қўлига ўтиб қолган.

– Ё Худо! Сиз Брэндонга шундай ноҳақ йўллар билан ютиб чиқишига имконият яратиб бермаяпсизми, мабодо?

– Округ полицияси бошлигининг кўрсатмаларига Пирелли сўзларининг қарама-қарши туриши қандай аҳамиятга эга?

Оғир жимлик чўкди, сўнгра адвокат деди:

– Кўрдингизми, бунда ҳаммаси унга қарши. Шунинг учун мен қандайдир янги далилга эга бўлиб, судга боришим керак. Агар далил бўлмаса, ўйиндан чиқишимга тўғри келади. Менга далиллар керак, сизларнинг вазифангиз эса уни излаб топишдан иборат.

– Қандай бўлмасин, уларни топаман, – дедим мен.
– Бу қаттиқ данакни чақишнинг ягона йўли – ҳаммасини бошидан бошлиш ва қўлга нимадир киритилгунча излашдан иборат. Менинг тахминимга кўра, бу ерда оддий ўғрилар тўдаси ҳаракат қилмаган. Балки ақлдан озайтгандирман, аммо бу тахмин менга тинчлик бермайди.

– Тушунмадим, сиз нимани назарда тутяпсиз? – деди Франкон менга диққат билан қараб.

– Ўзим ҳам ҳеч нарсани англағаним йўқ, – деб тўлдирадим кулиб. – Менга, масалан, Серенанинг отаси Франклин Маршленд Дедрикнинг йўқолганига ўлгудай хурсанд бўлгани аниқ. Нега шундайлигини тушунириб бераман. Бу Маршленд оддий беозор мўйсафид

кўринади, аммо унинг кўзига бир бор назар ташласангиз борми, ниҳоятда хавфли одам эканлигини англаб оласиз. Никоҳ маҳфий равишда тузилган. Нима учун? Айтайлик, ўғрилар тепасида Маршленд турибди. Дейлик, у Серенанинг товламачи ва таваккалчи кишига турмушга чиққани, Дедрикка фақат пули кераклиги ни билади. Айтайлик, Маршленд Дедрикни йўқотиш мақсадида ўғирлашни гўё ўйлаб ташкил этган. Мен айнан шундай бўлган демоқчи эмасман, аммо бу шундай фикрлаш, холос! Дедрик ўтмишда Мэри Жером билан қандайдир алоқада бўлган, дейлик. Нимани назарда тутганимни англадингизми? Агар бу оддийгина ўғирлаш бўлиб, шунчаки йўл-йўлакай ўғрилар тўдаси ҳаракат қилган бўлса, биз бирор иш қила олмаймиз. Аммо бу ишга ўзларининг одамлари қўл урган, ўғирлик тепасида Маршленд турган бўлса, у ҳолда балки уни очишига муваффақ бўламиш.

Франкон эшитганларига қизиқиб қолгандай кўринди.

– Вик, дарҳақиқат, бу ердан ниманидир топиш мумкин. Ҳар ҳолда уриниб кўриш керак.

– Бу биз қилишимиз керак бўлган ягона иш. Мен Мэри Жеромдан бошлаш ниятидаман. Илк бор уни «Акме» гаражида кўрган эдим. Терговни ҳам шу жойдан бошлаймиз. Агар унинг гаражидан «Оушен-энд» саройигача бўлган йўлни синчилаб текшириб чиқсанак, эҳтимол, йўл-йўлакай яна бирор далилга дуч келармиз. Ҳайдовчи Суюкининг ўтмишини ҳам кавлаб кўриш керак. Ахир бу билан ҳеч ким шуғуллангани йўқ. Ваҳоланки, жуда керак. Кейин Дедрикка навбат келади. Мен ҳозирнинг ўзидаёқ Кермани Парижга жўнатаман. У ердан Дедрикка оид ҳар қандай маълумотни тўплаш зарур бўлади. Албатта, буларнинг

барчаси вақтни бекордан-бекорга ўтказишга ўхшаб кўринади. Аммо бу – яккаю ягона имкониятимиз. Биз катта ер майдонини қазишга киришамиз, тўсатдан қандайдир қимматли нарса чиқиб қолар. Аммо ҳеч нима топилмаса, иш ниҳоятда ёмон бўлади.

– Менинг назаримда, тергов ўтказиш учун энг ишончли йўл – Мэри Жером, – деди Франкон бурнини тортиб кўяр экан. – Аммо Суюкининг ўтмишини суриштиришдан фойдали жиҳатни кўрмаяпман.

– Шунинг учун ҳам шугулланиб кўрмоқчиман. Бу иш билан машғул бўлиш ҳеч кимнинг хаёлига келгани йўқ. Кўпчилик учун у шунчаки ўлим. Шусиз ҳам бизда имкониятлар кам, шу сабабли ҳеч нарсага бепарво қарамаслик керак.

– Хўп, ундан зиёд вақт сарфламанг. Пиреллининг душманлари бўлганмикан, билмайсизми? Бундай ўта пасткашлиқ қилиш учун кимдир уни ҳаддан зиёд ёмон кўриши керак эди.

– Тўғри. Мен ҳам шу ҳақда ўйладим. Бундай ифлос ишни қилиши мумкин бўлган бир кишидан гумонсираяпман. Жеф Баррет, сассиқ қаламуш, гиёҳванд ва разил. У Пиреллининг уйи қаршисида истиқомат қиласди.

Мен Франконга Барретга қандай дуч келганим ва Пирелли ҳаётимни қай тарзда сақлаб қолганини гапириб бердим.

– Брендон буни биладими?

– Йўқ, аммо билганида ҳам ўзининг нуқтаи назарини асло ўзгартириб ўтирмасди. Мен ана шу Баррет билан ҳам шугулланишга қарор қилдим. Қармоқ шундай анжомки, уни уйга яширинча олиб кириб бўлмайди. Қандай олиб киришганини кўрган гувоҳларни то-

пиш мумкин... Энди бизнинг кетиш вақтимиз бўлди,
– мен ўрнимдан турдим, – бирор нарсани билиб қол-
сам, дарҳол сизга хабар қиласман.

– Қанча тез бўлса, шунча яхши, – жавоб берди
Франкон.

Аллақачон йўлакда турган Керман сўради:

– Мен Парижга борар эканман, ростми?

– Ҳа. Тезроқ жўна. Паула ҳаммасини тайёрлаб бе-
ради. Пулни истаганингча сарфлашинг мумкин, аммо
акл доирасида бўлсин. Умид қиласманки, сен Парижга
бориш тўғрисида эътиroz билдиrmайсан?

Керман кўзларини чақчайтирди, афтидан қувон-
чини яширишга уринди.

– Менинг бу қайгули зарурият билан келишишимга
тўғри келади, – деди у. – Эзгу иш учун, албатта. Ко-
лаверса, мен эшитдимки, парижлик аёллар ғоят сулув
бўлишар экан.

– Улар ёнида гирдикапалак бўлиб юрган кишига
шундай сулув кўринади, – деди Паула кесатиб.

5

«Бендикс – уй хизматкорларини ёллаш» агентлиги
бошлиғи Марта Бендикс бизнинг идорага қўшни бў-
либ, жуссаси катта ва ғайратли аёл. Сочини эркакча
кирқтирган, кулгиси йирик калибрли тўппонча оти-
лишига ўхшаб кетади.

Биз у билан йўлакда дуч келиб қолдик. Мен идо-
рамдан, Марта ҳам ўзининг агентлигидан чиқкан
эдик. Уни кўрган заҳоти сухбатлашишим кераклиги
эсимга тушди.

– Салом, Вик! – деди Марта гүмбүрлаб. – Жин урсин, қаерларда гүм йўқолдинг? Сени ҳафталаб кўрмайман.

– Марта, сен билан гаплашиб олишим керак. Вақтинг борми?

У қўлидаги сал бўлмаса араванинг ғилдирагича келадиган соатига қаради-ю, ҳеч қаерга шошмаётганига ишонч хосил қилиб, идорасининг эшигини очди:

– Қани, кир. Нима, яна менинг миямни ижарага олмоқчимисан? Учрашувим бор эди, аммо унча муҳим эмас.

Биз қабулхонадан ўтдик, у ерда қандайдир сариқ сочли озғин, мажмагил қиз ўтириб, бир бармоғи билан машинкани чиқиллатиб ўтирас, юзи кулиб турган қуённинг башарасини эслатарди. У бизга камтарона табассум ҳадя этди.

– Мэри, – деб мурожаат қилди қизга Марта. – Агар жаноб Меннерс қўнгироқ қилса, мени кетди, деб айтиб қўй.

Биз директорнинг яшил-қизил тусли кабинетига кирдик.

– Эшикни зичлаб ёп, – деди Марта овозини пасайтириб, аммо унинг овози йўлакнинг охиригача эшитилар, худди фитначилар гапирадиган гап оҳангига ўхшар эди. – Менда бир шиша аъло навли виски бор, анчадан бери мени ким очар экан, деб кутиб ўтирибди. Ўзим эса котибам ишда ичар экан, деб ўйлашини истамайман.

Мен оромкурсида ўтирганимда, Марта олдимга каттакон уч дюймли бордоқ қўйди.

– Қани, томоғингни ҳўллаб олгин-чи.

– Баъзан, Марта, мен сенинг тараққийпарвар хотин эканлигингга ишонмай қоламан, – дедим қадаҳни кўтариб, – Хўп, соғ бўлайлик!

Жеймс Хедли Чейз

– Тилингга чипқон чиқсан, ичмасам бўлмайди, –
хахолаб кулиб юборди у ва бир сипқоришда бордоги-
ни бўшатди. – Хўш, қандай экан? Яна истайсанми?

Мен бош чайқаб, рад этдим. Сўнг спирт хидини
кетказиш учун олдимга қўйилган қаҳва донасидан
бир нечтасини оғзимга солдим.

– Хўш, менда қандай ишинг бор? – деб сўради Мар-
та стол ортида ўтириб, оғзига қаҳва доналарини солар
екан.

– Мен Серена Маршленднинг собиқ ҳайдовчиси
Тоа Суюки номли филиппинлик тўғрисида баъзи маъ-
лумотларни билмоқчи эдим. Суюки уларга хизмат қи-
лиш учун Нью-Йоркда ишга кирган эди. Мен у сизлар-
нинг Нью-Йоркдаги бўлимларингиз орқали ёлланиб,
расмийлаштирилган эмасми, шуни билмоқчи эдим.

Марта ўзини ҳақоратланган каби сезди.

– Азизим! Сен шуни яхшилаб тушуниб олгинки,
менинг идорам танаси рангли одамларни ёллаш би-
лан шуғулланмайди. Сен, нима, Дедрикнинг ишини
текширишга киришдингми?

– Ҳа, мен ўша Суюки тўғрисида маълумотларни ол-
моқчи эдим.

Марта Бендикс қоғоз кесадиган пичоқ билан боши-
ни қашлади.

– Мен буни сен учун билиб олишим мумкин, албат-
та, – деди у истар-истамас. – Нью-Йоркда бошқа ирқ-
даги кишиларни ёллаш билан шуғулланувчи йирик
агентликни Сид Сильверс бошқаради. Бу сассиққўзан
– менинг дўстим. Ундан сўраб кўраман. Агар чипқо-
ни оғримаса, изоҳлаб беради. Эвазига у нимага эга
бўлади?

– Юз долларга.

Мартанинг кўзлари олайиб кетди.

– Ақлдан озғанмисан? Ахир бу нусха юз долларга онасини пиво идишга ғарқ қилишдан ҳам тоймайди.

Мен унга онасини шундай фожиали тарзда ҳалок қилиши шарт әмас, фақат Суюки түғрисида маълумотлар кераклигини айтдим.

– Иш битди, деб ҳисоблайвер. Икки кундан сўнг бу маълумотларни сенга бераман. Келишдик!

– Мен яна эллик доллар қўшаман, агар улар эрталаб қўлимда бўлса ва шунга арзиса.

– Сен уларни оласан, – деди Марта ўрнидан туарар экан. – Бу сассиқкўзан лойқа сувдан балиқ тутишга устаси фаранг. Гапинг тугадими?

– Ха, раҳмат сенга. Сен дўйстларга ёрдам беришдан ҳечам бош тортмайсан. Билмайман, сенсиз нима қиласардим?

Марта кулимсиради:

– Сен менга айт-чи, Вик, қачон анови жигарранг кўзли нозанинга уйланасан? У бир оғиз гапингни кутуби, идорангда тоқати тоқ бўлиб кетди-ку!

– Агар Паулани назарда тутаётган бўлсанг, мен унга уйланмайман. Биз учрашган пайтимиизда ҳар сафар ўшани гапираверма. Мен сенга у тезроқ әрга тегишини ўйладиган қизлардан әмас, деб неча марта айтганман.

Марта елкамга шу қадар куч билан туширдики, сал бўлмаса, умуртқам синиб кетаёзди, сўнг шундай кулдики, дераза ойналари зириллаб кетди.

– Сен... сен ундан сўраганингда билиб олардинг. Табиатда бирорта ҳам жонзот аёл каби турмушга чиқиши истамайди. Фақат таклиф этилмаганлар турмушга чиқа олмайди.

Мен машинани Жефферсон-авенюдаги турар жойлар биноси ёнига қўйиб, сокин вестибюлга кирдим.

Баланд стол ортида бир қиз ўтирас, у айёр башарали Грация эмасди. Қиз сақич чайнар ҳамда қисқақисқа матилларда берилган расмларни томоша қиласди. Юзидағи ифодага қараб, комикслар уни мутлақо кулдирмаётганига ишонч ҳосил қилдим. Мен ilk бору ерга келганимда, Грация ҳам айнан шу тарзда ўқиб ўтиргани эсимда.

Устунлар ортидан мушти йўғон Макси югуриб чиқди ва рўпарамда туриб қолди.

– Салом, – дедим мен тиржайиб. – Биз қаерда гаплашиб олишимиз мумкин?

Истеъфодаги полициячининг қип-қизил майда томирчалари чиқиб турган гўштдор юзидағи чуқур ботган митти кўзлари шубҳа ва ҳайратга тушганча менга тикилиб турарди.

– Сиз мен билан нима ҳақида гаплашмоқчисиз? – тўнғиллади у ва мўйловлари сергак тортиб хурпайди.

– Сиз билан гапирадиган гапим йўқ. Бунинг устига бандман.

Мен бу гапни савдони бошлиш учун таклиф ўрнида қабул қилдим ва ҳамёнимдан ўнталикни олиб кўрсатдим.

– Юринг-чи, бирор тинчроқ жой бўлса, ўша ерда гаплашиб оламиз.

У пулга ўйчан қараб қолди ва йўғон ифлос бармоқлари билан тишини кавлаб, панжаларини ўзининг иштонига артди. Сўнг стол ортида ўтирган қизга қаради.

– Эй, эшит! Агар зарур бўлсам, ертўлада бўламан. Ҳеч кимни қўйма!

Қиз кўзини газетадан узмай, фақат бошини енгил иргаб қўйди, холос. Бу билан ҳаммасини эшишиб, тушунганини кўрсатди.

Макси лифт томон равона бўлди.

Лифт ертўла қаватига тушгунича биз ёнма-ён, юзимизга нафасимиз урилиб турардик. Макси хира чироқлар билан ёритилган сим тўрлар осилган қоронфи, оқ кошин қопланган кичкина йўлакдан юриб, мўъжаз идорага кирди. Унинг бор-йўқ жиҳози икки стул, стол ва қурум босган камин тепасида осилган дастхати туширилган Жек Демпси суратидан иборат эди.

Стол атрофида жойлашиб ўтириб олган Макси бош кийимини бўйни томон суриб қўйди, стулда ялпайгандча семиз ялпоқ бурнини торта бошлади. У бир дақиқа ҳам ўнталик пулдан кўз узмасди.

Мен ўн долларни Максига бердим, уни олмасдан туриб, ҳеч нимани ўйлай олмаслигини тушунардим. Макси никотиндан сарғайиб кетган йўғон бармоқлари билан пулни чаққон олиб, дарров чўнтаигига солди.

– Пирелли... – деб гап бошладим мен.

Макси костюмининг енги билан бурнининг учини артди, сўнgra қандайдир аччиқ саримсоқ пиёз ва пиво ҳидини бурқситиб деди:

– Жин урсин, яна Пиреллими?

– Ҳа, албатта, Пирелли. Нима учун у бўлмасин?

– Шунинг учунки, шаҳардаги ҳар бир полициячи мен билан Пирелли тўғрисида гаплашади. Мен уларга ҳаммасини гапириб бердим, бошқа ҳеч нимани билмайман.

– Бунинг аҳамияти йўқ. Мен уларга нима деганингизни эшифтмаганман, билмайман. Сизга бир нечта савол бераман, ишончим комилки, бу ҳақда бирорта ҳам полициячи сўрамаган.

Жеймс Хедли Чейз

– Майли, – деб гўлдиради Макси ортиқча шавқ-завқсиз. – Менга барибир, ахир иш вақтим учун тўланган-ку!

– Нима деб ўйлайсиз, Пирелли Дедрикни ўғирлаб кетиши мумкин эдими? – тўғридан-тўғри сўрадим ундан.

Макси бундай саволни кутмаган эди, унинг митти бит кўзлари пирпираб кетди.

– Менинг нима деб ўйлашимнинг қандай аҳамияти бор?

– Аҳамияти бор-да. Келинг, вақтни бекор ўтказмасликка келишиб олайлик. Агар менинг саволларимга жавоб беришни истамасангиз, тангани ортга қайтаринг, уни кимга беришни биламан.

Биз столнинг икки томонида туриб, бир-биrimизга тикилиб қолдик. Макси менинг ҳазиллашмаётганимни тушунди.

– Пиво ичишни истайсизми? – деб сўради у. – Бемалол ўтириб гаплашсак ҳам бўлади-ку!

У икки банка пиво олиб, буклама пичноқ билан қоп-қоғини очди ва биттасини менга узатди.

– Бахти кунлар учун!

– Тунлар учун ҳам!

Биз ичдик, бошқа эркаклар каби чуқур нафас олиб, банкаларни стол устига қўйдик.

– Бу ишни у қилган, деб ўйламайман. Бу Пиреллига тўғри келмайди.

– У ҳам менга айнан шуни айтди, – мен олдинга энгашиб, банканинг ичидаги қолган томчи билан стол устида қинғир-қийшиқ қилиб чиза бошладим. – Агар иложи бўлса, мен унга ёрдам бермоқчиман. Сизнинг кўрсатмаларингиз мақсадимни амалга оширишга ёрдам беради.

Макси дастаңвал яна тишини кавлашга тушди, сүнг үйланиб қолди ва энди қулогини кавлай бошлади.

– Пирелли унчалик ёмон йигит эмас. Бағри кенг, саховатли, вазмин, жанжалкаш эмас. Маъшуқаси ҳам ажойиб. Сиз уни кўрганмисиз?

Мен кўрганимни айтдим.

У қойил қолгандек ўнг кўзини қисди, сүнг яна очди.

– Ох, қадди-қоматини айтмайсизми, роса кетвортган! Наҳотки бу қомат унинг ҳамма айтганларини ба-жарса?

– Эҳтимол. Сиз қизнинг қармоқни қандай олиб келганини кўрмадингизми?

Мушти йўғон йўқ дегандай бош чайқади.

– Йўқ, кўрмадим, аммо менга шуниси маълумки, Пирелли ҳеч қачон уйида қармоқ сақламаган. Мен уйни йиғиширадиган оқсочдан сўрадим. У ҳам ҳеч қачон уйда қармоқ кўрмаганини айтди.

– Оқсоч каравот остига қараганми?

– Бўлмасам-чи! Ахир у полларни ювиб чиқади-ку.

– Кеча кечқурун полиция Пиреллининг уйидан қармоқ топиб олган. У кеча эрталаб каравот остини йиғиширган эдими?

Макси бош иргади.

– Қачон?

– Тушдан кейин. Пирелли уйда соат бир яримгача бўлган, оқсоч эса уйни соат бирдан аввал йиғишира олмасди.

– Полиция қармоқни қачон топган?

– Кечқурун, соат етти яримда.

– Демак, кимдир икки яримдан етти яримгача у ерга қармоқни ташлаб қўйган, шундай эмасми?

– Агар у ташланган бўлса.

– Яхши, сўзларга ёпишиб олмайлик. Демак, соат бир ярим билан етти ярим ўртасида Пирелли ёки кимдир уйга қармоқни олиб келган. Шундайми?

Собиқ полициячи бу мулоҳазадан қусур топа олмади.

– Ҳа, шундай.

– Уйга киришга асосий эшикдан ташқари яна бирор чиқиб кетиш жойи борми?

– Ертўла орқали яширинча эшик бор.

– Бу эшикдан бирор киши ўта оладими?

– Йўқ.

– Аниқми?

– Мутлақо аниқ. Уй шундай қурилганки, асосий кириш жойи ёки яширин эшикдан кирасизми, қайси томондан бўлсаям, вестибюль орқали ўтишингиз керак ва сизни пайқаб қолишади.

– Сиз кеча соат бир яримдан саккизгача қаерда эдингиз?

– Кинода.

– Демак, кеча бу ерда бўлмагансиз?

– Мен кинода эдим.

– Дам олиш кунингиз эдими?

– Ҳа.

– Вестибюлда ким навбатчилик қилган?

– Грация Леман, – Макси бироз пиво ҳўплаб қўшиб кўйди: – У бугун дам олади.

– Полиция Грацияни сўроқ қилдими?

– Нега энди?

Мен пиво сипкордим. У ҳақ эди, албатта. Дарҳақиқат, нега? Полициячилар Пиреллининг уйидан қармоқ топиб олишган, шунинг ўзи уларга кифоя.

– Қармоқни ким келтирганини у пайқаган бўлиши мумкин эдими?

– Агар кимдир көлтирган бўлса, албатта, кўрган бўларди.

– У шу вақтда қўлини ювиш учун ёки бирор иш билан чиқкан бўлиши ҳам мумкинми?

Макси «йўқ» дегандек бош чайқади.

– Вестибюль бир сония ҳам қаровсиз қолдирилмайди. Бу уйда ана шундай қатъий қоида ўрнатилган. Санитария узели шундоқ идоранинг орқасида жойлашган. Агар навбатчи у ерга киргудай бўлса, эшик олдидаги резина гиламчанинг тагидаги сигнализацияни босиб қўяди. Асосий ва яширин эшиқдан кирадиган ҳар қандай киши шу сигнални босади ва бирдан хавфни билдирувчи сигнал кўтарилади. Бу текшириб кўрилган. Бизда жуда кўп уй ўтириклари рўй бергани учун чоралар белгилаганмиз. Шундай экан, бирор киши қармоқ олиб келса, навбатчи уни албатта кўрган бўларди.

– Демак, уйга Пирелли ёки қандайдир бошқа киши қармоқ олиб келганини аниқлаш зарур. Ва Грация буни кўрган бўлиши керак, шундайми?

– Худди шундай.

Мен пивони охиригича ичдим ва чекдим. Ичичимни ҳаяжон қамраб олди.

– Яна пиво истайсизми? – деб сўради Макси.

Мен бош ирғадим ва унинг стол устига яна иккита банка қўйганини нигоҳим билан кузатиб турдим.

– Афтидан, ҳаммасидан кўра Грациядан сўраган яхшироқ, – дедим у банкаларни очаётганида. – Грация менинг ҳақиқий гувоҳим бўлиши мумкин.

– У эртага навбатчилик қиласи. Сабр қилинг. Аммо унга бироз кўпроқ ҳақ тўлашга тўғри келади.

– Қаерда яшайди?

Макси бироз ўйланиб турди, сўнгра рад этган каби бошини чайқади:

– Мен сизга унинг манзилини бера олмайман – кўрсатма бўйича мумкин эмас.

Мен қўлим билан совуқ банканинг сиртини сила-дим ва Жек Демпсининг суратини кўздан кечиришга тутиндим.

– Гаров боғлаб айтаманки, бу қармоқни Жеф Бар-рет олиб келган!

Макси айни шу вақтда банкадан пиво ҳўплаётган эди, томоғига нимадир қолгандай йўталиб қолди. Мен бўғилиб қолмаслиги учун ўрнимдан сапчиб туриб, ел-касига урдим. Албатта, мен уни бироз қаттиқроқ урдим: ахир берган пулларим туфайли ўзимни нима биландир мукофотлашим керак эди-ку.

– Баррет дедингизми? – у ўзига келди. – Қандай... нима дедингиз?

– Баррет Пиреллидан ўлгудай нафратланарди. Қармоқни қўйган йигит ҳам уни ниҳоятда ёмон кўрган. Баррет Пирелли турган хона қаршисида яшаган. Баррет – патент олмаган разил. Булар судда аҳамият касб этмас, аммо мен учун кўп нарсани англаради.

Макси лабларини тишлади ва ниҳоят бош иргади:

– Балки, шундайдир.

Биз яна бир неча қултум пиво ичдик.

– Сиз Грацияга бекордан-бекорга вақт кетказманг. У Барретга қарши боради, деб умид қилманг, – деди Макси товушини пасайтириб. – Грация ўша учун қай-гуради.

Берган пулим учун қандайдир қиммат нимадир олиш фурсати келди, деб хаёл қилдим.

– Нима учун? – сўрадим мен. – Наҳотки, Баррет шу даражада пасткашликка бориб, унга ўхшаса?

– Биласизми, бу уйнинг хўжайнини уни ҳурматга сазо-вор кишига айлантириш учун ҳаракат қилмоқда. Нима

учунлигини сўраманг. Унинг ана шундай ғалати қилиқлари бор. Бизда ўрнатилган қоидага кўра, меҳмонга келадиган аёллар кечаси соат биргача уйни тарк этишлари шарт, акс ҳолда уй соҳибига билдиришнома ёзилади. Грация тунлари бир ҳафтада бир марта навбатчилик қиласи. Баррет олиб келадиган аёллар эса тунда уникуда қолиб кетади, у бу ҳақда хабар қилмайди.

– Қандай уddyалайди? Ортиқча пул тўлайдими?

Макси пивони охиригача ичди, шимига тўкилган кулни қоқиб, ўрнидан турди:

– Энди мен жойимга қайтишим керак.

– Ўтилинг, гапириб беринг. Мен берган ўн долларимга ҳали ҳеч нима олганим йўқ.

– Нима десам экан? Яна ўн беринг. Сизга шундай гапни айтаманки, оғзингиз ланг очилиб қолади.

– Беш.

– Ўн.

– Етти ярим.

– Саккизга келишдик.

Мен Максига пул узатдим. Сўнг у қайтиб, яна стулга ўтирди.

– Қиз гиёхванд, тушунарлим? Баррет уни марихуана билан таъминлаб туради. Шундай экан, сизнинг ҳеч қандай имкониятингиз йўқ.

Мен айтилганларни мулоҳаза қилиб кўрдим, ҳеч қандай имкониятларим бўлмайди, деган қарорга келдим, аммо шунга қарамай, барибир оёқ тираб туриш керак.

– Менга унинг манзилини беринг.

Яна икки доллар пул собиқ полициячини кўрсатмага риоя қилиш мажбуриятидан озод қилди.

– Фелман-стрит, 274, мебеллар билан жиҳозланган уйда.

Мен ўрнимдан турдим.

– Макси, сухбатимиз түфрисида чурқ этманг. Ким сўраса ҳам мени кўрмагансиз.

У «ҳм» деб қўйди-ю, кўкрагига уриб деди:

– Асло ташвиш тортманг. Дўстлар учун мен – қабрман.

Чиқиш томон юрдим. Остонада бурилиб қарадим. Макси столда ўйланиб ўтирас, бурнини тортиб, кўзларини банкага маъносиз тиккан эди.

Фелман-стрит, 274 уйнинг кириш эшиги тамаки дўкони ва учинчи даражали кафе ўртасида жойлашган эди. Эшикдаги ифлос жез лавҳада шундай деб ёзилган:

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР УЧУН ХОНАЛАР.
ИТ БОКИШ ВА ЭРКАКЛАРНИ ОЛИБ
КЕЛИШ МАН ЭТИЛАДИ!

Сал юқорироқда осилган қоғозча бўш жойлар йўқлигидан огоҳ этарди. Кўшни кафенинг кўчада тўртта столи бўлиб, уларда ёши ўтган официант хизмат қиласарди. Официантнинг озгин юзида шунчалик адоқсиз ғам-алам муҳрланган эдики, ҳатто уст-боши куёшнинг ярқироқ нурида кексалик туфайли яшил \тус олиб кетгандай кўринарди. Уй олдида машинамни тўхтатганимдан сўнг у мени пайқаб, ифлос латта парчасини силкитиб, столлардан бирига таклиф қилди. Аммо мен унинг индамай қилинган манзиратини қабул қилмадим.

Учта тош зинани босиб, эшикка яқин келдим. Ва унинг бир табақасини очиб, қоронғи, жимжит ва кимсасиз вестибюлга кирдим. Деворнинг чап томонида почта қутилари осилган эди. Яқин келиб, унда уйда яшовчиларнинг исми ва фамилиясини ўқиб чиқдим. Улар орасида хотин-қизлар ҳаддан зиёд кўп эди.

Ўнг томондаги қутидан ўзимга зарур фамилияни топдим:

Грация ЛЕМАН хоним, 23-хона, 2-қават.

Юқорига кокос толасидан ясалган бўйра билан қопланган зина элтарди. Биринчи қават зина майдон-часини эгаллашдан олдин енгил ҳарсиллаб қолдим ва анча узоққа, қоронғиликка бориб туташадиган узун йўлакка дуч келдим, унда эшиклар кўп эди. Уларнинг олдида сут солинган шишалар билан эрталабки газеталар туради. Гарчи соатлар бирдан ўн дақиқани кўрсатиб турган бўлса-да, менинг назаримда «ишбильармон кишилар» бўлмиш хотинлар ўз мажбуриятларини очиқдан-очиқ назар-писанд қилмасдилар. Улар умуман қаердадир ишласалар, албатта.

Мен иккинчи қаватга кўтарилиганимда, юқорида баланд бўйли, юз бичимлари бўртиб турган эркак кўринди. Унинг эгнида енгил матодан тикилган оч қизил костюм, бошида оқ наматсимон шляпа, кўзида қора кўзойнак бор эди. Мени кўриб, у асабий равища титраб кўйди. Қатъиятсизлик билан тўхтаб қолди, олдинга ҳам, орқага ҳам қайтишни билмай, сўнг бекорчи кишилардек пастга туша бошлади.

У тушиб кетгунича мен кутиб турдим.

Ёнимдан ўта туриб, бош бармоғининг тирноғи билан соқоли қирилмаган иягини қашлаб қўйди. Менга

унинг қора кўзойнак тагидаги кўз ифодаси ташвишли ва енгил саросимага тушгандек кўринди.

– Ит сақлаш ва эркакларни олиб келиш тақиқланади, – дедим мен бу эркак зинапоя майдончасини кесиб ўтганида.

У асабий тарзда елкаси оша қайрилиб қаради, тўхтади ва қаҳрли овозда:

– Нима-а-а? – деди.

Мен елкаларимни қисиб қўйдим:

– Ҳеч нарса! Мен фақат шунчаки сизнинг виждингизни гапга тутдим.

Зинадан юқорига қараб ҳаракат қилдим, у эса товонида тик турганча, мен бурилишда кўздан гойиб бўлгунимча термилиб турди.

Иккинчи қават ҳам худди биринчи қаватнинг айнан ўзи: сутли шишалар, газеталар турар эди.

Мен йўлакдан товуш чиқармай, хона эшиклари-даги рақамларга қарадим. Керакли хона йўлакнинг ўртасида, ўнг томонда эди. Мен Грация билан қандай гапириш кераклигини ўйлаб, эшик олдида тўхтаб қолдим. Агар Максининг гапи тўғри бўлса, Грация истаса, Пиреллини қутқариб қолиши мумкин. Ҳозир уни кўндиришга мушарраф бўлармиканман? Ҳамма гап шунга боғлиқ. Кўпол қилиб айтганда, Барретни бўрилар ўртасига хомталаш қилиш учун ташлаш керак.

Кўлимни чўзиб эшикни тақиллатмоқчи бўлган аснода елкам оша енгилгина йўтал товушини эшитдим. Мен ўгринча қарадим: бу ердаги ҳаво ҳам қандайдир ғалати бўлиб, ҳатто архиепископнинг кўнглини юмшатиб юборишга мажбур қиласарди.

Баланд бўйли, тўладан келган, сарик сочли қиз эшикка эринчоқ ҳолатда суюниб, менга мафтункор табассум билан қараб туарди. У очиқдан-очиқ нима-

гадир шама қиласы. Яшил шойи халат белини ўраб турады, шиппак кийган оёқлари чиройли ва нафис эди. Жисмоний меңнатни билмаган нозик бармоқлари сарық жингалак кокилларини түғрилаб қўяр, қора қошлари қайрилма эди.

– Ҳэллоу, дўстим, сиз кимнидир ахтаряпсиз, шекилли?

– Ҳа, албатта, – деб жавоб бердим мен. – Назаримда, уни топдим. Марҳамат қилиб, мен учун нонуштандизни тарк этманг.

Унинг оғзи кулгудан янада ёйилиб кетди.

– Уни безовта қилиб ўтируманг, ҳали ухлаб ётибди. Мен эса оёқда туриб, ўқланган ўқдай тайёр турибман.

Мен шляпамни кўтариб қўйиб, унга сабоқ бергандай таъзим қилдим:

– Мадемуазель, мен бугун бир мажбурият юзасидан бандман. Балки кейинги сафар, нима дедингиз? Ҳозирча эса мени кўз ёшларингиз ва орзу-армонларингиз манбаи деб ҳисобланг. Мен ҳам уларни сизники, деб ўйлашга вавъда бераман. Эсингизда бўлсин: эрта бугунга қолдирилган кун, биз эса эртага баҳт қолдирилган бўлса ҳамки, кўнгилхушлик қилишимиз мумкин.

Кизнинг юзидаги кулги аста-секин ўчди, яшил кўзлари хира тортиди.

– Фу, жин урсин, яна битта ҳуши йўқ тентак, – деб ачиқланди у ва эшикни қаттиқ ёпиб олди.

Мен чукур хўрсиниб, Грациянинг эшигини тақиллатиб, кута бошладим. Бир дақиқа ўтгач, яна тақиллатдим – энди дадилроқ ва кучлироқ. Жимлик, эшик очилмади. Мен атрофга қараб олдим, эшик тутқичидан ушлаб, уни итардим. Оҳиста очилди.

Хонага назар ташладим, каравот, иккита стул, шкаф ва пардоз-андоз столи, ойна сиғадиган даражада кенг

Жеймс Хедли Чейз

мүл эди. Хонада ҳеч ким күринмас, каравотдаги түшак йиғилмаган, чойшаблар деярли олти ойдан буён алмаштирилмагани шундоқ күриниб турарди. Ойна чанг билан қолланган, гиламга сигарета кули түкилган эди. Мен турган жойдан каравот остига ахлат түпланиб қолгани күриниб турарди. Умуман олганда, бу бир неча кунлардан буён йиғиширилмаган хона бўлиб қолмай, күринишидан менинг елкам тиришадиган ёқимсиз бир гўша эди.

Каравотнинг бош томонида яна бир эшик бўлиб, у ваннага тегишли эди. Мен хона бекаси ўша ерда бўлса керак, деб ўйладим ва, эшигини қаттиқ тақиллатдим. Сўнг кутиб турдим. Аммо қанча кутсам ҳамки, ҳеч ким жавоб бермади.

Нима қилишимни билмай, яна хонадан чиқиб, ортимдан эшикни беркитдим. Сўнг қўшнининг ортиқча қизиқишидан ҳайиқиб, яна кирдим.

Стуллардан бирида аёлларнинг бир қучоқ кийим-кечаклари ётарди.

Хонада марихуананинг ҳиди кескин анқир эди. Янгиси эмас, анча туриб қолгани, бир неча ойлик. У деворга, дераза пардалари ва тўшакка ўрнашган, хонада жиноятнинг соқов шоҳиди каби туриб қолган эди.

Мен каравот ёнидан жимгина ванна эшиги ёнига келдим ва кескин равишда тақиллатдим, аммо ҳеч нимани эшитмадим. Яна жавоб йўқ. Аммо бирдан юзимдан тер чиқиб кетганини ҳис этдим.

Дастакни бураб, эшикни очдим. У зўрга очилди. Эшик ортида оғир тахта ёки бошқа нимадир тирагандек эди. Юрагим ҳапқириб кетди. Мен қизил тусли ирkit ваннани, унга ташлаб қўйилган сочиқ, дастмолқовоқ мочалкаси ва эндингина бошланган тиш пастасини кўрдим.

Биламан, Грация эшик ортида турибди, бошқа қаерда ҳам бўлиши мумкин? Мен ванна томон қадам ташладим ва елкамга ёмон совуқ нарса ўрмалагандай туюлди. Грация шу ерда эканлиги аниқ бўлди: у кўм-кўк тунги кўйлакда қайрилма илмоқда осилиб турарди. Боши бир ёнга қийшайган, халат белбоғидан қилингандир сиртмоқ қулоғининг ўнг томонидан ўтиб, нозик бўйинни қийиб ўтган эди.

Мен унинг кўлини ушлаб кўрдим.

Кўли совуқ ва қотиб қолган эди.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

1

Мен йўлакка назар ташладим. Ҳеч ким йўқ. Кўп сонли эшикларнинг ожиз товуши ниҳоят бу ерда истикомат қилувчиларнинг уйқудан уйғонганликлари-ни англатиб турарди.

Йигирма учинчи хонани эҳтиёткорлик билан тарқ этиб, ортимдан эшикни ёпдим-у, шляпамни ечиб, юзимни дастрўмол билан артдим. Чекиб чуқур нафас олдим. Гарчи унчалик бўлмаса-да, бу ҳар ҳолда ёрдам берди. Ҳозир менга яхшилаб аралаштирилган бир бордоқ виски керак бўлади.

Йўлакдан ўтиб, сариқ сочли қизнинг эшиги томон бордим. Пешлавҳада шундай деб ёзилган эди:

ЖОЙ ДРИДОН хоним.

Иш кунлари уйда, фақат соат бешдан сўнг

Мен эҳтиёт бўлиб тирноқларим билан эшик тахтасини тирнадим, ертўлада худди сичқон қитир-қитир қилгандай бўлди. Аммо эшитилмади.

Эшик ярим фут очилди ва бу тирқишдан менга Дридон хонимнинг ўзи қараб турарди. Унда олдинги хурсандчилик ва хушмуомалалиқдан асар ҳам қолмаган эди.

– Нима керак?!

Қизнинг катта-катта зангори кўзлари менга шубҳа ва эҳтиёткорлик билан қараб турарди.

Вақтни бекор ўтказмасликка қарор қилиб, бундай пайтда аниқ ва қулай тарзда ишлатиладиган тилда:

– Мен унча катта бўлмаган бир маълумот сотиб олмоқчиман, – дедим ва бурни яқинига ташриф қоғозимни тутдим. – Ўн дақиқада йигирма доллар тўлайман, менинг берадиган пулим шу, нақд тўлайман. Сухбат сири кафолатланади.

Қиз ташриф қоғозимни юзида аламли ифодани сақлаган ҳолда ўқиди, бундай ифода одатда кам ўқийдиган ҳамда узундан-узоқ сўзлар учраганда қийналадиган кишиларда учрайди. У лабларини пичирлатмасликка очиқдан-очиқ уриниб, сўзларни ўзича талаффуз қилишга интилди.

Ўқиб бўлгач, эшикни сал каттароқ очди ва ташриф қоғозимни ўзимга қайтариб берди.

– Пулни кўрсатинг-чи.

Оддий айёргикдан холи кўнгил ана шундай тўғридан-тўғри мақсаддан гап очади ва ортиқча савол бермайди, деб ўйладим мен ва ҳамёнимни чиқариб, иккита яп-янги шалдираган ўнталикни кўрсатдим. Йўқ, уларни бермадим, фақат кўрсатдим, холос.

Дридон хоним буларга худди қорбобога маҳлиё бўлган болалардек қаради ва эшикни очди.

– Киринг. Мен сизнинг қаердан эканлигингиз, кимлигингизни билмайман, билишни ҳам истамайман. Аммо бу расмли қоғозларни күргач, кафтларим қишишиб қолди. Сизга қандайдир маълумотлар керак, бошқа ҳеч нима эмасми?

Мен ичкарига кирдим, бу ер Грациянинг хонасига нисбатан бироз кенг, анчагина шинам ва ёқимли эди. Диван, ўтириғич, иккита оромкурси, деворда эса фабрика гиламига иккита шойида ишланган хитой сурати осилган. Стол устидаги шиша вазада қизил ва сариқ ола-була баргли майда чиройли гулли манзарали ўсимлик – бегония яшнаб турарди.

Стул устига шляпамни ечиб қўйдим, менга ҳақиқатан фақат ахборот кераклигини айтдим.

У тўқ қизилга бўялган бармоқларини чўзиб деди:

– Олдиндан ярмини беринг. Бу сизга ишонмасликдан эмас, балки менинг шундай қоидам бор. Эҳтимол, қаҳва истарсиз? Ёки вискими?

Мен унга ўн долларлик пуллардан бирини узатдим. Бу иш учун эрталаб бериладиган бўнак пулларни бутунлай сарфлашимга тўғри келади, деб ўйладим.

Қиз пулни буклаб, қўйнига яширди. Мен, келишувимизни яхшилаб ювсак бўларди, деб қўйдим.

У хасислик қилиб ўтирамади. Ментга бир шиша виски, қадаҳ берди-да, қанча бўлса, қуйиб ичаверинг, деди.

– Бироз сабр қилинг, мен ўзимга қаҳва келтираман.

У ошхонадан қайтганида, мен икки қадаҳни ичиб бўлган эдим. Қиз қаҳва қўйилган патнисни столга қўйиб, диванга ўтириди ва менга узун, нафис оёқларини кўрсатиб қўйди. Бу мени тўғри йўлдан оздирини мумкин, лекин айни дамда хаёлим мутлақо бошқа ўйлар билан банд эди. Синчков нигоҳимни илғаб олган

қиз оёқларини халатининг этаги билан ёпиб, менга саволомуз қаради.

– Демак, сиз хусусий изқувар экансиз-да?

– Шунга ўхшаш. Унчалик эмас-у, аммо шунга яқин.

– Тушунарли. Мен сизни кўрганим заҳоти оддий хотинбоз эмаслигингизни пайқаган эдим. Кўзларингиз чиройли экан. Ростдан ҳам бироз вақтихушлик қилишни истамайсизми?

Мен хушмуомалалик билан рад этишга чоғланган эдим, у кўл ҳаракати билан гапиргани қўймади ҳамда шодон кулиб юборди.

– Кечирасиз, азизим. Мен шунчаки ҳазиллашдим. Бу ерда келишган эркакни ҳар доим ҳам учратавермайсан, деярли ҳаммаси эшикни ёпгани заҳоти дарров ташланади. Бу янгилик менга жуда ёқди. Хўш, шундай қилиб, сиз нимани билишни истайсиз?

Мен учинчи қадаҳни тўлдирдим.

– Мени Грация Леман қизиқтиради. Сиз уни биласизми?

Дридон хоним хуш кўрмайдиган қиёфага кириб, қовоғини уйди:

– Жин урсин, ана шу ирkitни билиш учун шунча пул сарфлаб ўтирибсизми?

Виски кайфиятимни кўтариб юборган эди. Рости ни айтсам, ичимлик мени кучли равишда жунбишга солди.

– Мен полиция билан боғлиқ нохуш ишга аралашиб қолган бир мижоз учун ишляяпман. Грация уни ана шу кулфатдан қутқариш учун ёрдам бериши мумкин эди. Мана, ҳамма гап шу.

– Үндей бўлса, олдига бориб, ҳаммасини билиб олинг. Менинг нима дахлим бор?

– Грация ҳозир менга ёрдам бера олмайди, деб үйлайман. У ўлган.

Қиз сесканиб кетди ва қаҳвани тиззасига тўкиб юборди. Овозини пасайтириб, шайтон сўзини аралаштириб сўкинар экан, қаҳва идишини стол устига қўйидида, тиззасини дастрўмоли билан артишга тушди.

– Бу қанақа аҳмоқона ҳазил? – деди у. Аммо мен жавоб бермасдан индамай қараб турганимни кўриб, қўшиб қўйди: – Сиз Грацияни ростдан ҳам ўлган деяпсизми?

– У ўлган, бу аниқ. Мен ҳозиргина ўша жойдан келдим. У ваннахонадаги илмоққа ўзини осган экан.

Дридон хоним эсанкираб қолди. Кўллари билан юзини беркитиб, елкаларини қисди, виски шишасига кўлинни чўзди.

– Грация ҳамиша аҳмоқ эди, аммо бунчалик телбаликка боради, деб асло ўйламагандим. Ҳамма кулфати шундаки, Грация марихуана чекарди.

– Мен ҳам шундай деб тахмин қилдим. Хонасида ана шу расво нарса анқиб ётибди.

Мен сигарета олиб, биттасини унга таклиф этдим. Бирга чекишдик.

– Биласизми, кўркувдан бутун аъзойи баданим қалтираб кетяпти, – деб икror бўлди қиз. – Мен бундай ишларга асло чидай олмайман.

– Сиз уни кечакурун кўрганмидингиз?

– Ҳа. Мен тез-тез унга дуч келиб туардим.

– Қачон кўрдингиз?

– Биринчи марта тушликка кетаётганимда. У уйига қайтаётганди. Кейин яна учрашиб қолдим ва иккализиз уйга бирга қайтдик. У қаергадир чиқди, шекилли. Мен бу пайтда тушлик қилаётгандим.

– Ўшанда соат неча эди?

Дридон хоним эснашга уринди, аммо бунда ҳүшёрлик кўрсата олмади.

– Кеча кечаси. Аниқ эслайман, аммо соат уч бўлиши керак. Умуман айтганда, жуда кеч эди.

– Грация ёлғизмиди?

Қиз бош чайқади.

– О, йўқ. Доимгидай бир эркак билан бирга эди. Улар бу ифлос, кичкина...

У гапини ўртасида тўхтади-ю, қовоғини уйди:

– Майли, яххиси, бундай демаслик керак. Ахир у ўлтган-ку!

– Эркак қанақа эди?

– Ундан кўра бироз хушрўйроқ. Бундайлар билан дунёнинг нариги чеккасига боришга ҳам тайёр эдим. Актёр Кларк Гейблга ўхшаб кетарди. Ташқи томондан эмас, қилиқлари билан.

– Кийиниши қандай эди?

– Эгнида урфга кўра очиқ қизил тусдаги матодан тикилган костюм, оқ наматсимон шляпа, бўйнида эса қўлда тўқилган бўйинбоғ. Кўзойнаги катта, қора эди. Эҳтимол, буни бирорта таниш билиб қолмасин, деган ниятда таққандир. Грацияникига ўралашаётганини бирор сезиб қолишини истамаган. Эркаклар кўпинча ана шунақа лўттибозлик қилишади.

Мен стул четида ўтирас ва бутун кучим билан хотиржам кўринишга интилардим.

– Ингичка қора мўйловли, юзи тиришган, қотма эдими?

– Худди шундай. Сиз уни билармидингиз?

– Мен ўша одам билан ҳозиргина зинада дуч келиб қолдим. Пастга тушиб кетаётган эди.

– Ҳозир дейсизми? – Дридон хонимнинг кўзлари олайиб кетди. – Агар Грация ўлган бўлса, у қандай қилиб...

– Ҳа, мен ўйлашимча, Грация бундан саккиз соат мүқаддам ўлган.

– Сиз ўша эркак хонада бўлган пайтида, у ваннага кириб, ўзини осиб қўйган демоқчимисиз?

– Эркакни йигирма дақиқа бурун зинадан тушиб кетаётганида кўрган эдим. Қиз бундан саккиз соат мүқаддам, тахминан соат тўртларда ўлган. Бу эркак унида меҳмонда бўлганида, ўзини осган. Эркак агар олдин кетиб, сўнг эрталаб ортига қайтмаган бўлса.

Жой Дридон ўзини диван ёстиғига ташлади юзини қўллари билан елпишга тушди.

– Уни ўша эркак ўлдирган бўлиши мумкин, шундай эмасми? Ана холос! Бошим айланиб кетди.

Мен бирдан ўша нотаниш кишининг соқоли қирилмаган иякларини эсладим. Агар у кеча кечкурун бу ердан кетган бўлса, нега уйида эрталаб соқолини қирмаган экан? Шу аҳволда кўчага чиқдимилик? Бу саволга аниқ жавоб топиш зарур. Аммо жавоби йўқ. Шунда мен негадир бу нотаниш одам тунни Грацияникида ўтказган бўлса керак, деган қарорга келдим.

Масала жиддий. Уни эътиборсиз қолдириб бўлмасди. Изоҳлаш керак эди, назаримда.

– Мана сизга беришим керак бўлган яна ўн доллар. Ёрдамингиз учун раҳмат. Менинг маслаҳатимга қулоқ солинг: бу ишлардан иложи борича узоқроқ юринг. Майли, уни бирор ўлик ҳолда топсин.

– Э, худоё... Мен энди у ўзини осиб қўйган, деган фикрни ўйлайвериб, мутлақо ухлай олмайман.

– Агар бирор полициячи сизни ҳибсга олиб, бошқармага элтиб, тергов қила бошласа борми, умуман ухламайсиз.

– Сиз полицияга хабар бермоқчи эмасмисиз?

Мен бош чайқадим.

– Айни дамда бу қотилликка вақт сарфлай олмайман. Ташвиш тортманг, уни тезда пайқаб қолишиади. Ҳамиша шундай бўлади, – дедим-у, ҳамёнимни чикариб, яна битта ўнталик доллар олдим. – Агар сиздан сўраб қолишиса, мен ҳақимда асло гапирманг. Уларга енгил матодан костюм кийган киши тўғрисида айтинг, аммо сўрамасларидан олдин эмас.

У пулни олиб, қўйнига яширди.

– Яхши, мен уларга сиз ҳақингизда ҳеч нима демайман.

Жой лабларини тишлаб, ниманидир ўйлаганча диванда ўтириб қолди. Унинг кўриниши анча эсанкираган, қўрқиб қолган эди.

Мен хонадан чиққач, атрофга қараб, ортимдан ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилдим. Сўнг йўлакни кесиб ўтиб, йигирма учинчи хонага кирдим. Эшикни ортимдан беркитиб, тезгина, аммо қунт билан уйни кўздан кечириб чиқдим.

Менга ўша озғин эркакнинг квартирада тунни ўтказганини исботловчи далиллар зарур. Аслида айнан нимани ахтараётганимни билмасам-да, шунга қарамай, синчковлик билан излашни давом эттирдим.

Даставвал тўшакни кўздан кечириб, ёстиқдан икки тола қора сочни топиб олдим. Грация сариқ сочли. Албатта, агар у бошини шу ёстиқقا тегизган бўлса, бу унинг бутун тунни шу ерда ўтказганини англатмайди. Шунга қарамай, арзимас бўлса-да, бу барибир белги эди.

Хонани қаричма-қарич кўздан кечириб чиқсамда, ҳеч вақо топа олмадим. Ахтаришдан воз кечмоқчи эдим, ниҳоят нимани излаган бўлсам, ўшангага дуч келдим. Мўъжаз ошхонада иккита кичкина жавон бўлиб, бирида финжонлар, ликопчалар, чой идишлари ва

бордоқлар, бошқасида эса ошхона анжомлари – това, кастрюллар, косалар, япасқи идишлар, чүмичлар бор. Ана шу ерда това, кастрюллар орасида идишлар билан финжон ҳам мавжуд әдіки, унинг жойи бу жавонда эмаслиги очиқ-ойдин күриниб турарди. Бу мени ўйлантириб қўйди. Мен ахлат солинадиган пақирга жътибор бериб қарадим. Унда оддий ахлат тепасида кичкина қаҳва қуйқаси бор эди. Хато бўлиши мумкин эмас: қуйқани яқингинада ташлашган.

Бугун эрталаб Грация қаҳва қайната олмасди. Бу аниқ. Агар ўша нусха ниманидир эсидан чиқариб, қайтиб келган бўлса ҳамки, қаҳва қайнатиб ўтирмасди. Бундай бўлишига ишонмайман, аммо у тунни шу ерда ўтказган бўлса, эрталаб туриб кетишидан олдин қаҳва қайнатиб ичиб кетган бўлиши мумкин эди. У Грациянинг жасади ваннада осилган ҳолда турганини билган – наҳотки шу даражада совуқкон бўлган? Агар ўйлаб кўрилса, афтидан, эркак ётишидан олдин бу ҳақда билган, бу эса нафақат совуқконлик, балки...

Шунда ўчиб қолган неон чироги қоронги тунда кўчани бирдан ёритиб юборгани каби сергак тортдим – ахир ўз-ўзини ўлдириш эмас, бу ерда яққол кўриниб турган қотиллик рўй берган.

2

Коронғи вестибюлнинг узоқ бурчагида телефон будкаси турарди. Мен эшикчани очиб, ичкарига кирдим. Бу ерда шундай қўланса ҳид бор әдіки, гўё эчкини, аниқроғи, қари такани сақлагандай туюлиб кетди.

Мен нафас олмасликка ҳаракат қилдим. Телефон гўшагини кўтариб, микрофонга дастрўмолимни қўй-

дим-да, рақам тердим. Бир дақиқа ўтгач, қалин бўғик овоз янгради:

- Полиция бошқармаси. Сержант Харкер эшигади!
- Мени лейтенант Мифлин билан боғланг, – дедим ўзимни микрофондан бироз узоқ тутиб.
- Ким гапиряпти?
- Гарри Трумэн, – жавоб бердим мен. – Қани, тезроқ бўл! Сенга барибир бўлиши мумкин, мен учун эса вақт пул, дегани.
- Бир дақиқа тўхтанг, – деди сержант.

Гўшақдан унинг кимнидир сўраётгани аниқ эшитилиб туарди: лейтенант қаерда? Бу ерда уни қандайдир нусха сўрайяпти. Ўзини Гарри Трумэн, дейди. Ҳа, қандайдир таниш фамилия. Мен ҳам қачонлардир эшигтгандайман. Сержантни қандайдир киши уят сўзлар билан сўкиб ташлади ва шу заҳоти гўшақдан Мифлиннинг овози эшитилди.

– Полиция лейтенанти Мифлин эшигади, – деди у совуққина тарзда. – Кимсиз?

– Хабарни эшиting: Фелман-стритдаги 274-йнинг йигирма учинчи хонасида бир киши ўзини осиб кўйган. Агар тезроқ ҳаракат қилсангиз, ахлат челагида жиноят аломатини кўрасиз. Ўз-ўзини ўлдириш, деб хулоса чиқаришга шошилманг, яхшиси унинг ўтмиши ва алоқаларини текшириб кўринг. Зарар кўрмайсиз.

– Ким гапираётган? – қатъий талаб қилди Мифлин. Мен айтган манзилни ёзиб олаётган сиёхнинг қитиrlаётганини аниқ эшидим.

– Бу ҳақда тушунчага эга эмасман, – деб жавоб бердим ва гўшакни жойига қўйдим.

Дастрўмолимни чўнтағимга солиб, шовқин чиқармасликка ҳаракат қилдим ва эшик томон интилдим. Менинг бу уйдан тезроқ чиқиб кетишими учун уч да-

қиңа вақт қолган. Гарчи бизнинг полициямиз тезкорлиги билан ажралиб турмаса-да, баъзан фавқулодда ходисалар пайтида у анча жадал харакат қиласди.

Мен эндиғина автомашина эшигини ёпганимда, қандайдир йиртиқ куртка кийган ва ифлос иштондаги бола машинага яқинлашди-да, ойнадан кир-чир башарасини тиқди.

– Эй, амаки! Сизнинг Корал-роуддаги иккинчи уйга боришингизни сўрашяпти. Ҳозирнинг ўзида боришингиз керак.

Мен стартерни босдим, чунки орқа томонни ойнадан кузатар эканман, шу сониянинг ўзида полиция машинаси зудлик билан келиб, мени ушлаб олади, деб хавфсиардим.

– Ким айтди?

– Бир одам. У менга бир доллар бериб, шу гапни етказишимни тайинлади. Жуда муҳим, сиз бу ҳақда билар экансиз, у шундай деди.

Бола ортига югуриб кетди. Мен қувиб бориб ушламоқчи эдим, аммо вақт қолмаганди. Бу уйдан тезроқ нари кетиш керак. Мен полиция машинасининг сиренаси етиб келган заҳоти газни охиригача босиб, Бичроуд томон йўл олдим.

Корал-роуд қаерда жойлашганини билмайман. Аммо тахминимча, у Корал-Гейблс ҳудудида. Мен ўша ёққа йўл олдим, чунки ким чақирганига қизиқиб қолгандим. Кафедаги официант мени эслаб қолган-қолмагани, машинамнинг рақамини лайқаган-пайқамагани ҳақида билмоқчи эдим. Ҳозир мен учун Мифлин билан учрашув унчалик қизиқ эмас. Грациянинг ўлими билан боғлиқ ишни у менинг ёрдамимсиз ҳам ҳал қила олади. Агар Мифлин бу ишни кавлаб, официантга қадар етиб борадиган бўлса, у ташқи қиёфам бўйи-

ча маълумотга эга бўлади. Мен кутиб турмай кетиб қолганим боис унинг анча аччиқланишига аминман.

Бич-роуд охирида чапга бурилдим. Соҳилдан ўтгач, машинамни кўрфаздаги пўлат арқонлар ва мой солингган бочкалар ўртасидаги бўш жойга тўхтатдим. Шуни айтиш керакки, Корал-Гейблс ёлғиз сайр қила-диган ёки тўппончасиз юрадиган маскан эмас. Ҳатто полициячилар ҳам дадилроқ бўлиш учун бу ерга икки киши бўлиб келишади. Щу билан бирга бирор ой йўқки, кўччанинг қоронғи бурчагида орқасига пичноқ урилган одамнинг жасади топилмаган бўлса.

Машинадан тушиб, қайиқлар ҳамда траулерларга лиқ тўлган узун соҳилни кўздан кечирдим. Чақчақлашиб ва офтобда тобланганча хушманзара жойда ўтирган бир гуруҳ эркак менга термилиб турганини ҳис этдим. Уларнинг айёrona боқувчи кўzlари синовчан назар билан мени кузатарди.

Мен бу эркаклардан бирига мурожаат қилдим. У чеккароқда турар, нима қиласини билмай, кичкина юпқа тахтачадан қайиқча ясаш билан банд эди.

– Корал-роудга қандай бориш мумкин?

У менга назар ташлади-ю, ўгирилиб кўрфазнинг мойли сувига тупурди. Ўнг қўлининг катта бармоғи билан елкаси оша тамаддихоналар турган томонга ишора қилди. Одатда дунёдаги ҳар қандай порт атрофини ана шундай дўкон ва дўкончалар ўраб туради.

– Ята бари орқасида, – деди эркак узук-юлуқ килиб.

Ята бари – икки қаватли ёғоч бино бўлиб, у ерда ўн йиллик молюска ва инглиз пивосини тамадди қилиш мумкин. Агар эҳтиёткорликни унутсангиз, ҳаш-паш дегунча оёқдан қолдиради. Мен Керман билан у ерда икки марта бўлганман. Шундай муассасаки, у ерга ҳар ким бориши ва ҳар қандай воқеа рўй бериши мумкин.

– Раҳмат, – дедим мен.

Бар ортидан бошланадиган ёғоч иморатлар томон өнисиз кўча берк, ундаги баланд деворда «Корал-роудга» деб ёзилган эди.

Мен тўхтаб чекишга тутиндим ва ўтиб кетадиган жойни ҳеч бир ҳаяжонсиз кўздан кечира бошладим. Баланд деворлар куёшни тўсиб турарди. Кўчанинг охирида қандайдир қора туйнук бўлиб, у бутунлай шубҳали сукунат ва захликка бурканган эди.

Қўлимни костюмим остига тиқдим ва «ўттиз саккизинчи калибр»имни дарҳол қўлга олишим мумкинлигига ишонч ҳосил қилгач, аста-секин қоронғилик томон юра бошладим.

Кўча адояда уч томондан қандайдир ташландиқ иморатлар билан ўралган зулмат босган ҳовли жойлашган эди. Тепасида кўм-кўк осмон манзарасида кўзга алоҳида ташланадиган қоп-қора чортоклар осилиб турарди.

Мазкур иморатларни кўрдим-у, ўз-ўзимдан: «У ерга кирсанг, қопқонга тушиб қолмайсанми?» – деб сўрадим.

Рўпарамдаги яроқсиз эшик ошиқ-мошигида ўртacha катталиқдаги тахтачанинг жез пешлавҳасида «2» рақами ёпиштирилган эди. Демак, Корал-роуддаги мен излаган уй мана шу. Янада ичкарироқ кириб, атрофга тикилиб қарадим. Ҳамма жой қоронғи. Менинг эса фонарим йўқ, тахталар чириб қолган, шундай экан, уларнинг устидан товуш чиқармай юриб бўлмайди.

Сигаретамни улоқтиридим-у, ҳовлини кесиб ўтиб, гижирлаётган эшик томон юрдим. Юрагим безовта урар, аммо мен одимлашда давом этардим, чунки руҳни мустаҳкамлаш учун вақт-вақти билан шунга

Жеймс Хедли Чейз

ўхшаш машқларни ўтказишни фойдали деб биламан.
Шу асосда иродамни тоблашим керак.

Товуш чиқармай, астагина тош зиналардан кўта-
рилиб, узун қоронғи даҳлизга тушиб қолдим. Шун-
доққина рўпарамда зинапоя оралиғи кўринди, у зим-
зиёликка чулғанган эди. Пиллапоялардан айримлари
бутуnlай қулаг тушган, панжара йўқ. Тахтачалар чи-
риган ва ғижирлар эди. Мен эҳтиёт бўлиб, зах хиди ан-
қиб турган зулмат сари юришда давом этдим. Олдин-
да қаердандир каламушларнинг шитирлаб, чийиллаб
юргани эшитилди, ана шу товуш мени серрайиб қо-
тиб қолишга мажбур этди. Ҳар эҳтимолга қарши тўп-
пончамни чиқариб, қўлимга олдим.

Даҳлиз охирида очиқ эшик кўринди. Мен унга ет-
май эҳтиёт бўлиб тўхтадим ва ичкарига қарадим,
аммо қоронғилиқдан бошқа ҳеч нимани кўрмадим.
Киришга шошилмадим, сўнг бир неча сония ичида
тахталар орасидан силжиётган ингичка ёруғликни
фарқлай бошладим. Бу тахталар деворга қоқилган
бўлса-да, барибир қоронғилик жуда қуюқ эди.

Мен эҳтиёткорлик билан икки қадам ташладим-
да, эшик ёнида тўхтаб қолдим. Ёнимда турган тахта
бирдан қисирлаб кетди. Ана шунда ҳавода визиллаб
келаётган дарра товушини эшитиб, беихтиёр ўзимни
четга отдим. Қандайдир нарса елкамга тушиб, оғри-
тиб юборди, қўлимдаги тўппончам учиб кетди. Бо-
шимга мўлжаллаб берилган зарба нишонга текканида
борми, мени бир умрга ётқизиб ташлаган бўларди.

Юзтубан йиқилиб тушдим. Кимдир оёғи билан
биқинимга туртди, бармоқлари елкамни пайпаслаб,
юзим бўйлаб ўтди-ю, бўйнимга ёпишди. Кучли қўллар
гарданимга ўрмалаб, томогимдан бўға бошлади. Мен
зўр бериб иягимни кўкрагимга тирадим, ҳамла қил-

ган киши бўғмаслиги учун ўрнимдан туришга уриниб, уни чанглаб ушлаб олишга ҳаракат қилдим. Қўлим костюм енгига тегди ва кучли мушакни ушладим. Тез-да ўзимни ўнглаб олиб, қаттиқ зарб бердим, назаримда, муштим рақибимнинг қулогига тегди.

Ғўлдираш эштилди, сўнг камида қандайдир юз кило оғирликдаги юқ устимга ағдарилди. Мени полга ёпиштириб, қапиштиришга ҳаракат қилди. Бармоқлари юзимга ёпишди, улар иссиқ эди. Тез-тез ҳансираб олинган нафас юзимга урила бошлади.

Бу одам ожиз бир қиз билан олишмаётганди, албатта. Энди унга Грацияни осиш билан боғлиқ иш дуч келмаган. Бу томошаси менга ўтмайди.

Мен унинг катта бармоғини маҳкам қисиб олдим-у, орқага қайира бошладим. Рақибимнинг оғриқдан нафаси қайтиб қолаёзди, буни сездим. Аммо у бир амаллаб бармоқларини қўлимдан ажратиб олди. Мен бўш келмадим: шиддат билан ҳайқириб, қичқирганча яна зарба бердим. Рақибим бир томонга учеб кетди.

Бироқ мен ҳали ўрнимдан туришга улгурмасимдан, у яна ҳужумга ўтди. Рақибимнинг яқинлашаётганини қоронғилик ичида илгадим-да, гира-шира шарпага қарши ўзимни урдим.

Миямнинг туб-тубида ваннахонадаги илмоқда тунги ирkit кўйлакда осилиб турган Грация тимсоли «лип» этиб ўтди-ю, бу манзара бутунлай ғазабимни тошириб юборди. Ҳамла қилишни давом эттирдим. Худди қутириб кетгандай ўнг ва чап томондан зарбалар бера бошладим, муштларим ҳар доим ҳам нишонга тегмас, аммо текканида гангитадиган даражада эди. Аммо ўзим ҳам иягимга яхшигина зарба едим.

Рақибим қийинчилик билан нафасини ростладида, шоша-пиша чекина бошлади. Менинг ҳам тўхта-

шимга түғри келди – уни күздан йўқотиб қўйдим. Рақибимнинг фақат узук-юлук нафас олишини эшитар ва мендан шундоққина бироз нарида эканлигини сезиб турадим. Биз қоронғилик қаърида бир-биримизга тикилганча турадик. Ҳар бир қадамимизга сергаклик билан қулоқ солардик.

Назаримда, мендан чап томонда, бир ярд нарида унинг кўланкаси силжигандек бўлди. Оёғимни сильтадим. Рақибим эса худди мушукдай эпчиллик билан ўзини бир томонга отди. У мувозанатини ўнглаб олмай туриб, ўша томонга ташландим. Муштим тўғридан-тўғри гарданига тегди. Рақибим хириллаганича орқаси билан ерга қулади ва тезда ўрнидан туриб, ўзини эшикка урди. Мен ортидан югурдим, аммо оёғим чириган ёғоч орасига тушиб қолди. Ёғоч синиб кетди, мен гурсиллаб йиқилиб, сал бўлмаса ҳушимни йўқотаётдим.

Агар у орқасига қайтса, мени асфаласофилинга юбориши мумкин, аммо бунгача анча бор.

Жойимдан туришга уриндим, аммо оёғим ёғочлар орасида қисилиб қолган эди. Оғриқдан инграб, ҳар ҳолда елкаси кенг шарпани кўзим билан илғадим. У эшиқдан сал-пал сизиб турган ёруғликда кўриниб қолди. Оёғимни бир амаллаб бўшатиб сугуриб олганимда, унинг ортидан югуришга кечиккан эдим. Корал-Гейблсда етарли даражада овлоқ жойлар кўп, шу боис уни ахтариб топиш мушкул эди.

Мен ўзимни ўзим лаънатлаб, оқсай-оқсай ташқарига чиқдим. Бўсағада нимадир ётарди, ўша менинг дикқатимни тортди. Энгашиб уни олдим

Бу оқ наматсимон матодан тикилган шляпа эди.

Бармен кўринишидан профессионал боксчини эслатарди. Гарчи унинг ёши ўтган бўлса-да, барда тегишли тартиб ўрнатиш учун етарли даражада бақувват. У менга қовурилган, жавдар унида тоблаб тайёрланган дудланган чўчқа гўшти ва бир кружка пиво берди. Кейин эса қорнимни тўйдиргунимча кучли қўлларини нештахта устига тираганча мендан кўз узмай ўтириди.

Бу пайтда барда жимлик чўккан эди. Залнинг ҳар жой-ҳар жойида мижозлар ўтиришар, улар асосан балиқчилар ва тошбақа овловчилар бўлиб, сувнинг қайтишини кутишарди. Бу одамларнинг бирортаси ҳам менга эътибор бермади, аммо мен, назаримда, барменнинг диққатини ўзимга тортдим. Унинг жанговар тириқлар билан қопланган юзи тундлашган, ўзи эса устарада обдон қирилган улкан бошини дудланган чўчқа сони гўштини силагандай уқаларди. Бу билан мияни силжитиш қувонарли демоқчими, номаълум эди.

– Мен бу башарани қачон кўрган эканман? – деб сўради у япалоқ бурнини тортиб. – Илгари бу ерда бўлганмисан?

У шунчалик баланд овозда гапирдики, ҳар қандай мувакқат ҳокимни саросимага солиб қўйиши мумкин эди.

– Ҳа, бўлганман, – тан олдим мен.

Бармен хурсанд бўлиб, бош иргади, қачонлардир қулоғи бўлган жойини қашиди ва икки қатор бақувват оппоқ тишларини кўрсатди.

– Ана кўрдингми, мен бирорта башарани эсдан чиқармайман. Барга эллик йилдан кейин келсанг ҳам барибир танийман. Бу аниқ!

Ахир биз қанча яшаймиз ўзи, деб эътиroz билдири-
моқчи эдим, аммо баъзи мулоҳазаларга бориб инда-
мадим.

– Айримларнинг хотираси нақадар зўр-а, ҳайратга
тушаман, – дея маъқулладим. – Мен ҳам шундай неъ-
матга эга бўлсанм эди. Масалан, бугун бир киши билан
танишаман, аммо эртаси куни ёнидан ўтиб кетсанм,
эслай олмайман. Бу ишга зиён етказади.

– Тўғри, – галимни тасдиқлади бармен. – Мана
кеча бу ерга бир киши кириб келди. Уч йил давомида
қаергадир гумдон бўлганди. Мен унга буюртма бер-
масидан олдин эски инглиз виносидан қуйиб бердим.
Чунки ҳар доим шунақасидан ичарди. Мана буни хо-
тира деса бўлади.

Агар бармен мендан ҳам сўрамай эски инглиз ви-
носини берганида, эътиroz билдиримасдим: у торти-
шиш мумкин бўлган қариялар тоифасидан эмасди.

– Қани, хотирангизни бир текшириб кўринг-чи,
– дедим мен. – Баланд бўйли, озғин, енгил матодан
тикилган костюм ва оқ наматсимон шляпа кийган
киши! Бу ерга шундай одам кирмаганмиди?

Улкан жуссали бармен сесканиб кетди. Абжаги чиқ-
кан юзи тошдай қотди.

– Сен унчалик ақллига ўхшамайсан, оғайни, биз-
нинг муассасада бундай саволларни беришмайди, –
деди у овозини пасайтириб. – Тилингни тий, акс ҳол-
да олд тишларингдан айриласан.

Мен пивони кўтариб, унга кружка тепасидан қара-
дим.

– Бу саволимга жавоб эмас, – дедим кружкани қўяр
эканман ва беш долларлик пулни олиб, кўринмайди-
ган тарзда унинг қўлига қистирдим.

Бармен атрофга назар ташлади-да, қовоғини уйиб, пулни олишга иккиланди. Яна бир бор теваракка бокди, бу қарашини худди чет эл разведкачиси Хардирон ролини илк марта ўйнаётган киноактёр каби бажарди.

– Уни менга сигарета билан бирга узат, – деди лаблари пичирлаб.

Мен барменга сигарета ва пулни бердим. Залда ўтирганлардан олти кишидан фақат биттаси бармен пулни қандай олганини кўрмади, холос. Чунки у орқа ўгириб ўтирганди.

– Бу Барретнинг йигитларидан бири, – деди бармен шивирлаб. – Улардан нари юр. Баррет хавфли одам.

– Албатта, хавфли. Агар қўйиб берса, худди чивиндай чақиб олади, – дедим мен пиво ва егулик ҳақини бера туриб.

Бармен пештахта устидаги пулни сидириб олгач, сўрадим:

– Унинг исми нима?

Бармен менга қовоғини уйиб қараб қўйди, сўнг барнинг охирига кетди. Мен бироз қараб турдим, сўнг қайтиб келмаслигига ишонч ҳосил қилгач, стулдан тушиб қоқ пешин қуёши тутаган кўчага чиқдим.

Демак, Жеф Баррет!

Аниқ шу бўлса керак, деб ўйладим мен, аммо унинг одамлари борлигини билмасдим. Хўш, Барретда Грациянинг тилини тийишига сабаб бўладиган асослар етарли. Дедрикни ўғирлашнинг асосий ташкилотчиси ўша эмасмикан? – деб сўрадим ўз-ўзимдан. – Агар шундай бўлса, булар бир-бирига жуда яхши боғланяпти, ҳатто ортиқ даражада.

Мэри Жером мана шу Баррет билан қандайдир алоқадор бўлса, масала ойдинлашади, деб ўйладим.

Жеймс Хедли Чейз

Мен «Бьюик»им томон борар эканман, бу иш билан шуғулланиш вақти етганини англадим.

Бир қатор масалаларга ойдинлик киритиш учун дархол «Акме» гаражи томон йўл олишга қарор қилдим.

Бич-Роуддан Готори-авенюга қадар жадал юриб, машинани чапга, Футхилл-бульварга қараб бурдим.

Ярқираган қуёш кўзларимни қамаштиарди. Офтоб нуридан ҳимояловчи кўк экранни олд ойнага туширдим. Ундан ўтган қуёш нурлари кабина ичини кўк рангга тўлдирди, ўзимни гўё аквариум ичидаганда ўтиргандек ҳис этдим.

«Акме» гаражи сахрода, Голливуд-авеню ва Футхилл-бульвар кесишган масканда жойлашган. Бу ер ҳеч қандай тижорий фойда олиш жойи сифатида даъво қила олмасди. Мен беихтиёр равишда ўзимга ўзим, Льюот Феррис нега бензин қуиши станциясини шундай хилват, асосий йўллардан четда жойлаштирган экан-а, деб савол бердим.

Қат-қат буралган катта темир тунукали айвонча олдидаги таъмирлаш устахонаси сифатида хизмат қиласиган жойда олтита бензин колонкаси ва битта сиқилган ҳаво ҳамда битта водопровод колонкаси бор эди. Ўнг томондаги ярим вайронга бино дам олиш ва тамаддихона вазифасини бажаар, айвон ортида тўртбурчак шаклдаги ясси томли қоронги ҳужра кўзга ташланарди.

Қачонлардир бу станция, афтидан, чиройли бўлган, деворларидаги яшил ва оқ чизиқлардан буни пайқаш мумкин. Аммо денгизнинг шўр ҳавоси сахро қуми билан кўшилиб, шамол ҳамда ёмғир туфайли ўзининг қора ишини бажарив бўлган, ҳеч ким бу бинони мислиз курашдан ҳимоя қила олмаган.

Бензин колонкаларидан бири олдида ярқираган қүёш тифи остида икки ўринли «Бентли» машинаси, нишаб йўлнинг охирида эса, устахонага элтувчи йўл устида тўрут тоннали юқ автомобили турарди.

Атрофда ҳеч ким йўқ. Машинамни бензин колонкалари олдида оҳиста тўхтатдим. Менинг «Бьюик»им «Бентли»дан икки ярд орқада турарди.

Гудок босиб, кутиб турдим. Кўзларим ён-атрофни тезгина «тит-пит» қилиб чиқди. Аммо ҳеч қандай қизиқарли нарсани илғамади.

Ниҳоят устахонадан қандайдир ифлос кўк коржома кийган йигит мен тарафга аста-секин шошмасдан кела бошлади.

У «Бентли» ёнидан ялқовланиб ўтди-да, қошларини кўтарганча менга мутлақо қизиқишиз қаради. Гарчи йигитчанинг ёши ўн бешларда бўлса ҳам, гуноҳ ва туллаклик гирдобида анча қари кўринарди. Озгин, қоқсуяк юзига мой теккан, кичкина зангори кўзлари айёрлик ва ғазаб билан боқарди.

– Ўн галлон, – дедим мен папирос чиқариб, чекар эканман, – Қарагин, асло шошма! Мен барибир яrim кечагача ётмайман.

Йигитча менга совуқ нигоҳ ташлаб, автомобилнинг орқа томонига ўтди. У мени бопламаслиги учун қурилма кўрсаткичини кузатиб турдим.

Ниҳоят, йигитча яна олдимда пайдо бўлиб, ифлос қўлинини чўзди. Мен пулларни узатдим.

– Жаноб Феррис қаерда?

Зангори кўзлар менга аланг-жаланг бўлиб қаради.

– Кетди.

– Қачон қайтади?

– Билмадим.

– Феррис хоним қаерда?

– У киши банд.

Мен бош бармоғим билан қулба томонга ишора қилдим.

– Ўша ердами?

– У киши қаерда бўлмасин, барибир банд, – деди йигитча ва нари кетди.

Мен унга бақирмоқчи эдим, ногаҳонда айвон тагидан баланд бўйли хушқомат киши кўринди. Эгнига катак костюм кийган, бир кўзи устида эса четлари қайрилган малла шляпа қийшайиб турибди, ёқасида қип-қизил гулдастача қадалган.

Жеф Баррет!

Мен жойимда ўтирганча қолдим ва қўёш нурини қайтарувчи экран орқали қарай олмайди, деган ўйда уни кузата бошладим. Баррет «Бентли» машинасига ўтиришдан аввал мен томонга бир марта бепарво назар ташлади-ю, машинасини Бичвуд-авеню томон бурди.

Йигитча устахонада ғойиб бўлди ва гарчи уни кўрмасам-да, мени кузатиб турганини ҳис этдим. Бироз мулоҳаза юритиб, ўйланиб ўтирдим. Бу ерда Баррет-нинг пайдо бўлиши тасодифмикан? Ундей бўлмаса керак. Мен Мифлиннинг Льют Феррис гиёхванд моддалар контрабандасида гумон қилинаётгани тўғрисидаги гапларини эсладим. Баррет марихуана чекишини биламан. Уларни фақат гиёхванд моддалар боғлаб турганмикан? Мэри Жером-чи? Йўлдан четда жойлашган бу гаражни бекордан-бекорга танламагандир ҳойнаҳой, машинани ижарага олишда ниманидир назарда тутган бўлиши мумкин-ку! Бу очиқдан-очиқ тасодиф эмас, дедим ўзимга ўзим. Шунда кашфиётлар остонасида турганим, шу билан бирга тергов ўтказишнинг ибтидосида биринчи бор йирик қадам

құйғанимни англаб етдим. Мен дархол Феррис хоним билан гаплашиб олишга қарор қылдим.

«Бьюик»дан тушиб, бетон йүлак бүйлаб гараж ёнидан ўтдим-да, кулба сари юрдим. Эшик ёнида сояда йигитча турарди. Ёнидан ўтар эканман, у қимтиниб менга қаради. Мен синчковлик билан унга назар ташладим. Йигитча ўрнидан қымирламади, ҳеч нима демади ҳам. Мен эса юриб бориб, сарой бурчагига етдим, сүңг кулбага яқинашдим.

Боғча ташландик бўлиб, унда дор тортилган, эркаклар майкаси, аёллар кофтаси, пайпоқлар, аёллар пайпоғи ҳамда уринган ишчилар шими осилиб турарди.

Мен эгилиб, арқон дор тагидан ўтдим-да, титиги чиқиб кеттан эшикни тақиллатдим. Узоқ давом этган жимлиқдан сүңг яна тақиллатмоқчи эдим, эшик очилди.

Остонада кичик жуссали, қип-қизил юзли тиқмачоқ аёл турарди. Мен ҳатто яқинроқ турсам-да, унинг неча ёшда эканлитини била олмадим: йигирмадами, ўттиздами – ноаниқ. Юзидағи ифодага кўра, ҳаёт уни шундай синовларга дуч қилганки, ҳазил нима эканлигини унугиб юборгандек кўринади. Аёлнинг водород перикси билан нотекис бўялган соchlари юмшоқ ва майнин. Юзи шишинқираган, кўзлари эса яқинда тўқилган ёшлари туфайли қизарган эди. Faқат лабрининг бир четидаги ажинлар унда ҳали ирода кучи мавжудлигини англатарди.

– Нима керак? – деб сўради аёл менга ишончсизлик билан қарап экан.

Мен хушмуомалалик билан қўлимни шляпамга теккиздим:

– Жаноб Феррис уйдамилар?

– Йўқ. У сизга нега керак бўлиб қолди?

– Биласизми, у машинани Мэри Жеромга ижарага берган экан, шу ҳақда гаплашмоқчи эдим.

Аёл секин ортга чекинди, қўли эшик дастасига тегди ва бир неча сония ичида эшикни нақ бурним тагида ёпмоқчи бўлди.

– У бу ерда эмас, менинг эса сизга айтадиган гапим йўқ.

– Мен маълумот учун пул тўлайман, – дедим бидирлаб эшик ёпила бошлаганини кўриб.

– Қанча?

Худди шу онда у суякни кўриб қолган очофат итнинг нақ ўзгинасига айланди гўё.

– Бу менинг қандай маълумот олишимга боғлиқ. Юз долларгача тўлашим мумкин.

У қонсиз тили билан лабларини ялаб қўйди.

– Қанақа маълумот?

– Кирсам бўладими? Мен сизни узоқ тутиб ўтирамайман.

Аёл иккиланиб қолди. Унинг юзига қараб, қалбида кўркув, шубҳа ва очқўзлик кураш олиб бораётганини англадим. Шундан сўнг мени ўтказиб юбориш учун бир четга ўтди.

– Майли, киринг. Фақат хонамиз йиғиширилмаган.

У мени орқа томондаги ташландиқ хонага олиб ўтди. Бу ердаги мебелларни эски-туски йиғадиган саройбон омборидан келтиргандай туюлди. Ўнгиб кетган, полга ташланган гилам устида чанг булути сузисб юради. Мен уни босиб ўтиб, гилам устига чиқдим. Мебель ва деворларда ифлос қўлларнинг излари кўриниб турибди. Умуман олганда, хона йиғиширилмаган деган сўз тошириб айтишнинг айнан ўзгинаси!

Феррис хоним юмшоқ оромкурсига ўтириди ва менга ташвиш ва ишончсизлик билан термилди. Унинг оғирлигидан оромкурси майишиб кетгандек бўлди.

– Анави йигитча менга эрингиз шаҳарга кетганини айтди, аммо бу гапга ишонмадим, – дедим хонимни суҳбатга тортиши учун.

– Мен унинг қаердалигини билмайман, – аёлнинг кўзлари ёшга тўлди ва юзини ўғирди. – Менимча, у бутунлай кетди.

Елкам узра ёқимсиз сесканиш ўрмалагандек бўлди.

– Нега бундай деб ўйлаяпсиз?

У муштлари билан кўзларини артди.

– Менда бир чақа ҳам йўқ. У ҳамма пулларни ўзи билан олиб кетди. Ҳатто нонга ҳам пулим йўқ.

– Агар менга арзирли бирор хабар айтсангиз, уларни оласиз.

– О, мен сизга кўп гапларни айтиб беришим мумкин. Улар мени ҳеч нимани билмайди, деб ўйлашади. Ҳато қилишади. Менда кўз ва қулоқлар бор. Улар ҳакида ҳаммасини биламан. Мен бу туйнуқда роса азоб еганман! Бу ердан кетишими учун етарлича пул берсангиз, уларнинг барини ўтқазиб кўярдим.

– Ўтқазиб кўярдим дейсизми? Кимни?

– Ҳаммасини. Льютни, Барретни...

Мен ҳамёнимни чиқардим. У бўшаб қолганди. Бор-йўғи ўттиз доллар қолган экан. Йигирматаликни олиб, аёлга силкитиб кўрсатдим.

– Бу ерда яна бор, – дедим мен. – Сизга қанча кепрак?

Аёл ўзини олдинга ташлади ва қўлимдан пулни юлқиб олди.

– Беш юз! Ана шунда қўриб чиқишингиз учун етарлича иш пайдо бўлади.

Жеймс Хедли Чейз

– Сиз мени пул ишлаб чиқаради, деб ўйладингиз, шекилли? Юз, бир цент ҳам ортиқ эмас.

У менга тешиб юборгудек совуқ назар ташлади.

– Йўқ, менинг нархим – беш юз! Пулни беринг, истамасангиз – тўрт томонингиз қибла! Мен бу ердан кетишм керак. Сизга ёзма кўрсатма бераман ва уларнинг қаллобликларидан иборат ташкилотининг барча сирларини очиб ташлайман. Пулни беринг ёки жўнанг.

– Ахир нима сотиб олишимни билишим керак. Менга нима кераклигини айтсангиз, ана шунда беш юз долларингизни оласиз. Қани, сўзланг.

У менга қўрқа-писа қаради.

– Сиз ким учун ишлайсиз?

– Пирелли учун. Хўш, гапирамизми?

– Майли, гапираман, аммо фақат бир қисмини, – ниҳоят гап бошлади аёл. – Ҳаммасини эса пулни тўлиқ олганимдан кейин сўзлаб бераман. Льют, Баррет ва Дедрик Фарбий соҳилдаги энг йирик контрабанда ташкилотларни гиёҳванд моддалар билан таъминлаб туради. Улар миллионлаб наща солинган сигареталарни АҚШ, шу билан бирга, Париж, Лондон ва Берлинга жўнатиб туришади. Льют Лос-Анжелес ва Сан-Францискода, Баррет эса Лондон, Нью-Йоркда, Дедрик Париж ва Фарбий Берлинда иш олиб боради. Хўш, қалай, мос келадими?

– Сиз Дедрик тўғрисидаги фикрларга ишонасизми?

– Бўлмасам-чи! Мен уларнинг сухбатларини эшигганман. Улар мени аҳмоқ ва ҳеч вақони тушунмайди, деб ўйлашади. Агар мен билан яхши муомала қилишганда, индамаган бўлардим. Уларнинг гиёҳванд моддаларни қаерда яширганликларини ҳам биламан. Мен кўп нарсани биламан. Сиз буларнинг барчасини беш юз нақдига билиб оласиз ва бу анча арzonга тушади.

- Мэри Жером түгрисида нималарни биласиз?
У қўйи лабини тишлаб, менга кескин қаради.
- Ҳаммасини. Ҳатто ҳозир қаерда эканлигини ҳам биламан.
- Қаерда?
- Мэри «Бин-отель» меҳмонхонасида яшарди, аммо ҳозир у ерда эмас. Пулни олмасдан туриб, қолганини айтмайман. Дедрикни нима учун олиб кетишиганини ҳам биламан. Мен ҳаммасини айтиб бераман, бу ишнинг барча сирларини очаман, аммо аввал пулни тўланг.
- Яхши. У ерда менинг машинам турибди. Мен билан идорага юринг. Ўша ерда пулни оласиз ва биз сиз билан хотиржам гаплашамиз.
- Мен ҳеч қаёққа кетмайман. Алдайман, деб уринманг, мени бу ердан олиб кета олмайсиз.
- Мен сизни ўзимнинг идорамга олиб бораман. Қани, кетдикми?
 - Йўқ, мен ҳали эсимни еб қўйганим йўқ.
 - Нима учун ҳозиргина бу ерга Баррет келганди?
 - Билмадим. У бу ерга йигитча билан гаплашгани келади. Кўрдингизми, улар мен билан қандай муносабатда бўлишади? Ҳатто олдимга киришни ҳам истамайди. У фақат Боб билан гаплашади-ю, дарров ғойиб бўлади. Мен Льют ўша аёлнинг олдига борганидан бери ҳеч гапни эшитганим йўқ.
- Сиз Мэри Жеромни назарда тутяпсизми?
- Уни нима деб аташларини билмайман. Балки, ўшадир. Уни кўрганим йўқ. Телефондан қўнгироқ қилган эди. Льют унга: «Ол рейт, бэби. Ташвишланма, ҳаммасини жойига қўямиз. Ҳозир мен бораман», – деганини эшитгандим. У, ҳатто мен билан хайрлашиш-

Жеймс Хедли Чейз

ни ҳам эп кўрмади. Машинани олди-ю, кетиб қолди, шундан буён кўрганим йўқ.

– Бу қачон рўй берган эди?

– Дедрик ўғирланганида, негадир ўша кунни мен эслаб қолганман.

– Соат нечада?

– Тахминан кечки соат саккизда.

– Дедрикнинг ўғирланишига Барретнинг қандайдир алоқаси борми?

Аёл менга нигоҳ ташлади ва хунук тарзда кулиб юборди.

– Жудаям алоқаси бор-да! Пулни беринг ва қолганини билиб оласиз. Мен бу ҳақда ҳаммасини биламан, аммо сиз берадиган пулни қўлимга олмасдан туриб, бир оғиз ҳам гапирмайман.

– Борди-ю, мен полицияни таклиф этсам-чи? Ўшанда ҳаммасини бемалол гапириб беришингизга тўғри келади.

У менинг юзимга кулиб қаради:

– Мени бекордан-бекорга гапиртириб кўрадиган кишини бир кўрмоқчи эдим. Умуман, гап тамом. Пулни олмасдан ҳеч нима айтмайман.

– Мен билан идорага борсангиз, яхши бўларди. Агар бу ерда қолсангиз, улар сизни ўлдириб кетишлиари мумкин. Ахир Грация Леманин ҳаддан зиёд кўп билгани учун ўлдирдилар-ку аллақачон.

– Мен ҳеч кимдан кўрқмайман. Ўзимни ўзим қўриқлайман. Боринг, пулни олиб келинг.

– Яхши, мен яrim соатдан кейин келаман.

– Кутаман.

Мен кулбадан чиқдим ва шоша-пиша бетон йўлак бўйлаб ўзимнинг «Бьюик»им томон одимлаб кетдим.

4

Идорага шиддат билан кириб келганимда, стол устидаги қоғоз уюмлари ортидан Паула менга дикқат билан қараб қолди.

– Менга зудлик билан беш юз доллар керак, – дедим шоша-пиша нафасимни ростламай туриб. – Ура, иш жойидан силжиди. Ён дафттар, ручкани олинг, кетдик. Ҳаммасини йўлда айтиб бераман.

Паула вазмин – ҳеч қачон ҳовлиқмайди – у ўрнидан туриб, сейфга яқин борди. Йигирма беш долларлик йигирмата купюрани олиб, стол ғаладонини очди. Ён дафттар, ручка ва ўзининг сумкачаси ҳамда қандайдир айланга шаклидаги кичкина чой идишга ўхшаш анжомни (буни шляпа деб атарди) чиқариб, йўлга тушишга тайёр бўлди. Бу ҳаракатлари учун йигирма сония вақт кетди.

Йўлакка чиққач, у матн терувчи Триксига қайтиб келгунимизча идорадан кетиб қолмаслигини тайинлади. Трикси хафа бўлгандай кўринди, аммо биз бунга ортиқча аҳамият бериб ўтирумадик.

Паула билан бирга лифтга томон шошдик.

– Эй, тўхтанглар!

Йўғон овозли Марта Бендикс яғринимга бир туширди:

Мен елкам оша қарадим.

– Марта, ҳозир вактимиз йўқ. Жудаям шошиляпмиз!

– Янгилик бор. Суюки тўғрисида. Ҳозиргина олдим. Ҳеч қандай ёмон гап йўқ. Ажойиб йигит бўлган. Маршлендда ўн йил хизмат қилган, – деди шоша-пиша Марта. – Мен пулни қачон олишим мумкин?

– Пул мендә, уни қайтганимдан кейин оласан, – қиңқирдим мен, Паулани лифт эшиги томон итарар эканман.

– Бу кампир бақироқлар мусобақасида биринчи ўринни олса керак, – деб луқма ташлади Паула лифт пастта эниб тушаётганида.

– Юз эллик доллар шамолга совуриладиган бўлди, – маъюс ҳолда тўнғилладим мен, – Суюкини беобруқ қиласидиган маълумот топиладими, деб ўйлагандим. Майли, ёмонлик бор жойда яхшилик ҳам бўлади, аллақачон бу ёнғоқни чақиб бўлдим.

«Бьюик»да Орхид-бульвар, Бич-роуд ва Готориавеню йўлида жадал борар эканман, Паулани кўрмаганимдан бери ўтган соатларда нималар рўй берган воқелар ҳақида тўхтовсиз гапирадим. Нихоят Футхилл-бульварга бурилганимда, Феррис хоним тўғрисидаги ҳикояга етиб келдим.

– Мана шу ерда ҳақиқатан нимадир бор, – дедим мен. – Биласизми, Дедрик – контрабандачи, гиёхванд моддалар сотувчиси экан! Аёл беш юз доллар эвазига бизга ёзма кўрсатмалар беради.

– Аммо сиз унинг алдамаётганини қаёқдан биласиз?

– Мен ёзма кўрсатмалар оламан, сўнг уни куч билан полицияга олиб бораман. Феррис хоним ўзининг пулини олади, албатта. Аммо шу билан бирга ёзганлари текшириб кўрилади.

Тезликни ошириб, бензин қуйиш шохобчаси томон жадалладим. Йигитча кўринмасди. Мен Паула ҳамроҳлигига «Бьюик»дан тушдим.

– Кулба хув анови ерда, гараж орқасида.

Биз таъмирлаш устахонаси ёnidаги бетон йўлакдан одимлаб кетдик. Мен тўхтаб, айвон тагига қа-

радим. Йигитча қайгадир ғойиб бўлибди. Кўксимни омбур қисгандай бўлди ва оёғимни қўлга олганча кулбага қараб югурдим. Шу онда Паула менга қўшилиб қолди. Кучим борича эшикни муштим билан тақилла-та бошладим.

Ҳеч ким жавоб бермади.

– Буёғи қандок бўлди, ахир уни огоҳлантирган эдим, – дедим мен кўнглим чўкиб, сўнг сал ортга чекиниб, эшикни елкам билан урдим.

Эшик катта очилиб кетди.

Паула билан бирга кичкина қоронги даҳлизга тушиб қолдик.

– Феррис хоним! – қичқирдим мен. – Феррис хоним!

Жавоб фақат жимлиқдан иборат эди.

– Ҳа, бу чиябўрилар тез ишлайди. Паула, сиз шу ерда туринг, мен эса уйни кўздан кечириб чиқаман.

– Эҳтимол, у қўрқиб қочиб кетгандир?

Мен «йўқ» дегандек бош чайқадим.

– Ҳеч қачон. Унга пул ниҳоятда зарур эди. Баретни ярамас йигитча огоҳлантирган бўлиши керак.

Паулани даҳлизда ёлғиз қолдириб, уйни айланиб чиқдим. Ҳеч зоғ йўқ эди.

Орқага қайтдим.

– Бўм-бўш. Агар хонимни олиб кетишган бўлса, у ҳолда, албатта, қўрқиб қолишгани аниқ.

Мен ваннахонада осилиб турган жасадни эсладим. Агар Феррис хоним фақат имо-ишоралар билан шунча биламан, деган бўлса, унинг ҳаёти учун синик тангани ҳам раво кўрмаган бўлардим.

– Қани, ваннага қаранг-чи, у нарсаларини олиб кетгандикан, – дедим Паулага. – Юклари унчалик кўп эмасди.

Паула ваннани текширгунича мен аёл билан гаплашган орқа томондаги хонага кирдим ва атрофни синчиклаб кўздан кечириб чиқдим, аммо ҳеч нарса унинг ғойиб бўлганини англатмасди.

Паула икки дақиқадан сўнг қайтиб келди:

– Менинг тушунишимча, у ҳеч нимани олмаган. Жавонга ҳам, кутилардаги нарсаларга ҳам қўл теккизилмаган.

– Бу лаънати йигитча қайси гўрга йўқолганини билганимда эди. Агар ундан ҳаммасини сўраб олганимда...

– Вик!

Паула иккала кўзи билан деразадан боққа тикиларди. Мен тезда унинг ёнига бордим.

– Қаранг, будкада нима оқариб турибди?

Боғнинг ичкарисида турли-туман анжомлар қўйиладиган омборча бор эди. Унинг эшиги очиқ бўлиб, полида қандайдир оқ нарса ётгани аниқ кўриниб турарди.

– Шу ерда туринг, мен ҳозир кўриб келаман.

Яширин эшик орқали ўқдай сакраб, боққа чиқдим. Омборчага яқин келиб, тўппончамни чиқардим-да, эшикни каттароқ очдим ва ним қоронгилик қаърига тикилдим. У бошини гўё яширгандай қўллари билан ушлаб, юзтубан ётарди.

Мен Феррис хоним рақибларини кўриб, уйга яқинлашаётганига кўзи тушгач, кўрқувдан ақлини йўқотиб, боққа сакраб тушгани, умидсизлик ичida омборчага чопиб бориб яширганини тасаввур қилдим. Улар, чамаси, орқа томонидан ўқ узишган ва боққа тушиб, ўлганини текшириб кўришни зарур ҳисоблашмаган.

Мен бурилиб, тез-тез қадам ташлаганча кулбага қараб кетдим.

«Бич-отель» меҳмонхонаси вестибюлида бир неча бадавлат, ўзини авайлаб-асраган ва яхши кийинган кишилар бекорчиликдан сандирақлаб юришарди. Биз маъмурнинг идораси томон борар эканмиз, уларнинг барчаси худди бир кишидай Паулага тикилиб қолишиди.

Маъмур баланд бўйли алпқомат киши бўлиб, сочларига оқ оралаган, оқиш-қизил юзларида, зангори кўзларининг қарашларида тушкунлик кайфияти акс этган эди.

– Хайрли оқшом, – деб қарши олди у Паулага яrim таъзим қилиб. – Хонага сиз буюртма берганмидингиз?

– Йўқ, биз бошқа масалада келдик, – дедим мен ва стол устига ташриф қоғозимни қўйдим. – Умид қиласманки, сиз бизга қандайдир маълумотларни хабар қилишдан бош тортмайсиз.

Маъмурнинг ингичка қошлари тепага кўтарилди. У ташриф қоғозимга кўз югуртириб чиқди. Сўнг қўлига олиб яна бир бора кўздан кечирди.

– Хўш, сизга нима керак, жаноб Мэллой?

У яна Паулага назар ташлади-ю, беихтиёр равишда бўйинбоғини тўғрилади.

– Биз бир қизни топишимиз керак. Тахминимизга кўра, у сизларда шу ойнинг ўн биринчи ёки ўн иккинчисида турган.

– Жаноб Мэллой! Биз меҳмонларимиз тўғрисида ҳеч кимга ҳеч қандай маълумот бермаймиз, қоидаларимиз шуни тақозо этади..

Маъмур хушмуомала ва ўтакетган расмиятчи эди, унинг ҳолати ёши ўтган хонимнинг тантанали кечада ўзини тутишига ўхшаб кетарди.

– Мен тушунаман. Аммо у мана бу ёш қизнинг синглиси, – деб маъмурга тикилиб турган Паулани кўрсатдим. Маъмурнинг тиззалари қалтираб кетди. – У уйдан қочиб кетган, излаш билан оворамиз.

– А-а, тушунарли! – ходим тараддувланиб қолди.
– Ҳм, бундай пайтда мен, балки... Унинг исми нима эди?

– Ўйлашимизча, у бу ердан бегона исм остида жой олган. Сизларда, эҳтимол, ёлғиз ёш қизлар баъзан шунақа қилиб хона олишса керак-а?

У афсусланган каби бош тебратиб қўйди.

– Ҳа, албатта. Сиз ким ҳақида гапираётганингизни биламан, шекилли. Агар тўғри эслаган бўлсан, у Мэри Гендерсон хоним.

Маъмур келгандарни рўйхатга оладиган дафтарни варақлади, бармоқлари сахифа бўйлаб югуриб бир фамилия қаршисида тўхтади.

– Мутлақо тўғри. Гендерсон хоним. Баланд бўйли, корачадан келган, жуда чиройли. Шуми?

– Шунга ўхшайди, ҳа. Ўн иккинчидаги кечқурун унинг этнида кечки малла кўйлак, қора шойи устки кийим бор эди.

Маъмур бош ирғаб, қордай оппоқ дастрўмоли билан лабларини артди ва Паулага кўз қамаштиргудай табассум хадия этди.

– Ҳа, у Гендерсон хонимнинг ўзгинаси.
– Ажойиб. У қачон сизнинг китобингиздан ўрин олган?

Ходим журналга тутинди.

– Ўн иккинчидаги, кечқурун соат олтида.

– Манзили кўрсатилганми?

– Кўрсатилмаган бўлса керак.

– У қачон жўнаб кетди?

– Ўн учинчидა. Энди ҳаммасини эсладим. Мен ҳатто бундан бироз ҳайратта тушган эдим. Ахир у хонани бир ҳафтага деб олганди.

– Машинаси бормиди?

Маъмур қовоғини уйди ва Пауланинг чиройли қатъиятли юзига қараб, афтидан ундан илҳомланиб, жавоб берди:

– Ростини айтганда, йўқ. Ўзи шундай деганди. Аммо хонага кўтариладар экан, машинани ижарага олиш тўғрисида гапирди.

– Ва сиз машинани ижарага олиб бердингиз?

– Албатта. Биз «Акме» гаражи билан ҳамкорлик қиласмиз. Ундан хабарингиз борми?

Мен «ха» деб жавоб бердим.

– Феррис кечкурун соат етти яримда машинани олиб келиб, уни Гендерсон хоним учун қолдирди.

– Феррис у билан кўришганмиди?

– Нима зарурати бор? Бунинг ҳожати йўқ эди, – деди маъмур ҳайрон бўлиб қошларини кўтарганча.

– Сиз унинг хоним билан кўришмаганига аниқ ишонасизми?

– Мутлақо аниқ.

– Машина билан нима рўй берди?

– Аслини олганда, машина ҳозиргача гаражда турибди. Раҳмат, эслаттанингиз учун. Одатда Ферриснинг ўзи келиб, уларни олиб кетарди. Буни унга айтиш керак.

– Биз машинани кўрсак бўладими?

– Бўлмасам-чи! Марҳамат.

– Қайси русумда?

– Кора «Линкольн». Ҳозир йўлак навбатчиси сизни кузатиб боради.

Маъмур Паула билан энди кўриша олмаслигини билиб, кайфияти бузилди.

– Раҳмат, яна битта савол. Гендерсон хоним сизда яшаганида, унинг олдига бирор киши келдими?

Маъмур бир дақиқа ўйланиб қолди. Сўнг шундай деди:

– Битта жентльмен келгандай бўлувди... Ҳа, аниқ. Ўн учинчидаги эрталаб унинг олдига келганди. Шундан кейин хоним дарҳол хонани топшириб жўнаб кетди.

– Сиз эркакни кўрдингизми?

– Ҳа. У хонимнинг ишини ҳал қилиш учун хузуримга кирганди.

Маъмур яна ўзининг қордай оппоқ рўмолчаси билан лабларини артди, кўз қири билан тезгина Паулага эҳтиросли назар ташлади.

– Сиз унинг қиёфасини тасвирлаб бера олмайсизми?

– Ёши ўтган жентльмен. Пўрим қийинган. Жуда бадавлат эканлиги кўриниб турарди. Ўзини Франклин Маршленд деб тилга олди.

Мен ҳаяжонланиб кетганимдан нафасим тиқилиб қолаёзди ва сўрадим:

– Бўйи унчалик баланд эмас, офтобда қизарган, қирғибурун, товони кичкинами?

– Товони кичкинами, каттами, бунга эътибор берганим йўқ, жаноб Мэллой, қолганлари эса аниқ.

– Гендерсон хоним шундан сўнг бирдан жўнаб кетдими? У аччиқланганмиди?

– Йўқ. Тўғри, у менга шошилгандай кўринди, меҳмонхонани тезроқ тарқ этишга уринди. Мен бундан бироз ҳайратга ҳам тушдим. Юқорида айтганимдек, у хонани бир ҳафтага деб олганди.

– Такси ёлладими?

– Балки ёллагандир. Ҳозир қаватда турган навбатидан сўраб биламиз, у эслаб қолган бўлиши керак.

– Агар биз ўша таксичини топсак, балки унинг қаерга кетганини айтиб берар.

Энди ходим янада күпроқ қизиқишини намоён этди.

– Ҳозир мен дарбондан сўраб келаман. Бир дақиқа тўхтанг.

У вестибюлни кесиб ўтиб, дарбон пештахтаси томон йўл олар экан, Паула мен билан кўз уриштириб олди.

– Омадга эришаётганга ўхшаймиз, – дедим мен. – Қизиқ, Маршлендга ундан нима керак бўлган экан? Дедрикнинг ўғирланишига Маршленд қайсиdir жиҳатдан алоқадор деган ғоямга ишона бошлаяпман, бу уччалик нотўғри эмасга ўхшайди.

– Ўғирланиш рўй берганида, у қаерда бўлганлиги маълумми?

– Бунинг нима аҳамияти бор? Унинг ўзи бажариши шарт эмас, ахир! Бу иш учун одамларни ёллайди, холос.

Маъмур қайтиб келди.

– Афсуски, омадимиз чопмади. Дарбон Гендерсон хонимни эслади, аммо такси ҳайдовчисини хотирлай олмади, чунки у тўғри келган таксини тўхтатишга мажбур бўлган экан.

– Барчаси учун сиздан миннатдормиз, бизга шунчалик вақт ажратдингиз. Энди машинага бир нигоҳ ташлаймиз. Гараж ҳовлидами?

Маъмур «ҳа» деди.

– Үмид қиласанки, сиз синглингизни албатта топасиз, – деди у Паулага.

Паула ҳам миннатдорчилик билдириб, шундай кулимсираб қарадики, маъмур беихтиёр қўлини кўтариб, оқишига мойил соchlарини силаб қўйди.

Биз вестибюлни кесиб ўтаётганимизда, сандирақ-лаб юрган бекорчилар сұхбатларини тұхтатиб, яна Паулага тикилдилар.

Гараж механиги бизни қора «Линкольн» олдига бошлади.

– Мана шу. Билмадим, нега Феррис шу пайтгача олмади экан, – деди у ҳам Паулагам шавқ-зашқ билан қарар экан.

– Машина ўн учинчида тунғи соат нечада сизга қайтганини эслай оласизми? – деб сүрадим мен.

– Ҳозир айтаман. Бизда машинанинг кетиши ва қайтиши журналда қайд этилади.

Механик идорада бўлганида мен машинани кўздан кечирдим, қўлим билан ўриндиқлар тагини пайпасладим, оёқ остидаги гиламчани қайириб кўрдим. Ўриндиқ чўнтакларини синчиклаб назардан ўтказдим, бирор илмоқ топармиканман, Мэри Жером шошиб ниманидир тушириб қолдирганмикан, деб ўйладим, аммо хеч нарса топа олмадим.

Механик қайтиб келди.

– У ерда: «Ўн-у қирқ» деб ёзилган.

– Сиз Гендерсон хонимни кўрдингизми?

– Умуман олганда, кўрган бўлишим керак, аммо эслай олмаяпман. Агар эслаганимда, яхши иш бўларди.

– О’кей, – дедим мен унга бир доллар узатиб, – катта раҳмат.

Биз «Бьюик» машинамизнинг ёнига қайтиб келдик. Соат етти яrimни кўрсатиб турарди.

– Мен сизни идорага ташлаб ўтаман. Триксига жавоб бериб юборинг, – дедим Паулагам.

– Сиз-чи? – сўради у.

– Мен бориб Маршленд билан гаплашиб кўрмоқчиман.

БЕШИНЧИ БҮЛІМ

1

«Оушен-энд» йўлидан кетар эканман, кашфиётларим ва изланишларимни бўлак-бўлак қилиб, чукур ўйга толдим.

Моҳиятан қараганда Пиреллини қамоқхонадан чиқариш учун бир қадам ҳам одимлаганим йўқ, аммо бундан бўён яна излашни давом эттирсам, эртамикечми зарур далилларни албатта қўлга киритаман. Ҳар ҳолда Мифлиндан кўра менинг кўпроқ ишлашим учун асослар бор, албатта.

Грацияни Пиреллига қарши айбловчи аломатларни ким қалаштириб ташлаганини билгани учун ўлдириллар. Бу эса Пиреллининг айбизиз эканлигини англатади. Ростини айтсам, ўзим ҳам ҳозиргача юз фоиз ишонмагандим, буни тан оламан. Шундай қилиб, муваффақият манаман деб бўй кўрсатиб турибди.

Агар текшириб кўрилса, Феррис хонимнинг айтишибча, Дедрик Серенани учраттунга қадар Парижда гиёхванд моддалар контрабандаси билан шуғулланган. Уни ўғирлаш билан боғлиқ жумбоқ шунга боғлиқ эмасмикан? Эҳтимол, Дедрик Серенага уйлангач, Барреттга ишлашдан бўйин товлагандир, шунинг учун уни ўлдириб, Серенадан пул ўмариш учун ўғрилик саҳнаси ўйлаб топилгандир? Ахир шундай бўлиши мумкин-ку!

Менинг бутун фикр-хаёлим Маршлендга кўчди. У қайсиdir даражада Дедрикнинг ўтиrlаниши билан алоқадор эмасмикан? Балки Дедрикнинг ҳайдовчиси Суюки унинг гиёхванд моддалар контрабандаси би-

лан шуғулданаётганини билиб, бу ҳақда Маршленд-га айтиб бергандир? Роса овоза бўларди-да: бойлиги бўйича дунёда тўртингчи ўринда турган аёл гиёхванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи кишига турмушга чиқсан!

Маршленд қизини ана шундай рекламалардан кутқариш учун ҳамма ишни қилиши мумкин эди. У Дедрикни ўлдириш учун одам ёллаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу билан бирга ўғирланиш саҳнасини Баррет эмас, айнан шу инсон ўйлаб топган бўлиши мумкин. Дедрикни ҳовлининг бирор чеккасида, боғда кўмиб ташласа ҳам бўларди, ҳеч ким билмай, излар босилиб кетарди. Бир метр қалинликдаги ер остидан Дедрикни ахтариб ўтириш кимнингдир хаёлига келармиди?

Хўш, Мэри Жером-чи? Бўлиб ўтган воқеаларда унинг ўрни қай даражада? Ким ўзи Мэри? Брендон уни ахтаришга уриниб ҳам кўрмади. Биз тўсатдан билдикки, Маршленд ҳеч бир қийинчилксиз уни дарров топган. Қаерда яшаётганини қандай билди экан? У билан нега учрашди? Учрашгач, Мэри нега дарҳол кетиб қолди?

Буни жумбок деса бўлади. Мен уни ечишга анча яқин бориб қолдим, аммо яна қўшимча маълумот кепрак.

Маршленд билан қай тарзда боғлансан, дуруст бўларкан? Ахир у унча-мунчага тутқич бермайдиган одам. Асосли равишда ўйлаб кўриб, мен учун ягона йўл – Маршленд билан қатъий гаплашиш керак, деган қарорга келдим. У менга ёки Брендонга ҳаммасини гапириб беришига тўғри келади. «Бич-отель» меҳмонхонасига борганини рад қила олмайди. Агар менга сир бой бермаса, у ҳолда Брендонга иқрор бўлади,

чунки меҳмонхона маъмури уни таниганини айтади. Майли, бирини танласин.

Машина хусусий йўлдан кетар экан, ҳашаматли ҳовли томон бораётиб, ботаётган қуёш олд ойнада экс этарди.

Биринчи марта ташриф буюрганимда бўлганидек, айвон олдида бу сафар ҳам қора «Кадиллак» турарди. Икки хитойлик боғбон гулларни шундай хушвақтлик билан парвариш қилишардики, бу тиш дўхтири оромкурсисида тиши оғриб ўтирган беморнинг аҳволини эслатарди. Улар кичкина қўл паншахаси билан қора тупроқнинг ҳосилдор қисмини қўпориб олиб, бегона ўтларни ажратишар, сўнг саватга ташлашар ва яна паншахани тикишарди.

Мен айвон орқали ўтиб, бош бармоғим билан қўнгироқ тугмасини босдим ва кутиб турдим. Қайноқ қуёш елкамни қиздиради.

Эшикни Уэдлок очди. Унинг қуюқ қошлари чимирилиб, нигоҳи хуш кўрмасликни ифодалади.

– Салом! – дедим мен. – Жаноб Маршленд билан гаплашмоқчи эдим. Марҳамат қилиб, илтимосимни унга етказсангиз.

– Кираверинг, жаноб Мэллой, – сарой оғаси четланди. – Хўжайин уйдами ёки йўқми, билмайман.

Мен зал томон йўл олдим. Иссиқ айвонга нисбатан бу ер салқин ва ғира-шира коронғи эди. Шляпамни ечдим ва қарияга қарамасдан ҳеч бир сабабсиз дедим:

– Пароль «Бич-отель». Унга шундай деб айтинг.

– «Бич-отель» дейсизми?!

– Худди шундай! Унинг бунга муносабати сизни ҳам кам даражада ҳайрон қолдирмайди. Мен залда кутиб тураман.

– Сизга қулай бўлса бўлгани, сэр.

– Дедрик хонимнинг аҳволи қалай? Уни касал деб эшилдим.

– Ҳа, нимаям дейиш мумкин, сэр. Бундай аҳволга тушган одам қандай бўлса, у ҳам ўзини шундай ҳис этмоқда.

Мен қарияга диққат билан тикилдим, аммо хизматкорнинг башараси ҳеч нимани ифодаламасди. Оромкурси томон юрдим. Бу ерда охирги марта бўлганимдан буён анча вақт ўтган эди. Яна айвонга қайтиб бордим, Серена бир пайтлар ўтириб, эрини ўйлаб йиглаганларини эсладим-у, балконга умид билан қарадим. Ҳозир балкон бўм-бўш. Мен залга қайтиб, қулай оромкурсини танладим ва ўтирдим. Бугун шунчалик кўп ҳаяжонланишимга тўғри келдики, толиққанимни ҳис этдим. Хонани майин гулларнинг ҳиди тўлдирган эди.

Бироз вақт ўтиб (эҳтимол ўн дақиқа) зинапояда қадам товушларини эшилдим.

Хонага Серена Дедрик кириб келди. Эгнида оддий оқ матодан тикилган кўйлак, соchlарига эса гул тақилган. Кўзлари остида кўкарган ҳалқалар кўринар, лабларининг чети осилган, юзида эса ёқимсиз ифода бор эди. Мен оромкурсидан турмоқчи бўлганимда, Серена қатъиятли назар ташлаб, совуқ жилмайиб қўйди:

– Илтимос, ўрнингиздан турманг. Содали виски хоҳлайсизми?

– Раҳмат, фақат ҳозир эмас. Мен отангиз билан гаплашгани келдим. Уэдлок сизга бу ҳақда айтмадими?

У катта бар томон юриб, икки бордоқда виски тайёрлади. Улардан бирини менга берар экан, стол устидаги турган сигарета қутисига имо қилди ва рўпарамда ўтириб олди.

– Отам кеча кечқурун Нью-Йоркка кетганди, – деди Серена менга қарамасдан. – У сизга нима учун керак бўлиб қолди?

Мен вискидан бироз ҳўпладим. «Тўрт атиргул» деб номланган бу виски – ажойиб ичимлик. Нима учун Уэдлок Маршленд тўғрисида ҳеч нима демади экан, деб ўйладим мен. Нега у Серенани мендан, бу истакдан ташқари бўлган учрашувдан четга тортмади? Шунда калламга, афтидан унинг ўзи мен билан учрашишни истаган, деган фикр келди. Лекин нима учун?

– Ундан айрим гапларни сўрамоқчи эдим, Дедрик хоним, – дедим мен. – Аммо начора, йўқ экан. Сиз менга унинг Нью-Йоркдаги манзили ва телефонини айта олмайсизми?

– Бирор муҳим гапми?

– Унга муҳим саволим бор эди. Кўнғироқ қилишим зарур...

– У жўнаб кетди. Бу... бу иш отамни роса ҳолдан тойдирди. Энди уни уйдан топиб бўпсиз, – деди Серена анча чўзилган жимлиқдан сўнг.

– Ростини айтганда, – мен ўрнимдан турдим, – бу иш унчалик муҳим ҳам эмас эди.

Энди унинг кўзлари менга бироз ажабланиб боқди.

– Сиз менга нима гаплигини айта олмайсизми?

– Биласизми, жаноб Маршленд эрингиз ўғирланган куннинг эртасига ўзини шахсий котибангиз деб таништирган аёл хузурига, Мэри Жеромнинг олдига борган экан. Учрашув «Бич-отель» меҳмонхонасида ўтказилган. Аёл шу меҳмонхонада турад экан. Мен улар нимани гаплашгани ва унинг манзилини отангиз қандай билгани ҳақида сўрамоқчи эдим.

– Менинг отамми?!

– Ҳа, сизнинг отангиз. У ўзининг исмини айтиб, навбатчи маъмурга таништирган, маъмур осонгина таний олади.

– Аммо мен мутлақо тушунмаяпман, отам у ерга қандай бориб қолади? Бу аёлни умуман танимайдику?

– Отангиз у билан кўришиб гаплашган ва мен улар нима ҳақида сухбатлашганини билмоқчиман. Агар менга айтиб бермаса, бу ҳақда Брэндонга хабар қиласман!

Унинг кўзлари чараклаб кетди.

– Сиз бизга таҳдид қиляпсизми?

– Сизга қандай маъкүл бўлса, шундай ўйлайверинг.

– Отам бугун Европага учиб кетади. Балки, ҳозир учгандир. Мен унинг таътилни қаерда ўтказишини билмайман. Отам дам олишни истаса, кўпинча ана шундай, ҳеч кимга лом-мим демай жўнаб кетади.

– Нима ҳам қиласардик, у дам олиш учун анча қулай пайтни танлаган.

Серена айвон деразаси олдига келди.

– Дедрик хоним, улар нима тўғрисида гапирганини сиз биласизми?

– Билмайман.

– Тахминан ҳам айта олмайсизми?

– Йўқ.

Мен дераза олдига яқин келдим.

– Дедрик хоним, сизга бир савол бермоқчиман.

У дераза ойнасидан боқишида давом этди. Боғда уйга қараган тик ўсган атиргуллар бор эди.

– Кулоғим сизда.

– Сиз эрингизни Пирелли ўғирлаган деб ўйлайсизми?

– Албатта.

– Нега энди «албатта»? Нега бунчалик ишонасиз?

– Мен бу ҳақда гапиришни истамайман. Агар бошиңа саволларингиз бўлмаса, унда мени кечирасиз...

– Мен эрингизни Пирелли ўғирлаган, деб ўйламайман, – эътиroz билдиридим мен. – Эрингизни орадан олиб ташлаш учун отангизнинг етарли асослари бўлган, шундай фикр каллангизга келмадими?

У мен томонга кескин ўгирилди. Юзи оқарди. Катта кўзларида қўрқув акс этди.

– Қандай ҳаддингиз сиёди? Етар, мен сизни эшишишни ҳам истамайман. Бегона хонадонга келиб, саволларингиз билан уй эгаларини ҳақорат қилишга асло ҳаққингиз йўқ. Мен полицияга мурожаат қиласман.

Ва у шиддат билан хонани тарқ этди. Зинапоядан чиқар экан, йиғлаб юборди.

Мен босиб келаётган гира-шира қоронгиликда ёлғиз қолиб, мулоҳаза юритардим. Серена нега бунчалик ўзини йўқотиб қўйди? Наҳотки, у Дедрикнинг ўғирланганини айнан Маршленд ташкил этганини билмаса?

Ортимдан одоб билан йўталган овоз эшитилди.

Мен бурилиб қарадим.

Даҳлизда Уэдлок кутиб туарди. Мен зални кесиб ўтиб, унинг ёнига бордим.

– Афтидан, жаноб Маршленд Европага жўнаб кетган, шекилли, – дедим.

Дарбоннинг қатъий интизомига ўрганган кўзлари менга жавоб бераётган пайтда ҳеч нимани ифодаламасди.

– Шундай бўлса керак, сэр.

– Айтинг-чи, Дедрик гиёхванд моддалар саводси билан шуғулланганини сизга Суюки айтдими ёки ўзингиз тахмин қилиб билдингизми?

Менинг саволим худди тахмин қилганимдек, уни бутунлай саросимага солиб кўйди.

Уэдлок билан бундай муомалада бўлмаслигим керак эди. Чунки у ўзининг хис-туйгуларини етарли дарражада бошқара олмайдиган ҳолатда кекса, мен эса айнан шу ҳолатни изоҳлашни ғоят истардим.

Уэдлок кўзларини чақчайтирди, жағи осилиб қолди:

– Албатта, Суюки айт...

Чол индамай қолди, аммо кеч эди. Унинг юзи бироз оқарди, аммо жиддий аччиқланиб, ғазабга минишига ҳаддан зиёд кексалик қиласарди.

– Мана шляяпани, сэр.

Мен шляпани олдим-у, елкасига қоқиб кўйдим.

– Узр сўрайман, – деб ғўлдирадим жанжал қўзғайдиган саволимни назарда тутиб. – Буларнинг барчасини унутинг.

У индамай ортимдан эшикни ёпди. Ўгирилиб қараб, қариянинг ойнаванд эшик тирқишидан менга термилиб турганини кўрдим. Айвондан тушаётуб, унинг нигоҳини хис этдим.

Шундай. Агар Суюки гапириб берган бўлса, у ҳам Маршлендга бу ҳақда айтгандир. Нима бўлганда ҳам, гарчи аста-секин бўлса-да, мен олдинга қараб одимлаяпман.

«Бьюик»имга ўтириб, парк орқали океангга қараб йўналдим. Ҳозир бир жойда ўтира олмасдим. Махфийлик устини босиб турган нарсани улоқтириб ташлайдиган қандайдир бир иш қилишим керак. Аммо қайси ишни?

Мен сигарета чекиб, ёниб турган гугурт чўпини машина ойнасидан океангга ташладим ва ўз ўйларим билан банд бўлиб, аста-секин юриб кетдим.

Пирелли сўроқ пайтида ўғрилик содир этилган кечаси Жо Бетильо билан Дельмонико барида қарта

ўйнагани тўғрисида кўрсатма берган. У билан соат ўн бир яримгача бирга бўлганини айтган. Хўш, Бетильо нима учун соат тўққизгача деб кўрсатма берди экан? Нега? Балки у сотилгандир? Агар шундай бўлса, ким томонидан?

Олдинда ҳали бутун бошли кеча бор. Нега Пиреллининг айбисзилигини кўрсатувчи аломатларни текшириб кўрмаслигим керак? Мен фаолликка ташна эдим. Ўша куни икки аёлни ўлдиришди. Қандайдир новча эркак кўхна саройда менинг ҳам абжағимни чиқармоқчи бўлди. Дунёда бойлиги билан тўртинчи ўринда турувчи аёл менга бир олам ёлғонни гапириб ташлади. Мен нега Дельмонико барига ташриф буюриш билан кунни ниҳоясига етказмас эканман? Ушбу бар Ғарбий қирғоқдаги энг қалтис босқинчилар уяси хисобланади. Менинг кайфиятим ниҳоят жанговар эди. Ўша ёққа боришга қарор қилдим.

2

Гўшакдан Пауланинг бир маромдаги овози эшилди: «Хайрли оқшом! «Универсал хизматлар буроси» эшитади».

– Сиз ҳозиргача идорада ўтирибсизми? – дедим шляпамни елкамга томон суриб ва терлаб кетган пешанамни артиб. Телефон будкаси печкали хонадан ҳам баттар иссиқ эди.

– А, Вик сизмисиз? Ҳа, мен шу ердаман. Нима янгилик бор?

– Айтарли эмас. Маршленд тўсатдан Европага дам олгани жуфтакни ростлабди. Менга Серена шундай деди. Аммо унинг иккинчи қаватда қаердадир ғазаб-

ланганидан тирнокларини ғажиётганини биламан, бунинг учун тортишишга ҳам тайёрман. Мен Дедрик иши бўйича асосий айбдор отаси бўлиши мумкинлигини айтдим. У тўнғиллаб, кўз ёши тўкиб, чиқиб кетди.

– Ростданми?

– Ҳа, у ҳақиқатан ўзини йўқотиб қўйди. Менга шундай туюлди. Афтидан, у ҳамиша шундай деб ўйлаб юрган. Бу бойлар олий табақа билан алоқадор бўлиб, тарихга тушиб қолишдан ўлгудай қўрқишиади. Эшик оғаси ҳам талмовсиради. У ажойиб хизматкор, аммо эскича таълим олган. Мен нишонга олиб туриб, тўсатдан Суюки тўғрисида сўраб қолдим. Қария эса мулоҳаза юритишдан олдин Суюки унга Дедрик гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи контрабандачи эканлигини галириб берганига иқрор бўлди. Хўш, нима дейсиз, маъқулми?

– Аммо бу Пиреллига умуман ёрдам бермайди-ку!

– Ҳақсиз, бу унга умуман ёрдам бермаслиги мумкин. Аммо мен ҳозироқ Пирелли учун бевосита нимадир қилмоқчиман. Сизнинг ёрдамингиз керак бўлади. Дедрик бўйича мен аниқлаган ишлар ҳақида Мифлинга телекс орқали хабар қилсангиз. Ундан текширишни тезлаштиришни ҳам сўранг, бажара оласизми?

Паула бу ишга ҳозироқ киришишга ваъда берди.

– Ўзингизни эҳтиёт қилинг, Вик.

Мен ўзимни Хитойнинг қадимий вазаси каби асрарашга ваъда бериб, гўшакни осиб қўйдим, у нимадир сўрашга улгуролмай қолди.

Шундан сўнг машинага ўтириб, Монте-верди-авеню томон йўл олдим. Майра Торесча айтган 245-уй кичкина, яшил рангга бўялган, ўнқир-чўнқир асфальт йўлли бўлиб, боғча ўрнида жойлашган эди. Тевараги икки метрли девор билан ўралган бу уй ҳаддан зиёд

Данниллама ҳовлидаги қоғиilik
қизиқувчи қўшниларнинг нигоҳларидан пана қилиб
олинганди.

«Бьюик»ни қўчага қўйиб, пастаккина омборчани
очдим ва йўлакдан уйнинг қаноти томон юрдим. Де-
разалардан бирида чироқ ёниб туарди. Эшикни та-
қиллатганимда, пардада қандайдир шарпа кўринди.
Эшик икки дюйм энлиқда очилди ва Майранинг ово-
зи эшитилди:

– Ким у?

– Бу мен, Мэллойман.

Қиз занжирчани тушириб, эшикни очди ва мени
коронғи даҳлизга бошлади.

– Киринг. Мен қачон келаркан, деб ўз-ўзимни сў-
роқ қилиб ўтиргандим.

Майранинг ортидан кенг меҳмонхонага кириб, бе-
канинг диди фоят юксаклигига қойил қолдим. Диван
ёстиқчаларидан тортиб, шарқона сопол ниқоблар ва
декоратив қўғирчоқларгача бениҳоя тартиб билан
жойлаштирилган эди.

Қизнинг эгнида ўша куртка ва шим бўлиб, кўзлари
ҳорғин боқар, юзи бўзарганди. Менинг кўзимга у кўр-
ганимдан бери мутлақо ухламаганга ўхшаб кўринди.

– Хўш, қандай янгиликлар бор? – сўради у бир
шиша шотланд вискиси ва иккита қадаҳ ҳамда музни
стол устига қўяр экан. – Мен ўтган кечадан буён ҳали
ухлаганим йўқ.

Ўтган кечадан буён?! Бўлиши мумкин эмас, ахир йи-
гирига тўрт соат ичида қандай воқеалар рўй бермади!

Мен ўзимни юмшоқ оромкурсига ташладим.

– Янгиликлар бир дунё, аммо улар бизга қандайдир
ёрдам беришига ишонмайман. Майра, сиз менга
бир ишда ниҳоятда кераксиз, аммо даставвал бугун
нимга воқеа рўй берганини гапириб бераман.

Тафсилотларни айтаётганимда, у совуқ камин олдида қатъиятли қиёфада тик турагар, лабида ёниб турган сигарета, құллари эса шимининг чүнтагига чукур солинган эди. Баён этаётган ҳикоям бутун икир-чикирлари билан бирор жойи қолдирмалаган ҳолда хаммаси бўлиб ярим соатдан ортиқ вақтни олди.

– Мана эшиздингиз, шунча воқеа, аммо ҳеч қандай далиллар йўқ, – гапимни тугатдим мен. – Биз, қандай бўлмасин, далил топишими керак. Шундай қилайликки, бу далил билан судда енгиб чиқайлик. Менинг айтиб берганларимдан мароқли воқеа келиб чиқади, аммо шу тарзда Франкон ундан судда фойдалана олмайди. Бизнинг кейинги қадамимиз – далилларга эга бўлиш, бунинг энг яхши усули – Барретнинг қуроли билан ишга киришишдир. Биринчи иш, назаримда, Никнинг айбисизлигини исботлашдан иборат оддийги на ҳаракат бўлади. У Франконга соат тўққиз яримдан ўн яримгача Жо Бетильо билан қарта ўйнаганини айтган, аммо Бетильо, Пирелли олдимдан тўққиз яримда кетган эди, дейди. Бетильо учига чиқсан ашаддий разил, у пул учун онасини сотишдан ҳам тоймайди. Ҳозир мен Дельмонико барига бормоқчиман, у ерда Пиреллининг бардан соат нечада кетганини бирор киши кўргандир, шу одамни топишга ҳаракат қиласман. Бетильога қарши борадиган ва ҳақиқатни айтадиган кўрқмас одам топилса керак. Агар бундай гувоҳни топишнинг иложи бўлмаса, Бетильонинг ўзини ушлашга, бу ёққа олиб келиб, кўрсатмаларини ўзгартиришга мажбур қиласман, ўшанда Ник Пирелли билан қачон ажралиб кетганини айтиши мумкин. Менинг режаларим сизга маъқулми?

Киз зўрма-зўраки кулимсиради.

– Нима ҳам дердим, яхши ўйлаган, – деди у. – Агар сиз гапиришга мажбур эта олмасанғиз, балки мен уддаларман.

– Иккимиз ҳам уриниб күрармиз. Айтинг-чи, Никнинг дўстлари бормиди? Бирорта бақувват киши Бетильони енгилгина айлантириб ташлар балки? У билан, билишимча, анча овора бўлишга тўғри келади.

Майра рад этгандек бош чайқади.

– Ник одамлар билан қийин тил топишарди. Бунинг устига, биз бу ерда яқиндан бошлаб яшаемиз. Мен ўзим сиз билан бирга барга бораман.

– Кўйсангиз-чи! Бу чорбог эмаски, қизларни ҳам бирга олиб борсанг. Ҳатто ўйлаб ҳам ўтирунг. Мен Майк Финнеганни ҳамроҳ қиласман. У бундай жойларга жону дили билан боради.

– Мен сиз билан бораман, – ўжарлик билан такрорлади Майра. – Ҳеч нима қилмай ўтиришдан чарчадим. Дўстингизга нисбатан анча дадилроқ отиш қўлимдан келади. Нима қилиш кераклигини айтсангиз, мен бажараман.

Майрага синовчан тикилдим ва таваккал қилишга аҳд қилдим.

– Фақат эҳтиёт бўлинг, бирор ғалва чиқмасин. Биз Бетильони ўлдирмоқчи эмасмиз, уни бироз кўрқитиб қўймоқчимиз, холос. Тушундингизми?

Қиз менга шундай қарадики, шу заҳоти томоғим қақраб қолди.

– Уни бу ёқقا олиб келинг ва мен гапиришга мажбур этаман.

Мен ўрнимдан турдим.

– Ундай бўлса, кетдик.

У стол ғаладонини очиб, йигирма бешинчи калибрли кичкина тўппончани олди. Ўқдонни текшириб кўр-

ди ва ён чүнтагига солди. Вискини охиригача ичиб, ойна қархисига борди.

– Жин урсин, худди жодугарга ўхшаб қолибман. Яхшиям, Ник мени кўрмайди.

– Қандай бўлманг, у сизни кўрганидан фақат қувонади, – деб тўнғилладим мен ва эшикка чиқиш учун йўл олдим.

Майра чироқни ўчирди. Биз уйдан чиқиб, «Бьюик» томон одимладик.

– Нима, Барретни ўзимиз ушлаб, гапиришга мажбур қила олмаймизми? – деб сўради Майра машинага мен билан ёнма-ён ўтирас экан. – Вақтни ҳам анча тежаган бўлардик.

– Бундай нусхаларни куч билан гапиришга мажбур этиш мушкул, – эътиroz билдиридим мен машинани порт томон бурав эканман. – Бетильо билан амалга ошиши мумкиндир, аммо Барретда бундай бўлмайди. У йирик шахс. Бизнинг олдимиизда ҳаммасига иқрор бўлиши мумкин. Аммо кейин судда қасамёд қилаётганида, қийнаганимиз учун шундай кўрсатма беришга мажбур бўлганини айтишдан тоймайди. Бундай далиллар ишончсиз.

– Агар сиз Никни кутқармасангиз, мен ўша Барретни ўлдираман, – деди қиз қатъий жазм қилиб. – Ўзимга сўз берганман.

Машинани бардан бир неча ярд берида қоронғи жойда тўхтатдим.

– Ҳозирча Никни кутқариш учун шуғулланиб кўрайлик-чи, – дедим мен. – Барретдан қасос олиш учун ҳали вақтимиз етарли. Агар қонуний йўл билан амалга ошириш мумкин бўлмаса, шу йўлни қўлашга тўгри келар. Сиз бирор марта бу барда бўлганмисиз?

– Кўп бўлганман. Ник эса деярли ҳар оқшом келарди.

– Мен Ник билан Бетильо қарта ўйнаган ўша хона-га бир қараб қўймоқчиман. Сиз шуни ташкил эта ола-сизми?

– Албатта, агар у ерда ҳеч ким бўлмаса, бу ишни уд-далайман.

– Унда кетдик, кўриб чиқамиз.

Биз бешта ёғоч пиллапояни босиб, барга кўтарили-дик. Зал нурга тўлган ва одам билан лиқ тўла эди. Мусиқий автоматдан мусиқа овози отилиб чиқарди. Гавдаси йирик, кўриниши таҳдид соладиган йигитлар бар пештахтаси олдида тўпланиб туришарди. Залдаги кўплаб столларда енгил кийинган қизлар шериклари бўлмиш йигитларга завқ-шавқ бағишлишдан кўра бир шиша винони афзал билиб ўтиришарди. Бундай ман-зарани баъзан ака-ука Уорнерларнинг фильмлари-да кўриш мумкин. Уйда телевизор қаршисида актёр Хэмфри Богартни оғзидан олов чиқарадиган тўппон-часи билан ҳис этиб ўтириш етишмасди, холос.

Майрага бу вазият, афтидан, одатий ҳол. У қипик қопланган пол узра ўтиб, бар пештахтаси томон борди ва барменлардан бирига қўли билан ишора қилди. Мен жанжал чиқишини ўйлаб, изидан эргашдим. Пештахта олдида турган бир неча йигит яғриндор бўлса-да, унга индамай тикилиб қолишибди. Елкалари оша менга назар ташлаб, беписанд тиржайиб қўйишди-ю, сўнг яна Майрага нигоҳ қадашди.

– Салом, қушча, – деди улардан бири эркалаб.

Мана, бошланяпти, – ўйладим мен. Уни бу ерга бошлаб келган мен аҳмоқман. Даилил-исбот тўплаш ўрнига манови безорилар билан муштлашишга тўгри келади энди.

Майра оҳиста ўгирилиб уларга қаради ва қаҳр-ға-заб билан тўртта сўз айтиб жойига михлаб қўйди, ке-йин эса барменга мурожаат қилди.

Жеймс Хедли Чейз

Улар нимадир рўй берган хонага кўз ташлагандай, индамай, тош юраклари ҳатто ҳаяжонга тушган каби пештахтадан нари кетиб, залнинг охиридаги стол атрофидан жой олишиди.

Майра барменга шивирлаб нимадир деди. Бармен унга диққат билан қараб, бош иргади ва зинапоя юқорисида жойлашган томонга бош бармоғини нуқиб кўрсатди.

– Кетдик, – деди Майра менга. – Ҳов, анови томонга кўтарилишимиз керак.

Биз тўда орасидан ўтиб, зинапояга яқинлашдик.

– Сурбетлар билан жуда яхши муомала қилар экан-сиз, айниқса, аччиқланган пайтда, – дедим мен юқорига чиққанимизда.

– Иложим қанча, кўпинча ўзимни эҳтиёт қилишимга тўғри келади. Безорилар ташқи томондан даҳшатли кўрингани билан ич-ичидан ўлгудек кўрқоқ. Мен эркакка шунчаки, бекордан-бекорга қўполлик қилмайман, – унинг юзида совук, сал газабкор ифода намоён бўлди. – Бармен Бетильонинг ярим соатдан кейин бу ерга покер ўйнаш учун келишини айтди.

– Бармен унга биз тўғримизда айтмайдими?

Қиз бош чайқади.

– Йўқ. У менинг дўстим. Шундай қилиб, биз нима қиласиз? Бетильо келгунича кутиб турамиз ва уни ушлаб оламизми?

– Келинг, аввало, жойни ўрганиб олайлик.

Мен зинапоянинг охирида узун йўлакни кўрган эдим. Унинг икки томонида эшиклар қатор жойлашганди.

– Ўн бешинчи хона, – деди Майра йўлакдан ўтар экан. Сўнг эшикни очди. Деворни пайпаслаб, чироқни ёқди ва биз хонага кирдик.

Кенг бинонинг яшил чироқ тагидаги юмaloқ стол устида ўйин қарталари ва ёғочдан қилинган покер соққалари, гўлалари турарди. Стол атрофида ўнта юмшоқ стул кўйилган, иккита мис тупдон хона жиҳозини охирига етказган эди.

– Яхши, – дедим мен. – Аммо Ник одатда фойдала-надиган яширин чиқиши эшиги қаерда?

Майра чироқни ёқди ва биз йўлакнинг охиригача бордик. Очиқ айвондаги эшиқдан ўтиш мумкин эди. У катта бўлмаган ёғоч зинапояга олиб тушар, сўнг тор кўчага чиқиларди.

– Ажойиб. Биз Бетильони кутиб турамиз. Агар у қаршилик кўрсатса, бошига келиштириб бир соламиз, аммо, яхшиси, ўзимиз билан бирга боришга кўндирамиз. Ахир Бетильонинг вазни оғир, олиб юриш осон эмас.

Яна йўлакка қайтдик.

– Анови хоналар бўшми, сиз билмайсизми?

– Ҳозир кўрамиз, – деди Майра ва дуч келган биринчи эшикни очиб кирди ва чироқни ёқди. Қулоқни тешадиган даражадаги қичқириқ эшиклиди ва ортидан саралаган сўкиниш оҳангি қаторлашди. Майра шоша-пиша чироқни ўчириб, йўлакка югуриб чиқди.

– Кўшни хонага қараб кўрамиз, – деди у кейинги эшикка томон йўл олиб.

– Тўхтанг, – дедим кўлидан ушлаб. – Ахир бу аҳволда биз бутун уйни саросимага солиб қўямиз-ку! Келинг, яхшиси, ўн бешинчи хонанинг рўпарасидагини кўриб чиқамиз.

Йўлакдан ўтиб, ўзимизга керакли хона олдида тўхтадик. Мен эшикни оҳиста тақиллатдим. Ичкарида қандайдир ҳаракат сезилди ва эшик очилди.

Баланд бўйли, тўладан келган сарғиши сочли аёл ел-касига шол рўмол ташлаганча менга тикилиб туарди. Унинг бўялган юзи енгилгина жонланди, бўялган лаблари эса жилмайишни ифодалади.

– Хэллоу, гўзалим, сен менга келдингми?

Майрани кўрган заҳоти у қовоғини уйди.

– Сизга нима керак? – деб куруққина сўради у.

Аёлнинг юзи менга таниш кўринди. Хотирамни ишга солиб, ўша ноқулай воқеага тушиб қолган оқшомимни эсладим. Ўшанда ойнаванд девордан ошиб, бу уйга кирган эдим ва у мени кутқарган эди.

– Мени танимаяпсизми? Икки йил муқаддам сиз билан бу ерда мутлақо ўйлаб кўрилмаган бир воқеа рўй берган эди, – деб эслатдим унга. Мен хонадаги чироқ нури юзимга тушиб турадиган жойда туриб олгандим. – Эсингиздами, сизнинг деразангизга полициячилар таъқибидан қочиб киргандим?

Сариқ сочнинг қовоқлари уйилиб, менга қаради. Сўнг юзи бирдан ёришиб, ажинлари текисланди.

– Вой, Худойим-ей! Бу учрашувни қаранг. Бирдан таниб ололмайсан, киши. Энди эсладим: сиз ўшанда деразадан тушиш учун менинг энг яхши чойшабимни йиртган эдингиз. Бу ерда нима қиляпсиз? Яна қандайдир нохушликми?

– Хонангизга кириб, гаплашсам бўладими?

У Майрага саволомуз қараб қўйди.

– У ҳамми?

– Ҳа. Бир иш бўйича юрибмиз.

Сарғиши сочли биринчи учрашувдаёқ менинг хасис эмаслигимни эслаган бўлса керак, четланиб бизни хонасига киритди.

– Майли, нима ҳам дердим, киринглар. Менинг хонам меҳмонларни қабул қиласидиган даражада кенг-

Данғиллама ҳовлидаги қотиллик

мўл эмас, – деб қўшиб қўйди у Майрани назарда тутиб.

Биз кичик, анчагина noctor мебеллар қўйилган хонага кирдик. Каравот, кийим жавони, чиничаноқ ва уринган, анча эски гилам – хонанинг мақтагулик жиҳози бор-йўғи шу эди.

– Мен шошганимдан исмингизни ҳам эслолмай қолгандим ўшанда, нима эди?

– Лола, – жавоб берди сарғиш сочли аёл ва каравотга ўтирди. У Майранинг олдида ўзини унчалик қулай ҳис этмаётганди.

Майра чиничаноқнинг жойлашган ўрни ва хона жиҳозларига очиқ-ойдин қизиқиш билан қаради. Лола уни рашк билан кузатиб, эътиrozларини кутмоқда эди. Аммо Майра усталик кўрсатиб индамади.

– Мен яна Бетильо масаласида келдим, – дедим хотиржам гап бошлаб. – Эсингиздами? Ўшанда унинг учун махсус тайёрланган калтак қўлимда бор эди.

– Бу сафар у сизга яна нима ҳунар кўрсатди? – сўради Лола қизиқиб. – Бу нусхани кўрарга кўзим йўқ.

– Менга-ку, ҳеч нима қилгани йўқ, аммо мановининг дўсти Ник Пиреллига... – дедим мен Майрани қўлим билан кўрсатиб.

Лоланинг қўзлари катта очилиб кетди.

– Қайси, ўша Дедрикни ўғирлаган йигитми? – хитоб қилди у. – Бу ҳақда ўқигандим. – У Майрага файрилик билан қаради ва қўшиб қўйди. – Дўстингиз беш юз мингни олиб кетгани ростми?

– Бир дақиқа, – дарров гапга аралашдим мен Майранинг юзи тундлашганини кўриб. – Сиз адашибисиз. Пирелли бу ишда иштирок этмаган. Унга тухмат қилишган. Ўғрилик содир этилган пайтда у бу ерда Бетильо билан қарта ўйнаб ўтирган, аммо айғоқчилар

Жеймс Хедли Чейз

сотиб қўйган. Шунинг учун бу абраҳми топишимииз керак.

– Аммо бу шоқол кимни бўлса ҳам беш чақага сотиб юборади-ку, – деди Лола нафрат билан.

Шунда бир фикр миямга «лип» этиб келди.

– Сиз, мабодо ўша куни Пирелли соат нечада кетганини кўрмаганмисиз?

– Қаёқقا кетган? Нимани назарда тутяпсиз?

– У бу ерда Бетильо билан ўн бешинчи хонада қарта ўйнаган. Пиреллининг айтишича, Бетильони соат ўн яримда қолдириб чиқсан, Бетильо эса бу воқеа бир соат олдин рўй берган, яъни тўккиз яримда бўлган эди, деяпти. Дедрикни ўн бирнинг бошида ўғирлашган. Тушундингизми?

Киз гўё ўйланиб қолгандек кўзларини юмди.

– Йўқ, мен уни кўрганимни негадир эслай олмаяпман, – деди ниҳоят. – Кечкурунлари шунчалик кўп эркакка кўзим тушадики, ҳаммаси ёдимда қолмайди.

– У ўша куни оқ матодан тикилган костюм кийиб олганди, – деди Майра. – Эгнида кўк кўйлак ва қўлда тўқилган оқ бўйинбоғ бўлган.

Лола ҳайрон бўлганидан димиқиб қолди.

– Қанақасига, бу ўша йигитми? Бўлмасам-чи, мен эсладим. У менга исмини айтган эди. Исми... – қиз бирдан жимиб қолди ва эҳтимол, кейинги ўн йил мобайнида биринчи марта қизарди.

Таранг жимлик чўқди.

Уни биринчи бўлиб Майра бузди.

– Давом этинг, – деди у. – Менга эътибор берманг. Демак, ўша кечаси у сизнинг ёнингизда бўлган?

Лола ўрнидан сакраб турди. Унинг юзидан хижолат изи кетмаган, аммо кўзлари ғазабдан қорайган, қарашлари қатъий эди.

– Қани, иккингиз ҳам чиқиб кетинг бу ердан! Мен шусиз ҳам анча гапириб юбордим. Кетинглар!

– Сиз хавотирланманг, – дедим мен қизни тинчлантириш учун. – Бу иш, Лола, ниҳоятда жиддий. Йигит оғир ахволга тушган. Агар унга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, бу ишни қилинг. Агар бу ердан соат ўн яrimда кетганлиги аниқ бўлса, уни қутқара оласиз. Шундай қилиб, Пирелли ўша кеча сизнинг ёнингизда эдими?

Лола Майрага зимдан тезгина синовчан назар ташлади.

– Мен сизларга ҳеч нимани айтмайман, – деди у қўполлик билан гапимни бўлиб. – Иккингиз ҳам кетинг!

– Яхши, – дедим мен ва эшик томон йўл олдим. Эшикни очиб, ҳамроҳимга мурожаат қилдим: – Майра! Мени пастда машинада кутиб туринг. Лола билан бир масалани махфий тарзда ҳал қиласман. Икки дақиқадан сўнг тушаман.

– Бетильони нима қилдик? – сўради Майра. – Ахир у ҳозир келиши керак-ку.

– Ҳозирча уни эсдан чиқарайлик. Мени машинада кутинг.

Майра худди мармар ҳайкалдек караҳт бўлиб қолган, шунинг баробарида ранги оқариб кетган эди. Мен унинг ортидан эшикни ёпдим.

– Мана ишнинг ўнг келмагани, – деб минғирладим ва бир қути сигарет чиқариб, Лолага ҳам узатдим. У менга ижирганиб қаради, аммо сигаретани олди.

– Келгуси сафар қизларни бундай жойга олиб келгунча икки карра яхшилаб ўйлаб кўринг, – дарғазаб оҳангда уқтириди менга Лола. – Сиз мени қанчалик ноқулай ахволга соганингизни биляпсизми?

– Ха, узр сўрайман, аммо мен ўйламагандимки... Дарвоқе, агар мулоҳаза қилиб кўрилса, бу яхшилик билан тугаши ҳам мумкин. Лола, сиз хижолат бўлманг. Айтинг-чи, Пирелли ўшанда сизнинг ёнингизда эдими?

– Ҳа. У Бетильо билан ўн яримгача қарта ўйнади, сўнг мен томонга келди. Биз Пирелли билан баъзан учрашиб турамиз. У доимий мижозларимдан бири.

– Эсланг, Пирелли хузурингиздан соат нечаларда чиқиб кетган эди?

– Тахминан, соат бир яримларда. Аниқ эслай олмайман, албатта, аммо тахминан шундай.

– Жин урсин! Демак, Бетильо рост айтган экан, анови олифта алдаган, – хитоб қилдим мен ўкинч билан.

Қиз жимиб қолди.

– Афтидан, Пирелли қаерда бўлганини Майра билишини истамаган бўлса керак, – дедим мен бош чайқаб. – Бетильо унинг тахминини қўллаб-қувватлашини яхши билган бўлса керак. Лола, сизниг судда гувоҳ сифатида қатнашишингизга тўғри келади. Унга айбисзилигини исботловчи далил керак.

Мен юз долларлик пул чиқардим.

– Мана, ўша йиртган чойшабим учун қарзим, – дедим. – Лола, сиздан илтимос, Пирелли тўғрисида ҳеч кимга ҳеч нима гапирманг. Судда зарур бўлиб қолсангиз, мен ўзим хабар қиласман.

Лола пулни олиб буқди-да, пайпогининг орасига солиб кўйди.

– Барибир эркаклар чўчқа бўлишади, – деди у нафрат билан ва чекиб улгурмаган сигаретани каминга улоқтириб юборди.

3

Мен машина эшигини очиб, рулга ўтирдим ва стартерни босдим. Майра эса чекар ва ниманидир ўйларди.

– Демак, биз энди Бетильони олиб кетмаймиз-а? – деди у қандайдир эринчоқ, бефарқ охангда.

– У ростини айтган экан, – дедим мен Майрага қарамай. – Ник у билан ҳақықатан соат түккиз яримгача ўйнаган экан.

– Ва бир соатни мана шу аёлнинг ёнида ўтказган, – деди Майра. – Жуда ажойиб!

Мен бутун диққатимни йиғиб, машинани Монте-верди-авеню томон бурдим.

– У бу сирни сиздан яшириш учун айтмаган, – дедим мен. – Бу эса ўз фойдасини кўзлаганини англатади.

– Э, қўйсангиз-чи, – деди қиз ғазабдан қалтираган овоз билан. – Уни оқламанг. Пирелли учун ҳеч нимадан қайтмасдим. Қамоқда ўтирганида, интизорлик билан кутганман. Уйдан чиқиб кетганида... остоңада туриб қолардим. Пули йўқлигида (унда ҳеч қачон пул бўлмасди), едириб-ичирардим. Тунлари Пиреллини ўйлаб, ўртаниб ухламасдим. У эса мана шу расвойирадди суюқоёқни топиб, менга хиёнат қилган, ҳатто пул ҳам берган.

– Юрагимни кўп ҳам тирнаманг, – дедим мен. – Хўп, яхши, у сизга хиёнат қилибди дейлик. Бундан нима келиб чиқади? Энди сиз эркинсиз, шундай экан, ундан воз кечинг ва ўзингиз хиёнат қилинг. Сиз билан вақтини ўтказмоқчи бўлган юзлаб эркаклар топилади. Сиз нега шу қадар безовта бўласиз?

Майра оғир нафас олганича менга кескин ўгирилиб қаради. Унинг юзи ғазабдан бўғриқиб кетган эди.

Мен кулимсирадим.

– Қўйсангиз-чи, азизам, аразламанг, сизга ярашмайди.

Киз пастки лабини тишлаб, менга тикилиб қолди, сўнг зўрма-зўраки кулди.

– Ҳа, афтидан, сиз ҳақсиз. Ҳаммангиз бирсиз. Аммо мен бу ярамасни қанчалик яхши кўрардим. Бу ишқалликдан қутулиб чиқса бўлгани, кейин унинг тумшумига тушираман. Ҳар қандай сариқ сочлиларга бўлган кизиқишини бир умр бурнидан чиқараман.

Биз Майранинг уйига етиб келдик.

– Боринг, бироз ухлаб олинг. Мен эса баъзи нарсаларни пухта ўйлаб олишим керак.

– Полицияга мурожаат қилсак ва бу сариқ сочлини гапиришга мажбур этишса-чи? Ахир унинг кўрсатмаси Никнинг турмадан чиқишига ёрдам бериши мумкин.

Мен рад этиб, бош чайқадим.

– Бефойда. Полицияда унга бир оддий сабаб туфайли ишонишмайди: бундай аёллар судда ишончсизлик туғдиради. Бошқа гувоҳлар эса сиз билан бизда йўқ. Ник буни тушунган.

– Демак, бугунги оқшом зое кетибди-да.

– Нима бўлса, бўлди. Яна ниманидир ўйлашга тўғри келади. Мен сиз билан алоқада бўлиб тураман.

Энгашиб машинанинг эшигини очдим.

– Сиз кўп ҳам сиқилиб, хафа бўлаверманг. Ҳаяжонланманг. Биз барибир олға қадам ташладик, эртага эса каттароқ қадам ташлаймиз. Кўришгунча.

Майра елкамга қўлини ташлади.

– Сизга катта раҳмат, мен учун кўп ҳаракат қилдингиз. Давом эттираверинг. Мен барибир бу абраҳни фалокатдан халос қилмоқчиман.

Унинг йўлак бўйлаб ўтиб, қоронғи мўъжаз уйига боргани ва эшикни очиб, чироқни ёққанини кўриб турдим...

4

Мен кенг асфальт йўлдан ўтиб, қум тепалар ортидаги уйим олдида машина чироқлари ёруғидан узун, худди қайик каби лимузин турганини кўрдим. У дарвоза олдида эди.

Мен тезликни узиб, дастакни нейтрал ҳолатга кўйдим-да, машинани тўхтатдим. «Бьюик»дан тушиб, қора «Кадиллак»ка яқин бордим. Курилмалар тарафдан тушган ёруғликда Серена Дедрикнинг оқариб кетган хижолатли юзи кўринди. Бизнинг нигоҳларимиз учрашди.

– Мени маъзур тутинг. Узоқ кутмаган бўлсангиз керак, деб умид қиласман, – дедим уни уйим ёнида кўрганимдан ҳайратим ошиб.

– Бунинг аҳамияти йўқ... Мен сиз билан гаплашиб олишим керак.

– Ундан бўлса, марҳамат, киринг.

Мен «Кадиллак» эшикчасини очиб, унинг тушишига ёрдамлашдим. Серена тўқ олча рангидаги шойи рўмолига ўраниб машинадан тушди. Серена ой ёғдусида чиройли ва сулув кўринарди! Биз сукут ичида айвонга қараб юрдик. Мен кириш эшигини очиб, чироқни ёқдим ва четланиб, унга савол назари билан қарадим.

У меҳмонхонани кесиб ўтди. Мен унинг ортидан юрдим, эшикни ёпиб, диван ёнидаги торшерни ёқдим.

– Вискими ёки қаҳвами?

– Ҳеч нарса керак эмас, – қисқа жавоб берди у ва диванга ўтирди. Шол рўмол бўйнидан сирғалиб тушди. Унинг махсус кийиниб келгани қўриниб туарди. Атласдек силлиқ оқ кўйлак оғир зарҳал парча билан безатилган ва фақат тантанали баллар учун мўлжалланган эди. Бўйни атрофида марваридлар ярақларди. Чап қўлининг билагида тўрт дюймдан иборат кенг олмос билагузук. У бойлиги бўйича дунёдаги тўртинчи аёл эканлигини алоҳида таъкидламоқчи эканлиги қўриниб туарди.

Мен виски қўйиб, ўзимнинг севимли юмшоқ оромкурсимга чўкдим. Ҳаддан ташқари толиққан ва тушкун кайфиятда эдим. Майранинг уйидан ўзимнинг кулбамга қадар Пиреллини қандай қилиб хибсдан озод қилиш йўлларини ахтариш билан миямни қотириб келдим, аммо бу бошни тош деворга уриш билан баробар эди.

Бирдан калламга, табиатан ишонувчан кишининг калласига битта фикр келиб қолди. Бу фикрни миямда у ёқ-бу ёққа қалқитиб қўйдим ва моҳиятан маъқул кўринди. Оромкурсидан туриб, хонани кесиб ўтдим, девордаги ёққични босдим. Сўнг ортга қайтиб, яна оромкурсига ўтирдим.

Серена менинг хатти-ҳаракатимга гумонсираб қараб туарди.

– Мен фақат ётоқхонадаги телефонни бу ёққа уладим, холос, – изоҳ бердим мен. – Хўш, сизга қандай хизмат кўрсатсам бўлади, Дедрик хоним?

– Сизнинг эримни ўғирлаш билан боғлиқ ишга аралашмаслигингизни истайман, – деди у.

Мен эшиттганларимдан бутунлай ҳайратга тушиб, бундай бўлишига ишониб-ишонмай, савол назари билан қарадим:

– Қандай қилиб, сиз буни жиддий айтяпсизми?

Унинг лаблари шафқатсиз равишда қимтилди.

– Шунақага ўхшайди. Сиз кам учрайдиган хирақас-қон одам экансиз, сўралмаган жойларга ҳам тумшу-гингизни тиқаверар экансиз. Полиция жиноятчини топиб қамади. Мен айнан ўша одам эримни ўғрилаганига ишонаман, сизнинг яна ниманидир ахтаравери-шингизга асос йўқ эди.

Мен сигарета тутатиб, ёниб турган гугурт чўпини каминга ташладим ва юқорига тутунни пуфладим.

– Полиция қамоқقا олган киши ҳеч кимни ўғирла-маган, Дедрик хоним, – дедим мен. – У иттифоқо дўст-тим эди. Шундай экан, мен терговни охиригача олиб бориб, уни оқлаб, турмадан озод қилишга қадар ишни давом эттираман.

Серена оқариб кетди, кўзларидан олов сачраган-дай бўлиб, тиззасида турган қўллари муштга айланди.

– Бу ишга халақит бермаслигингиз учун қанча бўлса тўлайман, – деди у овозига зўриқдан оҳанг кўшилган ҳолда.

– Пули кўпайиб кетган чиройли аёллар виждонига қарши бориб, мени кўп марта сотиб олишга ҳаракат қилиган, ўзим қизиқдан ишдан қайтаришга мажбур қилишган, – жавоб бердим мен. – Кечирасиз, мен пулга унчалик ружу қўйган эмасман.

– Нархингизни айтинг, – деди у қалтираган то-вушда.

– Такрорлайман: пул менинг ҳаётимда катта ўрин эгалламайди. Агар айтмоқчи бўлган гапларингиз шундан иборат бўлса, кечирасиз, мен чарчаганман, ухламоқчиман.

– Эллик минг доллар, – деди у менга қаттиқ тики-либ.

Мен кулимсирадим.

– Дедрик хоним, сиз одам ҳаёти билан савдолашыпсиз. Агар мен текширишни бас қилсан, Пирелли электр курсисига дучор бўлади. Наҳотки сиз шуни хоҳласангиз?

– Мен ҳеч қанақа Пирелли тўғрисида ҳеч нимани билишни истамайман! Агар уни суд қилиб, айборд деб ҳисоблашса, айборд бўлиб қолади. Мен сизга эллик минг доллар бераман, бу ердан бир ойга кетинг.

– Мен бир ойга кета олмайман, Дедрик хоним. Сизнинг эрингизни ким ўғирлаганини аниқлашим керак.

– Етмиш беш минг!

– Дедрик хоним, сиз нимадан бунча қўрқяпсиз? Нега ҳаммасини аниқлаш, уни изоҳлашни истамаяпсиз?

– Етмиш беш минг, – деб тақрорлади у.

– Дедрикка нима бўлган? Ким унга лой чаплади ва нима учун? Балки сиз буларнинг барчаси ортида отангиз турганини пайқаб қолгандирсиз ва унинг ҳаётини ана шу сабабли сақлаб қолмоқчи бўлгандирсиз? Ёки бу ишларнинг ҳаммаси обрў-эътиборга боғлиқ, шунинг учун сизни қандайдир гиёхванд моддалар билансинлар деяётгандирсиз?

– Юз минг! – деди у оқарган лаблари орасидан.

– Йўқ, ҳатто миллион бўлса ҳам, – дедим мен ўрнимдан туриб. – Сўзни бекорга зое қилманг. Мен кўп ишларни бажаришга ултурдим ва уларни якунласам дейман. Хайрли тун.

Серена ҳам ўрнидан турди.

Унинг хотиржамлигига кишини қўрқитиб юборадиган нимадир бор эди. Бу мени тезгина қайрилиб қарашибга мажбур этди. Унинг сумкасида тўппонча бўл-

масин, тағин! Аммо сумка йўқ эди. Ҳозирги ҳолатида у мени бемалол отиб ташлаши мумкин эди.

– Хўш, нима бўлди? – деб сўради Серена.

– Мен «Хайрли тун» дедим! Ҳар сафар айтганимга эришаман, деб ҳисоблаш ҳам мумкин эмас, албатта. Етарли, Дедрик хоним. Сиз жонимга тегиб кетдингиз.

– Начора! Сиз билан келишишнинг яна бир йўли бор, – у хунук гапириб, совуқ, караҳт кулимсиради. – Охирги марта сўрайман: икки юз минг?

– Чиқиб кетинг, – дедим мен зарда билан эшикни очиш учун хонани кесиб ўтарканман.

У зудлик билан телефон ёнига ўтди, рақамларни терди. Икки сония кутиб турди ва шундай даҳшатли товуш билан қичқирдики, мен тери ташлагандай бўлдим:

– Полиция! Ёрдам беринг! Тезроқ!

У гўшакни ташлаб юборди ва яна лабларидағи ўша совуқ, караҳт тиржайиш билан менга қаради.

– Зўр ўйлаб топилган, ҳеч нима дея олмайман, – тўнғилладим мен ва оромкурсига ўтириб қолдим. – Ва мен, сизнингча, нима иш қилдим? Зўрлашми?

У кўйдагининг енгини ушлаб, этагигача йиртиб юборди. Сўнг елкаларини тирноги билан тирнади. Оппоқ териси қонаб, танасида тўртта қизил чизикча пайдо бўлди. Сочларини тўзғитди-да, столни оёғини осмонга қилиб ағдариб юборди, диванни камин ёнига сурди, гиламни турган жойидан қўзғатди. Серена хонадаги мебелларимга қасдлашиб юрган экан. Мен телефонга яқин бориб, керакли рақамни тердим ва бироз кутиб турдим.

– Хеллоу! – симнинг нариги томонидан Пауланинг товуши эшитилди.

– Менда нохушлик рўй берди. Бу ёқقا зудлик билан келинглар. Нима иш қилиш кераклигини биласиз.

Ўзингиз билан Франконни ҳам олинг. Факат тезроқ полиция маҳкамасига бирга боринглар. Беш дақиқадан сўнг мени зўрлашда айблашлари мумкин. Ҳозир Дедрик хоним саҳна декорацияларини қўйиш билан банд.

– Яхши, боряпман, – деб жавоб берди Паула ва гўшакни қўйди.

Мен ҳам гўшакни жойига қўйиб, сигарета чекдим.

– Агар сизнинг ўрнингизда бўлганимда, пайпоқни ечардим. Бу жуда катта таассурот қолдиради, – дедим мен юмшоқ қилиб.

– Сен ҳали пулни олмаганинг учун пушаймон бўласан, мияси йўқ мол, – деди Серена. – Энг камиди икки йилга кесиласан.

– Афсус, ўзингизни бекордан-бекорга юлиб ташладингиз, – дедим мен бош чайқаб. – Бекор қилдингиз. Ахир экспертлар терингизда менинг тирнокларим изини топа олишмайди.

Кўчадан машина тормозларининг овози эшитилди. Серена юракни ларзага солувчи нола тортиб, айвонга отилди.

Мен жойимдан жилмадим.

Боғ йўлагидан оғир қадам товушлари турсиллаб эшитилди.

– Ҳаммаси жойида. Биз шу ердамиз, хоним! – кимнингдир қўпол овози янгради.

Эшикда қўлида тўппонча тутган полиция сержанти Макгроу кўринди. У мени кўргач, қонхўр жаллоддай тиржайди.

– Жойингдан қимиirlама, акс ҳолда пешанангдан ўқ ейсан! – деб қичқирди у кўзларимга синовчан тикилиб.

– Келинг, шу драматик воқеаларсиз бўлсин, – дедим мен сигарета кулини қоқар эканман. – У сизни алдаяпти!

– Наҳотки?! – киноя билан сўради Макгроу. – Қани тур-чи, қўлингни кўтар!

Мен буйруқни бажардим.

Сержант эҳтиёткорлик билан менга яқинлашди.

– Демак, сен шаҳватпараст васвачи ҳам экансанда. Мен калланг жойида эмаслигидан ҳамиша гумонсирадим.

Хонага Серена қўллаб-қувватлайдиган яна бир полициячи кирди. Серена курсига йиқилди. Энди елкасидаги тўртта чизиқдан қон оқарди.

У ўзининг ролини ажойиб қилиб бажармоқда эди.

– Ё Худоё! – деб ҳайратга тушди Макгроу. – Бу ахир Дедрик хоним-ку! Қани, мана бу газандага кишан сол, – деб буйруқ берди полициячига.

У олдимга келиб, қўлимга кишан солди-да, қорнимга бир мушт туширди.

– Қани, азизим, энди бошқа хотинни тез орада кўра олмайдиган бўлдинг, – деб шивирлади у менга.

Макгроу Серенанинг ёнида уймалашиб қолди. У қичқириб, нола қиласарди. Макгроу аёлга бир бордоқ сув олиб келди. Унинг юзи хижолатдан бироз қизарди.

– Менга рўмолимни олиб беринг, – деди Серена. – Бироз ўзимга келдим... Мен... мен бу ерга эрим хусусида гаплашиш учун ташриф буюргандим, аммо у... бирдан менга худди ёввойи ваҳший ҳайвондай ташланиб қолди...

– Бирорта ҳам ваҳший ҳайвон сизга ташланмайди, – дедим мен вазмин ҳолатда. – Уларнинг сиздан қанчалик жирканишини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз.

Жеймс Хедли Чейз

Макгроу менга бурилиб қараб, қўли билан оғзимга урди.

– Шошма, мен ҳали сен билан бўлимда шуғуллана-ман! – қичқирди у. – Бу фурSATни анчадан бери кутардим.

– Хўш, ундан бўлса, хурсанд бўлавер, – дедим мен.
– Faқat бу қувончинг узоққа чўзилмаса керак.

– Xоним, биз билан бошқармага боришга қарши бўлмасангиз керак? – деб сўради Макгроу Дедрик хонимдан. – Agар истамасангиз, бормаслигингиз мумкин.

– Албатта, бораман. Мен капитан Брэндон билан гаплашмоқчиман. Bu абраҳга келиштириб сабоқ берриб қўйишга тўғри келади.

– Безовта бўлманг. Ҳаммасини адо этамиз, – деб мен томонга қаҳр-ғазаб билан бақирди Макгроу. – Agар сиз тайёр бўлсангиз, хоним, у ҳолда кетамиз.

Иккинчи полициячи мени қўлимдан ушлаб, эшикни кўрсатди.

– Agар зигирча қайсалик қиласиган бўлса, калласига ўхшатиб сол, – деб гап ташлади Макгроу ёрдамчисига.

Биз полициячи билан машинанинг панжарали орқа томонига ўтиб ўтиридик. Серена билан Макгроу олдинги ўриндиқдан жой олишди.

Орхид-бульвардан ўтиб бурилганимизда, яқинимиздан кичик спорт машинаси кўринди. У Пауланики эди.

Мени полиция бошқармасига судраб киргандарыда, Мифлин эндигина ишдан уйга бормоқчи бўлиб турган экан. У столга энкайганча, бошида шляпа, устидаги плашч, навбатчи сержантга охирги топширикларни бераётганди. Мени кишанланган ҳолда кўриб, кўзлари олайиб кетди ва талмовсираган ҳолда Макгроуга назар ташлади.

– Бу қанақа майнавозчилик?! – қичқирди Мифлин.
– Уни нега бу ёққа олиб келдиларинг?
– Зўрлашга уринган, жаноб лейтенант, – деди Макгроу. У тўғридан-тўғри ғазабланиб, тўғри иш қиласётгандек шишиниб кетган эди. – Бу шоқол Дедрик хонимни зўрламоқчи бўлибди. Яхшиям, мен ўз вақтида улгурдим.

Мифлиннинг юзида ишончсизлик аломати акс этди, кўзлари олайиб, пиёладай катталашиб кетди.

– Шу гап ростми, хоним? – деб сўради у Серенага қараб. – Сиз Мэллойни зўрлашга уринганликда айблайсизми?

– Ха, айблайман, – деди у узук-юлуқ гапириб. – Капитан Брендон қаерда?

– У бугун дам оляпти, – жавоб берди Мифлин, товуш оҳангига енгиллик ҳолати сезилди. – Миссис Дедрикка стул беринг.

Серена ўтириди, аммо шундай ўтириди, натижада шол рўмоли енгилгина сирғалиб тушиб кетди ва Мифлин ҳамда навбатчи сержант зўравонлик аломатларини яққол кўришди. Лейтенант ҳайратга қолганидан сал бўлмаса нафаси тиқилиб қолаёзди ва менга таънали назар ташлади.

– Буни сиз қилдингизми? – сўради мендан.

– Йўқ, мен қилганим йўқ, – жавоб бердим.

Макгроу мени урмоқчи бўлиб хезланди, муштини тутди, аммо Мифлин тўсатдан унинг гавдасини ўзига хос уйғунлик билан нари итариб юборди, натижада сержант қалқиб кетди.

– Тўхтатилсан! – кескин гапирди у. – Сиз нима қилмоқчисиз?

Макгроу менга қараб қичқирди:

– Бу разилни бўғизлаб ташламоқчиман.

– Жим бўл! – буйруқ берди Мифлин ва Серенага мурожаат қилди: – Бу қандай рўй берди?

– Мен эрим ҳақида маълумот олиш учун бунинг олдига келгандим, – ҳикоя қила бошлади қатъий осоишишта овозда Серена, – аммо беш дақиқа ҳам бўлмай, бирдан кутилмагандга менга ташланиб қолди. Қаршилик кўрсатдим, айёллик қилиб телефонга бир амаллаб етиб бордим-у, полицияни ёрдамга чақирдим. У кўйлагимни йиртиб ташлади, елкаларимни тирнади. Яхшиям манови зобит ўз вақтида етиб келди, сал бўлмаса мен ўсал бўлардим.

Мифлин шляпасини елкаси томон суриб қўйди, пешанасидаги терлаган жойларини артди. У, афтидан, қаттиқ таъсирланган эди.

– Асло ишонманг, – дедим мен хотиржам оҳангда.

– У ёлғон гапиряпти. Жаноб лейтенант, келинг, гувоҳларсиз учовимиз гаплашиб олайлик. Ахир у газеталарга тушишга уриняпти-ку.

– Мен бу ерда барча газеталарнинг муҳбирлари бўлишини истайман! – қичқирди Серена. – Мен уни йўқ қилиб юбораман! Қандай одам эканлигини ҳамма билиб қўйсин! Уни турмага тиқиб, ишидан маҳрум этиш керак!

Шу аснода навбатчи хонасига мұйжазгина чарм жомадон күттарғанча Паула кириб келди. У умрида биринчи марта түзгиган ҳолатда, ҳаллослаб қолған эди.

– Мен Франкон билан боғдана олмадим, – деди у зўрга нафасини ростлар экан. – Уйида йўқ экан. Сизга аллақачон айблов эълон қилишдими?

Макроу Пауланинг елкасидан чангллади.

– Бу ерга бегона кишиларнинг кириши тақиқланади. Қани чиқинг!

– Қолаверсин! – буйруқ берди Мифлин. – Нима истайсиз? – деб мурожаат қилди у Паулага. Макроу истар-истамас Паулани қўйиб юборди.

Яқин турган курсилардан бирига жомадонни қўйган Паула уни очди ва барчанинг кўзи кичкина магнитофонга тушди.

– Эсладингизми, Дедрик хоним, – дедим мен осоиышта оҳангда, – суҳбатимизнинг бошида деворда турган тутмачани босган эдим, телефонни уладим, деб изоҳ бергандим. Аслида мен магнитофон тасмасига ёзишмани ишга туширган эдим. Уйда бадавлат аёл билан яккама-якка, бунинг устига кечаси қолар эканман, ҳамиша эҳтиёт чораларини қўриб қўяман, токи мени нохосдан зўрлашга уринганликда айблашмасин.

Серена менга адойи тамом бўлгандек назар ташлади.

– У ёлгон гапирияпти! – қичқирди аламидан. – Нега имилляйпиз, уни авахтага солинг!

– Марҳамат, Паула ёзувни қўйиб беринг, – дедим мен.

Паула тутмачани босди. Қандайдир узук-юлуқ товушлар, бақир-чақир эшитилди, аммо ҳеч қандай сўзни англаб бўлмасди. Хаёлим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Калламга келган ваҳимали ўйдан тамом бўлдим, асбоб ишдан чиққан бўлсайди, деган ўй «лип» этиб ўтди. Мен магнитофонга ўзимни ташладим, у ерда нима бўлга-

нини билмоқчи бўлдим, аммо қўлимдаги кишан ва Макроу халақит берди. У анчадан бери ҳар бир ҳаракатимни пойлаб турарди. Макроу мени орқага, бурчакка итариб юборди ва овозининг борича қичқирди:

– Жойингдан қимиirlама!

Паула ҳамма аёллар каби техникага яхши тушунмас, шунинг учун беихтиёр равишда бир тугмача ўрнига бошқасини босган эди. Нихоят, мен ўзимнинг аниқ, худди металл каби жарангдор товушимни эшитдим-у, елкамдан тоғ ағдарилгандек, енгил нафас олдим.

Серенанинг: «Нархингизни айтинг», – деган овози эшитилган заҳоти у курсидан сакраб туриб, аппаратта ташланди, майдалаб ташламоқчи бўлди, аммо Паула яrim йўлда ушлаб қолди.

– Ўзингизни босинг! – деди у. – Жойингизга ўти-ринг!

– Буни ўчиринг! – қичқириб юборди Серена. – Мен уни эшитишни истамайман. Тўхтатинг!

Мен бошим билан Паулага ишора килдим ва у тугмачани босди.

– Балки, биз охиригача ўйин кўрсатармиз, Дедрик хоним? – деди мулойимгина қилиб Мифлин. – Ёки сиз бу одамга қўйган айбингизни олиб ташлайсизми?

У мағрур туриб, худди қироличалар каби қаддини ростлади. Бир неча сония менинг юзимга индамай термилиб турди, кўзлари ғазабдан ёниб кетгудай, оғзи эса қийшайиб кетганди. Сўнг эшик томон қадам ташлаб, зарб билан эшикни очди-ю, ташқарига чиқди, эшик очиқлигича қолаверди.

Ҳеч ким қимиirlамади ва бир оғиз гапирмади. Унинг қадам товушлари тош йўлак охирида сингиб кетди.

– Кўлларидаги кишанни ечинг, – деб буюрди Мифлин ортиқча сўз демай.

Макгроу буйруқни бажарди. Унинг кўриниши панжасидан ўлжасини тушириб юборган арслонга ўхшаб кетарди.

– Эҳ, яшавор! Сен ўзингта ғамхўрлик қилишни билласан, – деди Мифлин очиқ-ойдин шавқ-завқ билан.

– Акс ҳолда машмашадан бошинт чиқмаган бўларди.

– Бу аниқ, – дедим мен увишган қўлларимни уқалаб. – Кабинетингизга борайлик, гаплашиб олишим керак, – мен Паулага ўгирилдим. – Яшанг, ажойиб бўлди. Аниқ ва тез. Раҳмат. Мен сизни ухлашга қўймадим, шекилли?

– Ундан ҳам баттар! Сиз мени ваниндан судраб чиқардингиз, – жавоб берди у. – Агар қайтадан мушкул ахволга тушиб қолмайман десангиз, мен уйга қайтиб бориб, тўлиқ ювиниб олсан, дегандим.

– Начора, бора қолинг. Сизга катта раҳмат, Паула. Мени ана шу қонхўр тимсоҳлар чангалидан халос этдингиз, – дедим Макгроуга истеҳзоли қараб. Бу нусха навбатчи хонасидан жуфтакни ростлаётганида яғрини ғазабдан қизариб кетди.

Паула уйига қайтди, биз эса Мифлин билан унинг иссиқ, дим хонасига кирдик.

– Биласанми, агар бу иш шундай давом этса, газеталар ҳаддан зиёд ваҳима кўтаради, деб ҳисоблайман, – дедим мен.

Мифлин чўнтакларини кавлади ва ҳеч нима топа олмай, менга савол назари билан қаради.

– Чекишдан топиладими? Сен «ваҳима» деганда нимани назарда тутяпсан?

Мен унга сигарета бердим ва ўзим ҳам чекдим.

– Мана, Дедрикни ўтираш ортида катта Маршлендинг ўзи турганини далиллар айтиб турибди. Дедрик гиёхванд моддалар контрабандаси билан шу-

ғулланади. У Баррет билан бирга ишлайди. Париждаги ишларни бошқаради. Нима бўлса ҳам тортишишга тайёрман, буни Маршленд билиб қолган, уни ўртадан олиб ташлаш учун кимнидир ёллаган. Мана шунинг учун Дедрик хоним мени сотиб олмоқчи бўлди.

Мифлин эшитганларидан анграйиб қолди.

– Унда Дедрикни қаерга яшириб қўйишиди?

– Мен айнан шуни аниқламоқчиман. Эҳтимол, Баррет буни билар. Иштирок этувчилар орасида яна битта шахс бор, Баррет тўғрисида кўп маълумотларни билади; баланд бўйли, енгил матодан костюм кийган ва оқ наматсимон шляпали.

– Биз уни ахтаряпмиз. Грациянинг ўлими тўғрисида бизга сен хабар қилганмидинг?

– Ха, ўшанда ишим кўп эди. Шунинг учун сизларни кутиб тура олмадим. Сизлар ахлат челягидан бирорта аломат топдингизми?

– У, демак, ўша ерда тунаб қолганми?

– Худди шундай.

– Биз бу шахсни излаяпмиз. Нега сен Дедрикнинг ўғирланишида Маршленд алоқадор деган қарорга келдинг?

Мен «Бич-отел»да нимани аниқлаган бўлсам, барчасини Мифлинга батафсил гапириб бердим.

– Дедрик хонимнинг сўзига қараганда, у Европага кетган эмиш, аммо мен бунга ишонмайман.

– Ҳозир «Оушен-энд»га бориб, Маршленд билан гаплашиб кўришга уринсаммикан? – деб сўради Мифлин.

– Қулоқ сол, – дедим унга, – сен бу иш билан эртага оқшомгача сабр қилиб тур. Айт-чи, агар қўлингда Барретнинг гиёхванд моддалар контрабандаси билан шуғулланаётганлиги тўғрисида ишончли далиллар бўлганида, уни гапиришга мажбур қила олармидинг?

Мифлин маъюс кулимсиради.

– Уриниб кўрамиз.

– Кимдан марихуанали сигарета топиш мумкин, билмайсанми? Икки юз дона.

– Гиёхванд моддаларга қарши кураш бўлимидан.

Сенга нега керак?

– Олиб бер, илтимос. Баррет жиноят белгисини ташлаш мумкин бўлган ягона киши эмас. Эртага сенга қўнғироқ қилиб, уйининг фалон жойида марихуанали сигареталар сақланётганини айтишади. Сен уни қамоққа олиб, яхшилаб сўроқ қиласан. У сўроққа чидайдиган кишилар тоифасидан, деб ўйламайман. Менимча, ростини айтишга мажбур бўлади.

Мифлин менга ҳайрон бўлиб қаради.

– Мен буни қилолмайман! Агар Брэндон билиб қолса...

– Унга ким ҳам айтарди?

Лейтенант менга қаради, ўйланиб энсасини қашлади ва бош чайқади.

– Бу алғов-далғов иш менга ёқмаялти, Вик.

– Менга ҳам, аммо нима ҳам қила олардик, бошқа йўли йўқ. Кел, озгина марихуана топиб бер.

– Бўпти. Аммо у ҳеч нима демаса, аҳволимизни кўрасан.

– Бу ишни қай даражада уддалашларингта боғлиқ. Унга Макгроуни қўйиб юборасан, у менга муштини ишлатолмай, роса норози бўлиб қолганди.

Мифлин хонадан чиқиб кетиб, йигирма дақиқалар ғойиб бўлди. Сўнг қўлида ёғоч қутичани кўтарганча қайтиб келди.

– Бўлим бошлиғига сигареталар бизга нимага кераклигини гапириб беришга тўғри келди. Биласанми, у сенинг ғоянгни маъқуллади, Барретни анча вақтдан

бери құлға олишни ният қилиб юрган экан, – Мифлин ғоятда ҳайратта түшгән эди. – Шуниси ажабланарлықи, бизнинг полициячилар ахлоқ меъёрларига кам риоя қилишади.

Мен күтичани күтариб ўрнимдан турдим.

– Ўзим ҳам бундай меъёрларга риоя қилмайман, айниқса, Барретта үхаш разиллар билан иш тутганимда.

– Кўзингга қара, Вик, эҳтиёт бўл. Қўлга тушиб қолма. Дедрик хоним хайрлашаётганида, сенга қараб қўйгани менга сира ёқмади-да.

– Менга ҳам. Хўш, бизнинг ҳимоямиздаги киши ўзини қандай ҳис қилмоқда?

– Ёмон эмас. Жойида. Франкон у билан фақат эрталаб учрашди. Ҳар ҳолда сен хавотирланма.

– У билан учрашиб гаплашиб бўлмайдими, имкони борми?

– Мутлақо мумкин эмас. Брэндон алоҳида қўриқчи қўйган. Ҳеч ким, фақат адвокатдан ташқари бирор кимса унга яқин бориши мумкин эмас.

– Барретни қўлга туширгандан кейин ҳаммасини айтиб беришга албатта мажбур қилинглар, Тим. Сезишмича, Дедрикнинг ўғирланиши ва Пирелли иши бўйича асосий ҳаракат қилаётган шахс фақат ўша бўлиб чиқяпти.

– Уриниб кўрамиз, – вაъда берди Мифлин.

Мен навбатчининг хонасидан магнитофонни олиб, кўчага чиқдим ва таксига қўл кўтардим.

Соат миллари ўн бирдан ўн дақиқа ўтганини кўрсатиб турарди.

Ха, бугун чекимга жуда оғир кун тушди.

ОЛТИНЧИ БҮЛИМ

1

Эртаси куни мен түшгача идорада ўтириб, майдачыйда, аммо зарур ишлар билан шуғулландым, одатда бу юмушлар Керманга тегишли бўларди. Ҳозир у сафарда, ишлар эса кутиб турмайди, шу боис ўзим шуғуланишимга тўгри келди.

– Мен Барретни кўришим керак, – дедим Паулага, идорада шоша-пиша тамадди қилаётганимизда. – Менда мўъжазгина мукофот бор, билдирамасдан унинг уйига қўйиб чиқмоқчиман.

Паулага кутилмаган совға тўғрисида гапириб бердим. Уни Мифлин билан бирга Барретта тақдим этишга қарор қилганимизни айтдим.

– Барретни қамоққа олиб, айлов эълон қилингач, ўшандা балки уни бутунлай бўйсундириш ва гапириши, бўйнига олишга мажбур қилишга эришармиз. Ҳар ҳолда Тим шуни кўзлаяпти.

Паула ғоямни маъқулламади, у ҳамиша у ёки бу даражада мос келмайдиган ахлоқни асло қўллаб-куватламасди.

– Сиз бу ишни қандай бажарасиз, уйдан чиқиб кетгунича уни кутиб турасизми? – деб сўради Паула.

– Дуруст фикр! Албатта, бу ўринда чўнтакни кавлашга тўғри келади, аммо бошқа иш қила олмаймиз. Максининг чўнтағига яхшигина чойчақа ташлаймиз, у бизга захирадаги қалитни беради.

– Эҳтиёт бўлинг, Вик, ўзингизни асранг.

Мен кулдим.

Жеймс Хедли Чейз

– Кейинги пайтда мендан тез-тез эхтиёт бўлишимни сўраяпсиз. Сизга нима бўляпти ўзи? Энди мен билан бутунлай бошқача тарзда гаплашяпсиз.

Пауланинг лабларида хижолат аралаш табассум намоён бўлди.

– Афтидан, мен сизни яхшироқ билиб олганга ўхшайман, – жавоб берди у. – Мен ўша хатарли, қалтис ғоядан воз кечиб, ўзимизнинг кундалик ишларимиз билан машғул бўлишингизни истардим.

– Биласиз, Паула, мен бу иш билан кўнгилхушлик учун шуғулланмайман. Агар ўшандаги Пирелли ҳаётими ни сақлаб қолмаганида, бошимдан зар сочишса ҳам бу ишга киришмаган бўлардим. У мен учун жонини тикишдан ҳам тоймади, қалтис ишдан чекинмай, таваккал иш тутди. Баррет ўшандаги мени бир зумда бўғизлаб ташлаши мумкин эди. Шундай экан, мен қарзни қайтариш учун тергов-суриштирув ишларини охиригача давом эттиришим керак, деб ўйлайман.

* * *

Машинамни Жефферсон-авеню олдидағи уйда тўхтатганимда, шаҳар бошқармасидаги минора соати бир яримга занг урган эди.

Вестибюлга кирдим. Макси идорада бекорчиликдан тирсагига суюниб ўтиради. Телефончи қиз ўрнида эса ҳеч ким йўқ, аммо қулоқчин микрофон билан бирга стол устида турагар, уни осонгина олиш мумкин эди.

– Бироз пул ишлашни хоҳлайсизми? – деб мурожаат қилдим дангалига. – Менда сиз учун бир нечта ўнталик тўпланиб қолди, агар ёрдам бераман десангиз.

Макси худди газанда илонга қарагандек менга гумонсираб назар солди.

– Мен ҳеч қачон пулдан юз ўтирумайман, – деди у. – Сизга бу сафар нима керак?

– Уйнинг захира калити.

Агар мен Максининг рўпарасида тўппончани ўқлаганимда, бунчалик ҳанг-манг қилиб қўймаган бўлардим.

– Калит дейсизми? Қанақа калит?

– Захира калит. Тезроқ! Эллик доллар, мана улар, нақд, кассадан кетмай турибди.

Мушти йўғоннинг митти кўзлари пирпиради.

– Нақд... эллик... – у қандайдир ғамга ботиб талмовсиради.

Мен стол устига бешта ўнталик ташладим, айни дамда, агар пулларни шу тариқа сочаверсан, бир неча кундан сўнг ҳемирсиз қоламан, деб кўнглимдан ўтказдим.

Макси пулларга еб қўйгудек бўлиб қаради, лабларни ялаб, бурнини қашиб қўйди.

– Агар бу ишни қилсан, мени ишдан ҳайдаб юборишиади, – деди у ниҳоят сал-пал шивирлаб.

Мен стол устига яна иккита бешталик пул ташладим-у, энгашиб у томонга суриб қўйдим.

– Бундан ортиқ беролмайман, – дедим кулимсираб.

– Калит бор-йўғи ўн дақиқага керак, холос.

– Қайси уйники?

– Барретники. У уйдан чиқиб кетдими?

Максининг кичкина кўзлари сал бўлмаса жойидан чиқиб кетаёзган, дум-думалоқ бўлиб қолганди.

– У икки соат бурун чиқиб кетган.

– Шундай экан, нимадан қўрқасиз? Агар у сизнинг дўстингиз бўлганида, бошқа тап эди.

– Тўғри, аммо мен ишимдан маҳрум бўламан, – деди Макси бўғиқ овозда. – Ҳафтада олтмиш доллар

Жеймс Хедли Чейз

етади, бу ҳам фақат нонга, холос. Йўқ, бу иш овора бўлишга арзимайди.

– Хўп, майли! Агар сиз шунчалик ланж одам экан-сиз, нима ҳам дердик, – мен пулларни йиғишириб, икки буклаб, ён чўнтағимга солиб қўйдим. – Шундай арзимас ишлар туфайли ярим тунда уйқунгиз қочишини мутлақо истамайман.

– Шошманг, – деди у шляпасини орқага суриб ва терлаган пешанасини артар экан. – Майли, уйқуни ҳам жин урсин! Яна ўн қўшинг – калит кўлингизда бўлади.

– Олтмиш – менинг чегарам. Олинг ёки гапни шу билан тутатамиз.

У бир амаллаб виждонини енгди-ю, боши билан бир томонга ишора қилиб зорланди:

– Калит ҳув нариги томонда, тахтада, коммутатор ёнида осилган. Қани, тангани чўзинг!

Мен Максига олтмишта қўкидан қистирдим, у дарҳол чўнтағига солди.

– Сиз Баррет уйда йўқлигини аниқ биласизми? – деб сўрадим кейин.

– Ҳа. Мен унинг чиқиб кетганини ўз қўзим билан кўрдим. Ҳеч ким йўқ, – Макси вестибюлга ўғринча на зар ташлади. – Бориб пиво ичаман. Сиз эса тезда, бир-икки дегунча нима керак бўлса, барчасини бажаринг. Худо ҳаққи, ҳаракат қилинг, токи бирор киши билиб қолмасин.

У кўздан йўқолгунча икки сония кутиб турдим, сўнг ёзув столи устига энгашиб, тахтадан калитни олдим.

Лифт мени тўртинчи қаватгача олиб чиқди. Йўлак орқали 4B15 рақамили уй томон йўл олдим. Қўшни эшик ортидан мусиқа товуши эшитиларди. Йўлакдаги бошқа уйдан эса бўғик овозли аёл кулгиси эшитиларди. Мен Барретнинг эшигига қулоғимни теккизиб,

қулоқ солдим: жимлик! Тақиллатдим ва яна қулоқ солдим – жавоб осудалик бүлди! Атрофга алантлаб қарадим: ҳеч ким йўқ! Калитни қулф эшигига астагина солиб, дукирлаётган юрагим билан уни эҳтиёткорона бурадим. Сўнг дастакни босиб, эшикни очдим.

Оромкурсида менга қараганча оч қизил енгил матоли костюмда бир одам ўтиради. Қўлида қирқ бешинчи калибрли тўппончани тўппа-тўғри кўкрагимга нишон қилиб тутган.

У совуқ ва хуш кўрмай кулиб қўйди.

– Киринг, – деди. – Ўзим ҳам сиз бўлсангиз керак, деб ўйлагандим.

Бу йўгон овозни эшитганим заҳоти қаршимда ким турганини англадим. Мен фақат битта нарсани тушуммагандим: нега уни илгари фаҳмламаган эканман-а?

– Салом, Дедрик, – дедим мен ва хонага шахдам қадам ташлаб, ортимдаги эшикни ёпдим.

2

– Ўзингизни босинг, Мэллой, қимиirlаманг, – деди енгил матоли костюм кийган киши тўппончани қўлида ўйнар экан. – Ўқ овозини эшитиб, бу уйда ҳеч ким шовқин кўтармайди. Мен сизни осонгина ота-боболарингиз олдига жўната оладиган кайфиятдаман.

Дедрик менга каминнинг иккинчи томонини, рўпарасидаги курсини қўли билан кўрсатди:

– Ўтиринг.

Бундай масофадан отишда у асло хато қилмасди. Мен ҳазиллашмаётганини жуда яхши тушунардим, шу боис бўйсунишга қарор қилдим.

– Сизнинг зарбангиз зўр экан, – гапини давом эттириди у бўйинни уқалаб. – Жин урсин, бошимни яна икки ҳафта кўтара олмасам керак. – Унинг қора кўзлари мени синчиклаб кузатишда давом этарди. – Не баҳтки, бу ерга қадам босдингиз. Акс ҳолда, биз ўзимиз тезроқ олдингизга бормоқчи эдик. Сиз ҳаддан зиёд жонимизга тегиб кетдингиз.

– Шунақами?! Буни билмаган эканман, – дедим мен. – Энг ёмони шуки, менда тахминлар жуда кўп, аммо уларга далиллар йўқ... Серена сизнинг бу ерда эканлигинизни биладими?

Эркак рад этиб бош чайқади ва истеҳзоли тиржайди:

– Бу унинг хаёлида ҳам йўқ. Худди уйингизда ўтиргандек ўтираверинг. Ҳув нариги томонда қўлингиз остида сигарета бор. Чекинг. Сиз билан шуғулланиш учун бироз бўш вақт бор. Баррет сиз билан гаплашишни кўпдан бери интиқлик билан кутади. Агар яшашни истасангиз, найрангбозлик қилманг, тушунарлими?

Мен чекдим, у эса тўйпонча учини олдингидек тўғридан-тўғри юзимга қаратган эди.

– Тўйпончани эхтиёт бўлиб ушланг, – дедим мен. – Бу томондан ниҳоятда хавфли кўриняпти.

– Хавотирланманг, агар сиз шунга мажбур қиласангиз, отилиб кетмайди, – Дедрик кулди, кулини ташлаб, бошқа сигарет олиб чекди. У бу ишларни бажаргунича мен қилт этмай ўтирдим. Кўз чизиқларидаги қатъий ифода агар мен ортиқча ҳаракатга уринсам, отишга тайёр эканлигини англатарди.

– Агар ўшанда мен сизга қўнғироқ қилмаганимда, хамма тешикка бурнингизни тиқкан бўлардингиз, буни билардим, – деб гапини давом эттириди у менга қия қараб. – Бу ажойиб ғоя эди, шундай эмасми?

Мен сизни телефон орқали келиштириб алдадим. Қўл теккизилмаган виски бордоғи, қизиб турган сигарета кули – буларнинг барчаси чакки ўйлаб топилмаган.

– Ҳа, топиб ўйналган саҳна, – дедим мен. – Суюкини сиз ўлдирганмидингиз?

– Начора, шундай қилишга тўғри келди.

У қовоқларини уйди. Ўтган воқеаларни эслаш ёқимсиз туюлди, шекилли.

– Суюкининг ўзи нохушликка йўл қўйди ва хизматига яраша олди, – деди.

– Пиреллининг ишини ҳам сиз ўйлаб топдингизми?

– Йўқ, буни Баррет эплади. У ҳисоб-китоб учун шундай усулни танлади. Ҳар ҳолда Пиреллининг ўзи бизга тасодифан дуч келиб қолди. У бир пайтлар бизни яхшилаб куйдирган, энди эса полиция панжара ортига тиққанидан кейин ҳамма тинчиidi.

– Ўзингизга бунчалик ишонаверманг. Полиция сизни Грация Леманни ўлдиришда айблаб ахтаряпти.

– Кўйинг, мен учун қўрқиб ўтируманг, – деди у кувноқ оҳангда. – Яхшиси, ўзингиз хақингизда ўйланг.

Эшик очилиб, уйга Баррет кириб келди. У бир неча муддат менга тикилиб, қоқкан қозикдек тик туриб қолди, узунчоқ мафтункор юзида ваҳший ифода акс этди.

– У бу ерга қандай келиб қолди? – деб хитоб қилди сўнг.

– Эшикни калит билан очди, – жавоб берди ҳамроҳи оромкурсидан турар экан. – Баррет, Худо хайрингни берсин, яхшилаб қара-чи, куроли йўқмикан.

– Тур! – деб буюрди Баррет.

Мен қаддимни ростладим.

У ортимдан келиб, ҳамма томонимни пайпаслаб чиқди. Тўппончамни топиб, филофидан суғуриб олди.

Сўнг чўнтағимдан марихуанали сигарета қутичасини чиқарди.

Мендан узоқлашиб, қутини очди-ю, ёвузларча кулимсиради.

– Жуда ақлли ўйланган. Буни қаерда менга ёпиштирмоқчи бўлдингиз?

– Қаерда бўлишининг нима фарқи бор? – дедим мен. – Ўзингиз ҳам бундай жиноят аломатини қолдириш услубингизга патент олганингиз йўқ-ку!

У қутини стол устига улоқтирди, менга яқин келиб, тўппонча билан туртди.

– Бу ерга қандай тушиб қолдингиз?

– Захира калитни олгандим, у пастда тахтачага илинган ҳолда туради, наҳотки шуни билмасангиз?

Баррет яна бир бор чўнтақларимни тинтиб чиқди. Калитни топиб, стол устига ташлади, сўнгра Дедрикка қаради.

– У алдаяпти. Калитни Макси берган. Майли, бу хайвон билан ҳисоб-китоб қилиш вақти етди.

Баррет чўнтағидан кумуш портсигар чиқариб, сигарета олди ва оғзига солди. У чекар экан, кўзлари олазарак бўлиб, менга эътиборсизлик билан тикиларди.

– Мен сиздан қарздорман, Мэллой, – деди у ниҳоят.

– Кимдан қарздор бўлсанм, уни ҳалоллик билан тўлайман. Буни ўз кўзингиз билан кўрасиз.

– Сизнинг ҳалоллигинизни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, – дедим мен.

– Буни нима қиласиз энди? – сўради Дедрик.

Баррет камин ёнидаги ойна олдига келиб, ўзини завқ билан томоша қила бошлади.

– Шахтага жўнатсак бўлар, – деди у. – Мэллой учун қулай жой. У ерда ўлим олдидан истаганича мулоҳаза юритади.

Дедрик зақархандалик билан күлди.

– Бош чаноғида тешик қолдириб, бу ерга ташлаб кетсак бўлмайдими? Менинг яна шахтага тушгим йўқ, у ер ҳаддан зиёд қўрқинчли.

– Сенга нима дейилган бўлса, ўнуни бажар, – деди Баррет ва бош бармоғининг тирноғи билан ингичка мўйловларини силаб қўйди. – Қани, қўлларини боғла-чи!

Дедрик хонадан чиқди ва бир неча сониядан сўнг ортига қайтди. Унинг қўлида икки дюйм энлиликда лейкопластир ўрами бор эди.

– Агар озгина ножӯя қадам ташласангиз пешанангиздан ўқ ейсиз, – деб огоҳлантириди мени Баррет тўппончани кўрсатиб. – Қани, қўллар орқага!

Мен қўлимни орқамга қилдим. Бу вазиятда ҳеч нарса қила олмасдим. Дедрик бармоқларимни лейкопластир билан чирмаб ташлар экан, бу ишни қийналмай бажарди.

– Энди унинг оғзини елимлаб ташла! – буюрди Баррет.

Дедрик оғзимни пластир билан елимлади.

Баррет рўпарамда туриб, ёвузларча тиржаярди.

– Хўш, менинг йўлимга тўғаноқ бўлганингиздан энди афсус чекмасангиз керак, – бўғиқ оҳангда гапирди у ва юзимга тўппонча дастаси билан қаттиқ урди.

Мен бир томонга қалқиб кетдим, оромкурси оёғига чалкашиб, гурсиллаб полга йиқилиб тушдим.

– Эй, секинроқ, – деди Дедрик ташвишланиб, – Шовқинни эшитиб, бирон киши келиб қолмасин тағин.

Баррет унга ўшқирар экан, устимга энгашиб, биқинимга қаттиқ тепди. Зарба қовурғамга тегиб, сал бўлмаса синдириб юбораёзди.

Жеймс Хедли Чейз

– Максини нима қиласиз, Жеф? – деди Дедрик. – Шошилиш керак.

– Уни бу ёққа телефонда чақир, – деди Баррет ва мени яна бир марта тепди.

Дедрик гүшакни күтариб, рақам терди ва: «Сизни жаноб Баррет кўрмоқчи. Марҳамат қилиб, унинг ҳузурига чиқинг», – деди.

Баррет костюмимнинг ёқасидан ушлаб, мени полдан узиб олди ва оромкурсига улоқтирди.

– Ҳозир Макси билан орани очамиз-у, сўнг бу ердан жуфтакни росттаймиз, – деди у Дедрикка. – Энди манзилни ўзгартириш вақти келди. Максини менга қўйиб бер.

У кириш эшиги ёнига ўзини олди.

Дедрик эшик рўпарасига туриб қолди.

Орадан беш дақиқа ўтди ва эшик тақиллади.

– Киринг, – деди Баррет.

Эшик очилиб, бўсағада Макси кўринди. Унинг юмалоқ семиз юзи дарғазаб, пастки лаби тажовузкорона чўччайган эди.

Дедрик қўлини орқасига яшириб, қирқ бешинчи калибрли тўппончани ушлаб турарди.

– Киринг ва эшикни беркитинг, – деди у.

Мушти йўғон хонага кириб, ортидан эшикни ёпди ва мени кўриб, юзи бутунлай ўзгариб кетди.

– Нима бўляпти бу ерда? – деди у ғазаб билан.

Дедрик тўппонча учини собиқ полициячининг қорнига тиради.

– Унга захира калитини сиз берганмидингиз?

Макси менга қаради.

– Агар шундай деган бўлса, алдабди. Нима жин уриб, менга тўппонча тирайпсиз? Нима, сиз унинг хавфли эканлигини билмайсизми?

– Фақат хавфли бўлиб қолмай, ўлимдан ҳам баттар хавфли, – деб истеҳзоли кулди Дедрик.

Баррет индамай, унинг ортидан келиб, елкасига енгил қоқиб кўйди.

– Салом, дўстим, – деди у.

Макси қўрққанидан сал бўлмаса ҳушидан кетиб қолаёзди.

– Бу яна қанақаси? Тўппонча тутган йигит ким ўзи?

– У ўзининг овозига қатъийлик бермоқчи бўлар, аммо кўзларида ташвиш, ҳаяжон бор эди.

– Уйда ўқотар қуроллар сақлаш ман қилинади. Мен рапорт бераман...

– Бунга вақтинг бўлмайди, деб қўрқаман, – мингирилди Баррет. – Қулоқ сол, Макси, мен сенинг найрангларингдан безиб кетдим. Энди Грация ғойиб бўлгач, сени ҳам ўшандай гумдон қилиш пайти келди.

Мушти йўғоннинг ияги қалтиради. Шоша-пиша кўлини кўтариб, даҳшат ичидаги ҳар иккаласига жавдираф қаради.

– Жаноб Баррет, – деб ғўлдиради у. – Мен сизга ҳеч қаҷон ёмонлик қилганим йўқ-ку. Менга суянишингиз мумкин.

Барретнинг кўлида тўсатдан пичоқни кўриб қолган Максини ҳиқичоқ тутиб қолди.

– Узр, Макси, – Баррет у тарафга қараб пичоқни нуқиди. – Сен ҳаддан зиёд кўп маълумот биласан ва ўлгудай жонимизга тегдинг. Қани, мен билан ваннага юр-чи.

Макси тиззалаб, юзи даҳшатдан кўкариб кетди.

– Менга тегманг, жаноб Баррет, худо ҳаққи, ўлдирманг, – деди у қўрққанидан тишлари тортишиб. – Қасам ичиб айтаманки, мен...

Баррет унинг бошига тўппонча дастаги билан урди. Макси полга ағдарилиб тушди. Инграб йиқилар экан, кўли билан бошини маҳкам ушлади.

– Қани, менга ёрдам бер-чи! – деб ўшқирди Баррет Дедрикка.

Икковлон мушти йўғонни кўтариб, ванна томон судрашди. Дедрик ванна эшигини очмоқчи бўлиб, Максини қўйиб юборганида, у бирдан оёққа турдида, калласи билан Барретнинг қорнига уриб, эшикка чиқиш учун интилди. Баррет қулочкашлаб тўппонча билан туширди ва оёғидан чалиб йиқитди.

Уни ваннага судраб киришди, ичкарида олишув бўлаётгани эшитилиб турди, бир вақт Макси бирдан ваҳшиёна бўкириб юборди. Шундан кейин бўғиқ хириллаш эшитилиб, қичкириқ тўхтади. Худди бўғишигандек яна хириллаш товуши келди ва ваннадан Дедрик ранги оқариб, юзи буришиб чиқиб келди.

Бу овозлар тоқатимни тоқ қилиб юборган эди. Икки дақиқадан сўнг у ерда ҳаммаси тинчиб қолди. Эшикда Баррет кўринди. У менга тишларини ғижирлатиб қаради.

– Сенинг навбатинг, дўстим, сал кейинроқ келади,
– деди у, – аммо шундай осон ўлиб кетмайсан, – ва Дедрикка қараб қўшиб қўйди: – Хўш, ҳаммаси жойида, уни олиб кет. Эҳтиёт бўл. Хавф-хатар туғиладиган бўлса, гап-сўзсиз отиб ташла.

– Сен бир ўзим олиб боришимни истайсанми?

– Нима бўпти? Мен бу ерда Максининг жасадини бир ёқли қилишим керак, шундан кейингина кетишими мумкин. Сен нимадан қўрқяпсан? Агар у бирор қилиқ кўрсатса, отиб ташла, шу билан тамом.

– Мени полициячилар тутиб олишсин-да.

– Уларни ҳам отиб ташла! – деди Баррет ва қулиб юборди.

Дедрикнинг жаҳли чиқди, сўнг елкаларини қисиб деди:

– Ҳа, майли! Қани, менга плашчни бер-чи! Уни ўраб олай. Манови капитарни жойига қўйгандан кейингина қайтариб бераман.

Баррет ётоқхона томон ўтиб кетди. Орадан бир да-қиқадан сўнг очик рангли плашч олиб келди.

Дедрик мени бир зарб билан оёққа қўйди.

– Кетдик, – деди у. – Мен сизнинг машинангиздан фойдаланаман. Агар ортиқча ҳаракат рўй берса, сизни худди итдай отиб ташлайман.

Баррет елкамга плашчни ёпди ва пластирни ниқоблаш учун бўйнимнинг атрофига шойи шарф ўраб қўйди.

– Хўш, Мэллой, энди сен билан бошқа учрашмаймиз, – деди у менга. – Эҳтимол, сени яна кўрарман, аммо сен мени кўрмайсан, – у кўксимдан Дедрик томон силтаб, қўшиб қўйди: – Қани, юр энди!

Дедрик мени қўлимдан тутиб, йўлакка олиб чиқди. Йўлак бўм-бўш бўлиб, ҳеч ким пайқамади. Биз лифт орқали пастга, пойдевор қаватигача тушиб бордик.

Дедрик биқинимга тўппонча билан туртди.

– Эсингизда бўлсин, агар зиғирча ножўя ҳаракат қиласангиз, ҳаёт билан хайрлашаверасиз, – деб вишиллади у. Дедрикнинг юзи терлаб кетган эди.

Биз вестибюлга чиқдик. Дедрик мени гилам солинган йўлакдан олиб ўтиб, зинапоялардан «Бъюик»кача судраб борди.

Қандайдир икки қиз рўпарамиздан йўлак бўйлаб келишаётганди. Улар бизни ҳеч қандай қизиқишиз олдинга ўтказиб юборищди-ю, уйга киришди.

Дедрик машинанинг орқа эшигини очиб:

– Ўтириң! – деди.

Машинага ўтириш учун бироз энгашганимда, у тўппонча дастаги билан бошимга қаттиқ урди.

3

Менинг миям қоп-қора чуқур жарликдан машақ-қат билан зўрға халос бўлди. Ўзига келган шуурим эрталабки тумани эслатарди. Дастреб бошимда сим-сим оғриқни ҳис этдим, кўзимни очганимда, ерга елкамни бериб ётар, юзимга чўнтак фонарининг нурлари уриларди. Мен оҳ чекиб, юзимни ўғирдим, ўрнимдан турмоқчи бўлдим, аммо кўкрагимда ётган қандайдир қўл менга халақит берарди.

– Жимгина ётинг, – деб бақирди Дедрик, – бир дақиқа.

Унинг ингичка бармоқлари оғзимни зич ёпган тасмани пайпаслади ва аста-секин сидириб ола бошлади. Қўлида пластирнинг етарлича узун учи кўрингач, уни тезгина узиб олди. Бу шундай оғриқ бердики, яна инграб юбордим.

Мени фонарнинг ёруғи безовта қилди, аммо совуқ нам ҳаво ва атрофнинг қоронғилиги янада хавотирга соларди.

– Мен қаердаман? – деб инграб юбордим.

– Ҳадемай биласиз, – деган жавоб бўлди.

Қандайдир оғир нарса белимдан ушлаб турганини ҳис этдим.

Бошимни энгаштириб, белимни ўраб турган қалин занжирга кўзим тушди. Дедрик уни осилган қулфга маҳкамлаган эди. Орқага қараб, вақт ўтиши билан қо-

райиб қолган ёғочлар тутиб турган қўпол тарашланган тош деворларга кўзим тушди.

– Нима бу, шахтами? – сўрадим мен.

– Ҳа, биз юз фут ер остидамиз.

У қулфни ширқ этиб ёпди ва ўрнидан турди.

– Мана, ҳаммаси жойида. Буни мен ўйлаб топганим йўқ, Мэллой. Унинг нима деганини эшилдингиз. Мен сизга ёмонлик қилмоқчи эмасман, агар у бўлмаганида сизни шу ерда отиб ташлаган бўлардим ва шу билан тамом вассалом эди, аммо у эртага келиб, сизни кўради.

– Ҳали у мени бу ерда очликдан ўлдирмоқчими? – ҳайрон бўлиб сўрадим ва тасманинг қувватини текширмоқчи бўлдим. Боғланган қўлимдан уни узишга уриндим, аммо ҳаракатларим бефойда эди!

– Сиз очликдан ўлмайсиз, – деди Дедрик. У сигарета чекиш учун жим бўлди. Қўли майнин титрарди. – Ҳатто оч қолишга ҳам улгурмайсиз.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Кейин биласиз. Агар қарши чора қўлламасликка сўз берсангиз, мен кетмай туриб, қўлларингизни ечиб қўяман. Ҳар ҳолда ҳимояланишингиз учун имконият бўлади.

Мени титроқ қамраб олди.

– Агар қўлларимни ечиб қўйсангиз, сизни бўғиб ўлдираман, – дедим мен. – Мени осонликча қўрқитиб бўпсиз.

– Бемаъни гапларни қўйинг. Сизни нима кутаётганини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Қани, ўгирилинг-чи, қўлларингизни ечай.

Мен ўгирилдим. У елкамга тиззасини тираб, тасмани сидира бошлади. Сўнг ушлаб олмаслигим учун ўзини орқага ташлади.

Мен ўтирдим. Тура олмас, чунки калта занжир ха-лақит берарди. Күлларимни бемалол ҳаракатланти-риб, пайпаслаб кўриш ёқимли эди.

– Мана сизга фонарча, – деди Дедрик. – Сизга қи-лишим мумкин бўлган ҳамма яхшилигим шу.

– Демак, сизда озми-кўпми виждан қолган экан, – дедим мен қўлларимни қони юришиши учун уқалар эканман. – Хўш, мени нималар кутар экан?

– Билмайман.

У қия кавланган узун еrostи йўли томонга фонар-чани кўтариб, зим-зиё қоронфиликни ёритди.

– Хув нариги томонга қаранг. Нима эканлигини тахминан биласиз.

Ёруғ нур қоронфилик ичидан қандайдир бир уюм латтани ёритгандай бўлди. Диққат билан тикилиб, костюмнинг эгни эканини кўрдим.

– Бу латталар тагида суяклар ётибди, – деди Дед-рик, мен унинг кўксидан ҳавони қандай чиқариб хўр-синганини эшитдим. – Бу одамни шу ерда қолдирган эдик, мана қандайдир ўн икки соат ичидан нима бўлга-нини кўринг. Латта-путта ва суяк – бор-йўғи шу.

– Ким бу? – деб сўрадим мен ғамгин товушда.

– Аҳамияти йўқ.

Мен бу Лют Феррисдан бошқа киши эмас, деган қа-рорга келдим.

– Феррис, шундайми?

– Йўқ, бу ҳаддан зиёд қизиқувчан майда одам, – жавоб берди Дедрик терлаб кетган юзини дастрўмоли билан артар экан. – Кўрдингизми, уни қандай еб ке-тишган. Бу ерда қандайдир ёввойи маҳлук бор. Эҳти-мол, силовсин бўлиши мумкин.

У чўнтагидан иккинчи фонарчани олиб, менга ташлади.

– Ушлаб олинг. Майли, у сизда бўлсин. Агар Баррет келаётганини эшитсангиз, яширинг. Сизга фонар қолдирганимни билиб қолса, мени ўлдиради.

– Начора, шунисига ҳам раҳмат, – дедим мен ва унинг юзини ёритдим. – Дедрик, нега сиз мени бутунлай озод эта олмайсиз? Бу ишлар қўнглингизга ёқмай турибди-ку. Қани, бўлинг! Сиз қилмишларингиз учун жавобгарликдан халос бўлишингиз мумкин. Агар мени бу мушкулотлардан кутқарсангиз, қтулиб кетишингиз учун қўлимдан келган барчаchorани ишга соламан.

– Йўқ, энди менга ҳеч нима ёрдам бера олмайди, – деди у. – Сиз Барретни яхши билмайсиз. У соғлом ақлга эга ҳолда қасддан қарши бориш мумкин бўлган охирги одам. Хайр, Мэллой! Умид қиласманки, сизнинг узоқ азоб тортишингизга тўғри келмайди.

Мен қимирламасдан ўтириб қолдим. Чўнтақ фонарчасининг камайиб бораётган нури орқали Дедрикнинг тобора олислаб қоронғи еrostи йўлига кириб кетаётганини кўриб турадим. Атрофдаги зулмат мени тобора ўзига қамрай бошлади ва бўғиб юборувчи бутун оғирлиги билан совуқ терга ботирди. Мен фонарчани ёқдим. Ёрқин нур қора, ёпишқоқ, худди мазут каби зим-зиёликни итқитиб юборди, зулмат худди жонлидай ортга чекинди ва ерга қапишиб, ёруғлик атрофига жойлашди. У қайтадан менга ёпирилиш учун қулай фурсатни пойлаб турганга ўхшарди.

Биринчи ишим мени деворга парчинлаб қўйган занжирни текширишдан иборат бўлди. Занжир кам учрайдиган даражада мустаҳкам эди. Уни узиб бўлмас, кулф эса янада маҳкам ва залворли эди. Мен девордаги занжирни кўздан кечирдим. У қояга қоқилган темир илгакка маҳкамланган эди. Иккала қўлим би-

лан занжирни маҳкам ушлаб ўзимга тортдим – фойдаси бўлмади!

Оёғимни деворга тираб, занжирни қайта-қайта силтадим, бу ишни токи томирларим, пайларим чирсилагунча давом эттирдим. Мен худди шундай муваффакиятим билан Эмпайр стейг билдингдаги юз қаватли бинони жойидан қўзғатишга уриниб кўришим мумкин эди.

Аммо худди буг билан ишловчи болға каби полга афдарилиб тушдим. Бу жойдан чиқиб кетишим учун девордаги илгакни бир амаллаб суғуриб олишим керак. Мени бу ердан излаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Яхшиям Паула Жефферсон-авенюдаги турар жой биносига киради. У ердан Максининг жасадини топади, аммо бу ҳам мени кутқаришга кафолат бера олмайди. Паула Миффлиннинг ҳузурига боради. У ерда нимаям қилиши мумкин? Мени ташландиқ шахтанинг эски ерости йўлидан ахтариш кимнинг калласига келади?

Мен ваҳимага берилдим. Ахир бу сени тириклайн кўмиб юборишнинг айнан ўзи-ку! Кўзларим беихтиёр мендан ўн ярд нарида ётган йиртиқ латта-путталар тўдасига, шўрлик Феррисдан қолган уюмга тушди.

«Бу ерда қандайдир йиртқич ҳайвон санқиб юради», – Дедрик шундай деди. Начора, бўлиши мумкин! Агар бу ердан қоча олганимда, гувиллаганча чиқиб кетиб, ҳаммасини унутиб, бир бурчакда беркинган бўлардим. Агар ҳайқириғим эшитиладиган бўлса, бор кучим билан ёрдам сўраб қичқирардим. Умрим давомида қўрқувларнинг кўпини ўтказганман, аммо ҳозиргиси ҳеч бирига ўхшамас, уни синаб қўрмаган эдим.

Гўё қимирламай бир умр ўтиргандай, ўлик каби жимман. Ўзимни кўлга олиб, хотиржам бўлишга уриндим. Ваҳимага берилмаслик учун ўзимни ўзим қўрқоқ

ва ҳоказо деб калламга келган турли-туман ҳақораттарни ишлатиб, овунишга уриндим. Бир қути сигарета чиқарып, ярмидан күпини иккиге бўлиб чиқдим. Чекиб деворга суюндим ва фонар ёғдуси теварагида тарқалган оқ ёркин доирани кўздан кечирар эканман, кўзларимни юмдим.

Менинг бу ерда қанча туришим, қанча вақт ўтиши тасаввуримга ҳам сиғмайди. Агар фонар доимий ра-вишда ёқиб қўйилса, қуввати камида икки соатга ета-ди. Коронгиликда ўтиришга тўғри келса ҳамки, қувва-тини тежаш керак.

Сигареталарни санаб кўрсам, ўн еттита экан. Ҳатто унинг хира, зўрға кўринадиган чўги ҳам мени тинч-лантирадиган даражада, демак, чекаётганимда, фонарни ўчиришим мумкин.

Шундай қилдим.

Бошим узра яна бўғувчи, тинкамни қуритувчи оғир зулмат ёпирилди. Зим-зиёлик шунчалик қалин ва қуюқ эдикни, бутунлай унинг домига тушдим. Зулмат билан бирга ваҳима, кўрқув қайтиб келгандек бўлди.

Сигарета чекар эканман, тутаётган чўғга тикилиб нам қоп-коронғи зулмат қўйнида бир соатга яқин ўтирдим. Бутун фикр-ўйларимни сигарета чўғига қа-ратдим, устимга осилиб турган қоп-қора тахта қубба-лари намлигига эътибор бермай, уни унутишга ҳара-кат қилдим.

Ниҳоят ортиқ чидай олмай, фонарни ёқдим. Бутун аъзойи баданим терлаб кетган, соат эса бу коронги-лик қаърида менинг бор-йўғи саккиз дақиқа ўтирганимни кўрсатарди.

Ростакамига ўзимни йўқотиб қўйдим. Агар саккиз дақиқа ичидаги ахволим шу бўлса, унда бир соат, бир ёки икки кундан кейин ҳолим не кечади?

Фонарни пол устига қўйдим ва занжирга ёпишдим. Уни ҳақорат ва ҳайқириқларимни мутлақо эшида олмас даражага етгунимга қадар силкитиб, узишга ҳракат қилдим. Кейин занжирни ташлаб, яна жойимга ўтирдим. Шу даражада толиқдимки, гўё ўн миля масофани югуриб ўтгандай бўлдим, ҳатто оғимнинг болдиrlари тортишиб қолди, улар оҳиста титрар эди.

Бирдан қандайдир ноаниқ шитирлаш сезилгандай бўлди. Шу пайтгача ер остидаги юз фут чуқурликда жойлашган ташландик шахтада ягона товуш фақат юрагимнинг уриши-ю, қўлимдаги соатнинг заиф чиқиллаши эди, холос. Энди эса қандайдир бошқа, менга мутлақо ноаниқ бир товуш кўшилдики, у бошимни буриб, қоронғилик қаърига тикилишга мажбур этди.

Нафасимни ичимга ютиб, ярим очиқ оғзим ва ҳаддан зиёд қаттиқ ураётган юрагимга қулоқ солиб турдим – бирорта товуш эшитилмади.

Эҳтиёт бўлиб пол устидан фонарни кўтардим ва нурини ерости йўлига қаратдим – ҳеч ким йўқ!

Чироқни ўчириб, кута бошладим. Дақиқалар ортидан дақиқалар ўтди. Шундан сўнг мени яна сергаклантирган товуш эшитилди. Енгил шитирлаш, кимдир эҳтиёткорлик билан майда тошларни босиб, менга томон писиб келаётгандек. Қабристонга хос жимжитликда товуш ниҳоятда кескин эшитилади. Шитирлаш бу шахтадан бошқа жойда мутлақо эшитилмасди. Ҳатто бу ер тупроғи устига баргнинг тушиши ҳам худди гумбурлашдай эшитилади.

Фонар тугмасини босдим. Ёруғлик нури қоронғиликни худди қилич каби кесиб ташлади. Мен бир неча лаҳза ичидা ёниб турган иккита нуктани сезиб қолдим. Бу ваҳший ҳайвоннинг кўзлари бўлиши мумкин, у дарҳол яширинди. Мен эса тамоман вужудим қал-

тираб, тиззамга таяниб ўрнимдан турдим. Энгашиб олдинга қарай бошладим. Унинг нима эканлигини билмоқчи бўлдим.

«Мен кимдан қарздор бўлсам, уни ҳалоллик билан тўлайман, мана кўрасиз».

Баррет айтган бу сўзларнинг аҳамиятини энди тўла-тўкис англаб етдим. Назаримда, умрим давомидаги энг қўрқинчли лаҳзалар эди ҳозир. Кўркув туфайли қорним бураб оғрий бошлади.

Иккинчи сигаретани чекиб бўлгач, фонарни ўчирмай, яна сирли ваҳший ҳайвон пайдо бўлишини кутишга қарор қилдим. Шундай қилсан, ундан ҳимояланиш учун чора қўллашим мумкин. Чироқ ёниб турса, ваҳший ҳайвон қандай бўлмасин менга ҳамла қиласлигига қатъий ишонардим.

Мен ўтириб яна чекар, юрагимнинг дук-дук уришига қулоқ солар ва девордаги илмоқни сугуриб ташлаш ҳақида ўйлардим. Бироқ худди бошимга пахта тўлдириб қўйилгандай ҳеч нимани фикрлай олмас, барча ўйларимчувалашган ва ҳимоясиз ҳолда қоронгиликка қаратилган эди.

Яна қизил бурчакларга кўзим тушди. Улар айнан фонардан тарқалган нур тўгарагида пайдо бўлиб қолди. Қимиirlамасликка ҳаракат қилар эканман, қоронгиликда осилиб ва менга қараб турган иккита ёник нуқтага тикилиб қолдим.

Орадан икки дақиқа ўтди. Билмадим, бу икки ёниб турган нуқта яқинлашдими ёки менга шундай туюлдими, ҳар ҳолда, мен ўтирган ҳолда уни кутиб, кўркувдан ғужанак бўлиб олдим. Нафасимни ичимга ютган, фақат оғзимни очиб, нафас олиб ўтирадим.

Йиртқич ҳайвон мен томонга эҳтиёткорлик билан жимгина яқинлашарди. Унинг муайян белгиларини

ўргана бошладим. Энди ўткир тумшуғи ва орқа томонининг ғира-шира юмалоқ шарпасини фарқлайдиган бўлдим. Мен қимириламай, бир оёғим устида ўтирас, аммо буни зўрға илғар эдим. Энди қандай жонзотга дуч келаётганимни билишни хоҳлардим. Кўп кутишимга тўғри келмади. Ёруғлик нурида каламуш кўринди, аммо у оддий эмас, балки росманасига қўрқинчли бир маҳлуқ эди. Катталиги мушукка тенг келадиган, думининг охиридан ўткир тумшуғигача икки фут бўлган улкан каламуш!

У сира хавфсирамай ёруғлик доирасига кирди-ю, менга қарай бошлади. Ялтираган малла териси электр ёруғлигига товланарди.

Менинг қўлим тагида катта қиррали тош ётарди. Бармоқларим уни маҳкам ушлади. Каламуш ҳушёр тортиб, серрайиб қолди. Мен тошни олиб, унга қаратадим.

Шитирлаган овоз эшитилди, малла яшин чақнагандай бўлди, маҳлуқ эса тўхтаган жойига тош бориб урилгунча ғойиб бўлди.

Шундай қилиб, энди мени нима кутаётганини билдим. Феррисни қайси жонивор бир уюм латта ва суякка айлантирганини англадим. Шу билан бирга бу маҳлуқ оч қолса, ҳеч нарсадан қайтмаслигини ҳам тушишиб етдим.

Тош топиш учун атрофимга назар ташладим ва уларни бир тўда қилиб йиғдим. Пойабзалимнинг пошнаси билан ерни кавлаштириб, чанг қатлами ва тош бўлаклари остидан калтак топиб олдим. Гарчи унча мустаҳкам бўлмаса-да, ҳар ҳолда қурол. Мен деворга парчинланган бўлсан ҳам, каламушни бартараф этишга ярайман, аммо миямнинг туб-тубида улар битта эмас, бир нечта бўлса-чи, қанча экан, деган са-

вол бор эди. Күзларим беихтиёр латта-путталар уюмiga тикилиб қолди – буни битта каламуш эмас, бир нечтаси қилгани аён эди.

Калтакни ўнг қўлимга олдим, чап қўлим билан эса фонарни маҳкам ушлаб, деворга суюндим. Кейин кутуб турдим, қаердадир узоқроқда, қоронгиликда каламуш ҳам мени кутарди.

4

Соатнинг ёруғлиқ берадиган миллари бешдан йиғирма дақиқа ўтганини кўрсатарди. Демак, менинг шахтада бўлганимга икки соатдан зиёд вақт ўтибди. Захирамда бешта сигарета қолди, фонарнинг батареяси эса хиралашиб, ёруғлиги аста-секин тўқ сариқ тусга кирган. Охирги ярим соат давомида мен кутиш ва қулоқ солиш билан вақтни ўтказиб, фонарни ҳар беш дақиқа орасида ўчириб ёқиб турдим.

Ҳеч нимани кўрмадим ва эшийтмадим. Нам, нафасни қайтарадиган оғир ҳаво мени оғир мудроқ ҳолатга гирифтор қилди. Фақат тўхтовсиз чекиш ва сигаретанинг учқунли қолдиғига тинимсиз қарайвериш туфайли ўзимни бир амаллаб уйқудан тиярдим. Бўйнимни дастрўмолим билан боғлаб олдим, мақсадим томоғими ни эҳтиёт қилиш эди. Борди-ю, каламуш менга ташланиб қолса, бу дастрўмол ҳимоя қобигини ўтарди.

Мен кўрқувни енгдим ёки, аниқроғи, кўрқувим «учиб кетди». Ҳар қандай кўрқувнинг чегараси бор, шахтада бўлганимнинг биринчи соатида ана шуни бошимдан ўтказдим. Аммо бу ердан тирик чиқиш борасида барча умидларни ҳам рад этдим. Менинг якка-ю ягона истагим томоғимни узиб ташламасидан

олдинроқ каламушни ўлдириш бўлди, бошқа ҳеч нимани ўйламасдим.

Икки соат бамисоли икки суткадай ўтди. Чекиш, соатга қараш, каламушни ўйлаш, унга қулоқ солишдан бошқа сирам ишим йўқ. Соат миллари циферблат узра аста-секин ўрмаларди.

Яна шитирлаш эшитилди! Тош сатҳига қаттиқ, қадоқ бўлиб кетган думнинг уни тегиб ўтган эди. Мен товуш чиққан томонга навбатдаги тошни улоқтиридим ва каламуш қандай қочиб кетганини эшитдим. Аҳа, демак, у ҳали оч қолмаган. Мавжудотни яна нарироқ ҳайдаш учун бошқа тошни отдим.

Мени фонар чироқчасининг тобора хиралашиб бораётгани ташвишлантириди. Уни ўчириб, бутунлай қоронғилик ичидаги қолдим. Нафас олмасликка ҳараткат қилиб, атрофимни ўраб олган зим-зиё зулматга қулоқ солишга уриндим. Кўзларимни юмган ҳолда тахминан ўн дақиқа ўтиридим, эҳтимол, пинакка ҳам кетгандирман. Бирдан қандайдир даҳшатли ҳол рўй берди, юрагимдаги бутун қон сапчиб, миямга чикиб кетгандек бўлди. Туйкус уйғониб кетдим – қандайдир маҳлуқ товонимдан оёғимга чиқа бошлаган эди.

Ёққични босдим, орқамга совук игналар санчилгандек бўлди, ўнг қўлим беихтиёр калтакни маҳкам чангаллади. Шу даҳшатли лаҳзада ўзимдан бир неча дюйм нарида мен томонга қип-қизил ёвуз кўзларини тикканча ўрмалаб келаётган қонхўр каламушни кўриб қолдим. Унга ёруғлик тушганида, ҳуркиб яшин тезлигида бир томонга қочиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен даҳшатдан гангигиб қолганим кўйи зўрга нафас ростладим, бутун аъзойи баданим муздек терга ботди.

Сал ўтмай, ёруғлик доираси атрофида аллақачон тўрт жуфт қизил чўғ ёниб турганини пайқаб қолдим.

Улар рўпарамда бир-биридан бир фут масофада яrim доира шаклида жойлашган эди. Демак, каламушлар энди битта эмас, балки тўртта!

Мен уларга қараб нотабиий, даҳшат ичида қичқириб юбордим, аммо бу жониворлар жойидан жилмади. Йиғиб қўйган тошларни бирин-кетин олиб, газандаларга улоқтира бошладим. Аммо улар қандайдир дақиқалар ичида кўздан ғойиб бўлишиди-ю, сўнг янада яқинроқ, аввалтига нисбатан олдинроқ жойда пайдо бўла бошлади.

Яна бақириб юбордим.

– Вик! Қаердасиз?

Шундай эшитилдими ёки олис зулмат қаъридан менга жавоб беришдими, тушунмай қолдим. Кўксими ни тўлдириб нафас олдим-у, бор кучим билан момакалдироқ овозида ҳайқириб юбордим, унинг акс-садоси еости йўлининг охиригача етиб борди.

– Вик, қаердасиз?! – яна овоз келди.

– Мен шу ердаман, еости йўлининг охиридаман!

Шунчалик ҳаяжонланган эдимки, ҳатто каламушларни ҳам унтиб юбордим. Мен худди жиннилардек қичқирдим. Шу пайт қандайдир оғир махлук ёруғлик ичида «ялт» этиб кўринди ва бўйнимдаги дастрўмол тахламини тишлари билан ғажий бошлади.

Кўксимда қандайдир оғирлик ва димогимда каламуш терисининг қўланса ҳидини туйдим. Каламуш нам тумшугини юзимга тираганча томогимга тезроқ этиш учун бўйнимга ўралган рўмолча қатларини тишлари билан йиртарди.

Жирканиш ва қўрқувдан сал бўлмаса эсим оғиб қолаёзди. Силлиқ семиз биққи танани ушлар эканман, каламушнинг қўлимда типирчилаётганини сездим ва уни томогимдан куч билан ажратиб олдим. Ана шунда

ирkit, ўткир түмшүғи бирдан мен томон бурилди ва худди устара каби ўткир тишлари бармоқларимга ботди. Мен ҳаддан зиёд асабийлашиб, жунбишга келиб, бу ирkit махлукні елкамдан узиб олдим ва қулоқни тешгудай чийиллашни эшиздим. Унинг тишлари қўлимни қўйиб юборди, мени такрор тишламасидан туриб умуртқа погонасини синдиридим. Бармоқларим орасида худди шохча сингандай суяклар мажақланди. Мен жирканиб, кўнглим айниб, каламуш ўлигини бир чеккага улоқтиридим.

– Вик?!

– Мен шу ердаман!

Товушим ҳаяжон туфайли бўлинниб-бўлинниб чиқди. Ерости йўлининг энг адогида кичик ёруғлик нуқтаси кўринди.

– Боряпман! – Пауланинг овози етиб келди. Мен шу пайтгача умримда бунчалик ширали товушни эшитмаган эдим.

– Бу ёқقا! Оёғингиз остига қаранг. Бу ерда каламушлар тўлиб ётибди.

– Боряпман, боряпман!

Ёруғлик тобора яқинлашар экан, янада ёрқин ва равшанроқ бўла борди. Бир неча дақиқадан сўнг Паула ёнимга ўзини ташлаб тиззалади ва қўлларимни маҳкам қисди.

– Ох, Вик! – инグラб юборди у.

Мен энтикиб, чуқур нафас олдим ва Паулага кулиб қарамоқчи бўлдим, аммо уддасидан чиқмадим: юзимдаги мушаклар гўё тахтадай қотиб қолган ва ўзимга мутлақо бўйсунмасди.

– Паула! Сизни кўрганимдан хурсандман. Бу ерга қандай тушиб қолдингиз?

Унинг қўллари юзимни сийпалади.

– Шошманг, сиз жароҳатланганингиз йўқми?

Мен қўлимни кўтардим. Жароҳатимдан қон ирмоқдай оқарди. Агар бўйним атрофида дастрўмолим бўлмаганида, каламуш томоғимни ғажиган бўларди.

– Ҳаммаси жойида. Бу ерда битта каламуш менга ёпишиб олган эди.

Паула катта шойи шарфини ечиб, қўлимни маҳкам боғлади.

– Наҳотки бу ишни каламуш қилган бўлса?

– Ҳа. Мен уни ўлдирдим. Сизнинг орқангизда ётибди.

Паула тезгина елкаси оша қараб олди. Ёруғлик нури қоронғилик ичидаги жирканч махлуқни ёритди. Паула-нинг нафаси ичига тушиб кетди, лабларида қичқириқ қотиб қолди.

– О-о-о! Бу ерда улар кўпми?

– Ҳа, яна бир жуфти бор. Бу каламуш ҳаддан зиёд тиришқоқ эди.

У яқинроқ келиб, каламушга дикқат билан тикилди, елкаларини қисди.

– Бу ердан тезроқ кетайлик.

– Иложим йўқ. Деворга занжир билан боғланганман. Баррет мендан шу тариқа қасос олмоқчи бўлди.

Паула занжирни текшириб кўрди, мен унга бўлиб ўтган воқеаларни қисқача гапириб ўтдим.

– Вик. Мен ўзим билан тўппонча ҳам олганман. Нима деб ўйлайсиз, бирорта ҳалқасини отиб кўрсак бўлмайдими?

– Қани, уриниб кўрайлик-чи! Уни менга беринг, ўзингиз нарироқ туринг, ўқ сапчиб, сизни жароҳатлаб қўймасин тағин.

Паула йигирма бешинчи калибрли тўппончани узатди ва ўзини шахта ичига олди. Ўқ овози сал бўл-

маса қулогимни кар қилаёзди. Учинчи ўқни отганимдан сўнг бир ҳалқа занжир учеб кетди.

Бўғинларим қақшаб, секин оёққа турдим. Паула ортига қайтиб, мени сужди.

– Ҳечқиси йўқ, беш дақиқадан сўнг дуруст бўлиб қоламан. Мен бу ерда шунчаки совқотиб қолдим, холос.

Қон айланиши жойига тушиши учун тиззаларимни бир неча бор букиб ёздим.

– Сиз барибир шахтага қандай тушиб қолганингизни айтмадингиз. Менинг бу ерда эканлигимни қандай билдингиз?

– Менга қандайдир аёл қўнғироқ қилди. Исмини айтмасдан: «Уни Монте-верде конига олиб кетишиди», – деди-ю, гўшакни қўйди. Мен аёлнинг кимлиги, бундан қандай хабар топганини сўрашга ҳам улгуролмай қолдим. Вақтни ўтказмасдан тўппонча, фонар олдим-у, худди телбалардек бу ёққа чопдим. – Паула бош чайқаб, қўшиб қўйди: – Мифлинни ҳам олиб келишим керак эди, аммо шунчалик ўзимни йўқотиб қўйгандимки, буларнинг ҳаммасини унутиб юбордим. Нималарни ўйламадим дейсиз!

– Ҳечқиси йўқ. Сиз шу ердасиз, мен эса озодман, яна нима керак?

– Ҳаммаси тўғри, аммо бу еrostи йўли ва кесишув жойларида қанчалик тентирадим. Агар сизнинг қичқириғингизни эшитмаганимда, ўзим ҳам кўркувдан бутунлай гангид, додлаб юборардим. Сиз бунинг қанчалик даҳшат эканлигини тасаввур ҳам қила олмайсиз – ҳамма ерости йўллари бир-бирига шунчалик ўхашшки, асти қўяверинг.

– Ҳечқиси йўқ. Мен сизни бу ердан олиб чиқаман. Кетдик.

Паула бирдан латта-путта ва сұяклар уюмини күриб қолиб сўради:

– Бу нима?

– Бу – Льют Феррис, – дедим латта парчалари томон яқинлашиб ва фонар билан ёритиб, ҳатто бош чаноғи ҳам тозалаб еб кетилган эди. Пешананинг ўртасида кичкина тешикча кўриниб турибди. Демак, уни отишган! Қизик, нима учун?

Мен илгари костюм бўлган кийим чўнтагини кавлаб, ҳамён топиб олдим. Унда Льют Феррис номига ҳайдовчилик гувоҳномаси, иккита беш долларлик ва бир аёлнинг сурати бор эди. Мен дарҳол унинг Феррис хоним эканлигини фаҳмладим. Ҳамённи жойига кўйиб, ўрнимдан турдим.

– Бу ерга Миғлинни олиб келиш керак, – дедим мен.

Паула сұяклар уюмига дикқат билан қараб қолди.

– Наҳотки каламушлар уни шу даражага келтирган бўлса? – дея бўғиқ овозда саросимага тушиб сўради.

– Бошқа нима ҳам бўларди. Кетдик. Бу ердан чиқиб кетишимиз керак.

Паула қоронгиликка ҳадиксираб назар ташлади.

– Вик, борди-ю, улар ортимиздан қувса нима бўлади?

– Йўғ-е, ортимиздан тушишмаса керак. Кетдик.

Биз ерости йўли бўйлаб одимладик. Мен ўзимнинг фонаримни ёқдим, у зўрга ёнарди. Пауланинг фонарини кейинроқ ишлатишга қарор қилдик, чунки унинг ёруғлиги анча вақтгача керак бўлади.

Кўп ўтмай, чап томонга бурилиб кетган ерости йўлига ўтиб олдик. Мен Дедрик кета туриб, шу томонга бурилганини эсладим.

– Шу ерда буриламиз, – дедим мен.

– Нима учун тұғрига қараб кетмаймиз?

– Дедрик шу ердан кетгән эди.

Биз чапта бурилиб, юз одимча юрдик. Еости йүли адогида йўлимизни кесиб ўтган бошқа йўл чиқиб қолди. У қоп-қоронги томонга қараб кетгән эди.

– Энди қаёққа юрамиз?

– Қаёққа бўлса ҳам кетаверамиз. Мен ҳам сиздек биламан.

– Унда ўнг томонга юрамиз.

Ўнг тарафга юрдик. Бу жой нишаблик бўлиб, бир неча дақиқадан сўнг биз пастга қараб кетаётганимизни сезиб қолдик.

– Қани, бир дақиқа тўхтанг-чи! Бу ётиқ кавланган жой пастга эниб боряпти, биз эса юқорига чиқишимиз керак. Келинг, орқага қайтиб, чапта юришга уриниб кўрамиз.

– Мен нима тўғрисида галирганимни энди англодингизми? – Пауланинг овозида аччиқланиш аломатларини сездим, бу ҳолатни илгари мутлақо англамаганман. – Менда ҳам айнан шундай бўлди. Бу ерда бир соатдан ортиқ тентираб юрдим.

– Майли, кетдик.

Биз орқага қайтиб, икки еости йўли кесишган жойга келдик ва чап томонга қараб кетдик. Беш дақиқа чамаси юрган эдик, бутунлай берк тош деворга дуч келдик.

– Назаримда... назаримда сизнинг йўлингиз менинидан афзал кўринмади, – деди Паула қандайдир умидсиз оҳангда.

– Сабр қилинг, аччиқланишнинг ҳожати йўқ, – дедим мен унинг ҳолатидан ташвишга тушиб. Паула ҳамиша хотиржам ва ўзини сипо тутарди, бу ерда эса... жазаваси тутиб кетмаса эди, деб қўрқдим. – Эҳтимол,

Данғиллама ҳовлидаги қотиллик
анови ерости йўли дастлаб пастга, кейин юқорига қа-
раб кетгандир. Келинг, текшириб кўрамиз.

– Бу ёққа нега бир ўзим тушдим-а, ана лапашанг-
лик! Нега Мифлинни олиб келмадим? Вик, биз адаш-
дик! Бу ерда ҳафталаб қолиб кетиш мумкин, шу ҳолда
юқорига чиқа олмасак керак.

– Нолишни бас қилинг, – кескин гапирдим мен. –
Куруқ гапларга вақтни кетказманг. Кетдик. Ўн дақи-
қадан сўнг биз юқорига чиқамиз.

У бироз тинчланди, шекилли, яна гапирганида
овози бироз хотиржам эди.

– Кечиринг, Вик. Мен қоронгиликдан кўрқаман, ер
остидан-ку, жудаям. Ўзингни худди тупроқ тагида ти-
риклай кўмилгандек сезар экансан.

– Тушунаман. Ўзингизни кўлга олинг. Агар пушай-
мон қила бошласангиз, ҳалок бўласиз.

Мен унинг тирсагидан ушлаб, олдинга қараб юр-
дим. Оёқ остидаги пол бутунлай тик ҳолда пастга
энис, биз қандайдир қоп-қора қудукни эслатувчи ўра
ичига кириб борардик.

Бирдан фонарим учуб қолди. Паула қўлимга ёпи-
шиб олди, у сал бўлмаса бақириб юбораёзди.

– Ҳаммаси жойида. Қани, ўзингизнинг фонарин-
гизни ёқинг-чи. Мендаги фонарнинг қуввати тугаб
қолди. Анча ёнган эди.

Паула менга фонарини берди ва деди:

– Вик, шошилишимиз керак. Фонар узоқ ёрита ол-
майди.

– Бизга узоқ ёниши шарт ҳам эмас.

Кимнидир қўллаб-қувватлаш ва уни тетик ҳолга
келтириш менга тинчлантирувчи таъсир қилди. Шу
билан бирга ахволимиз ёмонлашганини англадим

ва фонар куввати тугамасдан юқорига чиқиб олишга уриниб, қадамимни тезлаштиридим.

Биз пастта қараб юрганимиз сари ҳаво тобора дим ва бўғиқ бўла борди. Кулфатимиз ошгани сайин ҳар бир қадамимиз билан қўйи эна бошладик.

Паула бирдан тўхтаб қолди.

– Биз бошқа томонга кетялмиз, – унинг овози мусиқа торидай жаранглаб кетди. – Биламан, бошқа томонга. Орқага қайтдик.

– Йўқ, тўғри кетялмиз. Еrosti йўли охирида Дедрик чап томонга бурилган эди. Мен унинг ортидан кузатгандим. Кетдик, олдинга қараб кетдик. Ўша ерда кўрамиз.

– Вик, мен кўрқяпман.

Паула мендан четланди. Унинг узук-юлуқ нафас олаёттанини эшишиб, юзини фонар билан ёритдим. Пауланинг ранги оқариб кетган, кўзлари эса қандайдир галати олазарак боқарди.

– Мен бу ерда ортиқ қола олмайман. Қайтиб кетаман. Нафасим бўғиляпти.

Менинг ўзим ҳам зўрға нафас олардим. Кўкрагимни нимадир оғир босиб тургандек, куч билан бир амаллаб нафас олардим.

– Қани, яна юз ярд юрайлик. Агар чиқиб кетиш жойи бўлмаса, у ҳолда ортга қайтамиз.

Пауланинг қўлини ушлаб, уни суяб олдим. Биз яна эллик қадам чамаси юрдик, навбатдаги чорраҳага дуч келдик. Энди ҳаводан нафас олиб бўлмай қолди.

– Мана, мен қаергадир етамиз, демаганмидим? Энди ўнг томонга қараб юрамиз. Агар унинг ер юзига чиқмай пастта қараб кетаётган ковак жой эканини сезсанак, у ҳолда қайтиб, чап томонга боришга уриниб кўрамиз.

Паула истар-истамас менга эргашди.

Хар бир еости үйли, хар бир ковакдан ўтар эканмиз, улар айнан бир-бирағта ўхшар эди. Эхтимол, биз омадга ишониб, шунчаки доира ичида бекордан-бекорга айланиб юргандирмиз. Зулмат ичида одимлар эканмиз, қадам ташлашимиз тобора қийинлашар, оёқларимиз тош осиб қўйилгандай оғирлашган, мен олдинга қадам босиш учун ўзимни мажбур қиласрдим. Паула оғзини очиб, зўрга нафас олар, уни қўллаб-куватлашга мажбур эдим. Нихоят еости үйли пастга қараб кетди, ҳатто сал-пал юқорилади.

– Биз тўғри кетяпмиз. Бунга ишонаман, – хитоб қилдим мен. – Кўряпсизми, юқорилаяпмиз.

Паула бутун оғирлигини қўлимга ташлади.

– Нақадар расво ҳаво. Энди юролмайман.

Унинг белидан ушлаб, олдинга қараб судрадим. Еости үйлининг тепа қисми тобора пастлаб, нихоят бошимизни эгишимизга тўғри келди. Йигирма қадам юргач, анча энгашиб, деярли букчайиб қолдик.

Бироз нафас ростлаш учун тўхтадик.

– Вик, биз қайтишимиз керак, – Паула мени орқага тортиди ва келган үйлимиздан қайта бошлади. Мен қоқилиб кетиб, уни қувиб етдим ва орқа томонга бурилдим.

– Эсингизни йиғинг, Паула! Қани, кетдик. Ваҳима қилишнинг ҳожати йўқ.

– Билмайман, – у пинжимга тиқилди. – Мен қўрқувдан қутула олмаяпман. Бу жой ҳаддан зиёд қоронғи.

Пауланинг қанчалик қалтираётганини сездим.

– Келинг, бироз ўтириб дам оламиз, – таклиф киритдим мен. – Бу ердан чиқиб кетишимиз шарт, чиқиб кетамиз ҳам. Фақат асабийлашмаслик керак.

Биз ўтирдик ва шунда мен пол яқинида, пастда ҳавонинг тоза ва мусаффо эканлигини сездим. Бир неча

Жеймс Хедли Чейз

дақиқадан сүнг күкракни босиб турған оғирлик йў-
қолди ва оёқлар енгиллашиб қолди.

– Хўш, қалай, яхши бўлдими?

– Ҳа.

Паула ўрнидан турди ва пешанасига тушган сочла-
рини тўғирлаб қўйди.

– Мен ўзимни ёмон тутдим. Кечиринг. Бошқа так-
рорламасликка ҳаракат қиласман.

– Ҳечқиси йўқ, – деб гўлдирадим мен ва унинг қў-
лидан тутдим. – Бу клаустрофобия. Ўтиб кетади. Хўш,
юра оласизми? Энди ўрмалаб юришимизга тўғри ке-
лади. Бошингизни кўпроқ энгаштиринг. Мен биринчи
бўлиб юраман.

Биз тош қопланган йўл узра оёғимиз, қўлимиз қо-
наган аҳволда эмаклаб кетдик. Бироз вақт ўтгач, ётиб
дам олишга тўғри келди. Томоғим қуриб, қақраб қол-
ди. Мен хириллаб нафас олар, роса терлагандим. Пау-
ла ёнимда чўзилиб ётиб олди.

– Сиз ҳақиқатан бу ердан чиқиб кетамиз, деб ўй-
лайсизми? – деб сўради у мендан заиф овозда.

– Албатта чиқиб кетамиз, – жавоб бердим мен,
аммо товушимда олдинги ишонч йўқ эди. – Бироз дам
олиб, яна юрамиз.

Мен аллақачон Дедрик бу йўлдан юра олмаганини
билгандим. Афтидан, биз қаердадир нотўғри бурил-
ганмиз.

Бирдан Паула қўлимдан ушлаб олди.

– Нима бу?

Мен қулоқ тутдим.

Қаердадир олисда, сал бўлмаса нақ ернинг марка-
зидан ёмғир шовқини ва қуруқ барглар шитирлашини
эслатувчи ноаниқ товушлар эшитиларди.

– Вик, нима бу?

- Билмадим.
- Ёмғир ёғаётганга ўхшайди-я?
- Бўлиши мумкин эмас. Қани, жим!

Биз қимириламасдан ўтирас ва бўғик шовқинга кулоқ солардик.

Шовқин аста-секин янада яқинроқдан аниқ эши-тила бошлади. Бу тош тўшалган йўл узра чопаётган минглаб майда оёқчаларнинг товуши эди. Мен улар нимани англатишини тушундим. Бу товушларни эшилган эдим, факат энди улар битта эмас, балки ўнлаб, юзлаб ададда эди.

Каламушлар юриш бошлаган эди!

5

Мен сапчиб оёққа турдим.

- Туриңт! Тезроқ! Қочамиз!
- Бу нимаси яна? – деб сўради Паула ҳангуманг бўлиб, минг мاشаққат билан ўрнидан турас экан.

Үнинг қўлидан маҳкам ушладим.

- Каламушлар! Тезроқ! Қўрқманг! Биз улардан қочишига улгурамиз!

Еrosti йўли бўйлаб букилиб қочишига тушдик. Каламушлар тапир-турири тобора яқиндан эшитила бошлади. Биз деворга урилсак ҳам, ердаги тошларга тўқнашиб кетсак ҳам, бошимиз билан тепа қисмига тегиб кетсак-да, олдинга интилишда давом этардик. Еrosti йўлидан чапга, бурчакдан бурилганимда, тепа қисми баландлашганини кўрдим. Бир неча ярдан сўнг қаддимизни бутунлай ростлаш мумкин бўлиб қолди.

- Юришни янада тезлатинг, – дедим мен Паулани оптимдан эргаштириб ва қадамимни жадаллаштирдим.

Энди чопиш осон кечди. Биз ортга қарамай, фақат олдинга интилардик. Еости йўлининг адоги кўринмасди. Бирдан Паула чайқалиб кетди, йиқилишига сал қолди, яхшиям, вақтида қўлидан ушлаб қолдим. У ўзини устимга ташлади. Оғир нафас оларди.

– Бошқа юра олмайман, – деб зўрға шивирлади у.

Мен қўлим билан Пауланинг белидан ушлаб, олдинга судрадим, аммо бир-икки ярд юрмасдан, у тўё тиззасидан урилган каби полга ағдарилиб тушди.

– Бироз нафас ростлашимга имкон беринг. Ҳозир ҳаммаси жойида бўлади. Бир дақиқа тўхтант.

Мен беихтиёр деворга суяниб туриб қолдим, қулогимни динг қилиб, нафасимни тиклашга уриндим. Майда товушлар анча узоқда қолди. Аммо мен бу бир дақиқалик жимлик эканлигини тушунардим.

– Тезроқ олдинга юриш керак.

Қаердадир яқин масофадан яна ёмғир шовқинини эслатувчи товуш эшитилди. Паула гандираклаганича оёққа тик турди.

– Кетдик, – дедим мен уни суяб ва тез-тез қадам ташладим.

Кўп ўтмай Пауланинг иккинчи нафаси очилди, биз яна олдинга қараб югурдик. Орқадаги шовқин бизни тўхтовсиз таъқиб қиласди.

Биз тобора яқинлашаётган каламушларнинг қадам товушини эшитиб, қандайдир мўъжиза туфайли тезликни оширдик. Навбатдаги чорраҳага етганимизда, мен бирор дақиқа ҳам ўйламай Паулани эргаштирганча ўнг томонга бурилдим. Биз узун ва баланд туннелга тушиб қолдик. У олдинга қараб чўзилиб кетган эди. Девор сатхини фонар билан ёритиб, қаергача кетганини билиш учун қараганимда, охирида одам

бүйи келадиган қубба шаклидаги ўтиш жойи борлигига кўзим тушди.

– Бу ёққа, – деб нафасим тиқилиб гапирдим. Паулани ўтиш жойига итардим, сўнг ортидан ўзим ҳам гандираклаб йўлга тушдим.

Катта баланд ғорга тушиб қолдик. Уни ёритиб, бир уюм ёғоч қутиларга кўзим тушди, улар ғор ўртасида катта жойни эгаллаб ётарди.

– Вик, бўёғига бошқа чиқиш жойи йўқ! – деб қичқирди Паула.

У ҳақ эди. Биз хато равишда тош ўровга тушиб қолгандик. Ундан фақат ортга чиқиб кетиш мумкин. Аммо орқага қайтиш йўли қирқиб ташланган, каламушлар тўлқини еrostи йўли бўйлаб босиб келарди.

– Тезроқ! Кириш жойини бу қутилар билан беркитамиз. Кутулиб кетишимизнинг ягона йўли шу.

Биз қутилар уюмига ўзимизни урдик, улардан бирини олиб, гандираклаганча кириш жойига қўйдик ва янгисини келтириш учун орқага чопдик. Янги қаторни теришга улгурганимиз заҳоти каламушларнинг кўланса ҳидини хис этдик. Уларнинг узун ерости йўли бўйлаб югураётган товуши эшитила бошлади.

– Тезроқ!

Мен бирданига иккита қутини қатор устига қўйдим. Паула кейинги қутини олиш учун чопиб борганида, фонар билан еости йўлини ёритдим. Мудхиш манзарага кўзим тушди-ю, бутун вужудим музлаб кетди: тор йўлак бутунлай малла тукли маҳлуклар тўдасидан жонли гилам тўшалгандай кўринарди. Қулоқни тешиб юборгудек чинқириқ, думлар ва минглаб оёқчаларнинг ерга урилишидан ҳосил бўлган товуш даҳшатли ва мудхиш, шу билан бирга уйғунлашмаган ҳолатни юзага келтирган эди.

Тўппончани олдим-у, тутёнга келган бу тўдага қаратса икки марта ўқ уздим. Ўқлар товуши қулоғимни кар қилгудек бўлиб еости йўлида тарқалди.

Даҳшатли малла гиламнинг олдинги томони бир сесканиб тўхтади. Орқага тисарилишга ҳаракат қилди, аммо чекинишнинг илож йўқ, каламушлар тўдаси бутун конни эгаллаган, олдингиларнинг ортга қайтишига йўл қўймасди.

Ўқлар учта маҳлуқни ерга михлади ва қолганлари уларга ташланиб, бир-бираидан ошиб, худди устара каби тишларини ботириб, бир зумда ғажиб бурдалаб ташлади. Ҳаво мудҳиш хунук чийиллаш билан тўлиб кетди.

Мен Пауланинг қўлидаги қутини юлиб олиб, зудлик билан ўтиш жойига қўйдим. Яна ғорга қайтиб, иккита қутини судраб келиб, уларнинг устига жойладим.

Паула ўзи олиб келган қутиларни қаторга қўяр экан, каламушлардан бири туйнукдан ўтиб, унинг оёғига ёпишди. Пауланинг қаттиқ қичқириши мени ёрдам бериш учун ташланишга мажбур қилди. Паула тепага қараб ётар, қўли билан каламушни ҳайдашга уринар, бу маҳлуқ эса тишларини иржайтирганча томоғига ёпишишга ҳаракат қиласди.

Мен тўппонча дастаги билан каламушнинг орқасига қаттиқ урдим ва уни ушлаб, бир лаҳзада қутилар деворининг нариги томонига, еости йўлига қаратса улоқтиридим. Паула жароҳатланганми, йўқми, кўриш учун вақтим йўқ эди. Мен у ташлаб юборган қутини жойига қўйдим ва янгисини олиб келиш учун отилдим.

Паула ўрнидан туриб гандираклаганча менга ёрдам беришга уринди. Биз қутиларнинг иккинчи тахламини тутатдик, деворни тўрт футдан зиёд қилиб қўйдим.

тардик, аммо бу етарли эмасди. Форга кириш жойини бутунлай беркитиб ташлаш керак. Ана шунда нисбатан хавфсиз бўламиз. Аммо бу ҳолатда ҳам каламушларнинг ёввойи тўдаси бизнинг «ижод қилган» деворимиздан ошиб ўтиши мумкин.

– Келинг, яна бир қатор терамиз, – дедим мен ҳансираб.

Биз тер тўкишда давом этдик, қутиларни судраб келиб, устма-уст қўяр ва қолганларини келтиришга уринардик.

Даҳшатли шовқин ва чийиллаш етиб келиб, ясаган деворимиз очофат каламушларнинг зарбалари остида тебрана бошлади.

– Каламуш! – деб қичқириб юборди Паула.

У қутини тушириб юборди ва ўзини орқага ташлаб, кўли билан томогини ёпди. Мен фонарча ёғудисида горни ёритдим ва яшин тезлигида яқинлашаётган мавжудотни кўрдим-у, қўлимни силтадим.

Жирканч маҳлук сал бўлмаса букиб юбориш даражасида қўлларимга ёпишди. Кейин эса енгимга осилиб, елкамга тирмашди. Унинг тирноқлари ўткир эди.

Мен фонарни ташлаб, каламушни ушламоқчи бўлдим, у бўйнимга ёпишган эди. Аммо хато қилиб, ушлай олмадим. Сидириб ташламоқчи бўлганимда, қўлимга маҳкам ёпишиб, тишларини ботирганини сездим. У иккинчи марта тишламоқчи бўлгани-да, шундай сикдимки, орқа суяклари синиб кетди. Маҳлукни девор туйнугидан нариги томонга ирғитиб юбордим, сўнг охирги қутини тешикка жойлаштириб, ўтиш жойини бутунлай беркитиб ташладим.

Паула фонарни олди-да, менга яқин келди. Биз қутилардан тикланган деворни кўздан кечирдик. Каламушлар деворнинг нариги томонида қутиларга

ёпишар, уларни ғажишига уринар, аммо қутилар қи-
мирламасдан маҳкам туради.

– Давом эттирамиз. Яна битта девор ясаймиз, ана
шунда биз қутуламиз, – дедим мен.

– Қўлингиз қонабди-ку.

– Ҳечқиси йўқ. Бўлинг, тезроқ яна бир қатор терай-
лик.

Биз яна ўнта кутини судраб келиб, керакли жойга
ўрнатдик. Чарчаганимиз боис оёқда зўрга қалқиб бўл-
са-да, ўтиш жойини учинчи қатор билан беркитмагун-
ча ишлашни давом эттирдик. Ана шундан кейин бу-
тунлай куч-қувватдан қолиб, ерга чўзилдик. Бир неча
дақиқадан сўнг Паула қаддини ростлаб оёқга турди.

– Қани, дастрўмолингизни беринг-чи, мен қўлин-
гизни боғлайман.

Қўлимни боғлаб бўлгач, у яна ёнимда чўзилиб ётди.

– Ҳозир бир шиша виски бўлганида, қанча бўлсаям
берардим, – тўнғилладим мен ва Паулани енгил қу-
чоқладим. – Энди сиз ҳаётимда саргузашт бўлмаган,
деб айта олмайсиз.

– Мен уларни четлаб ўтмоқчи эдим, – деб жавоб
берди Паула титроқ овозда. – Ҳаётимда биринчи мар-
та шундай қўрқувга дуч келдим. Сизнингча, улар ке-
тиб қоладими?

Деворнинг нариги томонидаги шовқинга қараган-
да каламушлар бу қамални энг камида бир ҳафта да-
вом эттирса керак, деб ўйлаш мумкин эди.

– Билмадим. Ҳар ҳолда тез кетмаса керак, аммо биз
қўрқмасак ҳам бўлади: улар бу ёққа ўта олмайди.

– Вик, унақада биз бу ердан чиқиб кета олмаймиз
ахир. Борди-ю, каламушлар кетиб қолган тақдирда
ҳам барибир шахтадан қандай чиқиб кетишни бил-
маймиз, фонар эса тўхтовсиз ёниб турмайди.

Мен фонар нурини ғор деворига қаратдим. Нихоят, нур ғор ўртасидаги қутилар уюмiga тушди.

– Келинг, уларда нима борлигини кўрайлик, – деб таклиф киритдим мен ва зўрга ўрнимдан туриб, оқсай-оқсай уюм томон бордим. Қутилардан бирини судраб, икки марта полга олиб урдим, қопқоғини қўпардим. Унинг ичидан яхшилаб жойланган сигарета тахламларни топдим.

– О-ҳо, қаранг, марихуана солингтан сигареталар! – хитоб қилдим мен. – Бу ерда Барретнинг маҳфий омбори жойлашган, шекилли. Нақадар омад. Улар миллиондан ҳам кўп.

Паула зўрга ўрнидан туриб, менга яқин келди.

– Ахир у буларнинг барчасини биз келган туннелдан ташиб келтирмаган бўлса керак, – дедим мен тўлқинланиб. – Атрофни қараб кўрайлик-чи, иккинчи кириш жойи йўқмикан?

Горнинг деворлариnihоятда мустаҳкам тошдан иборат бўлгани учун мен бутун эътиборимни полга қаратдим. Паула усталик билан никобланган қопқоқли туйнукни биринчи бўлиб топди. Туйнукнинг бир томонидаги қопқоқни босган эдик, кўтарилди. уни чеккасидан ушлаб, қопқоқни очишга муваффақ бўлдик. Форга мусаффо ҳаво оқими ҳуриллаб кирди.

– Мана, чиқиш жойи, – дедим мен қоронғи бўшлиқни кўрсатиб. У оёғимиз остида эди. Пастга қараб қўпол тош зиналар кетган, улар девордаги тошдан йўнилган эди. Биринчи бўлиб пастга мен туша бошладим. Охирги зинага оёқ қўйиб, тор йўлак охирида қўёш нури тушиб турганини кўрдим.

Бу йўлакдан ўтаётуб шахтадан чиқиб кетиш йўлини топдик. Қуёшнинг ёрқин нури сал бўлмаса кўзимизни кўр қилаёзди. Пастда, тагимиизда буталар билан

қопланган күмлик ястаниб ётарди. Маълум бўлишича, биз чуқур ташландик очик, саёз коннинг чеккасидан чиқсан эканмиз, унинг чуқурлигидан тор йўлақка қингир-қийшиқ сўқмоқ ўтган экан.

Мен офтоб тифи остида туарар, Паула эса сал орқа-роқда эди. Ана шунда тўсатдан қандайдир алоҳида ғовур-ғувир қулогимга етиб келди. Бирдан буталар ортида яшириниб турган иккита юк машинасига кўзим тушди. Улар анча узоқда эди. Бир нечта эркак қўллари билан мени кўрсатиб туарди. Тезда ўзимни қоронғилик ичига тортганимда, улар сўқмоқ бўйлаб юқорига, бизга томон интилишди.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

1

– Орқага, у ерда Барретнинг одамлари турибди! – деб хитоб қилдим-у, Паулани яна тор йўлак томонга итардим. – Улар ҳали сизни кўришгани йўқ. Мен бу ердан чиқиб, чалғитиб тураман. Улар ортимдан юргурган заҳоти сиз дарҳол пастга тушиб, юк машинасига ўтиринг. Иложи бўлса, биринчи дуч келган телефонгача етиб боринг-у, Мифлинни чақиринг. У одамлари билан тезроқ келсин. О’кей?

Қалтис вазиятларда Паула ҳеч қачон тортишиб ўтирмайди. У қўлимни қисди-ю, бош иргаб тушундим дегандек ишора қилди ва ўзини қоронғилик ичига олди. Шу тариқа мен ғордан яна чиқиб қочдим.

Бир неча киши илон изи сўқмоқдан юқорига чиқа бошлиди. Кўтарилиш ҳаддан зиёд тик бўлгани боис уларнинг ҳаракати суст эди. Менга нимадир деб қич-

қиришди. Мен эса қаерга қочишни белгилаш мақсадыда шоша-пиша атрофни күздан кечира бошладим.

Сүқмоқ йўл тор йўлакка кириш олдидан анча узок-қа буралиб кетган, очиқ кон четидан бир неча ярдни қамраб олган эди. Мен энди асло куч-қувватим сўнмаган ҳолда сўқмоқ бўйлаб жадаллаб кетдим.

Очиқ кондан юқори чиққач, ўсиб ётган буталар ортида қум тепалари ва улар ортидан бошланиб кетган саҳрого кўзим тушди. Бу саҳро Монте-верде конига тулашиб кетарди. Чап томонимда Сан-Диегога ўтувчи автомобиль йўли кўринар, Паула йўл олмаган бўлса, мен ўша ёққа қараб қочишим мумкин эди. Агар шу томонга қараб қочсам, у мени таъқиб қилаётганларнинг орқасида қолиб кетади. Шундай экан, менинг вазифам уларни иложи борича Пауладан узокроққа олиб кетишдан иборат. Агар унга ёрдам бермоқчи бўлсам, мен бошқа томонта, ўнгга, қум тепаларининг нақ ўртасига, бутазорлар марказига қочишим керак. У ерда хилват жойлар кўп бўлиб, бемалол яшириниш мумкин.

Мен абжирлик билан юмшоқ қум устида бир бутадан бошқасига чопиб югурадим, бу дараҳтлар мени таъқиб этувчилар кўзидан яширсин, дердим.

Ўн ярд масофада чопиб, бир лаҳзага тўхтадим-у ортимга қарадим. Карьер тепасида ҳали ҳеч ким кўринмасди, бир оний фурсат ичида қаттиқ безовта бўлдим. Улар Паулани топиб олишмаган бўлсин-да, деб хавотирландим. Аммо шунда таъқиб этувчиларнинг қичқириқлари етиб келди, демак, улар кондан сакраб чиқиб кетишади, деб ўйлаш мумкин. Мен қалин бута тагидан чиқиб, серрайиб қотиб қолдим.

Деярли шу лаҳзада карьердан биринчи одамнинг боши кўринди. Унинг ортидан яна тўрт киши пайдо

бўлди. Улар тўхтаб, атрофни кўздан кечира бошладилар. Ана шунда яна уч киши қўшилди.

Булар босқинчи кўринишидаги бақувват йигитлар эди. Улардан тўрттасининг эгнида очик қизил чизиқли пахтадан тикилган спорт кийими бўлиб, қолганлари анча уринган костюм кийган ва шаҳар харобаларида истиқомат қилувчи кишилар эди.

Улар орасида кенг яғриндор, пакана киши ажраблиб турар, афтидан, у бошлиқ ўрнида бўлиб, буйруқ беришни канда қилмасди. Тўрт йигит чапга, автомобиль йўлига чопиб кетди. Қолганлари эса ярим доира бўлиб олиб, мен томонга кела бошлашди.

Мен буталар ортига беркиниб, кенг жойдан бошқа буталар орасига сакраб ўтдим-да, яна орқамга қараб олиш учун тўхтадим. Таъқиб қилувчилар ҳам тўхтаб, қайси томонга қочганимни билолмай қолишибди. Агар мен ҳаддан зиёд эҳтиёткор бўлсан, улар топа олишмайди, сўнг каръерга қайтиб, у ердан Паулани топишади, деб ўйладим-у, буталар тагидан чиқиб, очик ялангликка томон югуриб кетдим.

Орқамдан эшитилган қичқириқларга қараганда, улар мени пайқаб қолишибди, шунинг учун тўғрига қараб ташландим. Олтин нурларини саҳро устига сочган қуёш тезгина ботди, аммо шунга қарамай, кун ҳали иссиқ, қайноқ қум устида чопиш қўрқинчли равишда оғир эди.

Мен орқага қарай-қарай, биринчи тўрт киши яна орқасига қайтиб, қувишга қўшилганини кўрдим. Таъқиб қилувчилар ярим доира бўлиб, мени тобора саҳро томонга сиқиб келардилар, шу билан катта автомобиль йўлини қирқиб қўйдилар. Иссиқ, афтидан, мендан кўра, уларга кўпроқ халақит берар, борди-ю, мен оралиқ масофани сақлашнинг уддасидан чиқа олма-

сам, қүёш уфқ ортига беркинмагунча, улардан кутулиб кетиш имкониятига эга бўламан.

Афтидан, бу фикр уларнинг ҳам хаёлига келди, шекилли, орқадан ўқ овози эшигилди, ўқ бошим тепасидан хуштак чалиб ўтди.

Мен чопаётганимда ўқ узишганидан унчалик хавотирланганим йўқ, албатта. Югураётган кишини тўппончадан нишонга олиш учун ниҳоятда уста мерган бўлиш керак. Шунга қарамай, хавфсизлигимни таъминлаш учун мен ўзимни у ёқдан-бу ёққа ташлаб чопардим.

Яна бир бор орқамга қараб, қуваётгандарнинг бироз орқада қолаётгандарини кўрдим.

Мени Пауланинг тақдиди кўпроқ ташвишга соларди. Агар кимдир юк машиналарини қўриқлаш учун қолган бўлса, у Паулани дарров ушлаб олиши мумкин. Аммо мен бошлаган режимни давом эттиришдан бошка ҳеч нимани қабул қила олмасдим. Орқага қайтиб, унга қандайдир ёрдам беришдан асло умид йўқ. Таъқиб қилувчилар шундай кенг давра олиб, сиқиб кела бошлишдики, менинг катта автомобиль йўлига чиқишим ҳамма томондан кесиб қўйилди. Агар қуршовга олишган бўлса, эртами кечми, барибир менгача етиб келишларини яхши билишади. Бу қуршовни ёриб чиқиш мумкин эмасмикан, деб ўйладим, аммо бу ишни коронғи тушмасдан уddeлаб бўлмасди. Мен олдинга кетавердим, аммо энди чопмас, балки эринчоқлик билан, бир-бир босиб борарадим. Қувиб келаётгандар ҳам қувишни секинлаштирилар, орамиздаги масофа ўша-ўшалигича қолди.

Ўнг томонимда, узокда тоғ этаги кўринди. Бу мени ташвишга солди. Ҳадемай тоғлар йўлимдаги енгиб бўлмас тўсиққа айланади, сўнг таъқиб этувчиларга

Жеймс Хедли Чейз

чат томондан тутиб олишларига имконият яратиб беради. Агар дарҳол чора кўрмасам, қопқонга тушиб қолишим ҳеч гап эмас.

Мен занжирни узиб ўтишга қарор қилдим, буни тоғ жойига етмасдан қилиш керак. Шунинг учун олдинга отилиб, сўнг кескин равишда чап тарафга бурилиб югурба бошладим.

Шу заҳоти ортимдан қичқириқлар эшистилди.

Бурилиб қараб, уч киши кум кечиб, кўндаланг келётганини кўрдим. Югуришни янада кучайтирдим, уларга нисбатан кўпроқ масофани босиб ўтишим керак. Мен ҳансираб қолдим, юмшоқ қумлик бутун режамни чиппакка чиқарди.

Биринчи бўлиб баланд бўйли йигит югурди. Унинг узун оёқлари кум устида бамисоли қанот каби учди ва менга тезда яқинлашди.

Энди у билан тоғ этаги ҳамда автомобиль йўли ўртасидаги оралиқда чопиб борардик. Агар мен новчадан ошиб кетсан, қуршовдан чиқа оламан. Борди-ю у менга етиб олса, сахронинг торгина йўлагида ҳали замон қўлига тушишим аниқ.

Масофани чамалаб кўрсам, у мени қувиб етялти. Тишларимни ғижирлатиб, тезроқ чопдим ва анча илгарилаб кетдим.

Қолган таъқибчилар – энди уларнинг барчаси югурарди – умидсиз ҳолда орқада қолиб кетишли, аммо бу йигит мени қадам-бақадам қувиб келарди. Биз аста-секин чиқиш жойига яқинлашдик. Энди мен йигитни кўрдим: юзи қип-қизил. Кепка остида тер қуяларди, лабларида заҳарханда кулги қотиб қолган.

У менга худди қутурган буқадек ташланди. Мен бурилиб кетишига уриндим. Аммо у режамни пайқаб

Данғиллама ҳовлидаги қотиллик

қолди. Менга яқинлашиб, костюмидан ушлади-да, ўзига қараб силтаб тортди.

Унинг калласига боплаб тушириш учун қўлимни кўтардим, аммо рақибим мени ушлаб олди-ю, айиқдай кучогига қисди. Бир-биримиз билан қум устида ёқалашиб кетдик.

Мен унинг қулогига бир марта зарб билан урдим, аммо зарб ярим букилган қўлим билан берилгани учун унчалик кучли чиқмади. Рақибим мендан ўзини ажратди-ю, юзимга мушт йўллади. Мен куч билан бир амаллаб бу зарбадан ўзимни четга олдим ва кўкрагига қараб урдим. Бу тўғридан берилган кучли зарба бўлиб, уни орқага тисарилишига мажбур қилди. Хужумга зўр бердим ва рақибимнинг иягига қаратса зарба бердим. Унинг боши орқага силтанди, мен иккала қўлим билан яна бир нечта зарбалар тўлқинини ёғдирдим.

Жағига ҳам худди шундай зарба бердим. У тиззабаб қолди, ўнг томондан айланиб тушган зарба бечорани ҳолдан тойдирди ва қум устига чўзилиб қолди.

Энди ўтиш жойи очиқ, аммо мен бутунлай кучсиз бўлиб қолган, оёғимни зўрга судрардим.

– Тўхта!

Бу таҳдид тўла қичқириқ мени ортга бурилиб қарашга мажбур этди. Гирдигумдан келган, елкалари кенг эркак менга яқин келди. Ўнг қўлида тўппонча бор эди. Қирқ бешинчи калибрли бу қурол тўғридан-тўғри пешанамга қаратилган эди.

Мен тўхтаб қолдим.

– Кўлингни кўтар!

Кўлларимни кўтардим. Оҳ, шунчаки тик туриш ва нафас олиш қанчалик яхши эди! Агар омадимиз келган бўлса, бу вақтда Паула телефонгача етиб борган бўлиши керак.

Мен оёғига уриб йиқитган йигит үрнидан турди. У ёнимга келиб, кинояли кулимсиради.

– Қани, Мак, уни тинтиб күр-чи! – деб буюрди гирдіғумдан келган яғриндор киши. Йигитча мени тинтиб күриб, түппончани топди-да, үртөғига иргитди.

– Башқа ҳеч нарса йўқ, Жо, – деди у ва бир чеккага чекинди.

Жо менга яқин келди, кичкина кўзлари бироз талмовсираб қаарди.

– Сен кимсан ўзи? Сени илгари кўрмаганга ўхшайман, – деди у бироз ташвишланиб.

– Мени Мэллой дейишади.

– Э, бу ўша сенга айтган одам экан-да, – гапга аралашди Мак қизиқиши ошиб.

– Ҳа, тўғри. Демак, бу ўша, яъни Барретнинг ишига ҳадеб бурнини тиқаверадиганми? – деб сўради Жо мени тўппонча билан туртиб.

– Майли, сиз айтгандек бўлаверсин, агар ёқса, – жавоб бердим мен. – Бу гапни мен тўғримда у айтган эмасми?

Жо жилмайди.

– Сен, йигитча, бутунлай адашиб кетдинг. Биз Барретнинг одамлари эмасмиз. Бу ерда ўзимизнинг ишимиз бор.

Зўрға нафас олиб қолганлар ҳам етиб келишди. Улар менга ғазаб билан хезланишди, аммо елкаси кенг йигит қўли билан орқага четланишни ишора қилди.

– Мак, йигитларни олгин-у, ишга кириш, мен эса бу дўстим билан уйчага кириб чиқаман. Ишни битиргандан кейин орқага қайтаверинглар.

Мак рози бўлиб, боши билан ишора қилди ва йигитларни ундан, кон томон кетди. Мен эса Жо билан ёлғиз қолдим.

– Қулоқ сол, дўстим, – деди яғриндор тўўпончасини силкитиб, гўё бу билан мени тешиб ташлагандай бўлди. – Сенга нимани буюришса, ҳаммасини бажар, ана шунда омон қоласан, сенга зарап етмайди. Ўзимнинг ҳам пешанангдан дарча очишга унчалик хушим йўқ. Аммо жаҳлимни чиқарсанг, бу ишни қиласман.

Мен Жони яхшилаб кўздан кечирганимдан сўнг, етарлича хотиржам бўлдим. Унинг ёши қирқларда эди. Навқирон қип-қизил юзи, кичик кўзлари ва юпқа лаблари қалин бақбақаси билан нихоясига етган эдики, мен буни шу вақтгача бирор кишида кўрмаган эдим. Гарчи бўйи унчалик баланд бўлмаса-да, кенг елкаси, калта бўйни ҳамда йўғон кўлларига қараб, хеч бир истиносиз уни горилла каби кучли дейиш мумкин эди.

– Қани, кетдик, – деди Жо менинг ўй-мулоҳазаларимни бузиб юбориб. – Олдинга қараб юравер, атрофга ҳадеб бурилаверма. Қачон тўхташни айтаман.

– У қўли билан тоғ томонни кўрсатиб, қўшиб қўйди:

– Қани, қадамингни бироз тезлаштир-чи. Агар орқага қарасанг, ҳатто елка оша қарасанг ҳам боплаб дарча очаман. Тушундингми?

Мен «ҳа» деб жавоб бердим.

– Ундай бўлса, қани юр.

Мен қаерга ва нима учунлигини билмай кетавердим. Ортимдан оғир ташланган қадамларни эшитардим. Мени олиб келаётган қўриқчига бирдан ҳамла қилишим учун оралиқ узоқлик қиласман, унинг ўқ узиши учун эса масофа жуда яқин эди.

Қадам ташлар эканман, ўз-ўзимга: «Бу қандай тўда, улар қаердан пайдо бўлган?» – деб савол бердим. Улар қандай ишни адо этади-ю, қачон ортига қайтади? Мифлин ҳамда унинг йигитлари қўлига баривир тушиши учун имкониятлар етарли деб ўйладим.

«Бу ўша йигитча, сенга у ҳақида аёл гапирганди», – деган, Макка айтилган сўзларни хотиримга келтирдим.

«Ким экан ўша аёл?»

Биз тоғ этагига етиб келдик, юриш оғирлашди. Йўл тоққа қараб кетарди. Жо кўпинча бақириб қолар: «Ўнгга юр!» ёки «Чапга бурил!» – дер, оралиқдаги ма-софани қисқартирмай олға қадам ташлашдан бошқа иложим йўқ эди.

Бу вақтга келиб қуёш ботган, қош қорайиб бошлаганди. Ҳадемай қоронги тушади, ана шунда қочиб қолишим учун имконият туғилади. Жудаям эҳтиёт бўлишими кераклигини билардим, албатта. Мени қўриқлаб келаётган киши кўлида тўйпонча билан туғилганга ўхшайди. Шундай экан, бутунлай қоронги тушгунча сабр қилиш керак, бир қарорга келиш учун кутишга тўғри келади.

– О’кей, дўстгинам! – деди тўсатдан Жо. – Тўхта! Кел, бироз дам олайлик. Менга бурилгин ва ўтири!

Ортимга ўгирилдим. У мендан тўрт ярд нарида турар, худди чўчқадай терлаб кетган эди. Шундай иссиқда тоққа кўтарилиш Жо учун ниҳоятда оғир эди.

У менга қўли билан бир тошни кўрсатди, ўзи эса бошқасини танлади. Мен ерга оғир чўқдим, дам олиш имконияти берилганидан хурсанд бўлдим.

– Чекишини истайсанми? – Жо шундай деб менга «Лайлк страйлк» сигаретасини таклиф қилди.

У ўзига битта сигарета олиб, қутисини менга ирғитди.

– Хўш, у ерда, конда, аҳвол яхши бўлдими? – деб сўради чекиб, кичкина қирғий бурнидан тутун чиқарар пар экан.

– Тұғрисини айтсам, бу курорт эмас, – жавоб бердім мен чекиб, сигаретани қайтариб берар эканман.

– У ерда одамхүр қаламушлар тұлиб-тошиб ётиди...

Жонинг күзлари олайиб кетди:

– Қаламуш дейсанми? Эшитгандаій бүлгандим, аммо ишонмагандим. – У сигаретага қараб қўйди. – У ерда тасодифан марихуанали сигаретани кўрганинг йўқми?

– Ҳа, икки миллионталар бор, кам эмас. Санаб кўрганим йўқ, албатта, аммо шунча бўлса керак, деб ўйлайман.

Жо майда етилиб кетган икки қатор тишларини кўрсатиб, ёйилиб кулди.

– Жин урсин! Шунчалик кўпми? Мен бу аёлга Баррет ўзининг захираларини шу ерда яширган десам, ишонмаган эди. Улар қандай жойлаб қўйилган?

– Кутиласга солинган. «Бу аёл» деганингиз ким бўлди?

У менга аччиқланиб қаради:

– Бу ерда, ошнагинам, саволни мен бераман. Тушундингми? Сенинг ишинг эса жавоб бериш.

Мен шунда ҳаммасини англадим.

– М-м... мана, сизлар нима билан шуғулланар экан-сиз, – деб хитоб қилдим сўнг. – Барретни талайсизлар, шундайми?

– Сен, йигитча, топдинг. Биз унинг марихуанали омборини ўмаралық, кейин ўзимиз гиёхванд моддаларни тайёрлаб сотиш билан шуғулланамиз. – Жо ўрнидан турди. – Қани, кетдик. Қоя бўйлаб тикка кетамиз, ҳеч қаёққа бурилмай тўғри кетавер. Қани, бос!

Биз яна тоғ томон қадам ташлаб кетдик.

Энди атроф бутунлай қорайиб қолди. Мен қаерга қадам ташлаётганимни илғамасдим. Аммо ортимдан кузатиб келаётган кишининг кўзи, афтидан, мушук-

Жеймс Хедли Чейз

никидан қолишмайди. У бурилишлар келганды бақириб, йўлда учраган тош ва буталардан огоҳлантирас, гўё ҳаммасини худди кундуз кундагидай кўрарди.

– Тўхта! – деб юборди бирдан у.

Мен тўхтаб, кутиб турдим. Жо қулоқни тешиб юборгудай қаттиқ хуштак чалди. Бир дақиқалар ўтгач, биздан беш одим чамаси нарида чироқ ёнди. Мен бута ва дараҳтлар ортида усталик билан ниқобланган, тўсинлардан қурилган уйчани кўрдим. У тоғ қояси тепасида жойлашган эди.

– Хўш, қалай, зўрми? – деб сўради Жо мағрур ҳолда.

– Ўзимиз қурдик. Уни пайқашдан олдин назар солишинг керак, аммо бу вақтда каллангга қўрғошин қадалган бўлади. Қани, кетдик. Ўша томонга тўғри қараб юравер.

Мен яна одимладим.

Эшик бутунлай очиқ эди. Мен кенг, оддий мебеллар қўйилган хонага кирдим. Камин олдида қўлларини орқасига қўйиб, бўялган лабида сигарета тутатганича Мэри Жером турарди!

2

Хона ўртасидаги кема фонуси атрофида оқ парвона ўзининг титроқ соясини ташлаганча тинмай айланарди. Қанотларини қокиб, у фонардан нарига учеб борди-ю, қандайдир ҳимоясиз ҳолда хона бўйлаб учеб, Жонинг рўпарасида туриб қолди. Жо қўли билан ҳашаротни уриб полга туширди-да, оёғи билан топтаб ташлади.

Мен Мэри Жеромга кўзларимни тикиб, серрайиб қолган эдим. Бошқа одамни бўлса майли, аммо бу ерда уни учратаман, деб сира хаёлимга келтирмагандим.

Мэри Жером сариқ-қизил аралаш көвбайлар либо-
сина кийган, тарғил рангдаги шимда, бошида қизил
шойи дуррача танғиган эди. Қоп-қора соchlари дурра
остига яширинган бўлиб, чиройини янада оширган.
Мен биринчи бор кўрганимдан бўён у анча озган,
ранги оқарган, шунга қарамай ҳамон мафтункор эди.

– Салом, – дедим мен. – Гапимга ишонмаслигингиз
мумкин, аммо анча вақтдан бўён сиз билан учраш-
моқчи бўлиб юргандим.

– Секинроқ, биродар, ўзингни тутиб тур, – ғўлдира-
ди Жо. – Ҳеч ким сенга гапир дегани йўқ. Анови жойга
ўтири, жим бўл!

У мени стул турган томонга қараб туртди. Стул печ
ёнида туарди.

Мен ўтирдим.

– Уни қаердан топдиларинг? – деб сўради Мэри
Жером.

Жо мағрур ҳолда истеҳзоли кулимсиради.

– Конда экан. Баланддаги тор йўлақдан чиқаётга-
нида кўриб қолдик. Саҳрого томон жуфтакни ростла-
моқчи эди, биз ушлаб олдик.

– У ёлғиз эдими?

– Албатта!

– Ундей бўлса, нега саҳро томонга қочади?

Жо Мэрига саволомуз қараб қолди ва қўли билан
жингалак калта соchlарини силаб қўйди.

– Сиз нимани назарда тутяпсиз?

– Агар у қочмоқчи бўлса, автомобиль йўлига қочи-
ши керак эди. Шундай эмасми? – дея сабр-тоқат би-
лан изоҳ берди у.

Жонинг юзидаги хуррам ифода ғойиб бўлди, ғазаб-
га тўлиб, мен томонга бурилди:

– Бу қанақаси, йигитча? Сен ёлғиз эмасмидинг?

– Бўлмасам-чи! Мен билан бирга бир қиз бор эди,
– жавоб бердим мен. – У полицияни чақиришга кетди.

Мэри иложсиз қолган қаби елкаларини қисиб
кўйди.

– Мен сизлар билан ишлашдан бош тортаман, Жо,
– деди у ўқинч билан. – Сиз нимагаки қўл урсангиз,
ҳаммаси омадсиз бўлади.

– Жин урсин, – деб сўкинди Жо ғазабдан бўғриқиб.
– Унинг ёлғиз эмаслигини мен қаердан биламан?

– Бўпти, энди бунинг аҳамияти йўқ, аммо шундай
бўлган экан, сиз қандайдир чора кўришингиз керак.

– Ҳа, тўғри. – Жо менга қаради. – Уф, лаънати! Яна
ўша конга боришимга тўғри келади. – Сиз унга қараб
тура оласизми?

Мэри бош иргади.

– Ташвишланманг, мен ўзим унга эҳтиёт бўламан.
Сиз, Жо, тезроқ боринг.

– Мэри, мана сизга тўппонча. Маҳкам ушланг.

У қирқ бешинчи калибрли оғир колт тўппончани
қўлига олиб, силкитиб кўйди.

– Бораверинг.

Жо менга тикилиб қаради:

– Кўзингта қара, йигитча, ҳазиллашма тағин. У бу
ўйинчоқни қандай ишлатишни яхши билади.

Жо кулбадан чиқди. Унинг тоғдан қандай тушиб
кетаётганини эшишиб турдим. Конга етиш учун ками-
да ярим соат вақт кетади: бу муддат давомида Миф-
лин балки ўша ерда бўлишга улгуруар.

Мэри Жером печ ёнидан узоқлашиб, менга юзма-
юз ҳолда оромкурсига ўтириди. Тўппончани ёнига кў-
йиб, оромкурсининг юмшоқ суюнчиғига тирсагини
суяди.

Хонадан қочиб чиқишим учун имконият туғилди, деб ўйладим мен, аммо бундан нима чиқарди, бoshимдан ўқ ейишим аниқ.

– Сиз билан күришгандан буён анча вакт ўтди, – гап бошладим мен. – Менинг шахтада бўлганимни Паулага сиз хабар бердингизми?

– Ҳа. Нима учунлигини сўраманг. Эҳтимол, мен хиссиётли бўлиб бораётгандирман.

Унинг овозида хоргинлик сезилди.

– Бу Жо дегани ким ўзи? Дўстингизми?

– Дўстим эмас.

Мэри бошини кўтариб, менга қаради.

– Сиз саволлар беришга шошиляпсиз, нима учун? Дарвоҷе, гапингизни давом эттираверинг. Мен устомонлик қилишдан чарчадим. Энди ўйиндан чиқаман. Мен ана шу Жони ўзимга оғдириб олишни уddyалайман деб ўйлагандим, аммо натижа чиқмаяпти.

– Келинг, бу ердан бирга чиқиб кетамиз.

– Йўқ, тўғри келмайди. Жо қидай олмайди, мен ўзим ҳам унга қарши боролмайман. Биз бироз кутиб турамиз. Борди-ю, у қайтиб келмаса, сиз бутунлай озодсиз, қаёққа хоҳласангиз, кетаверасиз.

– Фараз қилайлик, Жо қайтиб келди, кейин нима бўлади? – деб сўрадим мен ва билинтирмай стул чеккасига сурилдим. – Менга нима бўлади?

Мэри елкаларини қисди:

– У сизга ҳеч қандай ёмонлик қilmайди. Жо бундайлардан эмас. Ўзи бу ердан бутунлай кетгунча сизни шу ерда тутиб туради. Сиз ҳеч нарсадан кўрқманг. Қани, яхшилаб ўтириб олинг ва хотиржам бўлинг. Жо қайтгунича шу ерда турасиз, тушунарлими?

– Сиз бу даврага қандай тушиб қолдингиз?

Аёл аччиқ кулди:

Жеймс Хедли Чейз

– Мен Лининг хотиниман. Наҳотки шуни англама-дингиз?

Мен ҳайрон қолганимдан сал бўлмаса сакраб кетай дедим ва унга тикилиб қолдим.

– Сиз Ли Дедрикнинг хотинимисиз?

– Худди шундай.

– Ахир у Серена Маршлендга уйланган-ку!

– Аввал менга уйланган эди.

Мэри сигарета чиқариб чекди ва сигаретанинг ту-таб турган учига қараб ўйланиб қолди.

– Ли учун ҳаётда икки хотинлик беҳуда иш.

– Сиз Серена билан никоҳи сохта демоқчимисиз?

– Ҳа, худди шундай. Серена ўшандада унинг уйланга-нини билгани йўқ. Энди эса билади.

Мэри Жером яна аччиқ кулимсиради.

– Сиз унга бу ҳақда айтдингизми?

– Мен отасига айтганман.

– У шунинг учун ҳузурингизга, «Бич-отел»га кел-ганмиди?

Мэри менга қошларини чимириб қаради.

– Сиз бундан хабардормисиз? Ҳа, мен ўшандада унга ҳаммасини батафсил гапириб берганман. У менга минг доллар берди ва кўздан йўқолишим кераклиги-ни айтди.

– Энди шошмасдан бир бошдан менга ҳаммасини айтиб беринг-чи. Сиз Дедрикка қачон турмушга чиқ-қансиз?

– Тўрт йил муқаддам, аммо аниқ санаси ёдимда йўқ, чунки эсда сақлайдиган бахтли воқеа ҳам рўй бермаган. Мен Дедрик билан Парижда учрашдим-у, севиб қолдим. Шу қадар разилки, кўпгина аёллар унинг қармоғига илинганини билмай қолишади. Бил-майман, Дедрик негадир менга уйланди. Унда доимо

бир уюм пул бўларди. Менга эса ҳеч қаерда ишламаётгандай кўринарди. Афтидан, пул мени ҳам ўзига жалб этди. Мана, нимаики хоҳлаган бўлсам, барчасига эришдим, – Мэри сигарета кулинни печкага ташлади ва бошқа сигаретага қўл узатди. – Мен унинг Парижга гиёҳванд моддалар етказиб берувчи контрабандачи эканлигини билиб қолдим. Жо у билан бирга ишларди. Ли мени ҳам бу ишга тортди, – Мэри кулиб қўйди ва давом этди. – Дедрикнинг нақадар ўжар бўлиб қолишини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Шундан кейин, у Серена Маршлендни учратиб қолди. Қандай ишга қўл урганидан, мен ҳатто шубҳаланмадим. У илгари ҳам ҳеч огохлантирмасдан ғойиб бўларди, бу сафар ҳам барча ишларни бизнинг жавобгарлигимизга ташлаб, яна бутунлай йўқолди. Жо давом эттиришга ҳаракат қилди, аммо ишга қайси томонлама киришиш кераклигини билмади. Полиция бизни қўлга туширишига сал қолди. Франциядан қочишга муваффақ бўлдик ва бу ерга келиб қолдик. Ана шунда мен унинг Серена Маршлендга уйланганини билиб қолдим. Барретнинг олдига бордим. Сиз уни танийсизми?

Мен танийман деб жавоб бердим.

– У кутиш кераклигини айтди, – давом эттириди гапини Мэри юзида ғамгин ифодани намоён қилиб, – мени чув туширишга муваффақ бўлди. У Ли пулинни олиш учун Серена Маршлендга уйлангани, агар бунга эришса, дарҳол хузуримга қайтиб келишини айтди. Баррет мендан уларга халақит бермаслик, Лидан узокроқ юриш, унинг қўл-оёғини боғлаб қўймасликни сўради. Мен аҳмоқ бу гапларнинг ҳаммасига ишониб ўтирибман. «Чендоc-отель» меҳмонхонасидан жой олиб, Барретнинг олдидан қайтаётганимда, отишмага дуч келдим. Бу Барретнинг қўли билан бажарилга-

нини дарров фаҳмладим. У мендан қутулишга қарор қилган. Шунда дарҳол «Бич-отель» меҳмонхонасиға кўчиб ўтдим. – Мэри менга қараб қўйди ва сўради: – Хўш, ҳикоям сизга ёқдими?

– Оз ёки кўп даражада, – жавоб бердим мен. – Тўғри, бу мен сиздан эшитмоқчи бўлган гапга унчалик ўхшамайди, аммо аҳамияти йўқ, давом этинг.

– Сиз нимани кутган эдингиз?

– Аввал сиз гапингизни тугатинг. Шундан кейин айтаман.

У елкаларини қисди.

– Озгина қолди. Агар Ли билан учрашувим амалга ошса, уни хузуримга қайтишга кўндиromoқчи эдим. Аммо Ли «Оушен-энд» данғиллама ҳовлига кетганини билиб қолдим. Ўша ерда учратаман, деб бордим, аммо сизга дуч келдим ва унинг ўтиранганини билдим. Аммо Лини аслида ўтирамаган эдилар, шундай эмасми?

– Ха, шундай! Бироқ улар Баррет билан ўтиранлиш вариантини ўйлаб топиб, Серенадан беш юз минг долларни ўмаришди. Бу кам пул эмас. Мен яқинда Дедрикни Баррет билан бирга кўрдим.

– Мен бу гаров тўғрисида газеталардан ўқиб қолганман. энди у қаерга боришни ўйлаган бўлса, кетавериши мумкин. Майли, бу ҳақда нима ҳам дердингиз! Мен Баррет марихуанали сигаретлар захирасини ана шу конда сақлашини билиб қолдим. Биз Жо билан бирлашдик. Мен Барретдан қасос олиш учун унинг омборини ёқиб юбормоқчи эдим. У ерда уч юз минг доллардан зиёд турадиган марихуана бор. Аммо Жо бошқа йўлни: бу гиёҳванд моддаларнинг барчасини ўмариб, сотиб юбориш кераклигини таклиф этди. Гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шуғулла-

Данғиллама ҳовлидаги қотиллик

ниш эса мен учун ниҳоятда ифлос иш. Жо ҳам бундай ишга мутлақо ярамайды. Унинг калласи бу ишлар билан шугулланишга мослашмаган. Мен четга чиқаман. Шунда Жо мен учун қандайдир режа тұза бошлади, – Мәри жилмайды. – Аёл билан әркак бир том остида узоқ қолмаслиги керак, әртами кечми, у ўзининг меҳр-муҳаббатини изхор қилиб, шилқимлик қилиши турган гап.

– Йүр-е, айрим пайтда мумкин, – деб эътиroz билдирдим мен айёrona кулиб.

Бирдан отишма товуши иккимизни ҳам сакраб ўрнимиздан туриб кетишга мажбур этди.

– Нима гап? – сўради Мәри дераза олдига чопиб бориб.

– Эҳтимол, полиция Жонинг ортидан қуваётгандир, – дедим мен умидвор бўлиб. – Эҳтиёткорлик юазисдан чироқни ўчирман.

Мен фонус пилигини пасайтирар эканман, яна отишма товуши эшитилди, буниси энди яқин эди. Фонусни илгакдан олиб, милтиллаб турган оловни ўчирдим.

– Бу Жо ва Мак, – деди Мәри ва зарб билан эшикни очди.

Отишмалар шуъласи тунги зулматни ёритиб юборди. Пастда бунга жавобан учқунлар сачрар, ўқлар кулбанинг ёғоч тўсинига тегиб, пайрахаларни қўпаарди.

Оғир нафас олиб ҳансираған Жо билан Мак хонага ёпирилиб киришди ва эшикни маҳкам беркитиб олишди.

Шу дақиқадан эътиборан бир оғиз ҳам галиришмади. Улар деворга суюниб зўрга нафас олишар, ўқлар кулбанинг қалин деворларига келиб урилар, пастда водий бўйлаб эса отишма овозлари янграр эди.

– Милтиқларни чиқаринглар, – деб буюрди Жо. – Бу Баррет!

Мэри хона бўйлаб ўтиб, кичкина қазноқни очди ва иккита милтиқ билан қайтиб келиб, уларни одамларига тутқазди.

– Сизга ҳам берайликми? – деди у хотиржам, гап худди бир пиёла чой устида бораётгандек.

– Албатта! Агар бу Баррет бўлса, мен сизлар билан биргаман, – деб жавоб бердим.

У қазноқдан яна бир жуфт милтиқ, халтада ўқлар олиб чиқди.

– Нима гап, Жо? – деб сўради Мэри биз милтиқларни ўқлаётганимизда.

– Жин урсин, йигитларимиз бирдан уларнинг устидан чиқиб қолишиган. Улар Баррет бошчилигида ўн киши бўлишиган. У юкнинг бир қисмини олиб кетиш учун келган бўлса керак, деб ўйлайман. Афтидан, улар юк машиналаримизни кўриб қолиб, бизга хужум қилишган.

– Нималар деб вайсаяпсан? – портлаб кетди Мак.

– Ахир сен у ерда йўқ эдинг-ку! – У девор ёнида тиззаб турар ва Мэрига қараш учун ўгирилган эди.

– Улар коннинг тепасида, биз эса пастда эдик. Бу худди күёнларни ўқса тутишга ўхшарди. Биринчи отишмадаёқ Гарри, Лу, Жоржни отиб ўлдиришди. Колганлар эса юк машинасининг орқасига беркинишди. Баъзилар коннинг четига чекиниб бориб, мен ёлғиз

қолгунимча отишди. Нихоят бизни тамом бўлган деб ўйлашди-ю, нима бўлганини кўриш учун пастга тушишди. Гарри ва Жорж оғир ярадор бўлса-да, аммо хали нафас олишарди. Баррет иккаласини ҳам тинчтиди. Мен уларнинг бошқалар билан банд бўлиб турганидан фойдаланиб астагина бир четга қараб ўрмаладим. Кондан деярли чиқиб кетгандим, аммо бирдан Жо пайдо бўлди. Бу ярамас чекиб келарди, шунинг учун уни бир миля наридан бемалол пайқаш мумкин эди. Табиийки, улар бизнинг ортимиздан қувиб кетишиди. Мен Жодан отмасликни илтимос қилдим, аммо у худди оёғи куйган товуқдай зир югуриб, ўзининг замбарагидан ўқ ёғдира бошлади, шунда улар бизнинг қаерга қочаётганимизни пайқаб-қолишиди ва қувишни давом эттиришиди. Мен қоронфиликда ўрмалаб қутулишдан умид қилгандим, аммо Жо отишмалари билан бир миля наридаги чор-атрофни ёритиб юборганидан сўнг бу ишни қилиб бўлармиди? Мана биз шу ердамиз, улар изимиздан келишмоқда, энди томоша бўлади.

Жо жавоб бериш ўрнига ўшқирди:

– Мен ҳар ҳолда улардан иккитасини отдим. Мени отишлари қонуний эмаслигини бу хунасалар билармикан? Сен шу ҳақда ўйлаб кўрдингми?

Улар бир-бирлари билан сўкишар экан, мен уй олдидаги водийни кўздан кечирдим. У ерда яширина-диган жой йўқ. Ҳамма қилаётган кишилар биз томонга кириб келиши керак эди. Агар душман қоямизни қўлга киритса, бу тарафга мутлақо сездирмай ўтиб олиши мумкин.

Мен милтиқни дераза токчасига қўйдим ва қоронфиликни нишонга олиб, тепкини босдим. Худди шу лаҳзада водийнинг қарама-қарши томонидан чақнаш рўй берди-да, ўқ кулба деворига урилиб, овоз чиқарди.

– Улар ўша ерда, нариги томонда, – дедим мен. – Агар водийдан югуриб ўтиб кетишса, биз ҳалок бўламиз.

– Ҳечқиси йўқ, бир неча дақиқадан кейин ой чиқади, – деди Мак. – Биз бу ерга қочиб келаётганимизда, у нақ тоғнинг тепасида турганди. Ҳадемай бизга ҳамма жой аниқ кўриниб қолади.

Менга водий тубида нимадир қимирлаётган, ҳаракат қилаётганга ўхшади. Мўлжални алмаштириб, нишонга олдиму, ўқ уздим. Қандайдир ноаниқ кўланка ўзини пана жойга олди, аммо Жо ва Мак сергак тортиб, улар ҳам отишди, бизгача ожиз қичқириқ етиб келди. Бу иккиси, гарчи катта ақл-фаросат билан ажralиб туришмаса-да, аммо отишни эпларди.

– Мана, яна биттаси тайёр, – деди Жо, унинг овозида қоникиш оҳанглари сезиларди.

Мен Мэрининг елкасига қўлимни қўйиб, уни ўзимга тортдим.

– Уйда бошқа чиқиши жойи борми? – деб сўрадим шивирлаб эшикни кўрсатар эканман.

У рад этгандай бош чайқади.

– Томга-чи?

– У томонга туйнук орқали зина бор, аммо тушиш учун томда ҳеч нима йўқ.

– Аниқми?

– Фақат арқон билан тушиш мумкин, аммо бу жуда қийин.

– Қараб кўриш керак, – дедим мен. – Арқон қаерда?

– Анови ерда, ошхонада.

Жо яна отишни бошлаб юборди.

– Эҳтиёт бўл! – қичқирди у. – Улар келишяпти.

Мен ҳаракатдаги олти ёки етти шарпани кўрдим, улар пастда водий оралаб чопишарди. Биз яна ўқ

узишта киришдик. Яна икки одам йиқилди. Қолганлари эса қарама-қарши томондаги тепа ортига чекинишиди.

– Арқонни келтириб, түйнукни очинг, – дедим Мэрига. – Балки қочиб қолишимизга түғри келар.

– Нима деб шивирлашыпсизлар? – сүради шубҳаланиб Жо.

– Чекинишга тайёргарлик күрятпмиз, – дедим мен.

– Том орқали.

– Бефойда, – тұнғиллади у. – Ой чиққанида, улар бизни худди какликдай отиб ташлашади.

– Барибир уриниб күриш керак, – эътиroz билдirdim мен, ёрқин ойнинг дастлабки нурлари тепаликларнинг устки қисмини ёрита бошлаганини күриб. – Мана, ой аллақачон күтариляпты.

– Ҳа, ҳар ҳолда, уларга ҳам осон эмас, – деди Мак дераза олдида чўққалаб ўтирганча. – Энди биз нишонга тегиза олмаймиз.

– Улар нималарнидир амалга оширмоқчи, шекили. Сенга шундай туюлмаяптими? – ташвишланиб сүради Жо. – Беш дақиқадан буён битта ҳам ўқ узишмади.

– Нега ўқ узишар экан? – дедим мен. – Улар яхшироқ күриниши учун ой чиқишини кутишяпти. Шундан кейин бошлашади. Ой ёруғида бизни деворнинг орасидан ҳам кўра олишади.

– Мана арқон, – Мэри қўшни хонадан туриб қичқирди.

– Хўп, мен том устига чиқаман, – дедим мен. – Қарай-чи, у ерда нима бор.

– Сен яххиси, ўзингта қарасанг яхши бўларди, – деди заҳархандалик билан Жо. – Дафн маросимингда гуллар бўлмайди, шуни ҳисобга олиб қўй.

Мен орқа томондаги хонага ўтдим.

Мэрининг қўлида чўнтақ фонари бўлиб, у туйнукка элтувчи қисқагина зинапояни ёритиб турарди.

– Сиз бу ёқقا чиқмасангиз яхши бўларди, – деди Мэри. – Улар, эҳтимол, пайқаб қолишади.

– Эй, сизлар, ўт очиб, мени пана қилиб туринглар, – деб қичқирдим Мак ва Жога. – Мен том устига чиқаман!

– Умид қиласманки, том ағдарилиб кетмайди, – деди Мак кулиб.

Улар водийга қараб ўт очишли. Мен кутиб кулок солдим, аммо ҳеч қандай жавоб отишмаси бўлмади.

– Улар нимани ўйлаётганини билсан эди, – тўнгилладим мен. – Майли, юқорига чиқайлик-чи, у ерда нима гап бор экан.

Зинапоядан кўтарилиб, туйнук қопқоғини аста очдим. Ясси том худди кундуз куни каби ёп-ёруғ эди. Ой нури тўппа-тўғри уйга тушиб турарди.

Бошим узра тоғ қояси буралиб юқорига кўтарилиган, ундан бирор жойга яшириниш ҳам, пана бўлиш ҳам асло мумкин эмас. Ойнинг бундай ёғдусида томдан тоқقا кўтарилиш ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробар. Фақат битта имконият қолган – ой тоғ ортига ўтиб яширинса, биз турган қоя яна кўланкада қолади. Аммо кутиш учун вақтимиз бўладими, йўқми, шуни билмасдим.

Мен яна зинадан пастга сирғалиб тушдим.

– Хуш ёқадиган гап кам, – деб хабар қилдим қолганларга. – Арқон ҳам ёрдам бермайди. У ер ҳаддан зиёд ёруғ. Бирор соатдан кейин нимадир қилиш мумкиндир, аммо ҳозир эмас.

– Бир соатдан кейин бизни тобут ташийдиган машинада олиб кетишади, – деб шодон гап отди Жо бошқа хонадан.

– Қаҳва түгрисида нима дейсиз? – сўрадим мен Мэридан. – Бизга бу ерда ҳали узоқ серрайиб туришимизга түғри келади. Мен нариги хонага бориб, душманни кузатиб турман, сиз эса бизга қаҳва қайнатинг.

Мак ва Жонинг ёнига қайтдим. Биринчиси ёндирилмаган сигаретани чайнар, пастга қараб водийни кузатар, иккинчиси эса оромкурси чеккасига ўтирган кўйи очиқ қолган деразадан ташқарига назар ташлар эди.

– Сизга мабодо шахтада бир қиз дуч келмаганмиди? – деб сўрадим Макдан.

– Йўқ, нима эди?

– Сизлар мени кўриб қолганларингда, бир қиз ёнимда эди. Уни полицияга жўнатгандим.

– Барибир бизга ёрдам бера олмайди. Бу водийдан ҳеч қандай ўқ товуши эшитилмайди. Нега бундайлигини билмайман, аммо аниқ. Агар полиция бизни ахтариш учун бу ерга тумшугини тиқса, ўртамиздаги тўқнашувдан бехабар қолади, – деди Жо. – Боз устига агар полиция мени қутқарадиган бўлса, бу ғуруримни поймол қиласди.

– Йўғ-е, мен эса ўзимнинг ғуруримни қандай бўлмасин эсдан чиқаришнинг уддасидан чиқаман, – деди Мак ва истеҳзоли илжайди. – Яхшиси, мени полиция тутиб олсин, Барретнинг қўлига тушгандан кўра шуниси афзал.

– Хўш, йигитлар, сизнингча, чекиш мумкинми? – деб сўради Жо.

– Агар шунчалик чеккингиз келган бўлса, бориб полга ўтириб олинг. Мен эса ўрнингизни эгаллаб турман, – дедим унга.

– Ёмон йигит эмассан. Сени отиб қўймаганимга хурсандман.

– Мен ҳам.

У полга жойлашиб олиб, сигарета чекди.

– Бу чўчқалар негадир жонбозлик кўрсатишмаяпти, – ўсмоқчилади Мак. – Балки кетиб қолишгандир?

– Чиқиб қарагин бўлмаса, – деди Жо. – Гаров ўйнаб айтаманки, улар ниманидир мўлжаллашяпти.

Менга ҳам шундай туюлди. Водий туви ой ёруғи билан ойдинлашган бўлса, душман бизга ҳамла қила олмаслиги, қоронги тушиши билан шубҳасиз, хужум бошлаб юборишини англадим.

Мэри хонага қайноқ қаҳвали финжонларни олиб кирди. Жо ўзининг сайёхлик сувдонини олди-ю, финжонига бироз ром қўшди.

– Яна ким спиртли ичимлик истайди? – деди у сувдонини силкитиб.

Мак ҳам ўзига қўйиб, сувдонни менга узатганди, рад этдим.

– Мен фақат қаҳва ичаман.

– Хўш, бу ердан қутулиб чиқишимизнинг имкониятлари борми? – деб сўради Жо қаҳвани хўплар экан.

– Нега бўлмас экан?

– Тилингни тий, Жо, – деди қисқа қилиб Мак. – Сафсаталаринг билан фақат асабга тегасан, холос. Агар сени ўлдириб қўйишса, бирор киши ҳам йигламайди.

– Нега бирор киши ҳам? – қизишиди Жо. – Онамчи? – У иккинчи финжон қаҳвани олиш учун ўрнидан турди. – Кизлар-чи, улар бир тўда – барчаси мен учун йиғлаб дод солади.

Худди шу онда бирдан пулемёт овози тариллади. Узоқдан буталар ортидан йирик калибрли пулемёт ёлқини чақнаб, изидан ўлим овозлари янгради: тата-та-та!

– Ёт! – деб қичқирдим мен ва ўзимни полга ташладим.

Жо эшикка томон иккита заиф қадам ташлади-ю, охиста ўтирилиб, товушсиз ағанаб тушди.

Биз қимирламасдан ётдик. Пулемёт тұхтовсиз тариллаб отиларди. Ўқлар чийиллаб, деразага учар, эшик кесакисини қўпаар, қарама-қарши томондаги хона деворига тақиллаб тегарди. Кейин эса пулемёт қандай ўқ ота бошлаган бўлса, худди шундай жимиб қолди.

– Водийни қузатиб тур, – дедим Макка ва ўзим Жо томонга ўрмаладим.

Пулемёт ўқлари унинг кўкрагини илма-тешик қилиб юборган эди. Пичноқ консерва банкасини қандай кесса, ўқлар Жони худди шундай ахволга солганди.

– Ўлдиришибдими? – сўради овози титраб Мэри. Унинг бўлиб ўтган воқеалардан қанчалик таъсиrlанганини фаҳмладим.

– Ҳа.

– Нима ҳам дердик, умид қиласманки, агар бу ердан кутулиб чиқиш насиб этса, унинг онасига албатта гапириб бераман, – деди Мак. – Гаров ўйнаб айтаманки, хурсанд бўлганидан ҳамма байроқларни илиб чиқади. У бу чўчқани сира яхши кўрмаган.

– Деразадан бошингизни чиқарманг, – огоҳлантиридим мен Мэрини ва олдига эмаклаб бордим.

У дераза ёнида тиззалаб туради.

– Ана, – деди Мак, – бу итваччалар ниманидир ўйлаяпти, дегандим-а!

Шу дақиқада пулемёт яна бир сайди-ю, ўқлар бутун хона бўйлаб чақнаб кетди.

– Диққат, улар келишяти! – қичқириб юборди Мак.

Ой ёруғида қора шарпалар биз томонга югуриб, үзларини гоҳ у, гоҳ бу ёққа ураётгани, бу билан нишонимиз дуч келмасликка ҳаракат қилишаётганини күрдим. Мак бировини йиқитди, қолган бештаси биз томондаги буталар ортига водийни кесиб ўтиб, яшириниб олишди.

– Иш чатоқ, – дедим мен, дайди ўқ дераза рахига тегиб қўпариб юборганида, энгашиб қолар эканман.
– Энди улар эшигимиз олдига бемалол келганини сезмай қоламиз ҳам.

– Аммо бу ёққа жангсиз кира олишмайди-ку, – деди Мак. – Қани ром? Менинг ичгим келяпти.

У Жонинг ёнига эмаклаб бориб, чалқанчасига ағдарди ва чўнтағидан сувдонни олди.

Ўқ овози ўчганида, мен милтиқдан уч марта пулемёт ўти кўринган бутага қаратадим.

У ерда нимадир ғимирлади – қандайдир одам пулемёт олдидан сакраб турди-да, юзи билан ерга келиб урилди.

– Яхши ўқ уздинг, – деди Мак, у аллақачон дераза олдига қайтишга улгурган эди. – Энди бу шоқоллар пулемётни қўлга олиш учун яширинган жойларидан чиқишиади.

– Улар шу ерда, уй ёнида, – шивирладим Мэрига. – Орқадаги хонага боринг.

– Нега? – деди у менга синчков қараб.

– Боринг ва саволлар берманг! – дедим иложи борича қатъий гапиришга уриниб.

У итоаткорлик билан бўйсунди.

– Сизга автомат бериш керакми? – деб сўрадим Мақдан.

Мак имо қилди.

– У Жода.

Мен эмаклаб бориб, ўлдирилган Жонинг ўттиз сак-кизинчи калибрли автомат тўппончасини олдим-у, оптимга қайтдим.

– Ушланг. Энди гапимни диққат билан эшигинг. Мен том устига чиқаман. Ўқ отишни бошлаганим ҳамон эшикни дарҳол очинг. Агар омадингиз чопса, сизни тезда пайқашмайди, кейин эса кеч бўлади. Дарров отишни бошланг-у, уларни гумдан қилинг. Эсингизда бўлсин, у ерда беш киши.

– Улар сизни томда кўрганлари заҳоти отиб ўлдиришади.

– Начора, таваккал қилишга тўғри келади.

Шу пайт қоронгилик ичидан товуш эшитилди:

– Эй, сизлар, таслим бўлинглар, акс ҳолда ҳаммангизни отиб ташлаймиз.

Орқа хонада кутиб турган Мэрининг ёнига ўрмалаб бордим.

– Мен юқорига чиқаман, – дедим унга. – Улар шундоққина эшик ортида туришибди, аммо биз кутилмаган совға тақдим этамиз. Сиз шу ерда қолинг ва эътибор бериб туринг. Акс ҳолда кулфатда қоламиз.

Мен туйнукни эҳтиёткорона очдим ва сабр-тоқат билан қулоқ солиб турдим. Кейин оҳиста кўтарилдим. Бошим ва елкамни чиқардим. Ён-атроф жимжит. Водийнинг нариги тарафидан Барретнинг бирорта одами бизни кузатиб турибдими, йўқми, билмоқчи эдим. Мен кузатишмаётганидан умид қиласдим.

Худди сувилондек ястаниб, овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб, том устига ўрмаладим. Ҳар дақиқада водийнинг қарама-қарши томонидан ўқ узишларини кутардим.

Бу йўл менга қанчалик узоқ туюлганини билсангиз эди! Том четига яқинлашган заҳоти янада секинроқ ҳаракат қила бошладим.

Үқ узишлар мени сергакликка мажбур қилди. Аммо улар эшикка отишарди. Шовқин-сурондан фойдаланиб, дархол олдинга қараб сапчидим ва том четига бориб қолдим.

Тепадан туриб, қояга ёпишиб ўсган бута ва дараҳтларни күэдан кечирдим. Дастреки дақиқаларда ҳеч кимни пайқамадим, аммо уйдан йигирма ярд нарида тош ортида беркиниб олган бир йигитни аниқ сезиб қолдим. Худди ўликдек чўзилиб ётиб, қолганларини ҳам аниқладим. Улар ярим доира шаклида ёйилган, уйни нишонга олишганди. Дараҳтлар танаси ёки тошлар ортига беркиниб олишган, бирортаси бошини чиқариб қарамас ва бехуда таваккал ҳаракат қилмасди. Улардан иккитасини гумдон қилишим мумкин, аммо қолганлари Мак ўқ узгунича мени отиб ўлдиришлари тайин. Макка бу пойлоқчиларнинг қаердалигини айтиб берсам, ишончли ва ақлли иш бўларди, ана шунда уларга ҳамла қилиш мумкин.

Орқага тисарилиб эмаклаётганимда, қамалга олганлардан бири тасодифан мени кўриб қолиб қичқириди-ю, ўқ узди. Ўқ визиллаб ёнимдан ўтиб кетди. Мен бир ўқ билан уни гумдон қилдим-у, ортга бурилдим, бошқасига ўқ узар эканман, газанда илон каби ўрнидан сакраб туриб, сўнг йиқилганига кўзим тушди.

Ўрмалаб орқага қайтаётганимда пастдан ўқ овозлари янграб, сув тарновидаги пайраҳаларни учириб юборди.

Мен ярим энгашганча ўқдай учиб туйнукка кирдим, шу заҳоти водийнинг қарама-қарши томонидан ўқ товушлари эшитилди. Бу овоз ҳамма томонни тутиб кетди, мен эса бамисоли соққадай пилдираб зинапоядан пастга тушдим.

– Сиз жароҳатланмадингизми? – деб сўради Мэри.

– Йүк!

Бир сония ҳам түхтамай, олдинги хонага қараб югурдим. Эшик ёнида турган Мак қоронгиликка қарата түхтовсиз ўқ узарди.

Мен яқинлашганимда, ўқ узишни түхтатиб, эшик оргига чекинди.

– Ура, уларни бопладик! – завқ-шавқ билан хитоб қилди у. – Бешаласини ҳам гумдон қилдим. Бошқалари ёрдамга келмай туриб, бу ердан чиқиб кета оламизми?

Мэри келиб, бизга қўшилди.

– Кетдик, – дедим мен. – Тезроқ. Бу тирик қолишимизнинг биринчи шарти. Мак, сиз биринчи бўлиб борасиз, Мэри иккинчи, мен эса охирида бораман. Чакқонроқ. Тўғри буталар устига сакраймиз. Ҳамма тайёрми?

Мэри бош иргади.

– Олға!

Остонадан сакраган Мак пастдаги қалин бутазор устига тушди.

4

Биз кулбадан анчагина узоқда бўлган бутазорда қоронгиликка кўмилиб ётар ва водийни кўздан ке-чирап эдик. Қарама-қарши томондан бирор ҳаракат, бирор ўқ узиш, бирор товуш эшигилмасди.

Мак терлаган юзини қўли билан артди ва жунжиди: тоғ томондан совуқ шамол эсаётганди.

– Улар негадир жимжит бўлиб қолишибди-я? – деди у яrim паст овозда.

– Ха.

Мен ундан ярми бўшаб қолган сувдонни олиб,
Мэрига узатдим.

У рад қилди:

– Йўқ, мен совқотганим йўқ.

Оғзимга сувдонни қўйиб, ўткир ромдан бир неча
хўплам сипқордим. Мен ичкиликка мойил эмасман,
ромни ҳам фақат шамолламаслик мақсадида истеъ-
мол қилдим.

– Энди кетсак бўлар, деб ўйлайман, – дедим кейин.

– Агар улар келмайдиган бўлса, бу ерда тентираб ўти-
ришдан нима наф?

– Сизнингча, улар орқага, конга қайтишмадими? –
сўради Мэри.

– Эҳтимол. Бориб қарайлик. Баррет, афтидан,
одамлар билан таваккал қилишдан кўра, ортга қай-
тиб, марихуанани ортиш керак, деган қарорга келган-
га ўхшайди. Мабодо ортиб кетадиган бўлса, полиция
уларнинг устига ташланади.

– Агар у сизнинг қизингизни ушлаб олмаган бўлса,

– деди Мак ўрнидан туриб.

– Кетдик!

Мен олдинга биринчи бўлиб тез-тез қадам ташлаб
кетдим. Ўзимни пана жойларга олдим, бекордан-бе-
корга таваккал иш қилмоқчи эмасдим. Йўлимиз қоя-
дан пастга қараб кетарди. Кўп ўтмай, буталар сийрак-
лашди ва тоғ қояларидан водийга тушар эканмиз, йўл
киялай борди. Яна олтмиш ярд чамаси йўл босиши-
миз керак.

Очиқ майдон бошланадиган нуқтага етиб келдик.

Тўхтаб, атрофни кўздан кечирдик. Ой нури қум-
ликни ёритиб туарар, ярим миля радиусдаги ер сатҳи-
да ҳеч қандай ҳаракат сезилмасди.

– Агар улар ҳали ҳам тепалик устида дайдиб юришган бўлса, у ҳолда елкамиздан ўқ ейишимиз аниқ, – деб тўнғиллади Мак. – Хўш, таваккал иш тутамизми?

– Шундай қилишга тўғри келади. Сиз ҳозирча шу ерда тулинг, мен эса олдинга қараб кетаман. Агар менга бирор зарар етказишмаса, ортимдан келаверинг. Эътиrozлар борми?

– Сиз қандайдир дангал йигит экансиз, – деб ғўлдиради Мак елкамга мулойим уриб қўяр экан.

Мэри бир текис товушда деди:

– Менимча, улар ўша ерда қолишмаган. Конга қайтган бўлишса керак.

Мен уни ҳақ деб хисоблаб, пастга қум тепалик сари ўрмалаб кетдим. Сўнг бошимни елкамга тортиб очиқ майдонга қараб югурдим. Юз ярдча масофани босиб ўтиб, тўхтаб ортимга қарадим. Мак ва Мэри изимдан чопиб келишарди. Менга тенглашгунларича сабр қилиб турдим, сўнг шундай дедим:

– Улар конда. Ҳар томонга тарқаламиз ва узокроқка югурамиз. Бирор гап бўлса, дарҳол ётинглар.

Биз кон томондаги юмшоқ қумлик томон зўр бериб чопиб кетдик. Баъзан нафасни ростлаб олиш учун тўхтар эдик. Аммо сабрсизлик билан олға интилавердик, чунки мен Пауланинг тақдиридан нихоятда ташвишланардим. У полициягача етиб бордимикан, деб ўйлар, кондаги жимжитлик қўрқитмоқда эди. Борди-ю, Мифлин ўша ерга отряди билан борган бўлса, конда икки томонлама отишма бошланиши керак эди.

Бироз вақт ўтгач, пастда конга кириш жойи кўринди ва мен шерикларимга тўхташ ва олдимга келишни ишора қилдим.

– Бундан бўён эмаклаб юришимизга тўғри келади, – дедим мен. – Баррет соқчи қўйган бўлиши мумкин.

Жеймс Хедли Чейз

Қандай бўлмасин, биз унга тўқнаш келмаслигимиз керак. Сиз, Мэри, бироз орқада юринг, – деб буюрдим.
– Бу ишни эркакларга қўйиб беринг.

Биз яна тарқалдик, энди шовқин кўтартмай, астасекин эҳтиёткорлик билан ҳар бир чуқурча, ҳар бир бутани пана жой ҳисоблаб, улардан фойдаланган ҳолда олдинга қараб ҳаракатлана бошладик.

Мак бирдан қотиб қолди ва қўли билан олдинни кўрсатди. Ўша томонга қараб, уфқ чизиги бўйлаб турган одамнинг бошини кўриб қолдим. У худди менга ўхшаб, тиззалаб бутадан биз томонга қараб турарди.

Мак сас чиқармай мен томонга ўрмалаб келди-ю, қулоғимга шивирлади:

– Мен уни қўлга оламан. Бир пайтлар десантлар армиясида хизмат қилганман, бу менинг ишимга тегишили.

Бош ирғадим ва Мак қорни билан соқчи томон эмаклаб кетганини кузатиб турдим.

Мэри ҳам олдимгача эмаклаб келди-да, ёнимга чўзилди, у ҳам уфқнинг ёруғида одам турганини пайқаб қолган эди.

Биз худди қуршовда қолгандек кутиб ётардик. Бироқ айтарли ҳеч нима рўй бермади, Мак бизни аллади, деб ўйлай бошладим.

Бирдан соқчи ўрнидан туриб, биз томонга қаради, ой нурининг кум узра тушган нурида ажойиб нишонга айланди. Сўнгра қандайдир бўғиқ овоз чиқарди-ю, юзи билан кум устига гуп этиб тушди.

Мак бизга қўлини силкитди ва ўша заҳоти қум ортида яширинди. Мен унга томон ўрмалаб, Мэрига орқамдан келишни ишора қилдим.

– У ҳеч нарсани фаҳмлашга ҳам улгура олмади, – деб шивирлади Мак мен яқинлашганимда. – Бу менга жуда ёқяпти.

Биз кон чеккасига ўрмалаб бориб, ичкарига қарадик.

Иккита юк машинасининг чироғи тўла куч билан ишлаб, очик ёруғда бизга шиддат билан фаолият кўрсатаётганларнинг аниқ манзарасини намоён этиб турарди. Бир тўда одамлар кузовга чўп қутиларни ортишар, бошқалари эса машаққат билан туннелга элтувчи қинғир-қийшиқ сўқмоқдан пастга қараб, тушар ва янги яшикларни ўзи билан бирга олиб чиқишарди.

Ерости йўлига кираверишда Барретнинг ўзи туради. У қўлларини силкитиб зўр бериб сўкинар ва одамларини шоширгани-шоширган эди.

Мак беихтиёр Барретни нишонга олди, аммо мен уни тутиб қолдим.

– Тўхтант! У ерда шеригим бўлиши керак. Шеригим бу ердан чиқишига улгурмаган, телефонга етиб бора олмаган. Пастга тушиб, уни излаб кўраман. Агар улар мени пайқаб қолишиса, ана шунда отинглар, биринчи бўлиб Барретни нишонга олинг.

Мак бош ирғади ва мен аста-секин конга туша бошладим.

Кутилмагандан оёғим остидаги тош сирғалиб кетди. Ўзимни шартта буталар панасиға олдим, ўша ерда дамим ичимга тушиб ўтирдим. Аммо пастда ишлаётган одамлар шунчалик банд эдиларки, бирор нарсага эътибор беришмасди.

Мен паналаб юриб, коннинг охиригача бордим, машина олдигача эмакладим. Барретнинг овози яққол эшитилар, у терлаб кетган одамларни шошириб, уларга қичқирарди. Мен шовқинсиз одимлар, юк ортилган машинагача ўрмалашда давом этардим. Ишлатётган одамларга пана бўлган томонга бир амаллаб ўтиб, астагина кўтарилидим ва кабина ичига қарадим.

Бахтимга Паула ўша ерда экан. Құл-оёқлари арқон билан боғлаб ташланган, бақирмаслиги учун оғзига латта тиқиб қўйилган. У товушимга бурилиб қаради ва нигоҳларимиз учрашди. Мен эшикни очиб, кабина ичига кирдим.

Кўрқиб кетган Паула оғзидаги латтани олганимда кулимсиради.

– Ох, сизни кўрганимдан қанчалик баҳтиёрман, – деди у.

– Мен ҳам, – жавоб бердим Пауланинг қўллари боғланган арқонни кесиб. – Нима бўлди? Сиз қўққисдан уларга дуч келиб қолдингизми?

Паула бош иргади. Мен оёгини арқондан бўшатар эканман, у увишиб қолган қўлларини уқалай бошлади.

– Баррет сизни ҳамон коннинг ичиди бўлиши керак, деб ўйлайпти. Менинг у ерда бўлганимни ҳатто билмайди ҳам. У мени сиз томонга борадиган йўлни излаган, деган хайлда. Юклаб бўлгандан кейин мени шахтага ташлашини айтиб таҳдид қилди.

– Майли, ўзича ўйлайверсин. Кетдик. Тезроқ юқорига чиқиши керак. У ерда бизни дўстларимиз кутмоқда.

Биз юк машинасининг қоронги томонини кўзлаб, секин ва овоз чиқармасдан орқа томонга ўтдик. Йўлнинг ярмини босиб ўтганимизда, кон тепалигидан ошганимиз заҳоти тўсатдан ортимиздан қичқириқ эшишилди. Менинг жоним товонимга тушиб кетай, деди. Баррет бизни пайқаб қолди, деб ўйладим.

Ортимга ўтирилиб қарадим.

Баррет коннинг ичкарисига қараб туради. Пастда ишләётган уч киши ҳам тор йўлакнинг кириш жойига термилиб қолишганди. Яна даҳшатли, аъзойи бадан-

ни музлатадиган қичқириқ эшитилди. Бирдан Баррет тор йўлакнинг ичкари томонига ўқ узди ва даҳшат билан қичқирганча худди телбалардек сўқмоқ бўйлаб пастга, машиналар турган томонга ташланди.

– Каламушлар! – деб нафасим тиқилиб қолди ва Пауланинг қўлидан маҳкам ушладим. – Тезроқ юкорига. Олга!

Паула билан иланг-билинг сўқмоқ орқали юқорига чиққунимизча Мак билан Мэри конга қаратса пала-партиш ўқ уза бошлишди. Биз қичқириқ ва ўқ узишларни эшитдик, аммо ортга қайрилиб қарамасдан коннинг четига чиққунча эмаклашда давом этар, азбаройи чарчаганимиздан зўрга нафас олардик.

Мак менинг юқорига чиқишимга ёрдамлашди.

– Карагин, каламушлар! – у қўли билан пастни кўрсатди, юзи эса даҳшатдан бужмайиб кетди. – Эҳ, бу йигитларнинг куни битди!

Мен кон ичкарисига қарадим. У газандалар билан ғиж-ғиж қайнаб ётарди. Каламушлар отишма билан машғул олти киши атрофида ирғишларди. Баррет бирданига қўлини силкитиб, худди чавақланаётган чўчқадек чинқириб юборди. Учта каттакон маҳлук ёпишиб ташлангани, унинг малла терилар қайнаб ётган қозон ичида ғойиб бўлганини кўриб қолдим.

Қолган беш киши ерга қапишганча каламушларнинг қутурган тўлқини ичида қолганида яна бир гала кемирувчи чийиллаш ҳамда шовқин-сурон билан шахта ичидан чиқиб, сўқмоқ бўйлаб пастга, одамларни гумдон қилиш учун отилди.

Мен Пауланинг қўлидан ушлаб олдим.

– Бу ердан тезроқ кетайлик!

Тўрт кишилик гуруҳимиз қумлик бўйлаб катта йўл томон югуриб кетди.

САККИЗИНЧИ БҮЛИМ

1

Мен, Мэри Жером, Франкони ва Паула Брендоннинг кабинетига ёпирилиб кирганимизда, вақт ярим тундан ошган эди. Қовоғи солиқ ва бироз қизарган Мифлин сафимизнинг охирини ташкил этарди.

Округ полициясининг бошлиғи стол ортида ўти-рар ва ҳар биримизни имкон қадар синчковлик билан кузатарди. Ҳозир у шинам кийинмаган: Мифлин уни биз бошдан кечирған воқеани эшитиши учун түғридан-түғри түшакдан турғизган эди.

– Қани, ўтиинглар, – деб түнғиллади Брендон құли билан стол атрофида турған қатор стулларни күрсатиб.

У даст бурилиб, лейтенантiga тик қаради:

– Хүш, у ердан нималар топдинглар?

– Икки юқ машинада марихуана ва ўн олтита жасад, – деб жавоб берди Мифлин. – Барретни каламушлар еб битирған. Тұдадан бор-йүғи бир кишигина тирик қолған, ўша бизга ҳамма гапни галириб берди. Аммо у түғрисида сизға Мэллой маълумот беради. Эшитишни хоҳлайсизми?

Округ полиция бошлиғи менга қовоқларини уйиб назар ташлади ва стол ғаладонини тортиб, қимматбахо сигара қутисини олди. Улардан бирини үзига олди-ю, бошқаларга таклиф қилмасдан қутини яна жоғиға қайтариб ғаладонни ёпиб қўиди.

– У факт шунинг учун бу ерга келған кўринади, – деди Брендон заҳархандалик билан ва йўғон бармоқлари Мэри Жеромни кўрсатиб сўради: – Бу ким ўзи?

Данғилама ҳовлидаги қотиллик

- Ли Дедрикнинг хотини, – дедим мен.
 - Ким-ким, дединг?
 - Ли Дедрикнинг хотини.
- У Мэри Жеромга ўгирилиб қаради:
- Шунақами?
 - Ҳа, – жавоб берди у совуққонлик билан пинагини бузмасдан.

- Унга қачон турмушга чиққан эдингиз?
- Тўрт йил муқаддам.

Брендон сигарани стол устига қўйди ва оро берилган қўллари билан бошидаги оқишга мойил, дағал соchlарини силаб қўйди.

- Демак, унинг Серена Маршленд билан никоҳи ҳақиқий эмас? – деди у руҳан бўшашиб.
- Очиги, шундай, – дедим мен Брендоннинг гангид қолганидан роҳатланиб. – Менинг бошидан гапиришимни хоҳлайсизми ёки саволлар беришни афзал кўрасизми?

Брендон яна сигарани қўлига олди, қаҳр-ғазабга тўлиб, унга гугуртнинг чўпини тиқиб қўйди.

- Дедрик хоним-чи?.. Серена Маршленд бу ҳақда биладими?
- Энди билади.

Ҳар ишга қодир полиция бошлиғи оғзининг чеккалари осилиб, боши семиз елкаси ичига чўқди. У бутун кўриниши билан тақдир ҳукмига муроса қилган ва тобеликка кўнган каби қўлини силтади:

- Майли, гапиринг, фақат ҳамма айтганларимга ишонади, деб уйламант.
- Мен ўзимнинг барча изланишларимда кўпгина тахмин ва фаразларга таянганман, – дея гап бошладим курсидан бор гавдамни олдинга ташлаб. – Сўзлаб берганларимдан нималарнидир далиллар билан

исботлаш мумкиндири, аммо кўп қисмини тасдиқлаб бўлмайди. Шундай қилиб, бизга Барретнинг катта контрабандачилар тўдаси бошлиги эканлиги аниқ, у гиёҳванд моддаларни етказиб бериш билан шуғулланган. Ли Дедрик ва Льют Феррис эса Барретнинг ёрдамчилари бўлишган. Биринчиси Парижда шу иш билан машғул бўлган, иккинчиси марихуанани Мексикадан олиб келиш билан шуғулланган. Бунга етарли далилларимиз бор. Шу билан бирга Дедрик бу аёлга уйлангани ҳам бизга маълум, – мен қўлим билан Мэри Жеромни кўрсатдим. – У эри нима иш билан шуғулланганидан бехабар бўлган. Сўнг Ли Мэрини ташлаб кетиб, Серена Маршлендга уйланган ва Нью-Йоркка келиб қолган. Шундан сўнг фараз ва тахминлар бошланиб кетади. Афтидан, Маршлендларнинг ҳайдовчиси Суюки қандайдир йўллар билан Дедрикнинг аслида қандай одам эканлигини билиб қолган. Балки у Дедрикни кўрқитмоқчи бўлгандир, буни билмайман. Балки фош этаман, деб таҳдид қилгандир-у, аммо Дедрик Серена Маршлендинг пулларини эгаллаш йўлидаги режаларини барбод қилиши мумкин, деб англағандир. Шу боис Суюкининг оғзини ёпиш учун уни ўлдиргандир. Қотилликни яшириш ҳамда Серенадан кўпроқ пул ўмариш учун Дедрик ўзининг ўғирланишини ташкил этгандир. Бу ғоя аъло даражада иш берган. Ҳеч ким Суюкини Дедрик ўлдирганидан гумонсирамайди. Шу билан бирга ўғирланиш рўй бермаганига ҳеч ким шубҳаланмайди. Буларнинг барчасига Баррет тўла-тўқис ёрдам берган. Дедрик Барретнинг уйида яширинча яшайверади, сўнг беш юз минг гаров пулини ундириб олади ва Пиреллига қарши худди ўғирлагандек сохта далиллар тайёрлайди. Дарвоқе, буни амалга ошириш осон, чунки Пирелли

у яшайдиган хонанинг қаршисидаги уйда истиқомат қиласди. Барретнинг Пиреллини кўргани кўзи йўқ эди, шу сабабли унинг хонасига қармоқ, гаровдаги пулнинг бир қисмини ва тўппончани ташлайди. Сўнг полицияга ўз номини яшириб хабар беради. Полиция бу жойга келиб, Пиреллини қамоққа олади...

Шу сўзларни айтганимда Брэндон Мифлинга қиё назар ташлаб тўнгиллади:

– Биласанми, булар ҳаммаси нимага ўхшаб кетяпти? Турган-битгани Мэллойнинг ғирт сафсатаси. Мэллой, сенинг мақсадинг аниқ – Пиреллини қамоқдан чиқариб олиш. Аммо сен Дедрикни Пирелли ўғирламаганига мени ишонтирадиган ҳеч нима айта олмадинг. Хўш, яна нима гапинг бор, тўкиб сол!

– Баррет яшайдиган уйда Грация Леман номли қоровул аёл яшаган. У Барретни қўлида қармоқ туттган ҳолда кўриб қолган. Аёл Барретни қўрқитмоқчи бўлган. Дедрик Грациянинг олдига кўришиш учун келган-у, уни ўлдирган...

Брэндон заҳархандалик билан кулди.

– Уни ким ўлдирган дединг?

– Дедрик, енгил матодан тикилган костюм ва оқ наматсимон шляпа кийган ҳолда. Қотиллик рўй берган тунда унинг Грация билан бирга турганини Жон Дридон кўрган.

– Буларнинг ҳаммаси кампирларнинг чўпчагидай гап. Ўша Леман деганинг ўзини ўзи ўлдирган, тушунарлими? Сенинг эса якка-ю ягона шоҳидинг, бу – кўчадаги фоҳиша, холос. Мени унинг кўрсатмаларига ишонади, деб ўйлаяпсанми? Гувоҳларнинг бирортаси ҳам тешик тангага арзимайди.

Унинг сўзларига елка қисиб қўйишдан бошқа иложим қолмаган эди.

– Енгил матодан тикилган костюм кийган киши Дедрик эканлигини сен қаердан биласан? Илгари уни күрганмидинг?

– Йўқ, кўрмаганман. Аммо овозидан таниб қолғанман. У ўзини ўғирлаш саҳнасини ўйлаб топганида, мен билан телефон орқали гаплашган эди. Шундай товуши борки, танимаслик мумкин эмас.

– Бу ҳақда судда маслаҳатчиларга гапириб бергин, ана шунда нималар бўлишини кўрасан, – деб тиржайди Брендон. – Сенинг бугун ўзлаштирганинг шуки, Баррет контрабандачилар тўдасига бошчилик қилиб, гиёҳванд моддаларни юклаш билан машғул бўлган. Бунинг учун миннатдорман, шу, холос. Қолган ҳаммаси ҳеч қандай исботи бўлмаган уйдирмадан иборат.

Мен Франконга қарадим. У ҳам бош иргаб, гёё полиция бошлигининг айтганлариadolатдан эканлигини тасдиқлаётгандек эди.

– Майли, шундай бўла қолсин! Энди уйга тарқалиб, ухласак бўлади, – дедим Брендонга кучли зарда билан. – Мен бу ерга ўзимча келиб қолганим йўқ, агар ишонишни истамасангиз, кераги ҳам йўқ.

– Шошмагин. Айтганларингни баёнлаштириш учун тақрорлашингга тўғри келади, – деди Брендон руҳи кўтарилиб,

У Мифлинга ишора қилди. Мифлин эшикни очиб, сержант Макгроуни чақирди. Бир дақиқадан сўнг бу кабинетга эси паст, думбул киши сержант погонларини таққанича кириб келди. Унинг оқ хом семиз юзи ғам-ташвишдан холи, беташвиш эди. Бир тахлам қоғоз келтириб, курсига ўтириди-ю, кутиб қотиб турди.

Мен айтганларимни вақти, соати, қачон, қандай рўй берганини қайд этиб тақрорладим. Бу анча вақтимни олди. Сўнгра полиция бошлиғи мени, Мэри

Жером, ҳатто Паулани саволларга күміб ташлғын, аммо бундан ҳеч нима чиқмади.

– Буларнинг ҳеч қайсида бир грамм ҳам далил-исбот йўқ, – деди у ниҳоят. – Айтган гапларингиз билан судда иштирок этсангиз, округ прокурори уни қандай айлантириб ташлашини кўрасиз, – Брэндон ўша захоти Франконга ўгирилиб, қўшиб кўйди. – Менга келганда эса Дедрикни Пирелли ўғирлаган, деганман ва ҳозир ҳам шундай деб хисоблайман. Бу жайдари криминалист эса, – Брэндон мени кўрсатди, – фикримни ўзгартиришга мажбур этадиган ҳеч нима топа олмаган. У таянган барча гувоҳлари ёки ўлик, ёки ишониш қийин бўлганлардир. Агар сиз, Франкон Дельмонико баридаги Лола тасдиқлаган Пиреллининг айбисизлигини исботловчи далил судни ишонтиради, деб хисобласангиз, у ҳолда аниқ жиннисиз! Энди кетинглар. Сен, Мэллой, менинг кўп вақтимни олдинг. Бу ерга Дедрикни бошлаб кел, ана шунда балки ҳамма гаппингга ишонарман. Бу охирги сўзим! Омад тилайман!

Биз йўлакка чиққач, бир-биrimizga тикилиб қолдик.

– Ҳеч нима қила олмайсан, у ҳақ, Вик, – деди Франкон. – Сенинг айтганларинг ажойиб, аммо улар судда бизга ёрдам бермайди. Дедрикни топиш керак.

Чиқаверишда бизга Мифлин қўшилди.

– Қани, уй-уйимизга кетдик, одамлар дам олиши керак, – деб тўнғиллади у.

– Сенинг йигитларинг Дедрикни излаб кўришдими? – сўрадим ундан.

– Биз Дедрикни эмас, балки енгил матодан тикилган костюм кийган кишини ахтаряпмиз, – деди у эҳтиёткорлик билан. – Грация Леман ўлдирилган кундан бошлаб ахтаряпмиз. Сен, Вик, Брэндонга эътибор

бериб ўтирма. У Грациянинг ўлдирилганига шубҳаланмайди, фақат шунчаки бақиришни яхши кўради.

– Агар уни ахтарган бўлсаларинг, нега шу пайтгача топмадиларинг?

Чарчоқдан лейтенантнинг сўппайиб қолган ози қизариб кетди.

– Керак бўлса топамиз. Тортишиб ўтирмаймиз. Агар у шаҳарда бўлса, эртами, кечми, қамоқقا оламиз.

– Борди-ю, чукур жойга яширган бўлса-чи? Сизлар, ахир шаҳардаги ҳар бир уйни тинтиб чиқа олмайсиз тар-ку, – дедим мен қизиққонлик билан. – ахир фақат шу тарзда уни топиш мумкин.

Франкон гапга аралашди, у бизнинг арзимас мунозарамиздан чарчаб шундай деди:

– Хўп, мен ухлашим керак. Эртага оғир куним. Сизнинг эса, Вик, Пирелли устидан бўладиган судга бир ҳафта, мен белгилаган кунимга икки кун қолди. Мен судда куруқ қўл билан сўзга чиқмоқчи эмасман. Бу ҳақда сизни огоҳлантирган эдим.

Мен эътиroz билдириласдан туриб, Франкон чиқиб кетди.

Биз, яъни мен, Мэри ва Паула ишимиз унмаганидан толиқиб, чарчаб кўчага чиқдик.

– Балки мен Мэрини уйга олиб кетарман? – деди Паула.

– Ихтиёргиз. Эртага идорада учрашамиз. Балки ўша вақтгача менда бирор ғоя пайдо бўлиб қолар.

Мен уларни таксига ўтқаздим, сўнг кеттунларича қараб турдим. Ўзимнинг «Бьюик»им томон бурилиб кетаётганимда, мени Мифлин қувиб етди.

– Ачинарли, Вик, – деди у, – аммо мен ҳеч нима қила олмасдим.

– Тушунаман.

Мен машинага сұяниб, сигарета олиш учун чүнтағимга қўйл суқдим.

– Сенингча, Дедрик шаҳардан чиқиб кета оладими?
Мифлин елкаларини қисди.

– Ким билади. Биз барча йўлларга: аэропорт, автобус бекатлари, темир йўл вокзалларида кузатув жойларини қўйиб ташлаганмиз. Агар булардан қутулиб чиқиб кетса, унинг омади. Аммо шундай жой топиб, ўтирган бўлиши мумкинки, хеч ким ўша ердан қидиришни хаёлига ҳам келтирмаслиги мумкин. Шунақага ўхшайди.

Мен бош ирғадим.

– Биз шубҳа остига олинган уйларнинг ҳаммасини текшириб чиқдик, – гапини давом эттириди Мифлин.
– Агар яширинган бўлса, у ниҳоятда ишончли жой бўлиши керак.

Тўсатдан калламга бир фикр келиб қолди.

– Ҳа, афтидан, шунақага ўхшайди, – дедим мен. – Гаров ўйнаб айтаманки, у ҳали шаҳарда. Шошма, Тим, кетма. Мен ниманидир ўйлаганга ўхшайман. Сен уйда бўласанми? У ҳолда ётишга шошимай турасан, балки мен сенга кўнгироқ қиласман.

– Хаёлингга нима келди? – сўради Мифлин. – Сенингча, у қаерда яширинган?

Мен машинамга чиқиб, двигателни ўт олдирдим.

– Сизлар ахтаришга ҳаддингиз сиғмайдиган жойда, – деб жавоб бердим мен. – «Оушен-энд» ҳашаматли саройида у, оғайни!

Машинамнинг тезлигини ошириб, газни босдим. Мифлин орқамдан нимадир деб қичқирди, аммо мен энди уни эшитмасдим.

«Оушен-энд»га элтувчи хусусий йүлдан бурилиб, автомобиль чироқларини ўчирдим. Бу ҳашаматли ҳовли ақлга сигмас даражада, Дедрик яшириниши мумкин бўлган энг қулай маскан ҳам. Агар тўнгич Маршленд кетган бўлса, қизи ёлғиз қолган. Дедрик Серенага турли ёлғонларни дўндириб, яшириниш ҳақида ҳеч бир қийинчиликсиз келишиб олиши мумкин.

Албатта, бу бор-йўғи тахмин, холос. Гарчанд ўлгудай уйқум келаётган бўлса-да, мен текшириб кўрмасдан ухлай олмаслигимни яхши билардим.

Ховлига бир миля қолганида тўхтаб машинадан тушдим. Йўлнинг қолган қисмини пиёда босиб ўтсам ишончли бўлади.

Асосий дарвоза бутунлай берк экан. Мен ўғрилардан бундай данғиллама ҳовлида ўрнатиладиган турли хилдаги сигнал қурилмалари хусусида эшитгандим. Шу боис ўзимни дарвазадан узоқ тутдим. Баланд девор ёнидан ўтаётиб, осилиб турган, чирмашиб ўсуви лианага қўзим тушди. У мени кўтара оладиган даражада мустаҳкам эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Девор устига чиқишимга озгина ҳаракат кифоя қилди. Кўз олдимда ой ёғдусида яшнаб, барқ уриб ётган боғ намоён бўлди. Мен шовқин солмасликка ҳаракат қилиб, эҳтиёткорлик билан тўпла-тўғри гулзор устига сакрадим.

Сал узоқда уй кўринди ва мен яшириниб, ҳар бир соя тушган жой ва бута ортига писиниб беркинган кўйи ўша томонга яқинлаша бошладим. Улар айвонга боравериш йўлимдаги ҳар қадамда учрас эди.

Пастки қават бутунлай қоронғиликка чулғанганд. Шунга қарамай, тепадаги икки деразадан ёруғлик та-

ралиб турибди. Вақт ярим кечадан ошган бўлса-да, кимдир ҳануз уйғоқ эди.

Мен айвон томон зинадан кўтариilar эканман, ре-зина таглик қўйилган пойабзалим бирор марта ҳам ғижирламади. Деразалардан биридан менга тушган нур айвоннинг оқ тош плиталарини ёритиб, очик, тўртбурчак шакл пайдо қилди. Юқорига чиқиб бориш жуда осон. Дераза болохонали айвонда ўрнатилган. Мен панжарага оёғимни қўйиб, юқориги харигача етдим, сўнг икки қўлим билан маҳкам ушлаб кўтарили-дим-у, парда осилмаган деразага назар ташладим.

Кўзларимга ишонмай қолдим: каравотда енгил ма-тодан тикилган костюм кийган киши бемалол ялпа-йиб ётарди. Бир қўлида вискили бордоқ, иккинчисида эса журнал. Оғзида қистирилган сигарета тутаб турар ва у дикқатини жамлаб, ниманидир ўқир эди.

Шундай қилиб, менинг тахминим тасдиқланди. Дарвоқе, иш муваффақиятли якунланди, деб ўйлаш мумкин: у шу қадар яхши ҳисобини олганки, бу жой-дан бошқа қаерда ҳам шундай хавф-хатарсиз яшаш мумкин?

Йўқ, бу одамни ёлғиз ҳолда қўлга олмоқчи эмас-ман. Менга гувоҳлар керак. Афсусланиб, нақшинкор панжарадан айвонга сакраб тушдим-у, яқин атроф-даги телефон-автоматни эслай бошладим. Аммо, ўй-лашимча, бу атрофда бўлиши мумкин эмас. Боз устига менга ҳаддан зиёд керакли одамни бу ерда ёлғиз, қаровсиз қолдириб бўлмайди. Агар ухлаб ётганида телефон будкасини ахтариш баҳонасида ҳовлида қолдириб кетишим мумкин эди. Лекин айни дамда у ҳар бир дақиқада ўрнидан туриб, кетиб қолиши мумкин.

Шунда бирдан залда телефон туриши эсимга тушди.

Мен айвон орқали ойнаванд эшикка яқинлашдим, у залга олиб борарди. Ойнинг ёрқин нурида эшикдаги автоматик сигнализацияни кўздан кечирдим. Шубҳали ҳеч нимани пайқамадим. Эшикнинг қулфини очиш ўрнига уйни айланиб ўтиб, очиқ деразани ахтаришга тушдим.

Бу оқшом мен учун омадли келди. Уй биносини айланиб кўриб, уйнинг орқа қисмида битта деразага кўзим тушди, у осонгина очилди. Бошимни ичкарига тиқиб, қулоқ солдим. Ҳамма жой жимжит. Ён чўннагимни кавлаб, Пауланинг фонарини олдим. Унинг қуввати гарчи ўтириб қолган бўлса-да, рўпарамда залга олиб чиқувчи йўлак турганини кўрсатди.

Қўлларимга таяниб, деразага чиқиб олдим. Сўнг уни ёпиб, оёқ учида залга томон ҳаракат қилдим.

Уйда осудалик ҳукм сурарди. Залга ўтишдан олдин бироз вақт қулоқ солиб турдим. Сўнг кириб, ортимдан эшикни маҳкам ёпдим.

Телефон аппарати диван ёнида туарди. Мен гўшакни кўтариб, Мифлиннинг рақамини тердим.

Чақирилаётган узундан-узоқ гудок товушини кўнглимдан ўтказа туриб, баланд қаватдаги ҳар бир овозни илғаб олишга уринардим. Ниҳоят шиқирлаш эшитилиб, Мифлин «Хэллоу!» деди.

– Мен уни топдим, – дея шивирладим гўшакни оғзимга маҳкам босиб. – У «Оушен-энд»да. Бир неча дақиқадан сўнг бу ерга кела оласанми?

– Аниқми, ўзинг ишонасанми? – Мифлиннинг овози ҳаяжондан титраб кетди.

– Албатта, ишонаман. Уни ўзим кўрдим. Энди яхшилаб эшишт, Тим. Ўзинг билан бирга Мэри ва Паулани ҳам олиб кел. Гувоҳ сифатида. Машинани уйдан узоқроққа қўйгин. Дарвозага яқин келманлар, яхшиси,

девордан ошиб ўтинглар. Айвонга күтарилгач, мен чақирмагунимча эшик орқасида туринглар. О'кей?

– Сен ўзинг ҳақиқатан ўша эканлигига ишонасанми? – қайта сўради Мифлин. – Хусусий уйга ордерсиз бостириб кирадиган бўлсам, иш жойим ва лейтенантлик юлдузчаларимдан ажралиб қолишим мумкин.

– Шу сафар амалингни ўйламай турсанг яхши бўларди! Тезроқ бўл! Мен қизларга айтаман, улар кийиниб, сени кутиб туришади. Хуллас, сизларни йигирма дақиқадан сўнг кутаман, – дедим мен ва эътиroz билдиришга улгура олмасидан гўшакни кўйдим.

Сўнг дарҳол Пауланинг рақамини тердим.

– Тезроқ кийининглар, – дедим у гўшакни кўтарганида. – Ўзингиз билан бирга Мэрини ҳам олинг. Йигирма дақиқадан сўнг Мифлин сизларнинг хузурингизга боради. «Оушен-энд»га жўнайсизлар. Мен Дедрикни топдим.

Паула сўраб ўтирумади, бунга вақт сарфламай, ҳозир тайёр бўламиз, деди.

Мен гўшакни кўйиб чекдим, ҳаяжондан терлаб кетганимни ана шунда хис қилдим.

Қаердадир зулмат ичида залда турган соат вақтни жиддий равишда ҳисоб-китоб қиласарди. Мен диванда ўтирганча оёғимни ликиллатар ва хотиржам бўлишга уринардим. Агар омадимиз келса, иш шу билан охирiga етади, ҳаммаси меъёрдагидек кетса, Пирелли эрталаб озодликка чиқади.

Кўзларимни юмдим. Охирги марта ухлаганимдан бери узоқ вақт ўтгандек туюлди, назаримда. Ҳа, Макси менга Барретнинг хонаси калитини берганидан бўён кўп вақт ўтди. Ҳатто бир-икки соатдан сўнг ҳаммаси тугаши, бари ниҳоясига етишига ишонмай ҳам қолдим.

Бирдан юқорида ўқузилгани эшилди.

Мен дивандан учиб кетгудай бўлиб турдим. Зални оралаб ўтиб, ўқ товушининг акс-садосидан олдинроқ эшикни очдим.

Коронғилик қўйнида тик туриб, қулоқ тутдим. Қаердадир эшик очилди. Чироқ ёнди. Кимдир зина-поя ёнидаги тор йўлакдан югуриб ўтиб кетди. Мен яшил атлас ёпқич кийган аёлнинг гира-шира шарпасини зўрға илғаб қолдим. Бошқа эшик ёпилди, сўнг даҳшатли, қўрқинч аралаш фарёд янгради.

Учта зинани биттада ҳатлаб босиб, юқори қаватга учиб чиқдим. Шунда ёруғлик тушиб турган эшик ортидан, унинг охиридан иккинчи бор аянчли нола эшилди.

Мен тор йўлакдан сакраб ўтиб, эшиклар ёнида тўхтаб қолдим ва хоналар ҳамда Дедрикнинг хонасига назар ташладим.

У қимиirlамай ётар, Серена эса тепасида энгашганча зўр бериб елкаларидан ушлаб, силкитарди.

– Ли! Ли! – деб қичқиради у. – Ли! Нималар қилиб қўйдинг? Азизим! Жавоб бер!

Мен хонага тезгина кириб бордим. Каравотда ётган кишига бир қараб, ўлганлигини билиш мумкин эди. Ўқ унинг чеккасига теккан, қон юзидан оқиб, оқ қўйлагига сачраган эди.

Серенанинг қўлидан ушлаб олдим.

– Ўзингизни босинг, – дедим мен. – Энди ҳеч қандай ёрдам бера олмайсиз.

У менга кескин ўгирилиб қаради. Кўзлари даҳшат билан боқарди. Сўнг йиғлашга тушди. Кўллари билан мени итаргандек бўлди, кейин кўзлари чараклади ва хушдан кетиб, қўлларимга йиқилиб тушди.

Мен Серенани пол устига ётқизиб, мурда устига энгашдим.

Каравотда, унинг ўнг кўли ёнида ўттиз саккизинчи калибрли автоматик «кольт» тўппончаси ётар, учидан тутун чиқиб турарди. Мурданинг юзида даҳшат қотиб қолган, бир нечта порох унинг оқ терисини куйдирган эди.

– Нима бўлди?

Мен бурилиб қарадим.

Остонада халат кийган Уэдлок турар, соchlари хурпайиб кетган эди.

– У ўзини отиб қўйди, – қисқагина жавоб бердим мен. – Дедрик хонимни бу ердан олиб кетишга ёрдам берсангиз.

Серенанинг устига энгашиб, қўлларимда кўтардиму, хонадан олиб чиқдим. Эшик оғаси четланиб, менга йўл берди, унинг ёноқлари бўзариб, пир-пир уча бошлади.

Мен Серенани зинапоядан пастга олиб тушиб, залдаги диванга ётқизиб қўйдим.

– Кўча томондаги эшикни очинг, тоза ҳаво кўпроқ кирсин, – дедим Уэдлок чироқни ёқсан пайтида.

У айвонга чиқувчи эшикни очгунча, мен бордоққа виски қўйиб, Серенанинг ёнига келдим. Диван ёнида тиз чўкканимда, у кўзини очди.

– Кўнглингизни чўқтирманг, ўзингизни эҳтиёт қилинг, – дедим унга. – Мана, бироз ичиб олинг.

У аччикланиб, қўлимни итариб юборди ва ўрнидан турди.

– Ли!

– Кулоқ солинг, энди унга ҳеч қандай ёрдам бера олмайсиз. Илтимос, кайфиятингизни бузманг.

Жеймс Хедли Чейз

У ўзини орқага, ёстиқ устига ташлаб, қўллари билан юзини яшириб олди.

– Ли, нега бу ишни қилдинг? – деб фарёд чекди эшитарли қилиб. – Нега? Нега, азизим?

Уэдлок яқин келиб, унга чор-ночор тикилди.

– Полицияни чақиринг, – деб буюрдим унга. – Бу ерда нима рўй берганини айтинг ва бошқа ишга халақит берманг.

– Мен тушунмаяпман, – талмовсиради Уэдлок гангигб қолганча. – Сиз бу ерда нима қиляпсиз? Қандай келиб қолдингиз?

– Бунинг аҳамияти йўқ. Полицияни чақиринг.

Чол нимадир демоқчи бўлди, ўйлаб кўрди шекили, қўлини силтаб, аста-секин юриб хонадан чиқиб кетди. У зиналарни босиб, юқорига кўтарилаётганини эшитдим.

– Мана, ичиб олинг, – яна Серенага мурожаат қилдим мен. – Сиз бардам бўлишингиз керак. Ҳозир бу ерга полициядан изқуварлар ёпирилиб келишади. Уни яширганингизни билиб қолишса, сизга ёмон бўлади.

Серена бордоқни олиб, озгина хўплади, титраб кетди-ю, бордоқни стол устига қўйиб деди:

– Нима учун? Мен ҳеч кимга айтмайман, полицияга хабар қилмайман, деб сўз бергандим. У кеча кечкүрун қайтиб келиб, ўзини ўғирлаб кетганлар қўлидан қочганини айтди. Агар бу ерда эканлигини билиб қолишса, ўлдириб юборишар экан. У ҳатто Уэдлокдан ҳам ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилди.

– Кимлар ўғирлаганини ҳам айтдими?

– Бўлмасам-чи! Баррет ва Пирелли-да, – жавоб берди Серена оғир нафас олиб. – Баррет Пиреллини олдинги ҳаётига нуқта қўймоқчи бўлгани учун ёллаб, уни ўлдирмоқчи бўлганини айтди.

Мен қўрқан гап ана шу эди. Серена полицияга ҳам худди шундай деб айтиши мумкин.

– У Пиреллини тилга олганига ишончингиз комилми?

Мен айвонда қандайдир ҳаракатни пайқаб, Мифлин келганини тахмин қилдим.

Серена юзини ўғирди:

– Бу гапни ўйлаб топишмнинг менга нима кераги бор? – деди у.

Эшикка яқин бордим. Айвонда Паула, Мэри Жером ва Мифлин туришарди. Мен лейтенантни имлаб, қизларга шу ерда қолиб, ҳозирча кўринмай туришни ишора қилдим.

Мифлин уйга қўрқа-писа, худди мушук иссиқ плита устида юргандай бир-бир босиб кирди.

Серена менга бурилиб қаради ва унга тикилиб қолди.

– Дедрик юқорида! – деб изоҳ бердим мен лейтенантга. – У ўзини отди.

Мифлин сўқинди ва залдан тезгина чиқиб, зина-поялардан юқорига кўтарилиди.

– У бу ерга қандай келиб қолди? – деб сўради Серена ва гёё бўғилиб қолгандай қўлини кўйлагининг ёқасига чирмаштирди.

– Жуда оддий. Мен Дедрик шу ерда яширган, деб тахмин қилгандим. Шунинг учун полиция лейтенанттига сим қоққандим.

– Сиз... сиз анови телефондан қўнғироқ қилдингизми?

Мен бош иргаб қўйдим.

– А-а-а, энди тушунарли! Ли, эҳтимол, сизнинг гапнгизни эшишиб қолган-у, шундан кейин ўзини отган.

Мен унга савол назари билан қарадим.

– Унга ўзини отиши нима учун керак эди?

Серена бошини эгди ва юзини ўгириди.

– Ахир уни полиция... қотилликда айблаб, ахтараёттанди-ку, шундай эмасми?

– Тўғри, аммо барчаси сиз айтгандек эмас. Мен Лининг хонасида бўлдим, аммо унда бир хил ўтказкичли телефон йўқ эди.

Серена бу гапга жавоб бермади.

Шунда менда яна бир фараз «йилт» этиб ўтгандай бўлди. Бу кеча мен тахминлар тўрига тушган эдим.

– У сизгача уйланганини билармидингиз? – деб сўрадим иложи борича хотиржам бўлишга уриниб.

Серена ғазабга тўлиб, бир тўлғаниб қўйди. Юзи жонсиз ниқоб қиёфасига кирди.

– Мен бу мавзуда галиришни истамайман.

– Менга эса сиз Дедрикнинг биринчи хотинини кўришни истаганга ўҳшаб кетдингиз. У айвонда кутмоқда.

Серена шиддат билан оёққа сакраб турди.

– Мен уни кўришни истамайман! Уйим остонасини босиб ўтишга ҳадди сиғмайди.

– Аммо у Дедрикни таний олади-ку! Барибир бу ерга киришига тўғри келади.

– Йўқ, унинг киришини ман этаман!

Серенанинг юзи бўзариб кетди, чарақлаган катта кўзлари эса бутунлай ич-ичига кириб кетгандай бўлди.

– Мен Дедрикни севаман! – давом этди ғазабга тўлиб қалтираган кўйи Серена. – Бу хотин унга суйкалишини асло истамайман.

Мен ойнаванд эшикка яқин бордим.

– Киринг, – деб Мэри Жеромни таклиф этдим. – Юқорига чиқинг ва эрингизни кўздан кечиринг. Бу аёлга эътибор берманг. Биламан, у нима учун хоҳла маётга...

Сүзларим бўғзимда қолди.

Серена холлининг нариги томонидаги ёзув столи ғаладонидан ниманидир тимирскилаб топди. Сўнг уни бизга ўқталди. Серенанинг қўлида кичкина автоматик тўппонча ялтирас эди.

– Жойингдан қимирлама!

Мэри эшик ёнида хотиржам турар, Серенага совуқ ва қаҳр билан қарап эди.

– Сиз нега бунча қўрқиб кетдингиз? – деб сўрадим мен сездирмай, у томонга сурилар эканман.

– Тўхтанг! Жойингиздан жилманг, бўлмаса отиб ташлайман!

У тепкини аста-секин босаётганини кўриб, тўхтаб қолдим.

– Ўточар қурол билан эҳтиёт бўлиб муомала қилинг, – деб огоҳлантиридим мен.

– Бу аёлни кўзимдан йўқотинг! Менинг Лиимга яқинлашишни хаёлига ҳам келтирмасин!

– Бу ерда нима бўляпти ўзи?

Хонага Мифлин қайтиб кирди.

Кўчада машина тормозларининг шовқини эшитилди, айвон бўйлаб оғир қадам товушлари гурсиллади – хонага сержант Макгроу икки полициячи ҳамроҳлигига кириб келди.

Серена дарҳол ўзини орқага ташлади. Аммо мен унинг ҳар бир қадамини кузатиб турардим. Серена тўппончани қандай кўтаргани, ўзининг кўкрагига тираганини пайқаб қолдим. Тўппончанинг учини кўксига тираганида нигоҳлари заҳаролуд эди. Мен бу вазиятни кутгандим, шунинг учун тўппонча отилиб кетишидан олдин, унга ташланиб, оёғидан чалиб йиқитдим.

Мифлин яшин каби олдинга интилиб, тиззалаң олди ва унинг қўлидан тўппончани тортишга улгурди.

Мен ўзимни чеккага олдим.

Серена ёнбош бўлиб ётар, бошини кафти билан маҳкам ушлаб, фарёд чекиб, нола қиласарди.

– Жароҳатланмадими ишқилиб? – сўради Мифлин оғир нафас оларкан.

Мен бош чайқаб, Серенадан анча нарида, полдаги ўқдан ўйилган жойни кўрсатдим.

– Лъянтилар, нима бўляпти ўзи бу ерда? – деб бо биллади Макгроу. – Нима гап?

– Уни юқорига олиб чиқинг, Дедрикни ўз кўзи билан кўрсинг, – дедим мен Мифлинга Мэри Жеромни кўрсатиб. – Гарчи ўзи билмаса-да, бу ерда нималар рўй берган бўлса, ҳаммасининг очқич калити ўшанинг қўлида.

– Аммо қандай... – деди Мифлин.

– Уни юқорига олиб чиқинг, – гапини бўлдим. – Майли, мен эмас, бу ерда нима бўлганини ўзи айтсин.

Мифлин елкаларини қисди ва Мэрига ортидан юришни ишора килди.

У Мифлинга эргашиб кетди. Мен эса Серенани кўтариб, диванга ётқиздим. У қўллари билан юзини беркитган, танаси эса овоз чиқармай чекаётган нола-фифонидан титрар эди.

Макгроу тишларини гижирлатди.

– Шундай қилиб, сен барибир бу жумбокни ечдинг, – истеҳзо билан кулди у. – Қани, ҳаммасини тўкиб сол-чи, қандай уddeладинг?

– Сенга бошқалар тўкиб солаверсин. – тўнгилладим мен ва Пауланинг ёнига йўл олдим.

– Вик, бу ерда нималар бўляпти? – деб сўради у.

– Күлларингизни дуога тайёрланг. Эҳтимол, энди Пиреллини турмадан олиб чиқармиз.

Биз тик турганча кутардик. Бир неча дақиқадан сўнг Мэри Мифлин ҳамроҳлигига пастга тушиб келди.

– Биласанми, – деди Мифлин ҳансираਬ, – у ерда Дедрик ётгани йўқ. Мэри, бу Льют Феррис деяпти.

Лейтенант Макгроуга қараб қолди.

– Сержант, сен Ферриснинг афту башарасини танийсан. Қани, юқорига чиқиб қара-чи, у ерда ким ётган экан?

Макгроу зинага йўл олди.

– У эса Дедрик деяпти, – Мифлин боши билан Серена томонни кўрсатиб. Серена ҳамон диванда юзларини беркитганича ётарди.

Мен бош ирғадим.

Бир пайт Макгроу панжара ортидан энгashiб, қичкириб юборди:

– Бу Феррис, аниқ шундай!

– Ундай бўлса, Дедрик қаерда? – сўради Мифлин.

– Сўранг, балки айтиб берар, – дедим мен Серенани кўрсатиб. – Менимча, конда ундан латта ва суяқ қолган, бош чаногида эса ўқ тешиги бор.

Бирдан Серена дивандан сакраб турди, унинг юзи оқариб кетган, кўзлари эса қатъият билан чақнарди.

– Дедрикни мен, мен отдим! – деди у зўрға эшлитиладиган овозда. – Феррисни ҳам мен ўлдирдим. Менга нисбатан қандай жазо қўлласангиз қўллайверинг. Менга ҳаммаси барибир.

Кечки оқшом соат бешда идорамиз эшиги зарб билан очилиб, хонага, бизнинг ҳузуримизга Тим Мифлин вазмин юриб келди.

Мен ўзимнинг оромкурсимда мук тушиб ўтирадим. Паула эса Керманнинг тўзиб кетган күшеткаси ёнида туарди. Керман эндигина Париждан қайтиб келган ва Паулага сарф-харажатлар хусусида ҳисоб берарди. Унинг харажатлари рўйхати тўнгич Жон Рокфеллернинг даромадидан ҳам катта эди.

– Бир зиёфат учун шампан виносига йигирма доллар! – деб хитоб қилди Паула рўйхатни ёрдамчимнинг юзи олдида силкитар экан. – Тағин ҳаммаси бир чақага қиммат. Ҳеч қандай ахборот йўқ. Ҳисоб-китобга яраша ҳеч вақо йўқ!

Керман ожизона қтулишга уринди.

– Нега менга бунча майда-чуйда билан ёпишиб олдинг ўзи? – деб зорланди у. – Йигит киши бироз кайфсафо қилмоқчи бўлган, шунга шунчами?

– Ҳа, Тим сенмисан? Кир, киравер! – хурсанд бўлиб қичқирдим мен ва сакраб туриб, ёқимли меҳмонга пешвоз чиқдим. – Ҳузуримизга келасан, деб ўйламагандим. Ўтири. Эй, Жек, мингирилашни бас қил, лейтенантга виски қуийб бер.

– У фақат шунга ярайди, холос, – кесатди Паула.

– Бу ерда менга озгина ишонишларини эшитиш ҳам ёқимли, – фахр билан деди Керман.

У күшетқадан туриб, шишалар билан машғул бўлди. Шу аснода Мифлин ҳам рўпарамдаги оромкурсига оғир чўқди.

– Иш нималар билан тугаганини билиш ҳамма учун қизиқарли бўлса керак, – деб гап бошлади у. – Қандай

күн бўлди ўзи – Брэндонга зарба берилди. – Мифлин кулиб юборди. – Серена билан ҳам иш силиққина битди. У ҳаммасига икрор бўлди. Қизиқ иш-да: хотинларни салгина бўш қўйдингми, асло тўхтата олмайсан.

– Эркаклар ҳам бундан кам эмас, – деб юмшоққина эътиroz билдириди Паула.

Мифлин қадаҳни қўлига олиб, менга кўз қисиб қўйди.

– Хўп, соғ-омон бўлайлик! – деди у. – Ажойиб! – У мамнун бўлганидан тилини тақиллатиб қўйди. – Менга шуниси етмай турганди ўзи. Гап бундай, Франкон Серенани ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган эди. У бой-бадавлат мижозлардан совға-салом ундириш қобилиятига эга. Мен Серенани полицияга олиб борганимда, у Пиреллининг хузурида экан. Менга Франконнинг дарров Серенага боғлангани ҳайрон қолдириди. Пиреллини бир соат олдин озод этишди. Брэндон-ку, бу ишни қилмоқчи эмасди, аммо иложи йўқ. Пирелли севгилиси билан кўришганидан кейин келиб учар экан, ўзи айтди. Майхўрлик менинг хисобимдан бошлансин, деди.

– Ажойиб бўпти! – хитоб қилиб юборди хурсандлигидан Керман. – Демак, бугун ресторанда кайф-сафо қиласар эканмиз-да.

– Ҳисоб-китобни, албатта, сен тўлайсан, – деб гап қистирди Паула.

– Серена сўроқда нималарни гапирганини эшитишни истайсанми? – деб менга мурожаат қилди Мифлин.

– Албатта.

– Сен Суюкининг ўлдирилиши билан қизиқиб қолганингда, ҳақиқатдан узоқда эмасдинг. Ҳаммаси ўшандан бошлиданди. Суюки бошиданоқ Дедрикни

Жеймс Хедли Чейз

кўргани кўзи йўқ эди. Дедрик Маршлендларникида, Нью-Йоркда бўлганида, Суюки сездирмасдан унинг машинаси юкхонасини кўздан кечиради ва контрабандачилик фаолиятига доир далиллар топади. Шу билан бирга Мэри Жеромга уйланганини билиб олади. Ўзининг кашфиёти тўғрисида Серенага гапириб бермоқчи бўлади, аммо ултурмайди, чунки у Дедрик билан шошилинч равишда шахримизга келиши керак эди. Шунда далилларни Серенанинг столи устида қолдиради. Уларни ўқиб кўрган Серена дарҳол самолётга ўтириб, Дедрикнинг ортидан учиб кетади. Улар «Оушен-энд»да учрашадилар. Суюки эса оқшом соат ўнда Дедрикнинг ёнига қайтиш учун «Орхид-отел»га йўл олади. Серена Дедрикни кўш хотинлик ва қаллобликда айблайди. Аммо Дедрик унинг устидан кулади ва сенга пулинг туфайли уйланганман, деб қўшиб қўяди. Афтидан, Маршлендлар билан бу тарзда гапириб бўлмайди. Ниҳоят Серена уни отиб ўлдиради.

Дедрик билан «Оушен-энд»да Баррет ва Ферриснинг учрашуви белгиланган эди. Улар қотиллик юз берганидан сўнг деярли бир неча сония кечикиб келишади ва Серенани жиноят содир этган ҳолатда учратиб қолишади. Баррет буларнинг барчасидан бойиш имкониятини англайди-ю, дарҳол фойдаланмоқчи бўлади. Полиция мазкур қотиллик тўғрисида билмагани учун у Серенани ўз қўлида тутиб турди. Баррет ўликни шахтада яширишни таклиф қилди, бунинг учун Серена пул тўлаши керак эди. Аёлнинг бошқа иложи қолмаган эди.

Феррис Дедрикнинг мурдасини ўзининг машинасига ортиб, уни конга яшириб қўяди. Бу кон Монте-вердида жойлашган. Баррет эса Серенани орқага,

аэропортта олиб боради. Сүнгра Баррет Феррис билан бирга ортга қайтиб, Суюкини кута бошлашади. Уни ўлдириб, Феррис сенга Дедрик деб ўзини танитиб, ўғрилик саңнасини ўйлаб топадилар.

Бу воқеа соат ўнда рўй берган, дейишади, ваҳоланки, Дедрик соат саккизда ўлдирилган эди. Шу билан у Серенанинг айбизлигини таъминлаган эди.

Қолганлари сенга маълум.

Феррис Баррет ҳалок бўлганини билгандан сўнг «Оушен-энд»га отланади ва Серенадан ўзини яширишни сўраб, уни қистайди. Серена ёндош уланган телефондан сенинг тунги сухбатингни эшитиб қолади. Бу гап-сўздан кейин борди-ю, Феррис қамалса, мени сотиб қўяди, деб уни бир умр индамасликка мажбур этади, гўё биз уни Дедрик деб ишонишимизга умид боғлади. Шу тариқа қалтис ўйин бошланади, бу режадагидек якун топиши мумкин эди. У хонага кириб яширинган бечора Феррисни орқа томонидан отди, ўз жонига қасд қилди, деб найранг ишлатди. Борди-ю, Мэри Жером бўлмаганида, ҳаммаси муваффақиятли тарзда тугаши мумкин эди...

- Бундай деб ўйламайман... Уэдлок Серенанинг масъулиятдан ҳалос бўлишига асло йўл қўярмиди? У Дедрикни юзидан танир эди. Шу билан бирга Серена хатога йўл қўйди. Аслида Феррис бўлган Дедрик дегани ўз хонасидаги телефони орқали мени эшитган бўлиб чикди, ваҳоланки, унинг хонасида ҳеч қандай телефон йўқлигини билардим. Ана шу ҳолат мени сергаклантирди ва Серена учун муҳим вазиятда нега уни отиш зарур бўлиб қолди, деб сўрашга мажбур этди мени. Энди унга нима бўлади, Тим?

Мифлин елкаларини қисди.

Жеймс Хедли Чейз

– Ҳа, Франконининг қанотлари остида унга ҳеч гап бўлмайди. Ҳар ҳолда пулнинг кучи қандай бўлишига қойил қолмай илож йўқ!

– Ҳатто Франкон ҳам уни қутқариб қололмайди, деб ўйлайман. Мэри Жером нима бўлади?

– Ҳеч нарса. Уни ҳеч нимада айблай олишмайди. У эмин-эркин аёл ва бизнинг асосий гувоҳимиз. – Мифлин оромкурсидан турди. – Хўп, энди мен кетишм керак. Пирелли полициячилар билан учрашиши ёқтирмаса керак, шунинг учун бу ердалигим билан унинг кайфиятини бузмайман.

Мифлин кетгач, Керман бепарволик билан сўради:

– Пиреллининг маъшуқаси чиройлими?

– У қандай бўлмасин, сенга ҳеч қандай алоқаси йўқ, – деб гапга аралашди Паула яна ҳисоботга рўйхатни илова қиласр экан. – Сен, яххиси, мана бу харажатни тушунтириб бер – атир учун эллик доллар деганинг нимаси?

Мен Керманнинг жўшқин, аммо кам даражада ишонтира оладиган изоҳларини эшитганча ҳузурланаб яна юмшоқ оромкурсига ўтирдим.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим	3
Иккинчи бўлим.....	43
Учинчи бўлим	78
Тўртинчи бўлим	123
Бешинчи бўлим	161
Олтинчи бўлим	201
Еттинчи бўлим	242
Саккизинчи бўлим	278

Адабий-бадиий нашр

Жеймс Хедли Чейз

ДАНФИЛЛАМА ХОВЛИДАГИ ЎЛИМ

Детектив роман

Муҳаррир: Анвар Намозов

Бадиий муҳаррир: Ўтқир Тожибоев

Техник муҳаррир: Иномжон Ўсаров

Мусаххих: Нодира Шомуродова

Нашриёт лицензияси: № AI 255, 31.12.2014.

Теришга берилди: 05.01.2020.

Босишига берилди: 30.01.2020.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$.

Cambrіа гарнитураси. Офсет босма.

Шартли б.т.: 12,3. Ҳисоб-нашриёт т.: 15,9.

Адади: 5000 нусха.

Буюртма № 60.

«Yangi kitob» нашриётида нашрга тайёрланди.

100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани


Чилонзор даҳаси 13-мавзе 45-үй.

Тел.: (+99891) 132-36-64, (+99890) 992-35-01

e-mail: yangikitob@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлигининг Faғұр Гулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86 уй.



Жеймс Хэдли Чейз

(1906 – 1985) — инглиз ёзувчisi, 90 га якин детектив романлар муаллифи. Жеймс Л.Догерти, Реймонд Маршалл, Эмбров Грант таҳаллуслари билан ҳам ижод қилган. Чейз романлари ханузгача кўлма-қўл бўлиб ўқилади. Кўплаб асарлари экранлаштирилган.

Муаллиф романлари шунинг учун жозибалики, у ўқувчини нюхоятда кизиктириб кўяди. Каҳрамонлар бир қадар чигал, боши берк кўчага кириб коладилар. Вокеа-ходисалар шиддатли тус олиб, турли-туман мухитда кечади. Детектив романларга хос саргузаштлар оқимида каҳрамонлар хаёти талотўпладарга гирифтор бўлади.

Чейз жиноят дунёсининг чиркинлигини кўрсатиш оркали каҳрамонларнинг ички дунёсини очиб беради. Вокеалар, албатта, саргузаштлар гирдобида кечади. Кўлингиздаги «Дангиллама ховлидаги ўлим» романини ўқиб, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

16+



ISBN 978-9943-6327-4-5



9 789943 632745